

# **АТ-ТАЙСИР ФИ УСУЛИТ ТАФСИР**

**(Тафсир усулини енгиллаштириш)**

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

# **АТ-ТАЙСИР ФИ УСУЛИТ ТАФСИР**

**(Тафсир усулини енгиллаштириш)**

**(Бақара сураси)**

**Иккинчи қисм**

**Ато ибн Холил Абу Рушта**

## Биринчи пора, иккинчи қисм, тўртинчи чорак

### بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿ وَإِذْ أَبْتَلَ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَتٍ فَأَتَمَهُنَّ ﴾ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا قَالَ وَمَنْ ذُرِّيَّنِي قَالَ لَا يَنْالُ عَهْدِي الظَّلَمِينَ ﴿ ٢٤ ﴾ وَإِذْ جَعَلْنَا الْبَيْتَ مَثَابَةً لِلنَّاسِ وَأَمَّا وَاتَّخِذُوا مِنْ مَقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلَّى وَعَهِدْنَا إِلَى إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ أَنْ طَهَرَا بَيْتَ لِلْطَّاهِيرَيْنِ وَالْعَكْفِيْنِ وَالرُّكْعَعِ السُّجُودِ ﴿ ٢٥ ﴾ وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّي أَجْعَلْ هَذَا بَلَادًاءَ امْنًا وَأَرْزُقْ أَهْلَهُ مِنَ الْثَّمَرَاتِ مَنْ ءَامَنَ مِنْهُمْ بِاللَّهِ وَالْيَوْمَ الْآخِرِ قَالَ وَمَنْ كَفَرَ فَأَمْتَعْهُ قَلِيلًا ثُمَّ أَضْطَرْهُ إِلَى عَذَابِ النَّارِ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴿ ٢٦ ﴾ وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ مِنَ الْبَيْتِ وَإِسْمَاعِيلُ رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ الْسَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿ ٢٧ ﴾ وَاجْعَلْنَا مُسْلِمِينَ لَكَ وَمَنْ ذُرِّيَّنَا أُمَّةً مُسْلِمَةً لَكَ وَأَرِنَا مَنَا سَكَنَّا وَتُبْ عَلَيْنَا إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَابُ الرَّحِيمُ ﴿ ٢٨ ﴾ رَبَّنَا وَابْعَثْ فِيهِمْ رَسُولًا مِنْهُمْ يَتَلَوَّ عَلَيْهِمْ إِيَّاكَ وَيَعْلَمُهُمُ الْكِتَبَ وَالْحِكْمَةَ وَبِرِّكِيهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿ ٢٩ ﴾ وَمَنْ يَرْغَبُ عَنْ مِلَّةِ إِبْرَاهِيمَ إِلَّا مَنْ سَفَهَ نَفْسَهُ وَلَقَدْ أَصْطَافَيْنَاهُ فِي الدُّنْيَا وَإِنَّهُ دِيْنُ الْآخِرَةِ لَمَنْ أَلْصَابِيحِينَ ﴿ ٣٠ ﴾ إِذْ قَالَ لَهُ رَبُّهُ أَسْلِمْ قَالَ أَسْلَمْتُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿ ٣١ ﴾ وَوَصَّى هَاهُ إِبْرَاهِيمُ بَنِيهِ وَيَعْقُوبُ يَسِّيَّ إِنَّ اللَّهَ أَصْطَافَنِي لَكُمُ الْأَدِينَ فَلَا تَمُوتُنَ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ ﴿ ٣٢ ﴾ أَمْ كُنْتُمْ شُهَدَاءَ إِذْ حَضَرَ يَعْقُوبَ الْمَوْتُ إِذْ قَالَ لِبْنِيهِ مَا تَعْبُدُونَ مِنْ بَعْدِي قَالُوا نَعْبُدُ إِلَهَكَ وَإِلَهَنَا إِبَابِيكَ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ إِلَهَهَا وَاحِدًا وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ ﴿ ٣٣ ﴾ تِلْكَ أُمَّةٌ قَدْ حَلَّتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلَكُمْ مَا كَسَبْتُمْ وَلَا تُسْأَلُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿ ٣٤ ﴾ وَقَالُوا كُونُوا هُودًا أَوْ نَصَارَى تَهْتَدُوا قُلْ بَلْ مِلَّةٌ

إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٦﴾ قُولُوا إِمَّا بِاللَّهِ وَمَا أَنْزَلَ إِلَيْنَا وَمَا أَنْزَلَ  
 إِلَى إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَمَا أُوتِيَ مُوسَى وَعِيسَى وَمَا أُوتِيَ  
 الْبَيْوَنَ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ ﴿١٧﴾ فَإِنْ إِمَّا  
 بِمِثْلِ مَا إِمَّا مِنْتُمْ بِهِ فَقَدِ اهْتَدَوْا وَإِنْ تَوَلُّوْا فَإِنَّمَا هُمْ فِي شِقَاقٍ فَسَيَكْفِيَهُمْ اللَّهُ  
 وَهُوَ أَلَّا سَمِيعُ الْعَالِمِ ﴿١٨﴾ صِبَاغَةُ اللَّهِ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ صِبَاغَةً وَنَحْنُ لَهُ عَبْدُونَ  
 قُلْ أَتُحَاجِّوْنَا فِي اللَّهِ وَهُوَ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ وَلَنَا أَعْمَلُنَا وَلَكُمْ أَعْمَلُكُمْ وَنَحْنُ لَهُ  
 مُخْلِصُونَ ﴿١٩﴾ أَمْ تَقُولُونَ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطَ  
 كَانُوا هُودًا أَوْ نَصَارَى قُلْ إِنَّمَا أَعْلَمُ أَمِّ اللَّهِ وَمَنْ أَظَلَّمُ مِمَّنْ كَتَمَ شَهَادَةَ عِنْهُ  
 مِنَ اللَّهِ وَمَا اللَّهُ بِغَنِيلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٢٠﴾ تِلْكَ أُمَّةٌ قَدْ خَلَتْ هَامَّا مَا كَسَبَتْ وَلَكُمْ  
 مَا كَسَبْتُمْ وَلَا تُسْأَلُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٢١﴾

– „124. Эсланг: *Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида уларни бенуқсон ҳолда адо этди.*  
*Шунда* (Аллоҳ Таоло): «Албатта Мен сени одамларга имом қилгувчи дирман», деди. «Зурриётимни ҳам-а?» — деб сўради у. (Аллоҳ Таоло) айтди: «Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди». 125. Эсланг: «Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик ва Иброҳимнинг (Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтида) турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг, (дедик) ва Иброҳим билан Исмоилга: «Менинг байтилни тавоғ қилгувчилар, ўша ерда ибодат қилиб турувчилар, руку — сужуд эгалари учун пок тутинг», деб буюрдик. 126. Эсланг: *Иброҳим*: «Эй Парвардигор, бу шаҳарни тинч шаҳар қилгин ва унинг аҳларидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларини турли мевалар билан ризқлантиргин», деганида, Аллоҳ Таоло: «Коғирларни ҳам бир оз фойдалантириб, сўнгра дўзах азобига дучор қиламанки, бу энг ёмон оқибатдир», деди. 127. Эсланг: *Иброҳим* Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб (дедилар): «Парвардигоро, биздан (ушибу қилган амалимизни) ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, сен эшиштгувчи,

*билгувчисан! 128. Парвардигоро, бизни Ўзингга бўйсунгувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга итоат қиласидиган кишилар чиқаргин. Ва бизга (қиласидиган) ибодатларимизни ўргатгин ва тавба-тазарруларимизни қабул эт! Шубҳасиз, сен тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлисан. 129. Парвардигоро, уларнинг орасига ўзларидан бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, Китоб ва Ҳикматни (Куръон ва Ҳадисни) ўргатадиган ва уларни покладиган бир пайгамбарни юбор! Шубҳасиз, сен қудрат ва ҳикмат соҳибисан». 130. Иброҳимнинг динидан фақат енгилтакларгина юз ўғирадилар. Ҳақиқатан дунёда уни танлаб олдик ва у Охиратда шубҳасиз солих (яқинларимиздан)дир. 131. Эсланг: Парвардигори унга: «Бўйсун!» — деганида: «Бутун оламлар эгасига бўйсундим», деди. 132. Иброҳим, у билан бирга Яъқуб ҳам болаларига шу динни васият қилиб дедилар: «Ўғилларим, албатта Аллоҳ сизлар учун шу динни танлади. Бас, мусулмон бўлган ҳолингиздагина дунёдан ўтинг!» 133. (Эй яхудийлар) ёки Яъқубга ўлим келгач, у ўғилларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» — деганида: «Сенинг тангринг ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг тангриси бўлмиши ягона Аллоҳга ибодат қиласиз ва бизлар фақат Унинг ўзигагина бўйсунувчилармиз», деб жавоб қилганларига гувоҳ бўлганмисизлар? 134. Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амалларингиз ўзларингиз учундир. Ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсиз. 135. Яхудий ёки насроний бўлинг, ҳидоят топасиз, дедилар. (Яъни, яхудийлар яхудий бўлинг, деди, насронийлар насроний бўлинг, деди). (Айтинг: Эй Муҳаммад), балки биз ҳақ йўлдан тойилмаган, мушириклардан бўлмаган Иброҳим динига эргашамиз. 136. Айтингиз (эй мўминлар), Аллоҳга ва бизга нозил қилинган Китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқубга ва ўша ург-авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исога берилган нарсаларга ва барча пайгамбарларга Парвардигор тарафидан берилган нарсаларга ишондик. Биз улардан бирор тасини ажратиб қўймаймиз ва биз у Зотга (Аллоҳ Таолога) бўйсунувчилармиз. 137. Энди агар улар (яъни, аҳли китоблар) сизлар имон келтирган нарсаларга имон келтирсалар, ҳақ йўлни топибдишлар. Агар юз ўғирсалар, у ҳолда, шубҳасиз, сизларга нисбатан гина ва адоватлари бордир. Уларнинг ёмонлигидан сизга (эй Муҳаммад), Аллоҳнинг Ўзи етарлидир. У эшитгувчи, билгувчиидир. 138. Аллоҳнинг ранги-ла (рангинмиз). Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг бергувчи борми? Бизлар унгагина ибодат қилгувчилармиз. 139.*

*Айтинг* (эй Мұхаммад), *бизнинг ҳам, сизнинг ҳам Парвардигорингиз бўлган Аллоҳ хусусида биз билан жсанжаллашасизми? Ҳолбуки, бизнинг қилган амалимиз ўзимиз учун, сизнинг қилган амалингиз ўзингиз учун-ку? Биз фақат унгагина ихлос қўювчилармиз.* 140. Ёки Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъкуб ва ўша ург-авлод яхудий ё насроний бўлган, дейсизми? Айтинг (эй Мұхаммад), Уларнинг динларини сизлар яхшироқ биласизми ёки Аллоҳми? Ўзи биладиган гувоҳликни Аллоҳдан яширган кимсадан ҳам золимроқ одам борми? Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмас.

141. Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амалингиз ўзингиз учундир ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсиз”.

[2:124:141]

### Тафсир:

﴿وَإِذْ أَبْتَلَ إِبْرَاهِيمَ رَبِّهُ بِكَلْمَتٍ فَأَتَمَّهُنَّ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا قَالَ وَمَنْ ذُرَيَّتِي قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّلَمِينَ﴾

— „124. Эсланг: *Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида уларни бенуқсон ҳолда адо этди. Шунда* (Аллоҳ Таоло): «*Албатта Мен сени одамларга имом қилгувчи дирман*», деди. «*Зурриётимни ҳам-а?*» — деб сўради у. (Аллоҳ Таоло) *айтди*: «*Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди*»».

[2:124]

1 — Аллоҳ Таоло бизга Ўзининг Иброҳим  у кишига ваҳий қилган калималар билан синагани хусусида хабар беряпти. Аллоҳ у кишини синаш учун бир неча ишларга буюрди ва бир неча ишлардан қайтарди. Иброҳим  Аллоҳнинг буйруқ ва тақиқларини бекаму кўст бажарди ва бунга Аллоҳнинг Ўзи Гувоҳ бўлди.



— „*Ва унга (аҳдига) вафодор зот бўлган Иброҳимнинг...*“.

[53:37]

2 — Шундан сўнг Аллоҳ Таоло Иброҳим  ўз вазифасини мукаммал бажаргани учун мукофот тарзида у кишини одамларга имом-пешво қилди.

Имом сўзи етакчилик қилиш маъносини англатади. Шунинг учун бинонинг арқони учун ҳам, йўл учун ҳам шу сўз қўлланади. Яхшилигу ёмонликда пешво бўлган кишига нисбатан ҳам шу сўз ишлатилган.

﴿إِنَّ جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا﴾

(Албатта Мен сени одамларга имом қилгувчи дирман). Бу яхшилиқда пешво бўлишга мисол.

﴿وَجَعَلْنَاهُمْ أَئِمَّةً يَدْعُونَ إِلَى الْنَّارِ﴾

– „Ва уларни, (динсиз кимсаларни) дўзахга чорлаб турадиган пешволар қилиб кўйдик. Киёмат кунида ҳам уларга ёрдам берилмас“. [28:41]

Буниси ёмонлиқда пешво бўлишга мисол.

3 – Аллоҳ Иброҳим ﷺ синаган пайтида у киши пайғамбар бўлган. Бунга қарина

﴿بِكَلِمَتِ فَاتَّمَهُنَّ﴾

деган иборадир. Яъни, шу синов пайтида у кишига ваҳий келиб турган. Демак, у киши ﷺ синов келган пайтида пайғамбар бўлганлар.

4 – Модомики, юқорида айтиб ўтганимиздек, (إماماً) сўзи яхшилик борасида етакчилик қилиш маъносини ҳам англатар экан, демак, бу гапдан Аллоҳ Таоло Иброҳим ﷺ синаганидан кейин у кишини фақат пайғамбаргина қилиб қўймай, у кишига пайғамбарлик билан бирга имомликни-пешволикни ҳам берди. Яъни, у киши ҳам дунёвий ва ҳам диний ишларда ўз қавмига пешволик қилди.

5 – Аллоҳ Иброҳим ﷺ синовдан кейин рисолатни бергач, у киши ўзининг зурриёти хусусида, яъни, у кишига берилган нарса зурриётига ҳам берилиши хусусида сўради.

﴿وَمَنْ ذُرَيْتِ﴾

(Зурриётимини ҳам-a?). Аллоҳ у кишига Ўзининг аҳди яъни, рисолатнинг берилиши золимларга тегишли бўлмаслигини билдириди. Бу ерда Иброҳим ﷺ зурриёти орасидан золимлар ҳам чиқишига ишора бор.

﴿وَبَرَكْنَا عَلَيْهِ وَعَلَى إِسْحَاقَ وَمَنْ ذُرَيْتَهُ مُحْسِنٌ وَظَالِمٌ لِنَفْسِهِ مُبِينٌ﴾

– „Ва (Иброҳимга) ҳам, Исҳоқка ҳам (дину дунёларида) баракот бердик. Уларнинг зурриётидан чиройли амал қилгувчи ҳам, ўз жонига очиқ жабр қилгувчи ҳам бўлур“. [37:113] Зулм нарсани ўз ўрнига қўймаслиkdir. Нарсани ўз ўрнига қўймаган киши золимdir.

﴿وَإِذْ قَالَ لُقْمَانُ لِأَبْنِيهِ وَهُوَ يَعِظُهُ رَبِّنِي لَا تُشْرِكُ بِاللَّهِ إِنَّ الْشِرْكَ كَلْطَمٌ﴾

### ﴿عَظِيمٌ﴾

— „Эсланг, Луқмон ўғлига панд-насиҳат қилар экан, деган эди: «Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк келтириши катта зулмдир»“. [31:13]

Бу ақидадаги зулм.

﴿وَلَا مُسِكُوهُنَّ ضَرَارًا لِتَعْتَدُوا وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُ﴾

— „Уларга зулм қилиши билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз. Ким шундай қылса ўзига зулм қилибди“ [2:231]

Бу шаръий ҳукмдаги зулм. Яғни, зулм ақидада ҳам, шаръий ҳукмларда ҳам бўлиши мумкин. Аллоҳнинг рисолат ҳақидаги аҳдидан Иброҳим ؏ зурриёти орасидаги золимлар мустаснодирлар.

﴿لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ﴾

(Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди).



﴿وَإِذْ جَعَلْنَا الْبَيْتَ مَثَابَةً لِلنَّاسِ وَأَمْنَا وَاتَّخِذُوا مِنْ مَقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلَّى وَعَهْدِنَا إِلَىٰ﴾

﴿إِبْرَاهِيمَ وَسَمَاعِيلَ أَنْ طَهَرَا بَيْتَ لِلَّهِ فِينَ وَالْعَكَفِينَ وَالرُّكْعَعِ السُّجُودِ﴾

— „125. Эсланг: «Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик ва Иброҳимнинг (Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтида) турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг, (дедик) ва Иброҳим билан Исмоилга: «Менинг байтимни тавоғ қилгувчилар, ўша ерда ибодат қилиб турувчилар, руку — сужуд әгалари учун пок тутинг», деб буюрдик“ [2:125]

1 — Аллоҳ Таоло Байтул Ҳаромни икки сифат билан тавсифляяпти. Улардан бири (матаба зиёратгоҳ) яғни, ҳар йили одамлар ҳеч қандай мақсадлари бўлмаса ҳам келадиган жой. Бир келган одам уни тавоғ қилиб бўлмай туриб, яна бир келишни орзу қилиб қолади.

﴿رَبَّنَا إِنِّي أَسْكَنْتُ مِنْ ذُرَيْتِي بِوَادٍ غَيْرِ ذِي زَرْعٍ عِنْدَ بَيْتِكَ الْمُحَرَّمِ رَبَّنَا لِيُقِيمُوا  
الْأَصْلَوَةَ فَاجْعَلْ أَفْغَدَةً مِنَ النَّاسِ تَهْوَى إِلَيْهِمْ﴾

— „Парвардигоро, албатта мен зурриётимдан (бир бўлагини — ўглим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни) Сенинг Хурматли Байтинг ҳузуридаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим. Парвардигоро, (улар) намозни тўкис адо қилсинлар деб (шундай қилдим). Бас, Сен Ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйгили“ [14:37]

Иккинчиси **минч жой** (آمن، يَأْمَنُ وَأَمْنًا) бу (آمن، يَأْمَنُ وَأَمْنًا) феълининг масдари. Масдар муболага учун исми фоилнинг ўрнига келган. У Аллоҳ Таолонинг мана бу оятига ўхшайди:

﴿أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّا جَعَلْنَا حَرَمًا ءَامِنًا وَيُتَحَظَّفُ الْنَّاسُ مِنْ حَوْلِهِمْ﴾

— „Улар ўзларининг атрофларидан одамлар талон-торожега дучор бўлаётгани ҳолда Биз Ҳарамни (яъни Маккани) **минч осоийшишта қилиб қўйганимизни кўрмадиларми?!**“ [29:67] Жоҳилият даврида одамлар унга қочиб киришиб, тинч бўлишган, асир олинишмаган. Кимdir унинг ичида акасининг ёки отасининг қотилини учратиб қолса ҳам то ташқарига чиқмагунича унга қарши ҳеч иш қилмаган.

Бу муборак оятда Аллоҳ Таоло уйни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилиб берганлигини баён қиляпти. Одамлар сўзи умумий маънода бўлиб, ҳамма одамларга тегишлидир. У бирон бир муайян ҳолат билан хослаш учун ҳужжат керак бўлади. «Пайғамбар ﷺ нинг бир неча кишиларнинг қонини агарчи Каъба пардаларига осилиб олган бўлсалар ҳам тўкиши...».<sup>1</sup> Ҳақидаги ҳужжат каби. Бу иш фатҳ пайтида юз берганди. Шундай қилиб, бу ердаги тинчлик ҳамма одамларга тааллуқли. Уни хослаш учун саҳиҳ ҳужжат керак бўлади.

2 — Аллоҳ Таоло Иброҳимнинг турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинглар, деб буюряпти.

﴿وَأَتَخِذُوا مِنْ مَقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلِّ﴾

(Ва Иброҳимнинг (Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтида) **турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг**). Ибн Умар ҳадисида келади: «Пайғамбар ﷺ Умар ибн Хаттобнинг қўлидан ушлаб, эй Умар,

<sup>(1)</sup> Сийрати Ибн Ҳишом: 4/51.

мана бу Иброҳимнинг турган ўрнидир, деганлар. Шунда Умар, уни намозгоҳ қилиб олмаймизми, деди. Пайғамбар ﷺ ҳали бунга буюрилганим йўқ, дедилар.<sup>2</sup> Қуёш ботгач, Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилди:

﴿وَأَخْنَدُوا مِنْ مَقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلِّ﴾

**(Ва Иброҳимнинг (Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтида) турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг).**

Бугунги кунда Иброҳим ﷺ нинг турган ўрни таниқли жой, бир тош. Ҳожилар бу тошни жуда яхши танийдилар. Дастрлабки келиш тавофида юқоридаги ҳадисга биноан, у ерда туриб икки ракат намоз ўқиёдилар. Муслим ҳам Жобир رضдан мана бу ҳадисни чиқарган: «Пайғамбар ﷺ тавофдан бўшаганларидан кейин Иброҳим мақомига бориб, унинг ортида икки ракат намоз ўқидилар. Ва оятни ўқидилар».<sup>3</sup>

(مَقَامٌ) бу сўз луғатда қадам ўрни яъни, қадам турган жой маъносини англатади. (قَامَ، يَقُومُ) феълининг масдари.

Иброҳим ﷺ қадамининг изи Ҳарамдаги ўша бизга таниш бўлган тошга тушган. Хўш, бу тошнинг ўзи қандай тош? Бу ҳақда турли ривоятлар бор. Мен рожиҳроқ деб билган гап шуки, Иброҳим ﷺ уйнинг қурилиши юқорига кўтарилигач, оёғининг остига тош қўйиб олиши лозим бўлиб қолган. Мана шу қўйилган тош бугунги кундаги ўша машҳур тош бўлса керак, деб биламан.

3 –

﴿وَعَهْدَنَا إِلَى إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ أَنْ طَهِّرَا بَيْتَنَا لِلطَّاهِيفِينَ وَالْعَكْفِينَ وَالرُّكْعَيْعِ﴾

﴿السُّجُودُ﴾

**(Ва Иброҳим билан Исмоилга: «Менинг байтимни тавоф қилгувчилар, ўша ерда ибодат қилиб турувчилар, руку — сужуд эгалари учун пок тутинг», деб буюрдик). Яъни, Иброҳим ва Исмоилга уйни қуринглар ва уни Аллоҳ айтиб ўтган кимсалар учун холис қилинглар, деб ваҳи қилдик.**

﴿لِلطَّاهِيفِينَ وَالْعَكْفِينَ وَالرُّكْعَيْعِ﴾

(2) Бухорий: 4123, Муслим: 4412, Тафсири Табарий: 1 / 534.

(3) Муслим: 2137, Ибн Можа: 997, 2951, Тафсири Табарий: 1 / 535.

(Менинг байтимни тавоф қилгувчилар, ўша ерда ибодат қилиб турувчилар, руку — сужуд әгалари учун). Токи, бошқалар уни ўраб олмасин, унга аралашмасин.

(عَهْدُهَا إِلَيْهِ). Яъни, тавсия қилдик, топшириқ бердик, тайинладик маъноларида. Бу сўз ила ҳарфи билан бирга келганда тавсия қилиш, тайинлаш маъноларини англатади.

(أَنْ طَهَّرَ) изоҳлаб келадиган (أَيْ) яъни) маъносида.

(أَنْ طَهَّرَ пок тутинг). Яъни, уни тавоф, ибодат, руку ва сажда қилувчилар учун пок қилиб қуринглар. Биз бу ерда пок сўзини мажозий маънода холис қилиб қуринглар, дедик. Негаки, уй қурилган жойда ҳали ҳеч ким яшамаганди, унда тозаланиши керак бўлган санамлар ҳам, ахлатлар ҳам ҳали йўқ эди.

﴿رَبَّنَا إِنِّي أَسْكَنْتُ مِنْ ذُرِّيَّتِي بِوَادٍ غَيْرِ ذِي رَزْعٍ عِنْدَ بَيْتِكَ الْمَحْرَمَ﴾

— „Парвардигоро, албатта мен зурриётимдан (бир бўллагини — ўғлим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни) Сенинг Ҳурматли Байтинг хузуридаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирудим“. [14:37]

(تَوَفَّى طَهَّارٌ لِلطَّاهِيفِينَ) тавоф қилгувчилар учун). Уйни тавоф қиладиган кимсалар.

(وَالْعَكِيفِينَ) ибодат қилиб турувчилар). Ибодат билан машғул бўлиш учун у ерда истиқомат қиладиганлар.

(وَالرُّكْنَى سُجُود) руку-сужуд әгалари). Намоз ўқийдиганлар.

Оятнинг тўла маъноси мана бундай: Биз Иброҳим ва Исмоилга уйни тавоф, эътикоф ва намоз учун холис қилиб қуринглар, деб тайинладик.

﴿وَعَهْدُنَا إِلَى إِنْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ﴾

(Ва Иброҳим билан Исмоилга буюордикки) ояти Ҳаж сурасидаги

﴿وَإِذْ بُوَانًا لِإِبْرَاهِيمَ مَكَارَ الْبَيْتِ﴾

— „(Эй Мұхаммад), эсланг Биз Иброҳимга Байтуллоҳнинг ўрнини (ўша уйга қараб ибодат қилиши ва уни обод қилиши учун) белгилаб бериб“. [22:26]

оятига зид эмас. Ҳаж сурасида Иброҳим Ҳажнинг ёлғиз ўзи зикр қилинган. Аллоҳ у кишига уйнинг қуриладиган жойини билдирияпти. (بُوَانًا) яъни, уйнинг ўрнини тайёрлаб қўйдик. Бу ибора Аллоҳ Таолонинг Иброҳим Ҳажга уйнинг ўрнини билдириб

қўйишидан киноя. Бу оятда эса иш уйни қуриш устида кетяпти. Аллоҳ Иброҳим ва Исмоил ларга уни қуришни тайинлаяпти. Нариги иш билан бу иш бошқа-бошқа ишлардир. Бу оятда Иброҳим ва Исмоил лар тилга олиниши билан Ҳаж сурасидаги фақат Иброҳим нинг тилга олиниши ўртасида зиддият йўқ. Чунки улардаги ишлар бошқа-бошқа ишлардир.



**﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّي أَجْعَلَ هَذَا بَلَدًا إِمَانًا وَأَرْزُقْ أَهْلَهُ مِنْ أَنَّثَمَرَتِ مَنْ إِمَانٌ مِنْهُمْ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ﴾**  
**قالَ وَمَنْ كَفَرَ فَأُمْتَعْهُ قَلِيلًا ثُمَّ أَضْطَرْهُ إِلَى عَذَابِ النَّارِ**  
**وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴾**

– „126. Эсланг: *Иброҳим: «Эй Парвардигор, бу шаҳарни тинч шаҳар қилгин ва унинг аҳларидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларини турли мевалар билан ризқлантиргин», деганида, Аллоҳ Таоло: «Кофиirlарини ҳам бир оз фойдалантириб, сўнгра дўзах азобига дучор қиласанки, бу энг ёмон оқибатdir», деди“.* [2:126]

1 – Иброҳим ўз оиласини ташлаб кетган шаҳарни тинч қилишини, унинг аҳлига ризқ беришини Аллоҳдан сўраб дуо қиласди. Лекин у киши ўз дуосида фақат Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган кишиларнигина тилга олади. Бу ердаги

**﴿مَنْ إِمَانَ مِنْهُمْ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ﴾**

(ва унинг аҳларидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларини) ибораси (أَهْلَهُ)<sup>дан</sup> бадали баъздир, яъни унинг бир қисмидир.

2 – Аллоҳ Таоло Иброҳим нинг дуосини ижобат қилди ва ризқ беришига (وَمَنْ كَفَرْ)(ни) ҳам қўшиб қўйди. Улар бу дунёдангина фойдаланадилар. Бу дунё ҳар қанча бўлмасин, охират билан солиштирилганда жуда оздир, арзимасдир. Мана шу озгина фойдаланишдан кейин уларнинг борадиган жойи дўзах бўлади.

Аллоҳ Ўз фазли ила бу дунёда ҳамма одамларга, мўминларга ҳам, кофиirlарга ҳам ризқ бераверади. Ундан кейин ҳамманинг энг муносиб жазосини ҳам беради. Мўминлар учун жаннат, кофиirlар учун эса жаҳаннам.

﴿مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْعَاجِلَةَ عَجَلْنَا لَهُ فِيهَا مَا نَشَاءَ لِمَنْ نُرِيدُ ثُمَّ جَعَلْنَا لَهُ جَهَنَّمَ يَصْلَلَهَا مَذْمُومًا مَذْحُورًا ﴿٤٠﴾ وَمَنْ أَرَادَ الْآخِرَةَ وَسَعَى لَهَا سَعْيَهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَئِكَ كَانَ سَعْيُهُمْ مَشْكُورًا ﴿٤١﴾ كُلًاً نُمْدُ هَوْلَاءِ وَهَوْلَاءِ مِنْ عَطَاءِ رَبِّكَ وَمَا كَانَ عَطَاءُ رَبِّكَ محْظُورًا﴾

– „Ким нақд (дунё)ни қўзловчи бўлса, Биз (шу дунёда улардан) Ўзимиз истаган кимсалар учун Ўзимиз хоҳлаган нарсани нақд қилиб берурмиз. Сўнгра (яъни, охиратда) унинг учун ўзи мазаммат ва қувгинга дучор бўлган ҳолда кирадиган жасаҳнамни жой қилиб берурмиз. Ким охиратни истаса ва мўмин бўлган ҳолида (охиратга лойик) саъй-ҳаракат қилса, бас, ундаи зотларнинг саъйлари (Аллоҳ наздида) мақбул бўлур. (Эй Муҳаммад, бу дунёда одамларнинг) барчаларига — мана бу (мўмин)ларга ҳам, аnavи (коғифр)ларга ҳам Парвардигорингизнинг неъматидан ато этурмиз. Парвардигорингизнинг неъмати (ҳеч кимдан) ман қилинмас“.

Яъни, бу дунёда мўминлар ҳам, кофирлар ҳам ўз ризқларини олаверадилар. Охиратда эса иш бошқачароқ бўлади. Мўминлар учун Аллоҳнинг ризоси ва жаннат, кофирлар учун эса Аллоҳнинг газаби ва дўзах. Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин!



﴿وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ مِنَ الْبَيْتِ وَإِسْمَاعِيلُ رَبَّنَا تَقَبَّلَ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ الْسَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٤٢﴾ رَبَّنَا وَأَجْعَلْنَا مُسْلِمَيْنِ لَكَ وَمَنْ ذَرَّنَا تَنَّا أُمَّةٌ مُسْلِمَةٌ لَكَ وَأَرِنَا مَنَاسِكَنَا وَتُبَّ عَلَيْنَا إِنَّكَ أَنْتَ الْتَّوَابُ الْرَّحِيمُ ﴿٤٣﴾ رَبَّنَا وَأَبَعَثْ فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْهُمْ يَتَلَوَّ عَالَيْهِمْ إِنَّكَ وَيُعْلَمُهُمُ الْكَيْبَ وَالْحِكْمَةَ وَيُزَكِّيْهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٤٤﴾﴾

– „127. Эсланг: Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб (дедилар): «Парвардигоро, биздан (ушбу қилган амалимизни) ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, сен эшишгувчи, билгувчисан! 128. Парвардигоро, бизни Ўзингга бўйсунгувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга итоат қиладиган кишилар чиқаргин. Ва бизга (қиладиган) ибодатларимизни ўргатгин ва тавба-тазарруларимизни қабул

**эт! Шубҳасиз, сен тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлисан. 129. Парвардигоро, уларнинг орасига ўзларидан бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, Китоб ва Ҳикматни (Куръон ва Ҳадисни) ўргатадиган ва уларни поклайдиган бир пайгамбарни юбор! Шубҳасиз, сен қудрат ва ҳикмат соҳибисан!“.**

[2:127-129]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуийидагиларни баён қиласди:**

1 – Аллоҳ Таоло бизга эслатяптики, Иброҳим ва Исмоил ؏لیٰهٗ سَلَامлар Каъбанинг пойдеворини кўтариб, Аллоҳдан ўзларининг бу амалларини холис Ўзининг Юзи учун қилиб қабул қилишини сўраганлар.

(وَإِذْ يَرْفَعُ). Яъни, ўша кўтараётган пайтларини эсланглар.

(قَاعِدَةً) **пойдеворини**. сўзининг кўплиги. Пойдевор маъносида. Аллоҳ сени давомли қилсин, событ қилсин, деб айтиладиган дуоларда ҳам шу сўз ишлатилган. Шунинг учун ерда событ, мустаҳкам ўрнашиб, ўзининг устидаги нарсани кўтариб турадиган нарса пойдевор, дейилади. Арабчасида бирлиги (قَاعِدَةً), кўплиги эса (يَرْفَعُ الْقَوَاعِدَ) бўлади. Пойдеворлар устига қуришдан мажоз. Чунки агар (الْقَوَاعِدَ) сўзини ҳақиқий маъносини оладиган бўлсак, пойдевор ўз ўрнида қолади, кўтарилмайди. Бино қурилмасидан олдин пойдевор паст кўринади. Устидаги бино билангина у кўтарилади. Хуллас, пойдевор эмас, бино кўтарилади. Яъни, ўртадаги мажозий муносабат сабабиятдир.

(تَقْبِيلٌ مِّنَ) **биздан** (ушибу қилган амалимизни) қабул айла). Бу ибора Иброҳим ва Исмоил ؏لیٰهٗ سَلَامларнинг ўзлари учун эмас, Аллоҳ учун, ибодат учун бир уй қураётганларига қаринадир. Чунки (تَقْبِيلٌ) сўзи Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун қилинадиган ишларга нисбатан қўлланади. Ундан бошқа жойларда қўлланмайди.

2 – Энди уйни биринчи бўлиб Иброҳим ؏لیٰهٗ سَلَام қурганми ёки бу уй у кишидан олдин ҳам қурилганми, бу хусусда турли ривоятлар бор. Мен уйни биринчи бўлиб Одам ؏لیٰهٗ سَلَام қурган, деган гапни рожиҳ деб биламан. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ҳадисида келади:

«إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: بَعَثَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ إِلَيَّ آدَمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَقَالَ لَهُ وَلَحَوَاءَ: ابْنِيَا لِي بَيْتًا. فَخَطَّ وَجَعَلَ آدَمُ يَحْفِرُ وَحَوَاءَ تَقْبِيلُ التُّرَابَ حَتَّىٰ إِذَا أَصَابَ الْمَاءُ نُودِيَ مِنْ

تَحْنِه حَسْبُكَ آدُمُ، فَلَمَّا بَنَيْنَاهُ أُوحِيَ إِلَيْهِ أَنْ يَطْوِفَ بِهِ، فَقَيْلَ لَهُ: أَنْتَ أَوَّلُ إِنْسَانٍ وَهَذَا أَوَّلُ بَيْتٌ»

«Пайгамбар ﷺ дедилар: Аллоҳ Таоло Одам ﷺга пайгом юбориб, унга ва Момо Ҳавога, Мен учун бир уй қуриинглар, деб буюрган. Жаброил ﷺ тархини чизган, Одам ﷺ ер кавлаган, Момо Ҳаво тупроқ ташиган. Сув қуийилган пайтда унинг остидан эй Одам, бас етади, деган овоз чиққан. Уйни қуриб бўлишгач, уни тавоф қилиш ҳақида ваҳий келган. Ва Одам ﷺга, сен биринчи инсонсан ва бу биринчи уйдир, дейилган».<sup>4</sup> Бу уйни тӯфон олиб кетганидан кейин уни Иброҳим ﷺ қайтадан тиклаган. Аллоҳ Таоло унга уйнинг ўрнини – экин ўсмайдиган водийни билдирган. Шу билан Иброҳим ва Исмоил ﷺлар уни қуришга киришганлар.

﴿وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ مِنَ الْبَيْتِ﴾

(Эсланг: *Иброҳим Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтарганини*). Бу иборадан пойдевор қўйиладиган жойнинг олдиндан мавжудлиги ва Иброҳим ﷺ худди ўша жойга пойдевор қўйганлиги рожихроқ экани англашилиб турибди.

﴿وَإِذْ بَوَأْنَا لِإِبْرَاهِيمَ مَكَارَ الْبَيْتِ﴾

– „(Эй Мұхаммад), эсланг *Биз Иброҳимга Байтуллоҳнинг ўрнини* (ўша уйга қараб ибодат қилиши ва уни обод қилиши учун) **белгилаб бериб**“.

Юқорида Аллоҳ Таоло Иброҳим ﷺга уйнинг ўрнини қўрсатиб берди, дегандик. Бу ерда ҳам унинг ўрни ўчиб, билинмай қолганлиги, шунинг учун Аллоҳ уни Иброҳим ﷺга аниқлаб берганлиги англашиляпти.

Шу билан рожих гап шуки, уй Иброҳим ﷺдан олдин ҳам қурилган. Биринчи бўлиб уни қурган Одам ﷺдир. Тӯфондан кейин унинг ўрни ўчиб, билинмай кетган. Иброҳим ﷺ дунёга келгач, Аллоҳ Таоло у кишига уйнинг ўрнини қўрсатиб берган ва уйни қуришни буюрган. Кейин Иброҳим ва Исмоил ﷺлар уни кўтарганлар.

3 – Аллоҳ Таоло бизга хабар беряптики, Иброҳим ва Исмоил ﷺлар пойдеворларни кўтараётган пайтларида Аллоҳдан қўйидагиларни сўраганлар:

<sup>(4)</sup> Тафсири Табарий: 1 / 547.

а) Уларнинг амалларини холис Ўзининг Юзи учун қилиб қабул қилишини. Зеро, У Зот дуони Эшитгувчи, дилдаги холис ниятни билгувчидир.

б) Уларни мусулмон, Аллоҳга эгиладиган, Аллоҳнинг буйрүфига бўйсунадиган қилишини, шунингдек, зурриётларидан ҳам бир мусулмон уммат қилишини.

в) Уларга шу уй қурилишининг асосий сабабчиси бўлган ҳаж ибодатларини ўргатишими. Токи, улар шу уйни биринчи бўлиб тавоғ қилсанлар, ибодатларини адо этсинлар.

г) Уларнинг тавбаларини қабул қилишини. Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи бўлган раҳмли Зотдир.

д) Уларнинг зурриётларидан бўлган Ислом Умматига Қуръон ва суннатни ўргатадиган, уларни ширкдан тозалайдиган бир пайғамбар юборишини. Зеро, У Зот ҳамма ишни қила оладиган азиз ва қудратли Зотдир, Ўзи истаган ишни қиладиган Ҳаким Зотдир.

(*ва зурриётимиздан ҳам*) (من ذریتی). Бу сўз айрим бир қисмни англатади. Иброҳим ҳамма зурриётининг ҳаққига дуо қилмади. Чунки у кишига Аллоҳ томонидан зурриётлари орасида золимлар ҳам бўлиши маълум қилинганди.

﴿قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّلَمِينَ﴾

(*Аллоҳ Таоло айтди:*) *Менинг бу аҳдим* (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди).

(*مناسک*) (қиладиган) *ибодатларимизни*). Ҳаж таълимотлари. Аллоҳ уларга бу ибодатларни кўрсатиб берди. Улар уйни тавоғ қилиш, Сафо ва Марва ўртасида саъӣ қилиш, Арафотдан Муздалифага, ундан Минога йўналиш, шайтонга тош отиш, ифоза тавофини қилиш ва барча ибодатлардир.

(*نسك*) сўзи аслида қиёмига етган ибодат маъносида. Бу сўз кўпроқ ҳажга нисбатан қўлланади. (*مناسك*) сўзининг бирлиги (*منسك*) ёки (*منسک*) ибодат қилинадиган жой, ибодат қилинадиган вақт, ибодатга алоқадор иш маъноларида. Шунинг учун (*عبد*)ни (*ناسك*) ҳам дейдилар.

﴿وَأَبْعَثْتُ فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْهُمْ﴾

(*Уларнинг орасига ўзларидан бўлган бир пайғамбарни юбор!*). Яъни, Муҳаммад ﷺ айтадилар:

«أَنَا دَعْوَةُ أَبِي إِبْرَاهِيمَ وَبُشْرَى عِيسَى – عَلَيْهِ السَّلَامُ –»

«Мен отам Иброҳимнинг даъвати ва Исо Ҳининг суюнчли хабариман».<sup>5</sup> Пайғамбар ﷺ бу гапи билан мана шу муборак оятга ва Аллоҳ Таолонинг мана бу гапига ишора қиляпти:

﴿وَإِذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرِيمَ يَبْنَتِ إِسْرَائِيلَ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيَّ مِنَ الْتَّوْرَةِ وَمُبَشِّرًا بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنْ بَعْدِي أَسْمُهُ أَحْمَدٌ فَمَمَّا جَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ قَالُوا هَذَا سِحْرٌ مُبِينٌ﴾

– „Эсланг, Исо бинни Марям: «Эй Бану Исроил, албатта мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбари дирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмили бир пайғамбар ҳақида хушхабар бергувчи бўлган ҳолда (юборилдим)», деган эди. Бас қачонки (Исо) уларга (ўзининг ҳақ пайғамбар эканлигига) аниқ-равишан хужжисат-мўъжизалар келтиргач, улар: «Бу очиқ сехр», дедилар“.



﴿وَمَنْ يَرْجِعُ عَنْ مِلَّةِ إِبْرَاهِيمَ إِلَّا مَنْ سَفِهَ نَفْسَهُ وَلَقَدِ اصْطَفَيْتَهُ فِي الدُّنْيَا وَإِنَّهُوَ فِي الْآخِرَةِ لَمَنِ الْصَّالِحِينَ ﴿١٢﴾ إِذْ قَالَ لَهُ رَبُّهُ أَسْلِمْ قَالَ أَسْلَمَتُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ وَوَصَّىٰ بِهَا إِبْرَاهِيمُ بَنِيهِ وَيَعْقُوبُ يَبْنَيَ إِنَّ اللَّهَ أَصْطَفَ لَكُمُ الْدِّينَ فَلَا تَمُوتُنَ إِلَّا وَأَوْصَىٰ بِهَا إِبْرَاهِيمُ مُسْلِمُونَ ﴿١٣﴾ أَمْ كُنْتُمْ شُهَدَاءً إِذْ حَضَرَ يَعْقُوبَ الْمَوْتَ إِذْ قَالَ لِبَنِيهِ مَا تَعْبُدُونَ مِنْ بَعْدِي قَالُوا نَعْبُدُ إِلَهَكَ وَإِلَهَنَا إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ إِلَهًا وَاحِدًا وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ ﴿١٤﴾ تِلْكَ أُمَّةٌ قَدْ حَلَّتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلَكُمْ مَا كَسَبْتُمْ وَلَا تُسْأَلُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٥﴾﴾

(5) Тафсири Табарий: 1 / 556. Мустадрак: 2 / 600.

— „130. Иброҳимнинг динидан фақат енгилтакларгина юз ўғирадилар. Ҳақиқатан дунёда уни танлаб олдик ва у Охиратда шубҳасиз солих (яқинларимиздан)дир. 131. Эсланг: Парвардигори унга: «Бўйсун!» — деганида: «Бутун оламлар эгасига бўйсундим», деди. 132. Иброҳим, у билан бирга Яъқуб ҳам болаларига шу динни васият қилиб дедилар: «Ўғилларим, албатта Аллоҳ сизлар учун шу динни танлади. Бас, мусулмон бўлган ҳолингиздагина дунёдан ўтинг!» 133. (Эй яхудийлар) ёки Яъқубга ўлим келгач, у ўғилларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» — деганида: «Сенинг тангринг ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг тангриси бўлмиши ягона Аллоҳга ибодат қиласиз ва бизлар фақат Унинг ўзигагина бўйсунувчилармиз», деб жавоб қилганларига гувоҳ бўлганмисизлар? 134. Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амаллариниз ўзларингиз учундир. Ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсиз“.

[2:130-134]  
Аллоҳ Таоло бу оятларда қутилдагиларни баён қиляпти:

1 – Иброҳим ﷺ динини ёмон кўриб, унга куфр келтирган кимса ўзини ўзи жаҳолат ва ҳамоқат чоҳига ташлабди. Чунки Аллоҳ Иброҳим ﷺни бу дунёда пайғамбарликка сайлади. Охиратда эса у яхшилар, солиҳлар, барқарорлар қаторидан жой олур.

﴿وَمَنْ يَرَغِبُ عَنِ مِلَةِ إِبْرَاهِيمَ﴾

(Иброҳимнинг динидан ким юз ўғиради). Инкор маъносидаги истифҳом – сўроқ гап. Иброҳим ﷺнинг динидек ёрқин ҳақиқатдан юз ўғирган кимсани ақлли киши деб бўладими?

Миллат сўзи аслида Зажжож айтганидек, йўл маъносини англатади. У ақида ва шариатдан иборат бўлган дин маъносида ҳам, демакки, ақида маъносида ҳам, шариат маъносида ҳам ишлатилади. Бу ерда ақида маъносида яъни, Иброҳим ﷺнинг ақидаси маъносида келяпти. Чунки олдинги пайғамбарларнинг шариатлари Мухаммад ﷺ пайғамбар бўлгач, Ислом рисолати билан насх қилинган.

﴿وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَبَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقاً لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَبِ وَمُهِمَّا نَّهَا  
عَلَيْهِ فَاحْكُمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ لِكُلِّ  
جَعْلَنَا مِنْكُمْ شَرِيعَةً وَمِنْهَا حَاجَةً﴾

– „Сизга эса (Эй Мұхаммад) ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлагувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирот нозил қилдик. Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва Сизга келган ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавоий нафсларига эргашманг! Сизлардан ҳар бир миллат (яъни дин) учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик“ [5:48]

(وَمُهْمَّنَا). Яъни, олдинги пайғамбарларнинг шариатини насх қилувчи қилиб. Олдинги пайғамбарларнинг ақидаси эса насх қилинмайди. Чунки насх амалиёти олдинги пайғамбарларнинг Ислом эътироф этмаган шаръий ҳукмларигагина нисбатан қўлланади. Ислом эътироф этганлари эса Исломдаги шаръий ҳукм бўлиб қолаверади.

Шунга биноан Иброҳим ғонгурнинг динига ақида жиҳатидан куфр келтирган одам ўзини ўзи жаҳолат ва ҳамоқат чоҳига отибди. Иброҳим ғонгурнинг ақидаси Аллоҳни Бир деб билиш ва ширкни тарқ қилишдан иборатdir.

(مَن سَفِهَ نَفْسَهُ). Яъни, ўзини ўзи жаҳолат, ҳамоқат ва куфр чоҳига отибди.

(سَفَهٌ) фо касрали бўлса, мутааддий (ўтимли феъл) бўлади, заммали бўлса, лозим (ўтимсиз феъл) бўлади.

2 – Ҳамма пайғамбарлар луғавий маъно эътибори билан мусулмон бўлганлар. Яъни, Аллоҳга бўйсунганлар, Аллоҳ ишонишга буюрган нарсаларга ишонганлар. Шу маънода Иброҳим ғонгур ҳам ҳақ йўлдан тоймаган мусулмон яъни, Аллоҳга бўйсунувчи, ихлос билан эгилувчи одам бўлган.

Шунинг учун Аллоҳ яхудларнинг Иброҳим яхудий бўлган, деган гапларига ҳам, насронийларнинг Иброҳим насроний бўлган, деган гапларига ҳам раддия билдириб, шундай деган:

﴿مَا كَانَ إِبْرَاهِيمُ يَهُودِيًّا وَلَا نَصَارَىًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنْ أَنْجَانِ﴾

﴿الْمُشْرِكُونَ﴾

– „Иброҳим яхудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки ҳақ йўлдан тоймаган ҳолида (Аллоҳга) итоат қилгувчи киши бўлган. У мушириклардан ҳам бўлмаган“ [3:67]

Шунингдек, Аллоҳ уларни олдинги оятда ҳам рад этганди.

﴿وَمَنْ يَرْغَبُ عَنْ مِلَةِ إِبْرَاهِيمَ إِلَّا مَنْ سَفِهَ نَفْسَهُ﴾

(Иброҳимнинг динидан фақат енгилтакларгина юз ўғирадилар). Яхуд ва насоролар Иброҳимнинг дини тоза Ислом бўлишини исташмас эди. Шунинг учун у яҳудий ёки насроний бўлган, дейишарди.

Аллоҳ Таоло уларнинг Таврот ва Инжил ундан кейин нозил бўлган, деган даъволарини ҳам рад этди.

﴿يَأَهْلَ الْكِتَابِ لَمْ تُحَاجُرُنَّ فِي إِبْرَاهِيمَ وَمَا أَنْزَلْتَ لَهُ مِنْ قُرْآنٍ وَلَا نَجِيلٌ إِلَّا مِنْ بَعْدِهِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ﴾

— „Эй аҳли китоб, нима учун Иброҳим хусусида (у бизнинг динимизда бўлган, деб) талашасизлар! Ахир Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин нозил бўлгани аниқ-ку?! Ақл юргизмайсизларми?!“ [3:65]

### Иброҳим дини ҳақида

Пайғамбарлар ва уларга эргашганлар луғавий маъно жиҳатидан мусулмон бўлишган яъни, Аллоҳга бўйсунишган. Лекин шаръий маънодаги Ислом пайғамбаримиз Мұҳаммад ﷺ тушрилган. Ислом ақидаси мукаммал ақида бўлиб, унда олдинги пайғамбарларнинг ақидалари ҳам мужассамдир. Ислом шариати ҳам мукаммал шариат бўлиб, олдинги пайғамбарларнинг шариатларини насх этади.

Мұҳаммад ﷺ пайғамбар бўлиб юборилганларидан кейин даъват фақат ва фақат Исломга қаратилди.

﴿إِنَّ الَّذِينَ عِنْدَ اللَّهِ أَلْيَ سَلِيمُونَ﴾

— „Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир“. [3:19]

﴿وَمَنْ يَتَنَعَّمْ غَيْرَ الْإِسْلَمِ دِيَنًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَسِيرِينَ﴾

— „Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир“. [3:85]

Даъватни олдинги пайғамбарлардан бирортасининг ақидасига қаратиш жоиз эмас. Даъват фақат исломий ақидага қаратилиши лозим. Зеро, олдинги пайғамбарларнинг ақидаси мана шу исломий ақиданинг бир қисмидир. Шариат масаласида ҳам даъват фақат исломий шаръий ҳукмларгагина қаратилиши даркор. Зеро, исломий шариат олдинги пайғамбарларнинг шариатини насх қиласи. Улардан фақат Ислом томонидан эътироф этилганларигина қолади.

Хулоса:

а) Олдинги пайғамбарларнинг динига ақида жиҳатидан имон келтирамиз. Чунки уларнинг ақидаси исломий ақиданинг бир қисмидир.

б) Олдинги пайғамбарларнинг дини шариат жиҳатидан Ислом билан насх қилинган. Улардан фақат Ислом томонидан эътироф этилганларигина қолган. Мана шу қолганлари Исломнинг бир қисми ҳисобланиб, уларга амал қилинади. Улар олдингиларнинг шариати, деб эмас, Ислом олиб келган шариат, деб эътибор қилинади.

в) Ислом келганидан кейин даъват олдинги пайғамбарлардан бирортасининг динига қаратилиши дуруст эмас. Даъват фақат ва фақат Исломгагина қаратилади. Олдинги пайғамбарларнинг динларидан қайси бир бўлраги Ислом томонидан эътироф этилган бўйла, у Исломнинг бир қисми, деб эътибор қилинади.



3 – Иброҳим ﷺ Аллоҳнинг фармонини холис, чин кўнгилдан, итоаткорлик билан бажарди. Ўғилларига ҳам шуни васият қилди. Яъқуб ﷺ ҳам ўғилларига Аллоҳ уларга танлаб берган мана шу динни маҳкам ушлашни, то вафот этгунга қадар унда давом этишни, мусулмон бўлиб ўлишни васият қилди. Яъни, уларга бирон лаҳза ҳам тоатдан, таслим бўлишдан, бўйин эгишдан қолмасликни тайинлади. Чунки ўлим қачон келишини улар билмайдилар.

(*فَلَا تَمُوتُنَ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ*). Яъни, то вафот этгунингларга қадар Исломда барқарор туринглар. Ўлим келган пайтида мусулмон ҳолда бўлинглар. Бу гапнинг ҳақиқий маъноси мусулон ҳолатда бўлмай туриб ўлманглар, деганидир. Бу ерда ўлишдан қайтарилаётгани йўқ. Фақат ўлим пайтида мусулмон бўлиш тайинланяпти. Масалан, хушусиз намоз ўқима, десангиз намоздан қайтарган бўлмайсан. Хушусизликдан қайтарган бўласиз. (Хушу – Аллоҳга бўйсуниш). Бу ерда ҳам худди шундай. Ўлимдан қайтарилаётгани йўқ. Ўлим пайтида мусулмон бўлмай қолишдан қайтариляпти.

4 – Яхуд ва насоролар Аллоҳга бўхтон қилишиб, улардан ҳар бири пайғамбарлар бизнинг динимизда бўлишган, дейишади. Бу гапни Иброҳим ﷺ ҳақида ҳам айтгандилар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Аллоҳ Таоло уларнинг бу гаплари ноҳақ гап эканини кўрсатиб берди. Улар Яъқуб ﷺ ҳақида ҳам шундай

дедилар. Аллоҳ бу даъво ҳам ноҳақ эканини кўрсатиб, уларнинг Яъқуб ﷺ вафот этаётган пайтида унинг олдида бўлмаганликларини айтади. Агар ўша ерда бўлганларида Яъқуб ﷺнинг уларнинг ўзгариб, бузилиб кетган динларида эмас, Аллоҳга бўйсунувчи мусулмон бўлганларини, ўзидан кейин қолаётган болалари у кишига унинг динида, оталари Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқ ﷺлар динида давом этишга, ёлгиз Аллоҳгагина ибодат қилишга, бўйсунишга, итоат этишга ваъда бераётганларининг гувоҳи бўлар эдилар.

(أَمْ كُشْمٌ) мунқатиъ – узилган. Шунинг учун балки маъносида. Шу билан бирга унинг ичидаги инкорни ифодаловчи ҳамза (-ми) мазмуни ҳам бор. Балки сўзи олдинги оятдаги васиятни баён қилиш ҳақидаги биринчи гапнинг тескари маъносини англатади. Кейин эса янги гапга ўтилиб, яхуд ва насоролар Яъқуб бизнинг динимида бўлган, деганлари учун танқид остига олиняпти.

Араблар ёки сўзини сўроқ маъносида ҳам ишлатадилар, (бу сўз ўзбек тилида ҳам гоҳида сўроқ маъносида қўлланади). Бунинг учун бир гап ўтган бўлиб, кейинги гап бошланаётган бўлиши керак.

﴿الَّمْ تَنْزِيلُ الْكِتَبِ لَا رَيْبَ فِيهِ مِنْ رَبِّ الْعَالَمِينَ أَمْ يَقُولُونَ أَفَرَنْهُ بَلْ هُوَ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ لِتُنذِرَ قَوْمًا مَا أَتَاهُمْ مَنْ نَذَرَ إِلَيْهِمْ مِنْ قَبْلِكَ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ﴾

– „Алиф, Лом, Мим. Бу Китобнинг (яъни Куръоннинг) нозил қилинishi, ҳеч шак-шуубҳасиз барча оламларнинг Парвардигори томонидаодир. Балки «Уни (Мухаммаднинг ўзи) тўқиб олган», дерлар? Йўқ, У (яъни Куръон) сиздан илгари бирон огоҳлантиргувчи келмаган қавмни (охират азобидан) огоҳлантиришингиз учун Парвардигорингиз томонидан (нозил қилингандан) ҳақиқатдир. Шояд улар ҳидоят топсалар“. [32:1-3]

(شهادة гувоҳлар). Шаҳид сўзининг кўплиги. Гувоҳи бўлиш дегани ўша жойда мавжуд бўлиш, кўриб туриш маъносини англатади. Яъни, Яъқуб ﷺ вафот этаётган ва ўғилларидан қайси динга эргашилари ҳақида сўраётган пайтида унинг олдида бўлмагансизлар-ку? Шундай экан, нимага асосланиб, бундай даъвони қиляпсизлар?

(мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?). Яъни, мен ўлганимдан кейин нимага ибодат қиласизлар? Мана

шу ерда савол учун (۷) сўзининг ишлатилиши Яъқуб ﷺ болаларининг ёлгиз Аллоҳгагина ибодат қиласиз, деган жавоблари тақлид ёки отасининг кўрсатмасига қараб эмас, ақлий қаноатдан, ҳақиқий имондан келиб чиқиб берилган жавоблигига далолат қиласиди. Гўё уларда олдин бу ҳақда ҳеч қандай маълумот бўймагандай. Улар тақлиддан эмас, эътиқоддан келиб чиқиб жавоб берадигандай. Араблар ноаниқ нарсалар хусусида сўрашганида (турдош отларга нисбатан) нима сўзини қўллашади. Аниқ нарсани сўрашганида эса (атоқли отларга нисбатан эса) ким сўзини ишлатишади ва бу сўз фақат ақлли жонзотга нисбатангина қўлланади. Ақлли жонзотнинг ўзи ҳақида сўрашганида ман (ким) сўзини, унинг сифатлари ҳақида сўрашганида эса ма (нима, қанақа) сўзини ишлатадилар. Зайд ўзи нима, фақиҳми ёки табиими? (Ўзбек тилида бундай ўринда ким сўзи қўлланади)

﴿مَا تَعْبُدُونَ مِنْ بَعْدِي﴾

**(Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?).** Бу савол бамисоли уларнинг маъбути ҳақидаги дастлабки, илк савол. Бамисоли улар сўраклаётган маъбуд ҳақида ҳали ҳеч қандай маълумотга эга эмаслар. Токи, жавоблари ҳеч қандай далилга асосланмаган тақлиддан ёки эшитиб, билиб юрган маълумотларидан келиб чиқиб эмас, қатъий билимдан, аниқ ишончдан келиб чиқкан жавоб бўлсин.

﴿إِنَّا بِآيَاتِكَ إِنَّرَهِمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ﴾

**(Оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг).** Иброҳим ва Исҳоқ ﷺ Яъқуб ﷺнинг отаси ва бобоси. Шунга кўра уларнинг ота-боболари деб номланиши табиий. Исмоил ﷺчи? У киши Яъқуб ﷺнинг амакиси. Араблар амакиларни оталар қаторида кўрадилар. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«عَمُ الرَّجُلِ صُنُوْأَ ابِيهِ»

«Кишининг амакиси отасининг худди ўзидир».<sup>6</sup> Яна у зот Аббос хусусида

«هَذَا بَقِيَّةُ آبَائِيِّ»

«Бу менинг ота-боболаримдан қолган (ёдгор)им»,<sup>7</sup> деганлар.

(6) Муслим: 983, Термизий: 3758, Абу Довуд: 1623, Аҳмад: 1/94.

(7) Тафсири Байзовый: 1/191.

5 – Охирги оятда яхудлар ва насороларга хитобан шундай дейиляпти: Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг болаларига тухмат қилишдан, уларни яхуд ёки насоро бўлган, дейишдан тийилинглар. Шаънингизни кўтариш учун ўзларингизни уларнинг сафига қўшманглар. Негаки, аслида бундай эмас. Улар яхши амалларни қилиб кетган зотлардир. Сизлар эса қилган ёмон ишларингиз касофатидан ҳалокат сари бораётган кимсаларсиз. Уларнинг қилган яхши амалларидан сизлар фойдалана олмайсизлар. Сизлар уларнинг амаллари билан эмас, ўзларингизнинг қилган амалларингиз билан жавоб берасизлар, мезонга фақат ўзларингизнинг амалларингиз қўйилади. Шундай экан, Аллоҳга итоат этишга ҳарис бўлинглар. Токи, амалларингиз ҳисоб-китоб кунида асқотсин. Аллоҳга гуноҳ қилиб туриб, ўзларингизни ҳар қанча уларнинг сафига қўшманглар, бу ишинглар сизларга ҳеч қачон фойда бермайди.

﴿تَلَكَ أُمَّةٌ قَدْ حَلَّتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلَكُمْ مَا كَسَبْتُمْ وَلَا تُسْعَلُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

(*Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амалларингиз ўзларингиз учундир. Ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсиз*).

(﴿أُمَّةً﴾) бу сўз омоним сўз. Битта одамга нисбатан ҳам қўлланади.

Бунинг учун ўша битта одам обрўли ва яхши ишларда пешво бўлиши керак.

﴿إِنَّ إِبْرَاهِيمَ كَانَ أُمَّةً فَاتَّلَهُ﴾

– „Албатта, Иброҳим Аллоҳга итоат қилгувчи, ҳақ йўлдан тойилмаган бир пешво-имом эди. У мушириклардан эмас эди“. [32:120]

Дин ва миллат маъносида ҳам ишлатилади.

﴿إِنَّا وَجَدْنَا آءَابَاءَنَا عَلَى أُمَّةٍ وَإِنَّا عَلَىٰ أَئْشِرِهِمْ مُقْتَدُونَ﴾

– „Таъкидки, биз ота-боболаримизни бир динда топдик ва, албатта, биз уларнинг изларидан эргашувчилардирмиз“. [43:23]

Маълум муддат, давр маъносида ҳам келади.

﴿وَادَّرَ بَعْدَ أُمَّةً أَنَّا أُنْبِئُكُمْ بِتَأْوِيلِهِ فَأَرْسَلْنَاهُ﴾

– „Шунча муддат ўтгач...“ [12:45]

Унинг қандай маънони англатаётганини қарина белгилайди. Бу ерда у бир неча одамлардан иборат бўлган жамоа маъносида қўлланяпти. Чунки бу ерда гап Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб,

унинг болалари, унга имон келтирганлар, эргашганлар ҳақида боряпти. Мана бу оятда ҳам худди шу маънода келган:

﴿وَتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ﴾

– „Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиласиган бир жамоат бўлсин“. [3:104]

﴿وَمِنْ قَوْمٍ مُوسَىٰ أُمَّةٌ يَهُدُونَ بِالْحُقْقِ﴾

– „Мусо қавмидан шундай жамоат ҳам борки, ҳақ (сўз) билан (одамларни) тўғри йўлга бошларлар“. [7:159]

(**ўтиб кетган**). Яъни, ўтиб кетган (вафот этган). Хўш, уларни нима учун ўтиб кетган, дейилади. Чунки улар дунёни бўшатиб қўйдилар, аҳли аёлларию дўсту ёронларидан ажрашдилар. Аслида бу сўз кишининг одамлардан ёлғизланиб, ҳеч кими йўқ жойга бориб олганига нисбатан қўлланади.



﴿وَقَالُوا كُونُوا هُودًا أَوْ تَصَرَّى تَهْتَدُوا قُلْ بَلْ مِلَّةٌ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴾ قُولُوا إِمَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنْزِلَ إِلَيْنَا وَمَا أُنْزِلَ إِلَيْ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطَ وَمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَمَا أُوتِيَ النَّبِيُّونَ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَخُنُّ لَهُ مُسْلِمُونَ ﴾ فَإِنْ إِمَّا مُؤْمِنُوا بِمِثْلِ مَا ءامَنْتُمْ بِهِ فَقَدِ اهْتَدَوْا وَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا هُمْ فِي شِقَاقٍ فَسَيَكْفِيكُمُ اللَّهُ وَهُوَ الْسَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴾ صِبَغَةُ اللَّهِ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ صِبَغَةً وَخُنُّ لَهُ عَبِيدُونَ ﴾

– „135. Яхудий ёки насроний бўлинг, ҳидоят топасиз, дедилар. (Яъни, яхудийлар яхудий бўлинг, деди, насронийлар насроний бўлинг, деди). (Айтинг: Эй Мұхаммад), балки биз ҳақ йўлдан тойилмаган, мушириклардан бўлмаган Иброҳим динига эргашамиз. 136. Айтингиз (эй мўминлар), Аллоҳга ва бизга нозил қилинган Китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳок, Яъқубга ва ўша ургу-авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исога берилган нарсаларга ва барча пайгамбарларга Парвардигор тарафидан берилган нарсаларга ишондик. Биз улардан бирортасини ажратиб қўймаймиз ва биз у

*Зотга (Аллоҳ Таолога) бўйсунувчилармиз. 137. Энди агар улар (яъни, аҳли китоблар) сизлар имон келтирган нарсаларга имон келтирсалар, ҳақ йўлни топибдилар. Агар юз ўғирсалар, у ҳолда, шубҳасиз, сизларга нисбатан гина ва адоватлари бордир. Уларнинг ёмонлигидан сизга (эй Муҳаммад), Аллоҳнинг Ўзи етарлидир. У эшитгуви, билгувчиидир. 138. Аллоҳнинг ранги-ла (рангинмиз). Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг бергувчи борми? Бизлар унгагина ибодат қилгувчилармиз“.* [2:135-138]

1 – Аллоҳ Таоло уларнинг Иброҳим, Яъқуб ﷺлар ҳақидаги даъволарини рад этганидан, улар яҳуд ёки насоролар бўлишган, деган гапнинг ноҳақлигини баён қилганидан кейин уларнинг ўз динларига даъват этишларини ҳам рад этиб, уларнинг дини ўзгартирилганлигини, бузилганлигини билдирияпти. Яҳудлар, бизнинг динимизга эргашинглар, энг афзал дин бизнинг динимиздир, дейишарди. Насоролар эса, бизнинг динимизга эргашинглар, энг афзал дин бизнинг динимиздир, дейишарди. Аллоҳ уларнинг бу даъволари ноҳақлигини баён қилиб, уларни рад этиб, Ўз пайғамбари Муҳаммад ﷺга, биз ботил динлардан юз ўгириб, ҳақ динга мойил бўлган, ўзи мушриклардан бўлмаган Иброҳим ﷺнинг динига эргашамиз, денг деб ваҳи қиляпти.

Бу ерда яҳудлар ва насороларга таъриз (ишора, қочирим) билан уларнинг дини ботил, ўзлари эса динини бузган мушриклар экани айтиляпти.

﴿نَحْرُفُتَ الْكَلِمَةَ عَنْ مَوْاصِعِهِ﴾

– „*Улар (Тавротдаги Муҳаммад алаиҳис-саломнинг пайғамбар бўлишлари ҳақидаги) сўзларини ўз ўринларидан ўзгартирадилар“.* [5:13]

Шунингдек, улар Аллоҳнинг боласи бор, деган тухматни ҳам қилишди. Аллоҳ улар айтиётган нуқсондан Пок.

﴿وَقَالَتِي إِيْهُودُ عَزِيزٌ ابْنُ اَللَّهِ وَقَالَتِ النَّصَرَى الْمَسِيحُ ابْنُ اَللَّهِ﴾

– „*Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Насронийлар: «(Исо) Масиҳ Аллоҳнинг ўғли», дедилар“.* [9:30]

Ибн Жарир Абдуллоҳ ибн Сурайё Аъвардан ривоят қилишича, у Пайғамбар ﷺга, эй Муҳаммад фақат бизнинг динимизгина ҳидоятдир, бизга эргаш, шунда ҳидоят топасан, деган экан. Насоролар ҳам худди шунга ўхшаган гапни айтишибди. Шунда Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилибди.

﴿قُلْ بَلْ مِلَّةً اِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

((Эй Мұхаммад) *Айтинг: балки биз ҳақ йўлдан тойилмаган, мушриклардан бўлмаган Иброҳим динига эргашамиз*). Бу оят улар айтиётган гапнинг нотўғрилигини кўрсатувчи раддиядир. Шунингдек, унда Иброҳим ﷺ яхудий ҳам насроний ҳам бўлмаган, у кишининг дини бошқа дин бўлган, деган маъно ҳам бор.

(حَنِيفٌ) ботил динлардан ҳақ динга мойил бўлувчи. Иброҳим ﷺ шу ном билан номланди. (حَنِيفًا) Чунки у киши Аллоҳнинг ҳақ динига мойил бўлиб, Аллоҳга бўйсунди, мусулмон бўлди.

(الْحَنَفُ) сўзи аслида мойил бўлиш, эгилиш, қийшайиш маъноларини англатади. Қийшиқоёқ сўзи ҳам шундан чиққан. Бир оёғининг бармоқлари бошқа оёғининг бармоқлари тарафга эгилган, мойил бўлган кишига қийшиқоёқ, дейилади.

2 – Кейин Аллоҳ Таоло мўминларга хитоб қилиб, Аллоҳга ҳамда Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва ўша уруф-авлодга нозил қилинган нарсага, Мусо, Исо ﷺларга нозил қилинган нарсага имон келтиришга, пайғамбарларни бир-биридан ажратмасликка буюради. Биз яхудлар ва насороларга ўхшаб, уларнинг айримларига имон келтириб, айримларига куфр келтирмаймиз. Биз пайғамбарларнинг ҳаммасига имон келтирамиз ва Аллоҳга бўйсунамиз, итоат этамиз.

Агар яхуд ва насоролар ҳам Аллоҳга ва барча пайғамбарларга имон келтирганларида эди, ҳидоят топганлар қаторидан жой олардилар. Лекин агар улар айрим пайғамбарларга имон келтириб, айримларини инкор қилсалар, Аллоҳ нозил қилган айрим ҳукмларни бузиб, ўзgartириб юборсалар, бу ишлари билан улар сизга ҳеч қандай зарап келтира олмайдилар. Бу Пайғамбар ﷺга қаратилган хитобидир. Яқинда Аллоҳ сизга уларнинг ёқаларидан олишингизга имкон беради. Аллоҳ уларнинг тилларидан чиқаётган бўхтонларни Эшитгувчидир, уларнинг дилларидаги Ислом ва мусулмонларга қарши яширин фаразларидан ҳам Огоҳдир.

Аллоҳ Таоло пайғамбарига берган ваъдасини бажарди. У кишига душманларидан, хусусан, яхудлардан голиб қилди. Пайғамбар ﷺ Бану Қойнуқони жазоладилар, Қурайза ўлдирилди, Бану Назир сургун қилинди, Хайбар ва бошқалардан иборат бўлган яхуд вужудига барҳам берилди.

(إِنِّي) (أَنْزَلَ إِلَيْنَا) (وَمَا أَنْزَلَ إِلَيْنَا) (va бизга нозил қилингандарсага). Бу сўз (إِنِّي) (أَنْزَلَ) ва (عَلَى) ҳарфлари билан мутааддий (ўтимли феъл)га айланади. Бу ерда у (وَمَا أَنْزَلَ إِلَيْنَا) (омаңзул илена) бўлиб келган бўлса, бошқа бир оятларда

﴿وَمَا أَنْزَلَ عَلَيْنَا﴾

— „Бизга нозил қилингандарсага“.

[3:84]

﴿قُلْ إِنَّا مَبْشِرُكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَمَا أَنْزَلَ عَلَيْنَا وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ عَلَى إِبْرَاهِيمَ﴾

— „(Эй Мұхаммад), «Аллоҳга, бизга нозил қилингандарсага (Қуръонга) ва Иброҳимга нозил қилингандарсага имон келтирдик, деб айтинг“.

[3:84]

бўлиб келган.

(سُبْطٌ يَرْعَى وَالْأَسْبَاطُ) (уруг-авлодга) сўзининг кўплиги. Бу сўз набира маъносини англатади. Улардан мурод Яъқуб ғунинг ўғиллари ва зурриётидир. Яъқуб ғунинг ўғиллари Иброҳим ва Исҳоқ ғуларнинг набираларидир. Зурриётлар Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқуб ғуларнинг набираларидир. Шунинг учун Ҳасан ва Ҳусан ҳақида улар Пайғамбар ғунинг набираларидир, дейилган.

﴿فَإِنْ إِنْ أَمْتُوا بِمِثْلٍ مَا آتَيْنَاكُمْ بِهِ﴾

(Энди агар улар (яъни, аҳли китоблар) сизлар имон келтирган нарсаларга имон келтирасалар). Бу ердаги фо шунчаки тартиб учун, ўзидан олдинги жумлани ўзидан кейинги жумла билан тартиблаштириш учун келган. Бо ҳарфи эса зоида бўлиб келган. У Аллоҳ Таолонинг мана бу гапига ўхшацдир.

﴿وَالَّذِينَ كَسَبُوا الْسَّيِّئَاتِ حَرَاءُ سَيِّئَةٍ بِمِثْلِهَا﴾

— „Ёмон амаллар қилган кимсалар учун эса ўша ёмонликлари баробарида ёмон жазо бўлур“.

[10:27]

Шунга кўра, маъно мана бундай бўлади: Агар улар худди сизларга ўхшаб имон келтирасалар, ҳидоят топадилар. Яъни, Аллоҳга, Унинг пайғамбарларига, пайғамбарларига нозил қилган ҳукмларига худди сизлардек имон келтирасалар... Уларнинг айримларига ишониб, айримларига ишонмасалар, ҳидоят топган бўлмайдилар.

(أَغَارْ يُؤْلَوْ) (Agar юз ўгирсалар). Яъни, агар юз ўгирсалар ва сизлар имон келтирган нарсаларнинг ҳаммасига имон келтирмасалар...

(فِيْمَا هُمْ فِيْ شَقَاقٍ) *у ҳолда, шубҳасиз, сизларга нисбатан гина ва адоватлари бордир*). Яъни, улар ҳеч ҳам (мутлақо) ҳақиқат излаётганлари йўқ. Ўзаро душманлик қилиб, талашиб-тортишиб юрибдилар, холос.

﴿فَسَيِّكُفِيْكُهُمُ اللَّهُ﴾

*(Уларнинг ёмонлигидан сизга (эй Мұхаммад), Аллоҳнинг ўзи етарлидир)*. Яъни, уларнинг ўзаро талашиб-тортишишларининг ўзи сизга кифоя қиласи. Кифоя қилиш одамларнинг ўзларига эмас, уларнинг феълларига, ишларига тааллуқlidir. Яъни, улардаги адоватнинг ўзи уларнинг ёқаларидан олишингиизга имкон туғдириб беради. Аллоҳ ўз ваъдасини бажарди. Яҳуд вужудига барҳам берилди. Аллоҳ ва Унинг пайғамбари голиб бўлди. Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин!

З – Кейин Аллоҳ Таоло олдинги оятда зикр қилинган имон мўминларни куфр кирларидан тозалайдиган Аллоҳнинг ранги эканини, бундан кўра чиройлироқ ранг топилмаслигини баён қиляпти. У кишини ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга, итоат этишга, берган неъматларига шукр қилишга ундан турадиган мўминнинг зийнатидир.

﴿جِلْسَةً (الصَّبَغَةِ) (صَبَغَةً اللَّهِ) سُبْزِيْجِلْسَةً (الصَّبَغَةِ)﴾ сўзи шу вазндаги ўхшайди. ) ўтиришнинг қандайдир бир тури. Сибга ҳам бўялишнинг, безанишнинг бир тури. Бу ерда бу сўз мажозий маънода келяпти. У имонга ўхшатиляпти. Имон кишини куфр кирларидан тозалаб, уни бошқа бир ажойиб, ёқимли тавсифга эга қиласи. Бу иш кийимни топ-тоза ювиб, унга бошқа бир бўёқ, бошқа бир ажойиб ўта гўзал ранг беришга ўхшайди.

*Alloҳдан ҳам гўзалроқ ранг бергувчи борми?*). Инкор этувчи истифҳом. Яъни, Аллоҳ Таолонинг ранг (бериш)идан кўра гўзалроқ ранг (бериш) йўқ.

❀ ❀ ❀

﴿قُلْ أَتُحَاجِجُنَا فِيْ اللَّهِ وَهُوَ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ وَلَنَا أَعْمَلُنَا وَلَكُمْ أَعْمَلُكُمْ وَنَحْنُ لَهُ مُخْلِصُونَ ﴾ ۱۳۵ أَمْرٌ تَقُولُونَ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطَ كَانُوا هُودًا أَوْ نَصَارَى قُلْ إِنَّمَا أَعْلَمُ أَمِّ اللَّهِ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ كَتَمَ شَهَادَةً عِنْهُدُر﴾

مِنَ اللَّهِ وَمَا أَنَّ اللَّهَ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٣﴾ إِنَّكُمْ أَمَّةٌ قَدْ حَلَّتْ لَهَا مَا كَسَبْتُ وَلَكُمْ  
مَا كَسَبْتُمْ وَلَا تُسْكِنُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٤١﴾

– „139. Айтинг (эй Мұхаммад), бизнинг ҳам, сизнинг ҳам Парвардигорингиз бўлган Аллоҳ хусусида биз билан жсанжасаллашиасизми? Ҳолбуки, бизнинг қилган амалимиз ўзимиз учун, сизнинг қилган амалингиз ўзингиз учун-ку? Биз фақат Үнгагина ихлос қўювчилармиз. 140. Ёки Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва ўша ургуз-авлод яхудий ё насроний бўлган, дейсизми? Айтинг (эй Мұхаммад), Уларнинг динларини сизлар яхшироқ биласизми ёки Аллоҳми? Ўзи биладиган гувоҳликни Аллоҳдан яширган кимсадан ҳам золимроқ одам борми? Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмас. 141. Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амалингиз ўзингиз учундир ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсиз“ [2:139-141]

1 – Аллоҳ Таоло ўтган оятларда яхуд ва насороларнинг Иброҳим ва Яъқуб лар бизнинг динимизда бўлган, бизнинг динимиз ҳақ дин, унга эргашган одам ҳидоят топади, деган даъволари ноҳақ эканини баён қилган бўлса, бу оядта ҳақиқат Аллоҳга, ўтган пайғамбарларга, уларга нозил қилинган нарсаларга уларни бир-бирларидан ажратмасдан имон келтириш эканини, агар улар ҳидоят топмоқчи бўлсалар, мана шу ҳақиқатга эргашиб, Мұхаммад га бўйсунишлари кераклигини, акс ҳолда улар мусулмонларга нисбатан адоватли бўлишлари ва бу адоватларидан, ёмонлигидан Пайғамбар га Аллоҳнинг Ўзи етарли эканини уқтиряпти.

Мана шулардан кейин ҳам улар мусулмонлар билан ҳужжат талашиб, ўзларини ҳақ билиб, мунозара қилишда давом этавердилар. Шунда Аллоҳ Ўз пайғамбарига уларга мана бундай деб айтинг, деди: Қандай қилиб Аллоҳ фақат бизники, деб биз билан талашасизлар. Ўзларингизни ҳақ деб бошқаларни эса ноҳақ деб биласизлар. Сизларнинг бу мунозаранглар ботил мунозараидир. Зоро, Аллоҳ ҳаммамизнинг Парвардигоримиздир. Үнга яқинлашиш орзу-умидлар билан эмас, амаллар билан бўлади. Бу масала бизнинг ҳам, сизларнинг ҳам амалларингизни тарозуга қўйиш билан ҳал бўлади. Биз Аллоҳга ихлос қиласиз, Үнга бўлган имонимизда содиқмиз.

(**أَتْحَاجُونَ أَمْ بِiz بِilانِ جَانِجَالْلَاشِيزِي**). Инкор этувчи ва танқид қилувчи истифҳом. Яъни, сизлар учун ҳамма нарса аён бўлганидан кейин ҳам тортишаверасизларми?

﴿وَنَحْنُ لَهُ مُحْلِصُونَ﴾

(**Биз фақат Унгагина ихлос қўювчилармиз**). Бу ерда яхуд ва насороларнинг ихлоси йўқлигига таъриз (қочирим) бор. Улар Аллоҳнинг боласи бор, деб мушрик бўлдилар. Аллоҳ бундай нуқсонлардан Покдир. Ихлос дегани ҳар қандай ширкни, ҳар қандай манфаатни четга суриб қўйиб, амални ёлғиз Худо учун, Унинг ризосини истаб, чин кўнгилдан қилиш деганидир.

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ: مَنْ أَشْرَكَ مَعِي شَرِيكًا فَهُوَ لَشَرِيكِهِ. يَا أَيُّهَا النَّاسُ أَخْلُصُوا أَعْمَالَكُمْ لِلَّهِ تَعَالَى فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يَقْبِلُ إِلَّا مَا خَلَصَ لَهُ»

«Аллоҳ Таоло айтади: Ким Менга бир шерик келтирса, у ўша келтирган шериги учундир. Эй одамлар, амалларингизни холис Аллоҳ Таоло учун қилинглар. Чунки Аллоҳ Таоло фақат холис Ўзи учун қилинган амалларнигина қабул қиласди».<sup>8</sup>

2 – **أَمْ تَقُولُونَ Ёки ... дейсизми?**). Мана шу мутавотир қироатни қўйидагича таҳлил қиласиз:

a) (**أَمْ ёки**) ўзидан олдинги жумлага туташган бўлиши ҳам мумкин. Бунда (эй **مُحَمَّد**) **айтинг:** **биз** **билиан** **жанжаллашасизми?**) жумласи ҳам,

﴿أَمْ تَقُولُونَ إِنَّ إِنْرَهِمَ﴾

жумласи ҳам битта гапда келаётган бўлади. Яъни, улар ҳар икки ишни қилаётган бўладилар. Ҳам Аллоҳ хусусида ҳужжат талашаётган, ҳам Иброҳим, Исмоил..., деяётган бўладилар. Уларнинг бу иши инкор қилинди. Инкор ва танқид уларнинг ҳар икки ишига нисбатан бўляпти.

b) (**أَمْ ёки**) мунқатиъ – узилган бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда у балки ва (-ми) маъноларида бўлади. Гап оқими ҳужжат

(8) Аҳмад: 4/125.

талашишни танқид қилишдан пайғамбарлар ҳизларга тұхмат қилишни танқид қилишга ўтапти.

Бұз ҳолда

﴿أَمْ تَقُولُونَ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَشْبَاطَ كَانُوا هُودًا أَوْ﴾

نَصَرَى

(еки Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва ўша ург-авлод яхудий ё насроний бўлган, дейсизми?) олдинги оятдаги биринчи ишга дахли бўлмаган, алоҳида янги бошланган гап бўлади.

Маъно эса мана бундай бўлади: Улар фақатгина далил-исботсиз ҳужжатлашибина қолмай, бошқа гапларни ҳам гапирадилар. Улар пайғамбарлар яхуд ёки насоро бўлган, деб уларга тұхмат қиладилар. Бу ерда гап оқими ҳужжат талашишни танқид қилишдан пайғамбарлар ҳизларга тұхмат қилишни танқид қилишга ўтапти.

Бу оят борасида яна бир мутавотир қироат ҳам бор.

﴿أَمْ تَقُولُونَ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ﴾

(Ёки Иброҳим ва Исмоил ... дейсизми?). Бу қироатга кўра, (ମୁନ୍କାତିଶ୍ୱରିଣୀ) – узилган бўлади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки олдинги оятда

(ଅତ୍ତାଜୁନ୍ନା) (କିମ୍ବା ଫୁଲାଙ୍ଗାରାମାନା) (ଏଇ ମୁଖମାଦ) ଆଇଟିଂ: ଓଇସ ବିଲାନ  
ଜାନିଜାଲାଶାସିମି?) да бевосита хитоб қилинаётган бўлса, иккинчи оятда

﴿أَمْ تَقُولُونَ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ﴾

мухотабдан ғоибга ўтиляпти. Агар «ёки» муттасил бўлса, хитобнинг муҳотабдан бошқасига (ғоибга) ўтиши гапнинг чиройини бузади. Агар у мунқатиෂ – узилган бўлса, гапнинг чиройи бузилмайди. Шунинг учун у фақат мунқатиෂдир.

Биринчи қироатда (ମୁନ୍କାତିଶ୍ୱରିଣୀ) нинг икки маъноси бўлгани учун муташобиҳ ҳисобланади. Иккинчи қироатда эса унинг фақат бир маъноси бўлгани учун муҳкам ҳисобланади. Ҳар икки қироат ҳам мутавотир. Муҳкам муташобиҳни босиб кетади. Шунинг учун бу муборак оятдаги (ମୁନ୍କାତିଶ୍ୱରିଣୀ) мунқатиෂ бўлади. Оятнинг маъноси эса мана бундай бўлади: Яхуд ва насоролар фақат далилсиз ҳужжат талашибина қолмасдан, ундан бошқа гапларни ҳам гапирадилар. Улар пайғамбарлар Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва уларнинг

авлодларига тухмат қилиб, уларни яхуд ёки насоро бўлган, дейишади. Аллоҳ уларнинг бўйсунганинг мусулмонлар бўлганлар.

а) Иброҳим  ҳам, ундан кейинги пайғамбарларнинг ҳам ким бўлганини Аллоҳнинг Ўзи жуда яхши билади. Улар яхуд ёки насоролар эмас, фақат ҳақ динга эгилган, фақат Аллоҳга бўйсунганинг мусулмонлар бўлганлар.

﴿قُلْ إِنَّا نَسْتَمِعُ أَعْلَمُ أَمْرِ اللَّهِ﴾

(Айтинг (эй Муҳаммад), Уларнинг динларини сизлар яхшироқ биласизми ёки Аллоҳми?).

б) Улар ўзларининг китобларидан ҳам мазкур пайғамбарларнинг яхуд ёки насоро бўлмаганларини жуда яхши биладилар. Лекин улар бу ҳақиқатни атайин яширадилар. Яширувчиларнинг энг золими ўз қўлида мавжуд бўлиб турган Аллоҳ нозил қилган китоблардаги барқарор гувоҳни яширган кимсадир. Шу билан улар яширувчиларнинг энг золимлари бўладилар.

﴿وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ كَسَمَ شَهَدَةً عِنْهُ مِنْ أَنَّ اللَّهِ﴾

(Ўзи биладиган гувоҳликни Аллоҳдан яширган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?).

Аллоҳ оятни Ўзининг ҳеч нарсадан ғофил эмаслигини, уларнинг дилларидағи ниятларидан ҳам, гувоҳни яширишларидан ҳам, пайғамбарларга тухмат қилишларидан ҳам ва бошқа ишларидан ҳам Огоҳлигини ҳамда уларга шу ишлари учун адолатли ва ўта қаттиқ жазо беришини билдириб қўйиш билан якунлапти.

﴿إِنَّكُمْ قَدْ حَلَّتْ هَذِهِ الْأَيَّامُ بِمَا كَسَبْتُمْ وَلَا تُسْكُنُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

(Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амалингиз ўзингиз учундир ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсиз). Бу муборак оят таъкид учун такрорланяпти. уни ўтган оятда тафсир қилган эдик. Ўша билан кифояланамиз.

﴿سُبْحَنَ رَبِّ الْعِزَّةِ عَمَّا يَصِفُونَ وَسَلَامٌ عَلَىٰ﴾

﴿الْمُرْسَلِينَ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

Тафсир усулини қулайлаштириш китобидан биринчи пора иккинчи қисм тафсири ниҳоясига етди.  
У Бақара сурасидаги Аллоҳ Таолонинг

﴿أَفَتَطْمَعُونَ أَن يُؤْمِنُوا لَكُمْ﴾

деган оятидан

﴿إِنَّلِيَّ أُمَّةٌ قَدْ حَلَّتْ﴾

деган оятига қадар эди  
1416 ҳижрийнинг йигирма еттинчи зул-ҳижжасида, 1996  
милодийнинг ўн бешинчи майида чоршанба куни шомга азон  
айтилишидан бироз олдинроқ у ёзиб бўлинди.

Энди Бақара сурасидан учинчи қисмни (иккинчи порани) тафсир  
қилишга киришамиз.

У Аллоҳ Таолонинг


﴿سَيَقُولُ الْسُّفَهَاءُ﴾

деган оятидан

﴿أَوْلَئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبُوا﴾

деган оятига қадардир.

Бу қисмнинг тафсирига 1417 ҳижрий мухаррам ойининг  
бошида 1996 милодийнинг ўн саккизинчи майида киришилди.



## Иккинчи пора, учинчи қисм, биринчи чорак

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ**

﴿ سَيَقُولُ الْسُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ مَا وَلَّهُمْ عَنْ قِبْلَتِهِمْ أَلَّا كَانُوا عَلَيْهَا قُلْ لَّهُ أَكْثَرُ الْمُشْرِقَاتِ وَالْمُغْرِبَاتِ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴾ وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطَا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا وَمَا جَعَلْنَا الْقِبْلَةَ أَلَّا كُتَّبَ عَلَيْهَا إِلَّا لِنَعْلَمَ مَنْ يَتَبَعُ الرَّسُولَ مِمَّنْ يَنْقُلُبُ عَلَى عَقِبَيْهِ وَإِنْ كَانَتْ لَكَبِيرَةً إِلَّا عَلَى الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَانَكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴾ قَدْ نَرَى تَقْلِبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّنَّكَ قِبْلَةً تَرَضَهَا فَوْلٌ وَجْهُكَ شَطَرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوْلُوا وُجُوهُكُمْ شَطَرُهُ وَإِنَّ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ لَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا يَعْمَلُونَ ﴾ وَلِئِنْ أَتَيْتَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ بِكُلِّ ءَايَةٍ مَا تَبِعُوا قِبْلَتَكَ وَمَا أَنْتَ بِتَابِعٍ قِبْلَةَ بَعْضٍ وَلِئِنْ أَتَبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ إِنَّكَ إِذَا لَمْنَ الظَّلَمِيْنَ ﴾ الَّذِينَ ءاتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَعْرِفُونَهُ كَمَا يَعْرِفُونَ أَبْنَاءَهُمْ وَإِنَّ فَرِيقًا مِنْهُمْ لَيَكْتُمُونَ الْحَقَّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴾ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْمُمْتَرِينَ وَلِكُلِّ وِجْهَهُ هُوَ مُوْلَيْهَا فَاسْتَقِوْا الْخَيْرَاتِ أَيْنَ مَا تَكُونُوا يَأْتِ بِكُمُ اللَّهُ جَمِيعًا إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾ وَمِنْ حَيْثُ خَرَجْتَ فَوْلٌ وَجْهُكَ شَطَرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَإِنَّهُ لِلْحَقِّ مِنْ رَبِّكَ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴾ وَمِنْ حَيْثُ خَرَجْتَ فَوْلٌ وَجْهُكَ شَطَرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوْلُوا وُجُوهُكُمْ شَطَرُهُ لِعَلَا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَيْكُمْ حُجَّةٌ إِلَّا الَّذِيْنَ ظَلَمُوا بِهِمْ فَلَا تَخْشُوْهُمْ وَأَحْشُوْنِي وَلَا إِنَّمَا

نِعْمَتِي عَلَيْكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١﴾ كَمَا أَرْسَلْنَا فِيهِمْ رَسُولًا مِنْكُمْ يَتَلَوَّنَ عَلَيْكُمْ  
 إِنَّا إِنَّا نَوَّبْنَا وَإِنَّكُمْ مَوْلَانَا إِنَّا نَوَّبْنَا وَإِنَّكُمْ مَوْلَانَا  
 فَادْكُرُونِي أَذْكُرْكُمْ وَآشْكُرُوا لِي وَلَا تَكُفُّرُونِ ﴿٢﴾ يَأْتِيهَا الَّذِينَ إِنَّمَا  
 بِالصَّابَرِ وَالصَّالِحِةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴿٣﴾ وَلَا تَقُولُوا لِمَنْ يُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَالَ  
 بَلْ أَحْيَاهُ وَلِكُنْ لَا تَشْعُرُونَ ﴿٤﴾ وَلَنَبْلُونَكُمْ بِشَيْءٍ مِنَ الْحَوْفِ وَالْجُجُوعِ وَنَقْصِ  
 مِنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِّرُ الصَّابِرِينَ ﴿٥﴾ الَّذِينَ إِذَا أَصْبَطْتُهُمْ مُصِيبَةً  
 قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿٦﴾ أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِنْ رَبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ  
 وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهَتَّدُونَ ﴿٧﴾

– „142. Одамлардан ақысизлари: «Улар (мусулмонлар)ни илгари қараган қиблаларидан қандай нарса юз ўгиртириди?» — дейдилар. Айтинг: «Машириқ ҳам, Магриб ҳам Аллоҳницидир. У йзи хоҳлаган кишиларни ҳақ йўлга ҳидоят қиласди». 143. Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик. Сиз илгари қараган қиблани Биз фақатгина ким пайғамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишини билиши учун қилганимиз, холос. Шубҳасиз, бу оғир иши. Магар Аллоҳ ҳидоят қилган зотларгагина (оғир эмасдир). Аллоҳ имонларингизни (яъни, имон билан ўқиган намозларингизни) зое қилгувчи эмас. Албатта, Аллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳмлидир. 144. Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул Ҳаром (Макка) томонга буринг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангиزلар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз! Китоб берилган зотлар албатта буниг Парвардигорлари томонидан (келган ҳақ ҳукм) эканини биладилар. Аллоҳ улар қилаёган амаллардан гоғил эмасдир. 145. Қасамки, агар Сиз китоб берилган кимсаларга бор мўъжисаларни келтирсангиз ҳам улар қиблангизга бокмайдилар. Сиз ҳам уларнинг қибласига бокувчи эмассиз. Улар (яхудий ва насронийлар)нинг бировлари бировларининг қибласига бокувчи эмас. Агар фаразан Сизга келган билим (ваҳи)дан кейин ҳам

**уларнинг ҳавоиي нафсларига эргаишсангиз, у ҳолда шубҳасиз золимлардан бўлиб қоласиз.** 146. **Биз китоб ато этган кимсалар** (яхудий ва насронийлар) **уни** (Муҳаммад пайгамбарни) ўз фарзандларини **таниган** каби **танийдилар**. (Яъни ўзларининг илоҳий китобларида у ҳақда ўқиганлар). **Ва албатта улардан бир гурӯҳи билғанлари ҳолда ҳақиқатни беркитадилар.** 147. **Бу ҳақиқат** (яъни қибланинг ўзгариши) **Парвардигорингиз томонидандир**. **Бас, шубҳа қилгувчилардан бўлманг!** 148. **Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи бор.** **Бас, яхши ишларга шошилингиз!** Қаерда бўлманг, Аллоҳ сизларни (ҳисоб-китоб) учун келтиради. **Албатта Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.** 149. **Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг!** У шубҳасиз **Парвардигорингиз** (буюрган) ҳақ (қибла)дир. **Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан гофил эмасдир.** 150. **Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг!** **Ва қаерда бўлсангизлар** (эй мўминлар), юзларингизни ўша томонга буринг! Токи (айрим) одамлар учун сизларнинг устингизда хуёжекат бўлиб қолмасин. Лекин уларнинг ичида зулм қилгувчилар ҳам борки, сизлар улардан кўрқмангиз. Мендан кўрқингиз! **Ва токи сизларга неъматимни комил қилиб беришим ва тўғри йўлга ҳидоят топишингиз учун шундай қилингиз.** 151. Шунингдек, сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларга Бизнинг оятларимизни тиловат қиласидиган, сизларни поклайдиган, сизларга Китоб ва Ҳикматни (Куръон ва Ҳадисни) ўргатадиган ва билмаган нарсаларингизни билдирган бир пайгамбар юбордик. 152. **Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга, шукр қилингиз ва Мени инкор қилмангиз!** 153. Эй мўминлар, сабр қилиши ва намоз ўқии билан (Мендан) мадад сўранглар! **Албатта Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир.** 154. **Ва Аллоҳ йўлида ҳалок бўлган шаҳидлар ҳақида:** «**Булар ўликлар**», демангиз! Йўқ, улар тириклардир, лекин сизлар сезмайсизлар. 155-156. **Ва албатта сизларни ҳавфу ҳатар, очлик, молу жон ва мева - чеваларни камайтириши каби нарсалар билан имтиҳон қиласиз.** Бирор мусибат келганда: «**Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз**», дейдиган собирларга хушхабар беринг (эй Муҳаммад). 157. **Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (магифират) ва раҳмат бордур.** Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир“.

[2:142:157]

**Тафсир:**

﴿ سَيَقُولُ الْسُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ مَا وَلَنْهُمْ عَنْ قِبْلَتِهِمُ الَّتِي كَانُوا عَلَيْهَا قُلْ لِلَّهِ الْمُشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴾ ١٤٢ وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطَا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا وَمَا جَعَلْنَا الْقِبْلَةَ الَّتِي كُنْتَ عَلَيْهَا إِلَّا لِتَعْلَمَ مَنْ يَتَّبِعُ آرَارَسُولَ مِمَّنْ يَنْقُلُ بَعْضَهُ عَلَى عَقِبِيهِ وَإِنْ كَانَتْ لَكِبِيرَةً إِلَّا عَلَى الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَانَكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴾ ١٤٣ قَدْ نَرَى تَقْلِبَ وَجْهَكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَيْنَاكَ قِبْلَةً تَرْضَهَا فَوَلِ وَجْهَكَ شَطَرَ الْمَسِّيْدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوْلُوا وُجُوهَكُمْ شَطَرُهُ وَإِنَّ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ لَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا يَعْمَلُونَ ﴾ ١٤٤ وَلَئِنْ أَتَيْتَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ بِكُلِّ ءَايَةٍ مَا تَبِعُوا قِبْلَتَكَ وَمَا أَنْتَ بِتَابِعٍ قِبْلَتِهِمْ وَمَا بَعْضُهُمْ بِتَابِعٍ قِبْلَةَ بَعْضٍ وَلَئِنْ أَتَيْتَ أَهْوَاءَهُمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ إِنَّكَ إِذَا مِنْ

الظَّلَّمِينَ ﴾ ١٤٥

– „142. Одамлардан ақынлары: «Улар (мусулмонлар)ни илгари қараган қиблаларидан қандай нарса юз ўгиртириди?» — дейдилар. Айтинг: «Машриқ ҳам, Магриб ҳам Аллоҳницидир. У йзи хоҳлаган кишиларни ҳақ йўлга ҳидоят қиласди». 143. Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устидиа гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик. Сиз илгари қараган қиблани Биз фақатгина ким пайғамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишими билиши учун қилганимиз, холос. Шубҳасиз, бу оғир ши. Магар Аллоҳ ҳидоят қилган зотларгагина (оғир эмасдир). Аллоҳ имонларингизни (яъни, имон билан ўқиган намозларингизни) зое қилгувчи эмас. Албатта, Аллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳмлидир. 144. Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул Ҳаром (Макка) томонга буринг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангиزلар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз! Китоб берилган зотлар албатта

*бунинг Парвадигорлари томонидан* (келган ҳақ ҳукм) эканини биладилар. Аллоҳ улар қилаёган амаллардан гофил эмасдир. 145. Қасамки, агар сиз китоб берилган кимсаларга бор мўъжизаларни келтирсангиз ҳам улар қиблангизга боқмайдилар. Сиз ҳам уларнинг қибласига боқувчи эмассиз. Улар (яхудий ва насронийлар)нинг бировлари бировларининг қибласига боқувчи эмас. Агар фаразан Сизга келган билим (ваҳи)дан кейин ҳам уларнинг ҳавоий нафсларига эргашсангиз, у ҳолда шубҳасиз золимлардан бўлиб қоласиз“.

[2:142:145]

**Бу оятлардан қўйидагилар англашилди:**

Бу оятларда тақдим ва таъхир қоидаси қўлланганга ўхшайди. Негаки,

﴿سَيَقُولُ الْسُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ﴾

(одамлардан ақлсизлари айтадиларки:) ояти

﴿قَدْ نَرَى تَقْلِبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ﴾

(гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз) отидан кейин нозил бўлган. Аллоҳ Таоло олдин Пайғамбар ﷺ ни Масжидул Ҳаром тарафига бурган, ундан кейин

﴿سَيَقُولُ الْسُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ مَا وَلَهُمْ عَنْ قِتْلَتِهِمُ اللَّتُ كَانُوا عَلَيْهَا﴾

(одамлардан ақлсизлари: «Улар (мусулмонлар)ни илгари қараган қиблаларидан қандай нарса юз ўгиртириди?» — дейдилар), деган.

Оятлар Пайғамбар ﷺ га нозил бўларди ва у киши ёзиб борувчиларга уларни суранинг қайси жойига ёзишларини тайинлардилар.

«ضَعُوا هَذِهِ الْآيَةَ فِي مَكَانٍ كَذَا مِنْ سُورَةِ كَذَا»

«**Бу оятни фалон суранинг фалон жойига қўйинглар**»,<sup>9</sup> дердилар. Оятнинг сурадаги тартиби нозил бўлишдаги тартиби билан бир хил бўлиш ҳоллари ҳам, бир хил бўлмаслик ҳоллари ҳам юз берарди. Шундай бўлишининг ҳикматини Аллоҳнинг Ўзи билади.

Бу ҳолат Куръони Каримнинг айрим оятларида очиқ кўриниб туради.

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَدْرُونَ أَرْوَاجًا وَصَيْهَ لَا زَوْجَهُمَا﴾

(9) Термизий: 4011. У киши бу ҳадис ҳасан саҳиҳ, деди. Аҳмад: 376, 478.

– „Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар (ўлимларидан олдин), хотинларига васият қилсинлар“ [2:240]

ояти нозил бўлиш жиҳатидан

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّونَ أَزُواجًا يَتَرَصَّنَ بِأَنفُسِهِنَّ أَرْبَعَةُ أَشْهِرٍ وَعَشْرًا﴾

– „Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар“ [2:234]

оятидан олдиндадир. Биринчи оят иккинчи оят билан насх қилинган. Ҳолбуки, иккинчи оятнинг Қуръондаги тартиби биринчи оядан олдинда. Яъни, унинг Қуръондаги тартиби нозил бўлишдаги тартибидан бошқача.

﴿سَيَقُولُ الْسُّفَهَاءُ مَا وَلَّنَهُمْ عَنْ قِبْلَتِهِمْ أَلَّا كَانُوا عَلَيْهَا﴾

(Одамлардан ақлсизлари: «Улар (мусулмонларни илгари қараган қиблаларидан қандай нарса юз ўгиртириди?» — дейдилар) оятида ҳам шундай ҳолат бор. Оятнинг мазмуни бу гап Аллоҳ уларни қиблаларидан бурганидан кейин яъни

﴿قَدْ نَرَى تَقْلِبَ وَجْهَكَ فِي السَّمَاءِ فَنَوَّلْنَاكَ قَبْلَةً تَرْضَهَا﴾

(гоҳ юзингиз самода кезганини қўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз) оятидан кейин айтилганини тақозо қиласди.

Тақдим ва таъхир қоидаси араб тили қоидаларига кўра, ўзига яраша бир ҳикматли мақсадда қўлланади. Мана шу ердаги тақдим ва таъхир қоидасини синчилаб ўрганадиган бўлсақ, унинг Аллоҳнинг ҳукмига эътиroz билдираётган анави аҳмоқларнинг воқеини фош этиш учун ишлатилгани аён бўлади. Зоро, холис ниятли чин мўминлар Аллоҳнинг буйруқларини мутлақо эътиroz билдирамасдан қабул қиласдилар.

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمْ آخِرَةٌ مِنْ﴾

﴿أَمْرٌ﴾

– „Аллоҳ ва Унинг пайгамбари бир ишини хукм қилган — буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишиларидан ихтиёр қилиши жоиз эмасdir“ [33:36]

Шунинг учун Аллоҳ Таоло бу ояtlарда Аллоҳнинг қиблани бир томондан бошқа томонга ўзгартириш ҳақидаги ҳукмига, буйруғига эътиroz билдирувчиларнинг нақадар аҳмоқлигини баён

қиляпти. Бу ерда гап Аллоҳ Таолонинг бир буйруқни бекор қилиб, унинг ўрнига бошқа бир буйруқни бериши устида эмас, балки Аллоҳнинг буйруғига эътиroz билдириш масаласи устида боряпти.

Қиблани бир томондан бошқа томонга ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик Аллоҳнинг иши. Аллоҳ машриқу мағрибнинг Эгасидир. Ўз мулкида Ўзи истаган буйруқни чиқараверади.

﴿لَا يُسْكُلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْكُلُونَ﴾

– „**У Ўзи қиласидиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас, улар** (яъни бандалар эса қиласидиган ҳар бир иши-амаллари хусусида) **масъул бўлурлар**“.  
[21:23]

Аллоҳнинг фармони ҳақиқатдир, ҳидоятдир, унга эргашган одам ҳидоят топади.

﴿نَهِيَ مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطِ مُسْتَقِيمٍ﴾

(**У Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳақ йўлга ҳидоят қиласди**). Аллоҳнинг буйруғига эътиroz билдирган, ҳар хил тутуриқсиз гапларни айтган кимса ҳалокатга юз тутган аҳмоқдир.

(**ақлсизлар**). (سفие) сўзининг кўплиги. Нодон, бефаҳам, ақли енгил (ноқис) маъноларини англатади. Бу сўз аслида енгил деган маънони билдиради. Енгил тўқилган кийим иборасида ҳам шу сўз қўлланади. Бу сўзга алиф лом артикли ҳам кирган. Шунга кўра, у ўша гапни айтган ҳамма кишига доирдир.

﴿مَا وَلَنَّهُمْ عَنْ قِبْلَتِهِمْ﴾

(**уларни қиблаларидан қандай нарса юз ўғиртириди?**). Бу ерда шу сўзни айтган аҳмоқлар яхудлар, мунофиқлар, мушриклар ва уларнинг сафига қўшилганлардир.

(**ما وَلَنَّهُمْ عَنْ قِبْلَتِهِمْ ularni қандай нарса юз ўғиртириди?**). Яъни, нима бурди?

(**қиблаларидан**). Қибла сўзи вижҳа сўзи кабидир. Унинг шаръий маъноси мусулмон намозда юзланадиган тарафдир.

2 – Кейин Аллоҳ Таоло бизга хабар беряптики, буйруқ бериш ҳар доим У Зотнинг ишидир. У Зотнинг ҳукмини ҳеч кимса рад эта олмас. У Зот фазлу марҳамат соҳибидир. У Зот Пайғамбар صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ дуоларини ижобат қилиш билан мусулмонларга яхшилик

қылганидек, Мұхаммад ﷺ Умматини умматлар ўртасидаги ўрта уммат қилиши билан бу Умматта фазлу марҳамат кўрсатди. Одамларга гувоҳ бўладиган ўрта уммат. Одамларга гувоҳ бўладиган уммат ўз-ўзидан адолатли умматdir. Зоро, адолат шаҳодатнинг асосий шартидир.

Арабларнинг гапида ўрта сўзи энг сара, энг яхши маъносини англатади. Одамларнинг саралари уларнинг ўрталаридир.

«Лисонул-араб»да шундай дейилган: нарсанинг ўртаси энг афзалидир, энг яхxisидир, энг сарасидир. Масалан, яйловнинг ўртаси энг яхши жойи. Мана бу ҳадис ҳам шу маънодадир:

«خَيْرُ الْمُؤْمِنِ أَوْ سَطْهَا»

### «Ишларнинг яхписи ўртачасидир».<sup>10</sup>

Аллоҳ Таолонинг мана бу ояти ҳам шу маънода келган:

﴿لَتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ﴾

(Бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз учун). Яъни, Лисонул-араб китобининг муаллифи айтади: Бу васат сўзининг тафсири ва ҳақиқий маъносидир.

Шунга кўра, оятнинг маъноси мана бундай бўлади: Ислом Уммати бошқа умматларга қарши уларга Ислом етказилганлигига адолатли гувоҳ бўлади. Гарчи оят дарак гап бўлиб келса-да, унда буйруқ маъноси ҳам бор. Яъни, Ислом Уммати Исломни бошқа умматларга етказишлари лозим. Шундай қилмасалар, гуноҳкор бўладилар. Шу ишлари бошқа умматларга қарши ҳужжат бўлади.

﴿لَتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ﴾

Шунингдек, Пайғамбар ﷺ Ислом Умматига қарши унга Исломни етказганига гувоҳдирлар.

﴿وَيَكُونَ الْرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا﴾

### (Ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун).

Демак, Исломдан кейин Ислом Уммати бошқа умматларга қарши Ислом ўша умматларга етказилганига адолатли гувоҳдир. Бу бир томондан. Бошқа томондан у Исломдан олдинги пайғамбарларнинг ҳам Парвардигор томонидан юборилган рисолатни ўз умматларига етказгандарига ҳам гувоҳ бўлади. Ҳадисда келади:

(10) Байҳақий: 3 / 273. Қуртубий: 2 / 154.

«يَحْيَىٰ النَّبِيُّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَمَعَهُ الرَّجُلُ وَالنِّبِيُّ وَمَعَهُ الرَّجُلَانِ وَأَكْثُرُ مِنْ ذَلِكَ فَيُدْعَى قَوْمُهُ  
فَيُقَالُ لَهُمْ هَلْ بَلَّغْتُمْ هَذَا فَيَقُولُونَ لَا فَيُقَالُ لَهُ هَلْ بَلَّغْتَ قَوْمَكَ فَيَقُولُ نَعَمْ فَيُقَالُ لَهُ مَنْ  
يَشْهُدُ لَكَ فَيَقُولُ مُحَمَّدٌ وَآمَّتُهُ فَيُدْعَى مُحَمَّدٌ وَآمَّتُهُ فَيُقَالُ لَهُمْ هَلْ بَلَّغَ هَذَا قَوْمُهُ فَيَقُولُونَ  
نَعَمْ فَيَقَالُ وَمَا عِلْمُكُمْ فَيَقُولُونَ جَاءَنَا نَبِيُّنَا فَأَخْبَرَنَا أَنَّ الرَّسُولَ قَدْ بَلَّغُوا فَذَلِكَ قَوْلُهُ  
تَعَالَى»

«Қиёмат кунида қайсиdir пайгамбар бир киши (уммат) билан, яна қайсииси икки ёки ундан күпроқ киши (уммат) билан келади. Унинг қавмига, мана бу одам сизларга етказдими, деб жар солинади. Улар, йўқ, деб жавоб беришади. Унга (пайгамбарга), сен қавмингга етказдингми, дейилади. У, ҳа, етказдим, дейди. Унга сенга ким гувоҳлик беради, дейилади. У, Мұхаммад ва унинг Уммати, деб жавоб беради. Шунда Мұхаммад ва унинг Уммати чақиртирилади. Улардан, мана бу одам ўз қавмига етказдими, деб сўралади. Улар, ҳа, деб жавоб берадилар. Қаердан биласизлар, дейилади уларга. Улар, бизга Мұхаммад пайгамбар бўлиб келган ва пайгамбарларнинг етказгандари ҳақида хабар берган, дейишади. Аллоҳ Таолонинг мана бу гапи шу маънода:

﴿وَكَذِلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الْرَّسُولُ عَلَيْكُمْ﴾

شَهِيدًا

(Шунингдек (яъни ҳақ ийлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошика одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайгамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик).

Демак, айтиб ўтганимиздек, Ислом Уммати Исломдан олдин ҳам, Исломдан кейин ҳам бошқа умматларга қарши уларга рисолат етказилганига адолатли гувоҳдир.

Шунингдек, Аллоҳ Таоло биринчи қибланинг яъни, Масжидул Ақсога юзланиб намоз ўқишининг фарз қилинишида бир ҳикмат борлигидан бизни огоҳ этяпти. Шу иш орқали Аллоҳга, Пайгамбарга итоат этиб, Аллоҳ буюрган тарафга юзланиб намоз ўқиганлар билан Аллоҳ ва Пайгамбарнинг фармони ўзи ўрганиб қолган одатига зид иш бўлса, унга итоат этишдан бош тортадиган кимсалар бир-бирларидан ажralиб қолардилар. Аллоҳ

Пайғамбар ﷺга Маккадалик пайтларида Масжидул Ақсога қараб намоз ўқиши буюрганди. Ҳолбуки, бу пайтда Каъба арабларнинг ёнгинасида эди. Боз устига улар Каъбани жуда улуғлардилар, ҳаж қиласардилар, тавоғ қиласардилар. Бу ишни Иброҳим ﷺнинг динига тӯғри келадиган иш, деб билардилар. Мана шундай Каъба турганда Масжидул Ақсога юзланиш анча оғир эди. Аммо Аллоҳ ҳидоят берган, Аллоҳнинг фармонига бўйсунадиган мўминлар учун бу оғирлик сезилмадир. Улар Парвардигорларининг буйруғига итоат этиб, Ақсо сари юзландилар. Аллоҳ улардан рози бўлсин, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлсинлар.

Кейин Аллоҳ Таоло мўминларга йўз тарафидан марҳамат кўрсатиб, лутф айлаб, уларнинг қибла Макка тарафига ўзгарилишидан олдинги намозларини ҳам қабул қилди. Мусулмонлар ўзларининг биринчи қибла тарафига қараб ўқиган намозлари қабул бўлмай қолишидан қўрқардилар. Аллоҳ уларнинг шу намозлари ҳам қабул бўлишини айтиб, уларни эъзозлади.

﴿إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ﴾

*(Албатта, Аллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳмлидир).*

„(Илла نَعْلَم) бизнинг билишимиз кўриниши, очилиши учун. Яъни, Аллоҳнинг гоибона билиши бизга ҳам аён бўлиши учун. Шундай маъно чиқаришимизга қарина Аллоҳ Таолонинг мана бу оятидир:

﴿عَلِمَ الْغَيْبُ وَالشَّهَدَةُ﴾

– „(У) гайд ва шаҳодатни (яъни яширин ва ошкора нарсаларни) билгувчиидир“. [59:22]

Аллоҳ Таоло бир нарсани билиши учун ўша нарса одамларга кўриниши керак бўлмайди. Чунки У Зот шу вақтгача бўлган ишларни ҳам, энди юз берадиган ишларни ҳам билади.

﴿أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَعْلَمِ اللَّهُ الَّذِينَ جَهَدُوا مِنْكُمْ وَيَعْلَمُ الصَّابِرِينَ﴾

– „(Эй мўминлар), ёки Аллоҳ сизларнинг ичингиздан ким ҳақ йўлда курашган-у, ким сабр-тоқат қилганини мутлақо билмай туриб жсаннатга кирамиз, деб ўйладингизми?!“ [3:142]

Яъни, токи, жиҳод ва сабр борасидаги сизларнинг аҳволинглардан Аллоҳнинг огоҳлиги одамларга ҳам аён бўлсин, очисин.

Бинобарин, (الْعَلَمُ) иборасининг маъноси билганимизни кўрсатишимиз учун деганидир. Бу мажозий маъно. Аллоҳнинг файбни ҳам билиши қаринаси билан ақлан айтилаётган гапнинг бўлиши ростлигини тақозо қилувчи бир маъно дилда бор.

﴿مِمَّنْ يَنْقِلِبُ عَلَىٰ عَقِبَيْهِ﴾

(*Ким орқасига қайтиб кетишини*). Яъни, ота-боболарининг қибласига ўрганиб қолиб, Исломдан қайтган одамдан. Бу ердаги (من) ҳарфи ажратиш учун келяпти. Бу ҳарф иккита бир-бирига зид нарсаларга кирганда ажратиш маъносини англатади. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَاللَّهُ يَعْلَمُ الْمُفْسِدَ مِنَ الْمُصْلِحِ﴾

— „Аллоҳ ким бузгунчи, ким ўнгловчи — ислоҳ қилувчи эканини билади“. [2:220]  
Тузувчи бузувчининг зиддидир.

﴿إِلَّا لِنَعْلَمَ مَنْ يَتَّبِعُ الرَّسُولَ مِمَّنْ يَنْقِلِبُ عَلَىٰ عَقِبَيْهِ﴾

(*Биз фақатгина ким пайгамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишини билиши учун қилганмиз, холос*). Оятдаги (من ينقلب على عقيبه) (من يطبع الرسول) нинг зиддидир.

(*Листиб Еманкун*). Яъни, биринчи қибла насх бўлишидан олдин унга қараб ўқиган намозларингизни қабул қилмайдиган Зот эмас. Бу ерда мажозий далил келтириш бор. Зеро, намознинг қабул бўлиши имонга қараб бўлади. Агар имон бўлмаса, намознинг ҳамма рукнлари бекаму кўст бажарилган тақдирда ҳам қабул бўлмайди. Имон амалдан олдинда туради:

﴿إِنَّ الَّذِينَ ءامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّلِحَاتِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الْزَكَوةَ لَهُمْ أَجْرٌ هُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

— „Албатта имон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари хузурида ажер бор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар“. [2:277]

Ҳадисда келади: “Пайғамбар ﷺ қиблага — Каъбага юзлантирилгач, эй Аллоҳнинг пайғамбари, Байтул Мақдисга

қараб намоз ўқиб ўлиб кетганлар нима бўлади, дейишди. Шунда мана шу оят нозил бўлди:

﴿وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَانَكُمْ﴾

(*Аллоҳ имонларингизни зое қилгувчи эмас*). Яъни, уларнинг намозларини Аллоҳ Ўз фазлу марҳамати ила қабул айлайди.<sup>11</sup>

З – Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺнинг қиблани Масжидул Ақсодан бошқа тарафга ўзгартиришини сўраб қилган дуоларини ижобат айлаганини баён қиласи. Яҳудлар, Мұхаммад бизга қарши чиқади-ю, яна бизнинг қибламизга эргашади, дейишарди. Пайғамбар ﷺ қибла Иброҳим ﷺ қурган Каъба тарафига ўзгартирилишини истардилар. Шундай қилинса, арабларни имонга чақириш қулайроқ бўлади, деб ҳисоблардилар. Бухорий ва Муслим ўзларининг «Саҳиҳ»ларида чиқарган ҳадисда Барродан мана бундай ривоят бор:

«Пайғамбар ﷺ билан Мадинага келишларидан олдин ўн олти ой Байтул Мақдисга юзланиб намоз ўқидик. Кейин Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарининг истагини билиб, мана бу (қуийдаги) оят нозил бўлди»:<sup>12</sup>

﴿قَدْ نَرَى تَقْلُبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّيَنَاكَ قِبَلَةً تَرَضِنَاهَا فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطَرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوْلُوا وُجُوهُكُمْ شَطَرُهُ﴾

(*Гоҳо юзингиз самода кезганини қўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул Ҳаром (Макка) томонга буринг!* (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўйсангизлар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз!). Шу билан қибла Байтул Ҳаром тарафига ўзгартирилди. Шу оят нозил бўлганидан кейин мусулмонлар Байтул Мақдис тарафига қараб намоз ўқишни ташлашиб, Байтул Ҳаром тарафига қараб намоз ўқий бошладилар. Абу Довуд Анас ﷺдан ривоят қиласи:

«أَنَّهُ لَمَّا نَزَّلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ رَجُلٌ بْنَى سَلْمَةً فَنَادَاهُمْ وَهُمْ رُكُوعٌ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ تَحْوِيْتَهُ بَيْتَ الْمَقْدِسِ أَلَا إِنَّ الْقِبْلَةَ قَدْ حُوَلَّتْ إِلَى الْكَعْبَةِ مَرَّتَيْنِ فَمَالُوا كَمَا هُمْ رُكُوعٌ إِلَى الْكَعْبَةِ»

(11) Бухорий: 40. Абу Довуд: 4860. Термизий: 2964. Аҳмад: 1/295, 304. Тафсири Табарий: 2/12.

(12) Бухорий: 384, 6811. Муслим: 821. Тафсири Табарий: 2/3.

«Пайгамбар ﷺ шу оят нозил бўлгач, бир киши бомдод намозини Байтул Мақдисга қараб ўқиётган рукуда турган Бану Саламанинг ёнидан ўтаётиб, огоҳ бўлингларки, қибла Каъба тарафига ўзгартирилди, деди. Намоз ўқиётганларнинг ҳаммалари рукуда турганлари ҳолда Каъба тарафига юзландилар».<sup>13</sup>

Бундан шаръий ҳукмлар борасидаги хабари оҳод далолати чиқарилади. Аммо биринчи қибла хабари оҳод билан насх қилинди, дейилмайди. Чунки биринчи қибла

﴿قَدْ نَرَى تَقْلُبَ وَجْهَكَ فِي السَّمَاءِ فَلَوْلَيْنَاكَ قِبَلَةً تَرَضِّهَا﴾

(гоҳо юзингиз самода кезганини қўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз) ояти билан насх қилинган. Бор гап шуки, ўша намозхонларга шаръий ҳукмнинг етказилиши хабари оҳод билан юз берган. Йўлига қараб, хабари оҳодга ҳам амал қилиш вожиб. Бу нарса ўз бобида усул фанида ўрганилади.

(شَطْرَةٌ) яъни, тарафига. Ибн Аббос шундай деган. Каъбани эмас, Масжидул Ҳаромнинг тилга олинаётгани унинг ўзига эмас, томонига эътибор қилиш кераклигини кўрсатади. Чунки Масжидул Ҳаром Каъбани ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, бу сўз Макка маъносида ҳам қўлланади. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿سُبْحَنَ اللَّهِ أَكْبَرَ إِنَّمَا يَعْبُدُهُ لَيْلًا مِّنَ الْمَسِاجِدِ إِلَى الْمَسِاجِدِ﴾

﴿الْأَقْصَا﴾

— „(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Мұхаммад)ни — (Маккадаги) Масжидул Ҳаромдан (Қуддусдаги) Масжидул Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир“.

[17:1]

Пайғамбар ﷺ масжиднинг ичидан эмас, Маккадан сайр қилдирилганлар.<sup>14</sup> Бундан яна шундай маъно ҳам чиқадики, Байтул Ҳаром Каъба уни ўз кўзлари билан кўриб турганлар учун қибладир. Ҳарам минтақасида яшайдиган, лекин Каъбани кўрмайдиганлар учун Масжидул Ҳаром тарафининг ўзи қибла бўлишга кифоя қиласди. Ҳарам минтақасида яшамайдиган, лекин унинг томонини биладиганлар, масалан Пайғамбар ﷺ учун ҳам

(13) Абу Довуд у ўзининг «Носих»ида келтирган, Аҳмад: 1/295, 304. Дуррул Мансур: 1/346.

(14) Байзовий деди: Каъба дейилмай, масжид дейилишининг боини, Набий алайҳиссалом Мадинада эдилар.

Масжидул Ҳаром қибла бўлади. Бошқа юртларда яшайдиганлар учун эса Масжидул Ҳаром жойлашган шаҳар яъни, Макка қибла бўлади.

(قدْ نَرَى) яъни, кўрдик. (قدْ) ҳарфи музореъга кирганда агар у ўтган ёки ўтганга ўхшаган бир ҳодисага алоқадор бўлса, музореъни мозийга айлантиради. Шу билан бирга худди мозий феълига келгани каби феълнинг юз бериши аниқлигини ифодалайди. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قَدْ يَعْلَمُ مَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ﴾

– „У Зот сизлар устида турган нарсани (яъни мўмин ё мунофиқлигинизни) яхши билур“. [24:64]

Яна айтади:

﴿وَلَقَدْ نَعْلَمُ أَنَّكَ يَضْيقُ صَدْرُكَ﴾

– „Шак-шубҳасиз, Биз дилингизни сиқилишини билурмиз“. [15:97]

4 – Биринчи қибланинг иккинчи қиблага ўзгартирилиши ҳақ эканини яҳуд ва насоролар яхши билишларини Аллоҳ бизга маълум қиляпти. Чунки улар Мұхаммад ﷺ ўзларининг китобларида тавсифланган ўша пайғамбар эканликларини, у киши икки қиблага қараб намоз ўқишлигини яхши биладилар. Шунингдек, улар Пайғамбар ﷺ Парвардигоридан олиб айтиётган гаплари шак-шубҳасиз ҳақ эканини ҳам яхши биладилар.

Аллоҳ оятни уларнинг қилаётган ишларидан Ўзининг хабардорлигини, ҳаммасини ҳисоблаб турганини, қибланинг ўзгартирилиши масаласида бўладими, бошқада бўладими, Пайғамбар ﷺни ҳар бир инкор қилишлари учун уларни ҳисобкитоб қилиб, уларга ўта қаттиқ ва ҳақли жазо, азоб беришини билдириб қўйиш билан яқунляяпти. Уларнинг биронта иши Аллоҳнинг назаридан четда қолмайди.

﴿وَمَا اللَّهُ بِخَفْلٍ عَمَّا يَعْمَلُون﴾

(Аллоҳ улар қилаёган амаллардан гофил эмасдир).

(کیتوب берилган зотлар). Улар аҳли китобларнинг олимлари. Бунга қарина мана бу оят:

﴿لَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ﴾

**(Албатта бунинг Парвардигорлари томонидан (келган ҳақ ҳукм) эканини биладилар).** Биладиганлар, яъни, тақлидсиз ўзлари биладиганлар уни ўқийдиган ва унинг ичидағи маъноларни биладиган ахли китоб олимлариридир.

5 – Аллоҳ Таоло охирги оятда ўтган оятда ишора қилиб ўтилган олимлар ва руҳонийлар ҳар қанча кучли ҳужжат келтирилмасин, барибир мусулмонларнинг қибласига ҳеч қачон эргашмаслигини, чунки улар бирон бир шубҳа, далилнинг етишмаслиги туфайли эмас, балки ўзларининг манманликлари, саркашликлари туфайли мусулмонлар қибласини инкор қилаётганларини баён қиласди. Бу ишнинг ҳақлиги уларнинг китобларида бор. Улар буни жуда яхши биладилар. Бундай одамлар билан ҳужжат талашишнинг фойдаси йўқ. Шу ерда бир савол туғилади. Уларнинг айримлари қандай қилиб имон келтирдилар? Чунки бу оят Пайғамбар ﷺнинг замонларидағи ахли китоб олимлари ҳақидадир. Улар ҳақни билиб туриб, манманлик ва саркашлик билан унга имон келтирмадилар. Бу ердаги айримлари, деган сўз яҳудлар ва насоролар оммасидан бошқаларга алоқадор эмас. Улардан айримларининг имон келиш эҳтимоли борлигини инкор ҳам қилмайди.

Кейин Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺга хабар беряпти, у киши ҳам уларнинг қибласига ҳеч қачон эргашмайдилар. Зеро, ўзлари ҳақ тарафидадирлар. У кишига нозил бўлган ҳақ уларнинг ҳавои нафсларига эргашмайди. Айни пайтда улардан бири бошқасининг қибласига эргашмайди. Улар ўз қибласини ҳеч қандай аниқ далилсиз маҳкам ушлайдилар. Шунинг учун ҳар қанча далил келтирилганда ҳам бу ҳолат ўзгармайди.

Шунингдек, Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарига хитоб қилиб, сизга ҳақ келиб бўлганидан кейин яна сиз уларнинг динига, тўғрироғи ҳавои нафсларига эргашадиган бўлсангиз, ҳақни ўз ўрнига қўймаган золимга айланасиз, деяпти.

﴿وَلِئِنْ أَتَيْتَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَبَ﴾

**(Қасамки, agar Сиз китоб берилган кимсаларга (барча ҳужжатларни) келтирсангиз ҳам).** Бу ердаги лом қасам маъносини англатувчи лом.

﴿مَا تَبِعُوا قِبْلَتَكَ﴾

**(Улар қиблангизга боқмайдилар).** Шарт жавобининг ўрнига ўтирган қасам жавоби. Чунки бу ерда қасам ломи шартдан олдин келяпти. Шунинг учун жавоб шартники эмас, қасамники бўлади.

Тил қоидалари шуни тақозо қиласы. Айниңса, бу ерда жавобға фонинг кирмаётгани фикримизни янада қувватлайды.

﴿وَمَا أَنْتَ بِتَابِعٍ لِّقَبْلَهُمْ﴾

(Сиз ҳам уларнинг қибласига бокувчи эмассиз).

﴿وَمَا بَعْضُهُمْ بِتَابِعٍ لِّبَعْضٍ﴾

(Улар (яхудий ва насронийлар)нинг бирорлари бирорларининг қибласига бокувчи эмас). Бу ердаги инкор олдинги

﴿مَا تَعْوَا قِبْلَتَكُمْ﴾

(улар қиблангизга бокмайдилар), деган гапдаги инкордан кўра кучлироқ. Чунки биринчи инкор жумлайи феълия билан ифодаланган бўлса, иккинчи инкор жумлайи исмия билан ифодаланяпти. Жумлайи феълияга нисбатан кучлироқ, етукроқ маънени англатади. Бу ерда Пайғамбар ﷺ пайғамбар бўлиб юборилганларидан буён мусулмонларнинг яхуд ёки насроний бўлиб кетганларидан кўра ҳам, яхудларнинг насроний ёки насронийларнинг яхуд бўлиб кетишганидан кўра ҳам яхуд ва насронийларнинг Исломга кирганлари кўпроқ бўлганига ишора бор.

(agar фаразан уларнинг ҳавоий нафсларига эргашсангиз) (إن). Бу ердаги (إن) фаразни англатади. Чунки олдинги оятда

﴿وَمَا أَنْتَ بِتَابِعٍ لِّقَبْلَهُمْ﴾

(сиз ҳам уларнинг қибласига бокувчи эмассиз), дейилиб бу ишнинг ҳеч қачон юз бермаслиги аниқ қилиб айтилди. Бу ердаги (أَهُوَ آءُهُمْ) уларнинг ҳавоий нафсларига) Пайғамбар ﷺга айтган мана бу гапларидир: Бизнинг қибламизга қайт, шунда сенга имон келтирамиз ва эргашамиз. Улар бу гапни Пайғамбар ﷺни алдаш учун айтдилар. Аллоҳ уларни лаънатласин.

(إِنَّكَ إِذَا عَلِمْتَ مِنَ الظَّالِمِينَ) (إن) ҳам фараз маъносидадир. У мўмин одам агар яхуд ёки насронийларнинг қибласига эргашгудек бўлиб қолса, нақадар катта золимга айланаб қолишини ифодалаяпти. Бундаги маъно қўйидагича: Эй Мұхаммад ﷺ, агар фаразан сизга

илм келиб туриб, яна сиз уларнинг қибласига эргашадиган бўлсангиз, жуда катта зулмни қилган бўласиз. Демак, бу ерда яҳуд ва насороларнинг қибласига эргашиш нақадар буюк зулм экани кўрсатиляпти. Негаки, ҳақ Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарига баён қилган қиблага яъни, Масжидул Ҳаром тарафига юзланмоқдир.

﴿وَمَا أَنْتَ بِتَابِعٍ قِبْلَتَهُمْ﴾

Аслида қибла сўзи таснияда – иккилиқда келтирилиши керак эди. Чунки яҳудларнинг қибласи бошқа, насороларники бошқа. Лекин у бу ерда муфрадда – бирликда келяпти. Нима учун? Чунки уларнинг иккаласи ҳам ботилликда, ноҳақликда бирдирлар. Бундан ташқари олдинги гапдаги

﴿مَا تَبِعُواْ قِبْلَتَكُمْ﴾

дэйилганда ҳам бу сўз муфрадда келган. Муфрадни муфрадга нисбатан қарама-қарши қўйиш гўзалроқ бўлади.

﴿وَمَا أَنْتَ بِتَابِعٍ قِبْلَتَهُمْ﴾



﴿الَّذِينَ إِاتَّيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَعْرِفُونَ أَبْيَانَهُمْ وَإِنَّ فَرِيقًا مِّنْهُمْ لَيَكْتُمُونَ  
الْحَقَّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٤٦﴾ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْمُمْتَرِينَ ﴿٤٧﴾ وَلِكُلِّ وِجْهٍ  
هُوَ مُولِّيهَا فَاسْتَقِفُوا الْخَيْرَاتِ أَيْنَ مَا تَكُونُوا يَأْتِي كُمُ اللَّهُ جَمِيعًا إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ  
شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٤٨﴾ وَمِنْ حَيْثُ حَرَجَتْ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَإِنَّهُ لِلْحَقِّ  
مِنْ رَبِّكَ وَمَا اللَّهُ بِغَنِيلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٤٩﴾ وَمِنْ حَيْثُ حَرَجَتْ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ  
الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوْلُوا وُجُوهُكُمْ شَطْرَهُ لِعَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ  
عَلَيْكُمْ حُجَّةٌ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ فَلَا تَخْشُوْهُمْ وَآخْشَوْنِي وَلَا إِنَّمَا نَعْمَلُ عَلَيْكُمْ  
وَلَعَلَّكُمْ تَهَدُونَ ﴿٥٠﴾﴾

– „146. Биз китоб ато этган кимсалар (яхудий ва насронийлар) уни (Мұхаммад пайғамбарни) ўз фарзандларини таниған қаби танийдилар. (Яғни ўзларининг илоҳий китобларида у ҳақда ўқиганлар). Ва албатта улардан бир гуруҳи билғанлари ҳолда ҳақиқатни беркитадилар. 147. Бу ҳақиқат (яғни қибланинг ўзгариши) Парвардигорингиз томонидандир. Бас, шубҳа қылғувчилардан бўлманг! 148. Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи бор. Бас, яхши сизларга шошилингиз! Қаерда бўлманг, Аллоҳ сизларни (хисоб-китоб) учун келтиради. Албатта Аллоҳ ҳар нарсага қодирдири. 149. Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг! У шубҳасиз Парвардигорингиз (буюрган) ҳақ (қибла)дир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир. 150. Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг! Ва қаерда бўлсангизлар (эй мўминлар), юзларингизни ўша томонга буринг! Токи (айрим) одамлар учун сизларнинг устингизда хужежат бўлиб қолмасин. Лекин уларнинг ичида зулм қылғувчилар ҳам борки, сизлар улардан қўрқмангиз. Мендан қўрқингиз! Ва токи сизларга неъматимни комил қилиб бериш им ва тўғри йўлга ҳидоят топишингиз учун шундай қилингиз“.

### **Аллоҳ Таоло бу оятларда қуидагиларни баён қиласди:**

1 – Яхуд ва насроларнинг олимлари ва руҳонийлари Мұхаммад ﷺ нинг ўзларининг китобларида ваъда қилинган ўша пайғамбар эканликларини ўз ўғилларини билгандек биладилар. Шунга қарамасдан улардан бир гуруҳи бу ҳақиқатни манманлиги ва саркашлигидан келиб чиқиб яширади.

﴿الَّذِينَ أَتَيْنَاهُمُ الْكِتَبَ﴾

(**Биз китоб ато этган кимсалар**). Бу сўздан мурод уларнинг олимлари ва руҳонийлари. (يَعْرُفُهُمْ уни танийдилар) бунга қаринадир. Билмоқ, танимоқ ўзларидаги китобдан далил келтира олмоқдир. Бу нарса (بِئْتَيْنَهُمُ الْكِتَبَ) **Биз китоб ато этган**)дан мурод уларнинг олимлари эканига қаринадир. Уларнинг билишлари ҳақиқийдир. Омиларнинг билишлари эса тақлидийдир. Омилар олимлар ва руҳонийларга тақлид қиласдилар.

2 – Бу ерда Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарига хитоб қилиб, улар яшираётган нарса яъни, уларнинг сизни худди ўз ўғилларидек танишлари (улар айнан шу нарсани яширяптилар) Парвардигорингиз тарафидан бўлган ҳақиқатдир, сиз шу ҳақиқатга ишонишда давом этаверинг, улар билмаганларидан

эмас, манманликларидан, саркашликларидан сизга куфр келтиряптилар, бу ҳақиқат уларнинг китобларида битилган, деяпти.

﴿فَلَا تَكُونَ مِنَ الْمُمْتَنِينَ﴾

**(Бас, шубҳа қилгувчилардан бўлманг!).** Яъни, шубҳа қилмасликда давом этаверинг. Тил қоидаларига кўра, бирорни бир нарсадан қайтариш учун у одам ўша ишни қилаётган бўлиши шарт эмас. Уни шу ҳолатингда давом этавер, деб таъкидлаб қўйиш учун ҳам нотўғри ишдан қайтариш мумкин. Масалан, таълим олаётган кишига, оми бўлиб қолма, десангиз бу билан унга таълим олишда давом этавер, деб таъкидлаб қўйган бўласиз. Бу гапдан унинг омилиги ва сизнинг уни таълим олишга даъват этаётганингиз англашилмайди.

Шубҳа қилувчилардан бўлманг, дейилган пайтда Пайғамбар ﷺ шубҳа қилмайдиганлар ҳолатида эдилар. Шунга биноан, бу ердаги қайтариш Пайғамбар ﷺ нинг шу ҳолатда давом этаверишларини ифодалаяпти, холос.

Бу нарса Аллоҳ Таолонинг мана бу оятларига ўхшайди:

﴿فَلَا تَكُونَ ظَاهِرًا لِّلْكَافِرِينَ﴾

– „*Бас сиз ҳаргиз кофир кимсаларга ёрдамчи бўлманг!*“ [28:86]

﴿وَلَا تَكُونَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

– „*Сиз ҳаргиз мушрик кимсалардан бўлманг!*“ [28:87]

Яъни, кофирларга ёрдамчи бўлмасликда, мушриклардан бўлмасликда давом этаверинг. Чунки шу қайтариқ пайтида Пайғамбар ﷺ кофирларга ёрдамчи ҳам, мушриклардан ҳам бўлмаганлар.

З – Кейин Аллоҳ Таоло бизга яхудларнинг ҳам, насороларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ўз қибласи борлигини билдиряпти ва бизни яхшиликлар қилишда ким ўзар ўйнашга чақирипти. Шунингдек, оят ҳеч ким Аллоҳнинг қудратидан ташқарига чиқа олмаслигини, ким қаерда бўлмасин, ҳаммани Аллоҳ қиёмат кунида йиғиб, қилган сабрлари учун мукофотлашини баён қиляпти. Аллоҳ ҳар ишга Қодир. Унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

(أَيْنَ مَا تَكُونُوا يَأْتِ بِكُمُ اللَّهُ جَمِيعًا)

(хисоб-китоб) учун келтиради (أَيْنَ қаерда). Шарт маъносини ўз

иチга олган зарфи макон. (تَكُنُوا يَأْتِي bўлманг, келтираоди).

Шартнинг жавоби. Яъни, қаерда бўлсангизлар ҳам Аллоҳ сизларни олиб келади. Унинг учун бу иш мушкул эмас.

4 – Кейин Аллоҳ Таоло охирги икки оятда муқимликда ҳам, мусофириликда ҳам янги қиблага яъни, Масжидул Ҳаром тарафига юзланishiши таъкидляяпти.

(وَمِنْ حِثْ خَرَجْتَ وَحَيْثُ مَا كُشْتَ) (ea қаерда бўлсангизлар) қайси тарафдан чиқсангиз). Бу такрорий таъкид дилда қолиб кетган андак изни ҳам ўчириб юборади. Олдинги қиблага қараб бир муддат намоз ўқилди. Энди эса тамом, унга қараб намоз ўқиш бекор қилинди. Шу билан дил хотиржамланиб, Аллоҳ буюрган тарафга юзланади ва шу ишнинг ҳақлигини, ҳар бир иш учун Аллоҳ жазо ёки мукофот беришини, У Зот ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобини қилиб туришини, ҳеч нарса У Зотнинг назаридан четда қолмаслигини билади.

﴿يَوْمَ تَجِدُ كُلُّ نَفْسٍ مَا عَمِلَتْ مِنْ حَيْرٍ حُضَرًا وَمَا عَمِلَتْ مِنْ سُوءٍ تَوَدُّ لَوْ أَنَّ بَيْنَهَا وَبَيْنَهُ أَمْدًا بَعِيدًا﴾

– „Ҳар бир жон ўз қилган яхши амалларини ҳозиру нозир ҳолда кўрадиган, ёмон амалларининг эса олис-олисларда қолиб кетишини истайдиган кунни (эсланглар)!“. [3:30]

﴿وَمَا أَلَّهُ بِغَنِيلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ﴾

– „Аллоҳ қилаётган амалларингдан гофил эмасдир“. [2:74]

5 – Олдинги

﴿قَدْ نَرَى تَقْلِبَ وَجْهَكَ فِي السَّمَاءِ﴾

– „Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз“. [2:144]

оятида баён қилганимиздек, Пайғамбар ﷺ арабларнинг, хусусан маккалик мушрикларнинг ва яхудларнинг фисқу фасод гапларига барҳам бериш учун Аллоҳ Таолога дуо қилиб, қиблани Байтул Мақдисдан Каъба тарафига ўзгартириб беришини сўрадилар. Араблар, бу пайғамбар ота-бобоси Иброҳим ва Иброҳим қавмининг қибласига қарши чиқяпти, дейишса, яхудлар ваъда қилинган пайғамбарнинг қибласи Байтул Мақдис эмас, Каъба бўлиши керак эди, дейишарди. Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ нинг дуоларини ижобат қилиб, Каъбани қибли берди.

﴿فَلَمْ يَرَنَكُ فِتْلَةً تَرَضَنَهَا﴾

– „Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз“.  
[2:144]

Аллоҳ Таоло дастлаб Байтул Мақдис тарафига юзланишни биринчи қибла қилди. Бир неча йиллардан кейин Каъба тарафига юзланишни фарз қилди. Бу ишнинг остидаги ҳикматни Ўзи билади. Мана шу буюк оятлар, хусусан,

﴿وَمَا جَعَلْنَا الْقِبْلَةَ الَّتِي كُنْتَ عَلَيْهَا إِلَّا لِنَعِمَ مِمَّنْ يَنْقَلِبُ عَلَىٰ﴾

﴿عَقِيبَةٌ﴾

– „Сиз илгари қараган қиблани Биз фақатгина ким пайгамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишими билиши учун қилганмиз, холос“.  
[2:143]

Ва

﴿لَعَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَيْكُمْ حُجَّةٌ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ﴾

(токи (айрим) одамлар учун сизларнинг устингизда ҳужжат бўлиб қолмасин. Лекин уларнинг ичидаги зулм қилувчилар ҳам борки) ояти хусусида тадаббур қилиб, мана шу ҳикматдан икки ишни илғаб олгандек бўламиш:

Биринчи иш шундан иборатки, шу иш туфайли шайтон айрим имони заифларнинг қалбларига йўл топиб, қибланинг бундай ўзгариши Пайғамбарнинг ҳақиқий эмаслигига далилдир, деган тушунчани сингдириши мумкин. Шу билан уларнинг имонлари қалқиб, ўзларининг кимликларини фош қилиб қўядилар. Бошқа тарафдан ҳақиқий мўминлар ноҳақиқийлардан ажралиб қоладилар. Улар Пайғамбар ﷺнинг ҳақиқийлигига, ҳамма иш Аллоҳнинг қўлидалигига, У Зотнинг буйруғи ҳақ эканига аниқ ишонгандари туфайли, Байтул Мақдис тарафига бўладими, Каъба тарафига бўладими, бемалол, хотиржам, ҳечам, мутлақо шубҳаланмасдан буйруқни бажариб кетаверадилар.

Бу ҳикматдан биз илғаб олгандек бўлган биринчи иш мана шу.

Иккинчи иш ўша мушрик ва яхудларнинг айтиётган гапларидан кўзлаган асл мақсадларини фош этишдир. Улар ҳақиқатни аниқлаш учун эмас, жанжал чиқариш учун, манманлик билан, саркашлик билан шу саволни бердилар. Қибла Каъба тарафига ўзгарганидан кейин ҳам яна бошқа гапларни тўқиб чиқараверганлари бунинг далилидир.

﴿لَعْلَىٰ يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَيْكُمْ حُجَّةٌ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ﴾

(Токи (айрим) одамлар учун сизларнинг устингизда хужжатат бўлиб қолмасин. Лекин уларнинг ичидага зулм қилувчилар ҳам борки) оятида ҳам шу нарса зикр қилинган. Яхудлар ва мушрик араблардан ташкил топган анави золимлар фақат саркашликларидан келиб чиқиб, яна бошқа олдингидан ҳам заифроқ далилларни қидириб топишиди. Қибла ўзгарганидан кейин яхудлар, қибланинг Каъба тарафига ўзгаргани Мұҳаммаднинг ўз Парвардигорига итоат этганидан келиб чиқиб эмас, ўз қавмининг динига бўлган мойиллигидан келиб чиқиб юз берди, дейишди. Араблар эса, у ўзининг олдинги қибласи хато эканини англаб, мана энди ота-боболарининг қибласига қайтди, деган гапларни айтишиди.

Қибланинг Байтул Мақдисдан Каъба тарафига ўзгаргани хусусидаги ояtlарни тадаббур қилиб, бу унинг остидаги ҳикматнинг биз топгандек бўлган айрим тарафлари мана шулар. Унинг яна бошқа буюк-буюк тарафлари ҳам борки, уларни Аллоҳ Таолонинг Ўзи билади.

(الظَّالِمُونَ) улар нарсаларни ўз ўрнига қўймайдиган кимсалар. Шунинг учун ҳам улар ҳужжат бўлишга ярамайдиган ҳужжатлар билан ҳужжатлашадилар. Мақсадлари жанжал чиқариш, холос. Рақибни мот қилиш учун айтилган ҳар бир гап тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъий назар, ҳужжат дейилади. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ تُحَاجُّونَ فِي اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مَا أَسْتَجِبَ لَهُ جُهْتُهُمْ دَاحِضَةٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ﴾

﴿وَعَلَيْهِمْ غَضَبٌ وَلَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ﴾

– „Аллоҳ (дини) ҳақида уни қабул қилинганидан сўнг (одамларни ўйлдан оздириши учун) талашиб-тортишишадиган кимсаларнинг хужжатлари (яъни талашиб-тортишишлари) Парвардигор наздида ботил-бехудадир. Уларга (бу дунёда) газаб, (охиратда эса) қаттиқ азоб бордир“.

[42:16]

Яна айтади:

﴿يَأَيُّهَا الْكَٰتِبِ لَمْ تُحَاجُّوْنَ فِي إِنْرَاهِمَ وَمَا أَنْزَلْتِ الْتَّوْرَةَ وَإِلَّا نُجِّيلُ إِلَّا مِنْ

﴿بَعْدِهِ أَفَلَا تَعْقِلُوْنَ﴾

— „Эй аҳли китоб, нима учун Иброҳим ҳусусида (у бизнинг динимизда бўлган, деб) талашасизлар! Ахир Таврот ҳам, Инжисил ҳам ундан кейин нозил бўлгани аниқ-ку?! Ақл юргизмайсизларми?!“. [3:65]

Шунинг учун уларнинг мана шу арзимас, заиф гаплари ҳам ҳужжатлар қаторига киритилди. Чунки улар бу гапларни ҳужжат келтириш (рақибни енгиш) мақсадида айтдилар.

Аллоҳ Таоло оятни фақат жанжал чиқариш учун саркашлик билан турли хил ҳужжатлар келтираётган ўша нусхалардан эмас, фазлу неъмат соҳиби бўлган Аллоҳдангина қўрқишимизни тайинлаш билан якунлайти. Қибла борасида, шариат борасида бизни ҳақ йўлга бошлаган ҳам, Исломга қарши фитна қўзғовчиларнинг тилларини кесган ҳам (мот қилган ҳам) Ўша Зотдир.

﴿وَلَا تِئَمْ نِعْمَتِي عَلَيْكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ﴾

(Ва токи сизларга неъматимни комил қилиб беришим ва тўғри йўлга ҳидоят топишингиз учун шундай қилингиз).



﴿كَمَا أَرْسَلْنَا فِيهِمْ رَسُولًا مِنْ كُمْ يَتَلَوَّ عَلَيْكُمْ إِذَا تَبَّأْتُمْ وَبُزْكِيَّكُمْ وَبِعَلَمْكُمْ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيَعْلَمُكُمْ مَا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ ﴾ 151 فَادْكُرُوهُنِّي أَذْكُرْكُمْ وَآشْكُرُوْا لِي وَلَا تَكْفُرُونَ﴾

— „151. Шунингдек, сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларга Бизнинг оятларимизни тиловат қиласидиган, сизларни поклайдиган, сизларга Китоб ва Ҳикматни (Куръон ва Ҳадисни) ўргатадиган ва билмаган нарсаларингизни билдирган бир пайгамбар юбордик. 152. Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга, шукур қилингиз ва Мени инкор қилмангиз!“. [2:151-152]

1 — Аллоҳ Таоло йўз фазлу марҳамати ила саркаш кофирларнинг ҳужжатларини пучга чиқариб, бу Умматни Байтул Ҳаром тарафига юзлантирди. У Зот бу Умматга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб берадиган, Куръону суннатни танитадиган, ваҳийдан бошқа йўл билан ўрганиб бўлмайдиган билимларни ўргатадиган, уларни ширк нажасларидан поклайдиган бир пайгамбарни юбориб, фазлу марҳаматининг

нақадар буюклигини күрсатди. Худди шунингдек, унга мана бу неъматини мукаммал қилиб берди.

﴿كَمَا أَرْسَلْنَا فِيْكُمْ رَسُولًا﴾

(Шунингдек, сизларга бир пайғамбар юбордик). Бу жумла олдинги жумла билан боғланган. Коғ ҳарфи ташбек – ўхшатиш учун қўлланяпти. Яъни, биз сизларга пайғамбар юбориш билан қандай инъом қилган бўлсақ, қиблани кўрсатиб, сакраш кофирларнинг ҳужжатларини пучга чиқариш билан ҳам ўшандек инъом қилдик.

(**иъзикким** сизларни поклайдиган). Сизларни ширкдан поклайди(ган).

2 – Охири оятда Аллоҳ Таоло бандаларини тил билан ҳам, дил билан ҳам, бошқа аъзолар билан ҳам Аллоҳни эслаб туришга буюряпти. Аллоҳни эслаш Аллоҳ рози бўладиган барча воситалар билан Исломга даъват этишдир. Шунда Аллоҳ уларни улуғ савоб билан тақдирлайди. Ҳар икки «Саҳиҳ»да келади:

«مَنْ ذَكَرَنِي فِي نَفْسِهِ ذَكَرْتُهُ فِي نَفْسِي، وَمَنْ ذَكَرَنِي فِي مَلِإِ مِنَ النَّاسِ ذَكَرْتُهُ فِي مَلِإِ خَيْرٍ مِنْ مَلَئِهِ»

«Ким Мени ичида эсласа, Мен ҳам уни ичимда эслайман. Ким Мени бир жамоанинг ичида эсласа, Мен уни унинг жамоасидан яхшироқ жамоанинг ичида эслайман».<sup>15</sup> Шунингдек, Аллоҳ бандаларини йи зиёда қилмасликка ҳам буюряпти. Токи, бу неъматлар давомли бўлсин.

﴿وَإِذْ تَأْذَنَ رَبُّكُمْ لِإِنْ شَكَرْتَهُ لَا زِيَدَ نَعْكُمْ وَلِإِنْ كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ﴾

– „Яна Парваридигорингиз билдирган (бу сўзларни) эслангиз: «Қасамки, агар берган неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда қилурман. Энди агар куфрони (неъмат) қилсангизлар, албатта азобим ҳам жуда қаттиқдир»“. [14:7]

(**мен ҳам сизларни эслайман**). Яъни, Мени эслаганинглар учун сизларни савоб билан тақдирлайди. Бу сўз мажозий маънода киноя бўлиб қўлланяпти. Аллоҳнинг бизни эслали саломга яраша алигидан ташқари бизни яна савоб билан тақдирлашидан ҳам киноядир.

(15) Бухорий: 6858, 6982. Муслим: 4832.

﴿فَإِذْكُرُونِي أَذْكُرْكُم﴾

(Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман).



﴿يَتَّبَعُهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَسْتَعِنُو بِالصَّابِرِ وَالصَّلَوةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴾  
 ١٥٣ وَلَا تَقُولُوا لِمَنْ يُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتٌ بَلْ أَحْيَاءٌ وَلَكِنْ لَا تَشْعُرُونَ ﴾  
 ١٥٤ وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِنْ أَخْوَفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِنْ أَلْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشَرِ الْصَّابِرِينَ ﴾  
 ١٥٥ الَّذِينَ إِذَا أَصَبْتُهُمْ مُصِيبَةً قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِحُونَ ﴾  
 ١٥٦ أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَواتٌ مِنْ رَبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهَتَّدُونَ ﴾

— „153. Эй мўминлар, сабр қилиши ва намоз ўқиши билан (Мендан) мадад сўранглар! Албатта Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир. 154. Ва Аллоҳ йўлида ҳалок бўлган шаҳидлар ҳақида: «Булар ўликлар», демангиз! Йўқ, улар тириклардир, лекин сизлар сезмайсизлар. 155-156. Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириши каби нарсалар билан имтиҳон қиласиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг (эй Мұхаммад). 157. Ана ўшаларга Парваридигорлари томонидан саловомат (мағифират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир“.

[2:153-157]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуёйидагиларни баён қиляпти:**

1 – Аллоҳ Таоло бизга ўзимиздан бўлган, бизга Буюк Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб берадиган, бизни ширку гуноҳлардан поклайдиган бир пайғамбар юборганини билдирганидан кейин, бизни ишонишимиш ва амал қилишимиз керак бўлган эътиқоду шариатдан хабардор қилганидан кейин, Аллоҳни эслашимиш ва Исломга даъват қилишимиз лозимлигини тайинлаганидан кейин сабр ва намоз билан ёрдам сўрашимизни ҳам буюряпти.

Бу оятнинг мантуқида Исломга даъват қилиш ва Аллоҳнинг шариатига амал қилиш оғир, мashaқатли иш эканига, шунинг

учун мўмин сабр ва намоз номли икки қурол билан қуролланиб, ўз йўлида мустаҳкам барқарор туриши лозимлигига ишора бор.

2 – Кейин Аллоҳ Таоло Исломга даъват қилиш асносида инсон учраши мумкин бўлган балоларнинг бир неча турларини санаб ўтияпти ҳамда шу балоларга сабр қилганларга, ҳақиқат устида барқарор турганларга, мусибат келган пайтида истиржо айтадиганларга яъни,

﴿إِنَّا إِلَهُ وَإِنَا إِلَيْهِ رَجُعُونَ﴾

(албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз) дейдиганларга нималар тайёрлаб қўйилганини ҳам айтияпти. Аллоҳ санаб ўтган мусибат турлари қўйидагилардан иборат:

а) Аллоҳнинг йўлида жон бериш. Бунда киши Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун Аллоҳнинг душманлари билан уришади, жанг майдонида мардонавор туради, уни ташлаб ортига чекинмайди ва шу жангда ўлдирилади. У Аллоҳнинг наздида тирикдир. Лекин унинг тириклигини одамлар сезмайдилар. Чунки бу иш улар учун гоибdir. Шаҳиднинг ҳаёти ёқимли ва покиза ҳаётдир.

«مَنْ قَاتَلَ لِإِغْلَاءَ كَلْمَةَ اللَّهِ مُقْبَلاً غَيْرَ مُدْبِرٍ فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

«Кимки Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун ортга чекинмасдан, олдга қараб жанг қилса, бас, у Аллоҳнинг йўлидадир». <sup>16</sup>

«إِنَّ أَرْوَاحَ الشُّهَدَاءِ عِنْدَ اللَّهِ فِي حَوَالِ طُيُورٍ خُضْرٍ تَسْرُحٍ فِي الْأَهَارِ الْجَنَّةِ حَيْثُ شَاءَتْ»

«Аллоҳнинг наздида шаҳидларнинг руҳлари жаннат анҳорларида истаганча сайр қилиб юрадиган яшил қушларнинг жигилдонида бўлади». <sup>17</sup>

б) Хавф, очлик, молу жонларнинг ва меваларнинг камайиши – этишмаслиги билан синаш синовларнинг – балоларнинг турли хиллари билан синашдир. Шу мусибатлардан қайси бири мўминга етса, демак, у синаляпти. Хавфми, нотинчликми, камбағалликми, очликми, молнинг камайишими – савдода зарар кўришми, жоннинг камайишими – касал бўлишу вафот этишми, қандайдир оғатлар юз бериб, меваларнинг камайишими, ҳамма-ҳаммаси мўмин учун балолардир – синовлардир. Аллоҳ Таоло

(16) Насойи: 3104. Аҳмад: 4/417, 392. Дорамий: 2305.

(17) Муслим: 3500. Термизий: 2937. Ибн Можа: 3791. Дорамий: 2303. Аҳмад: 6/386.

айтапти: (بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ) яъни, катта ёки кичик бўлишидан қатъий назар, шу балолардан қайси бири мўминга етса, унга сабр қилишнинг савоби улув бўлади.

Пайғамбар ﷺ чироқ ўчиб қолган пайтида ҳам истиржо айтганлар. У кишидан бу иш хусусида сўрашганида:

«كُلُّ مَا يُؤْذِي الْمُؤْمِنَ فَهُوَ مُصِيْبَةٌ وَلَهُ أَجْرٌ»

«Мўминга етган ҳар бир озор мусибатдир ва мўмин унга ажр олади, деганлар».<sup>18</sup> Муттафақун алайҳ ҳадисда келади:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُشَأْكُ شَوْكَةً فَمَا فَرَقْهَا إِلَّا رَفَعَهُ اللَّهُ بِهَا دَرَجَةً وَحَطَّ عَنْهُ بِهَا حَطِيَّةً»

«Қайси бир мўминга бир тикон кирса ёки ундан каттароқ мусибат етса, албатта шу билан Аллоҳ уни бир даражага кўтаради ва унинг бир хатосини туширади». (Яъни, унинг бир хатосини кечиради).

в) Аллоҳ Таоло баён қиляптики, мўмин балога сабр қилиб, истиржо айтса яъни,

﴿إِنَّا لِلّٰهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ﴾

(албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз) деса унга улув савоб бўлади.

﴿صَلَوَاتٌ مَّنْ رَبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمَهْتَدُونَ﴾

(Парвардигорлари томонидан саловот (магфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ ийлни топгувчилардир). Нақадар улув савоб! Аллоҳнинг розилиги, раҳмати, ҳидояти! Бугина эмас, унинг учун мана шу дунёнинг ўзида ҳам кўп яхшиликлар бўлади.

Мана бу ҳадисни Муслим Умму Саламадан чиқарган:

«مَا مِنْ عَبْدٍ تُصِيْبُهُ مُصِيْبَةٌ فَيَقُولُ إِنَّا لِلّٰهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ، اللَّهُمَّ أَجْرِنِي فِي مُصِيْبَتِي، وَاخْلُفْ لِي خَيْرًا مِنْهَا، إِلَّا آجْرَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي مُصِيْبَتِهِ، وَاخْلُفْ لَهُ خَيْرًا مِنْهَا»

«Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитдим: Қайси бир бандага мусибат етса ва у, албатта биз Аллоҳникимиз ва биз Унга қайтгувчилармиз, эй Аллоҳим, мана шу мусибатимда менга ажр бер, унинг ўрнига менга ундан яхшироқ нарсани қолдир, деса Аллоҳ унга шу мусибати учун ажр бериб, унга ўша мусибатидан (йўқотган нарсасидан) кўра яхшироқ нарсани қолдиради».<sup>19</sup> Ровий

(18) Дуррул Мансур: 2/389, Тафсири Байзовий: 1/125.

(19) Бухорий: 5324, Муслим: 1525, Термизий: 3433, Абу Довуд: 2712.

сўзида давом этади: Абу Салама вафот этганида шу гапларни Пайғамбар ﷺ буюрганидек айтдим. Аллоҳ менга унинг ўрнига ундан яхшироғини – Пайғамбар ﷺни қолдириди (берди).

З – Исломни жаҳонга олиб чиқиш йўлида балоларга учраган пайтимида Аллоҳ бизни сабр ва намоз билан ёрдам сўрашга буюради. Саҳиҳ ривоятларга кўра, Пайғамбар ﷺ бирор ишнинг ташвишини қилиб қолган пайтларида дарҳол намозга шошилардилар. Зеро, намоз мўминнинг хурсандлигидир. Намозда мўмин Парвардигори билан учрашиб, қалби хотиржамликка, осойишталикка тўлади.

«حُبٌ إِلَىٰ مِنْ دُنْيَاكُمْ ثَلَاثٌ: الطَّيْبُ وَالنَّسَاءُ، وَجَعَلْتُ فُرَّةً عَيْنِي فِي الصَّلَاةِ»

**«Менга сизларнинг дунёинглардан уч нарса маҳбуб, суюкли қилинди. Шириң ҳид, аёллар ва хурсандлигим намозда қилинди».**<sup>20</sup>

Намоз мўминга зулм ва золимларга қарши туришда куч-куват, матонат бағишлийди. У билан мўмин ҳақиқат устида барқарор турадиган, имонига содиқ, иродаси букилмайдиган, мустаҳкам шахсга айланади. Бу ерда Аллоҳ Таоло намоздан олдин сабрни айтияпти. Бундан сабрнинг намоздан аҳамиятлироқ экани чиқади. Зеро, намоз банда билан Парвардигор ўртасидаги алоқа бўлса, сабр банда билан Парвардигор ўртасидаги ҳам, банда билан унинг ҳавоий нафси ўртасидаги ҳам, банде билан одамлар ўртасидаги ҳам алоқадир. У ўқ томирдир. У қийинчиликлар, мусибатлар, балою оғатлар чоғида барқарорликнинг миқёсидир, тамал тошидир.

### **Сабр ҳақида:**

Шу ерда сабр хусусида тадуббур қилиб, бироз тўхтаб ўтмасак бўлмайди. Токи, айрим одамлардаги шу сўзниг воқеи ва мазмуни борасидаги тушунмовчиликлар барҳам топсин.

Айрим одамлар ҳаром амалларнинг қилинаётгани билан ҳам, Аллоҳнинг ҳадлари ижро этилмаётгани билан ҳам, жиҳод фарзи бажарилмаётгани билан ҳам иши бўлмасдан узлатга чиқиб олишни сабр, деб атайдилар.

Яна айримлар ўзидан озорни даф қилиш учун, Аллоҳнинг душманларига йўлиқиб қолмаслик учун товон тўлаб туришни сабр, деб биладилар. Улар ҳақ гапни айтишга, бошқачароқ қилиб айтиганда Аллоҳ рози бўладиган ишни қилишга журъат этолмайдилар. Ўз қобиқларига ўралиб, қайсиdir бурчакда бикиниб ётаверадилар. Яна ўзларини сабрли, деб атайдилар.

(20) Насойӣ: 3878, Аҳмад: 3 / 128, 285.

Бундай сабр Аллоҳ томонидан эвазига жаннатлар тайёрлаб қўйилган ўша сабр эмас.

﴿إِنَّمَا يُوَقَّى الْصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

— „Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажер-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур“. [39:10] Аксинча бундай сабр айни ожизлиқдирки, ундан Пайғамбар ﷺ паноҳ тилаганлар:

«أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ الْعَجْزِ وَالْكَسَلِ وَالْجُنُبِ وَالْبُخْلِ وَالْحَزَنِ وَغَلَبَةِ الدِّينِ وَفَهْرِ الرِّجَالِ»

«Аллоҳдан ожизлиқдан, дангасалиқдан, қўрқоқлиқдан, баҳилликдан, ғамдан, хафалиқдан, қарзга ботиб қолишдан, кишиларнинг устимдан ҳукмрон бўлиб олишларидан паноҳ беришини сўрайман». <sup>(21)</sup>

Сабр бу ҳақ гапни айтмоғингиздир, ҳақ ишни қилмоғингиздир, Аллоҳнинг йўлида эгилмасдан, букилмасдан, синмасдан озорни кўтармогингиздир.

Сабр бу тақво билан қаторда турадиган фазилатdir.

﴿إِنَّهُ مَنْ يَتَّقَ وَيَصِيرُ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ﴾

— „Дарҳақиқат, кимда-ким Аллоҳдан қўрқиб, сабру қаноат қиласа, албатта Аллоҳ бундай чиройли амалларни қилгувчи кишиларнинг ажру мукофотини зое қилмас“. [12:90]

Сабр бу мужоҳидларнинг белгисидир.

﴿وَكَانُوا مِنْ نِسْكَيْ قَاتَلَ مَعَهُ رِبِّيُونَ كَثِيرٌ فَمَا وَهَنُوا لِمَا أَصَابَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَمَا

ضُعُفُوا وَمَا أَسْتَكَانُوا وَآللَّهُ تَحْكُمُ الْصَّابِرِينَ﴾

— „Қанчадан-қанча пайғамбарлар ўтганки, улар билан биргаликда қўпдан-қўп художўйлар жсанг қилганлар. Ҳамда Аллоҳ йўлида ўзларига етган машаққатлар сабабли сусткашилик — заифлик қилмаганлар ва (душимланарига) бўйин эгмаганлар. Аллоҳ мана шундай сабр қилгувчиларни севади“. [3:146]

Сабр бу балога — синовга сабрdir. Сабр бу иккиланиш эмас, саботга олиб борадиган қазога, мусибатлар қўпайиб кетди, деган баҳона билан Аллоҳнинг Китобини тарқ қилишга эмас, уни янада маҳкамроқ тутишга олиб борадиган, кишини ўз Парвардигоридан узоқлаштирадиган эмас, уни Парвардигорига янада қаттиқроқ боғлайдиган қазога сабрdir.

(21) Бухорий: 5894, Муслим: 4908.

﴿فَنَادَىٰ فِي الظُّلْمَةِ أَنَّ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ﴾

– „Хеч илоҳ йўқ, магар Ўзинг бордирсан, эй пок Парвардигор, дарҳақиқат мен (ўз жонимга) жабр қилгувчилардан бўлиб қолдим», деб нидо қилди“.

[21:87]

Сабр бу ҳимматни олийлаштирадиган, жаннат йўлини яқинлаштирадиган сабридир. У Билолнинг сабридир, Хаббонинг сабридир, Ёсир оиласининг сабридир.

«صَبَرًا آلَ يَاسِرَ إِنَّ مَوْعِدَكُمُ الْجَنَّةُ»

**«Эй Ёсир оиласи, сабр қилинг, сизга ваъда қилинган нарса жаннатдир».**<sup>22</sup>

Сабр бу Хубайб ва Зайднинг сабридир. «Аллоҳга қасамки, мен ўз оиласида тинчигина ўтирган ҳолимда Мұхаммад ﷺ га ўша ўзлари турган жойларида бир тикон кириб, озор беришини ҳам истамайман».<sup>23</sup>

Сабр бу Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмасдан золимнинг қўлидан ушлаб қола оладиганларнинг сабридир.

«كَلَّا وَاللهِ لَتَأْخُذُنَّ عَلَى يَدِ الظَّالِمِ وَلَتَأْطُرُنَّهُ عَلَى الْحَقِّ أَطْرَأْ وَلَتَقْسُرُنَّهُ عَلَى الْحَقِّ قَصْرًا  
أَوْ لَيَضْرِبَنَّ اللَّهُ قُلُوبَ بَعْضِكُمْ بِعَضٍ، وَلَيَعْنَكُمْ كَمَا لَعَنَ بَنِي إِسْرَائِيلَ»

**«Асло! Аллоҳга қасамки, ё сизлар золимнинг қўлидан ушлаб, уни мажбурлаб ҳаққа бўйсундирасизлар, ҳақ қолипининг ичига қамаб қўясизлар ёки Аллоҳ айримларингиз билан айримларингизнинг дилларига зарба беради (Аллоҳнинг қаҳрига учраб, бир-бирингизга озор берадиган кимсаларга айланасизлар) ва сизларни ҳам Бану Исроилни лаънатлагандек лаънатлайди».**<sup>24</sup>

Сабр бу йўлчи юлдузларнинг, садоқат ва вафо тимсолларининг – саҳобаларнинг, мушриклар томонидан ўз яқинларидан ажратилиб, йиллаб дарада ҳаёт кечиргандарнинг, Ҳабашистонга ҳижрат қилганларнинг, Роббимиз Аллоҳдир, деганлари учун қувғинга учраганларнинг сабридир.

Сабр бу ширк аҳлига қарши, Форсу Румга қарши жиҳод қилган муҳожир ва ансорларнинг сабридир. Сабр бу Абдуллоҳ

(22) Мустадрак: 3/383. Матолиби олия: 34, 4. Ҳиля: 1/140.

(23) Сийрати Ибн Ҳишом: 3/181.

(24) Термизий: 2974. Абу Довуд: 3774. Ибн Можа: 3996.

ибн Абу Хузофа гуруҳидаги асиirlарнинг сабридир. Сабр бу содиқ, мужоҳид мўминларнинг сабридир.

Сабр бу яхшиликка буюрмоқдир, ёмонликдан қайтармоқдир, Аллоҳнинг йўлидаги озор қаршисида букилмасликдир.

Сабр бу Аллоҳнинг душманларига қарши жангга отланган мусулмон қўшини ичидаги бир аскар бўлмоқдир.

Сабр бу Аллоҳ Таолонинг мана бу гапларини амалда кўрсатиб беришdir:

﴿لَتُبَلُّوْنَكُمْ فِي أَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ وَلَتَسْمَعُنَّ مِنَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ﴾

﴿وَمِنَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا أَذْنَى كَثِيرًا وَإِنْ تَصِرُّوْنَا فَإِنَّ دَلِيلَكَ مِنْ عَزَمِ الْأُمُورِ﴾

— „Албатта молу жонларингизда имтиҳон қилинурсизлар (яни Тангри Таоло мол ва жонларингизга хилма-хил оғату балолар юбориб, сизларнинг имонингизни текшириб кўрар), ва албатта сизлардан илгари китоб берилган кимсалар томонидан ва мушиклар томонидан кўп азият-маломатлар эшиштажаксизлар. Агар (озорларига) сабр-тоқат қўлсангизлар ва Аллоҳдан кўрксангизлар (нажот топурсиз). Чунки бу иш (яни сабр-тоқатли бўлиб, Аллоҳдан кўркши) ишларнинг мақсадга мувоғигидир“. [3:186]

﴿وَلَنَبْلُوْنَكُمْ حَتَّىٰ نَعْلَمَ الْمُجْهِدِينَ مِنْكُمْ وَالصَّابِرِينَ وَنَبْلُوْنَ أَحْبَارَكُمْ﴾

— „Албатта Биз, то сизларнинг орангиздаги (Бизнинг йўлнимизда молу жонлари билан) жиҳод қилгувчи ва (яхши-ёмон кунларда) сабр қилгувчи зотларни билгунимизча ҳамда сизларнинг ҳоли-хабарларингизни текшириб — юзага чиқаргунимизча, сизларни имтиҳон қилурмиз“. [47:31]

﴿وَلَنَبْلُوْنَكُمْ بِشَيْءٍ مِنْ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِنْ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ﴾

﴿وَنَسْرِ الصَّابِرِينَ ﴿الَّذِينَ إِذَا أَصَبْتُهُمْ مُصِيبَةً قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ﴾

﴿أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِنْ رَبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهَتَّدُونَ﴾

— „Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева - чеваларни камайтириши каби нарсалар билан имтиҳон қиласиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг (эй Мухаммад). Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (магфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир“ [2:155-157]



## Иккинчи пора, учинчи қисм, иккинчи чорак

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ**

﴿ إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَابِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ أَعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَوَّفَ بِهِمَا وَمَنْ تَطَوَّعَ حَيْرًا فَإِنَّ اللَّهَ شَاءَ كُرْ عَلِيمٌ ﴾ ﴿ إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَأَهْدَى مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَئِكَ يَلْعَبُهُمُ اللَّهُ وَبَلْعَهُمُ الْلَّهُ لِلْعَذَابِ ﴾ ﴿ إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُوا فَأُولَئِكَ أَتُوبُ عَلَيْهِمْ وَأَنَا الْوَّاَبُ الرَّحِيمُ ﴾ ﴿ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَمَاتُوا وَهُمْ كُفَّارٌ أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَئِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴾ ﴿ خَلِدِينَ فِيهَا لَا تُخَفَّفُ عَنْهُمُ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنْظَرُونَ ﴾ ﴿ وَإِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ﴾ ﴿ إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَآخِنَالِفِ الْأَيَلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلُكِ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْفَعُ النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاوَاتِ مِنْ مَاءٍ فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَصْرِيفِ الرِّيحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا يَتَنَاهِي لِقَوْمٌ يَعْقُلُونَ ﴾ ﴿ وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَتَخَذُ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَنْدَادًا تُحِبُّهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ وَالَّذِينَ أَمْنُوا أَشَدُ حُبًّا لِلَّهِ وَلَوْ يَرَى الَّذِينَ ظَلَمُوا إِذْ يَرَوْنَ الْعَذَابَ أَنَّ الْقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا وَأَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعَذَابِ ﴾ ﴿ إِذْ تَبَرَّا الَّذِينَ أَتَبْعَوْا مِنَ الَّذِينَ أَتَبَعُوا وَرَأَوْا الْعَذَابَ وَتَقَطَّعَتْ بِهِمُ الْأَسْبَابُ ﴾ ﴿ وَقَالَ الَّذِينَ أَتَبَعُوا لَوْ أَنَّ لَنَا كَرَّةً فَنَبْرَأُ مِنْهُمْ كَمَا تَبَرَّءُوا مِنَّا كَدَلِكَ يُرِيهِمُ اللَّهُ أَعْمَلَهُمْ حَسَرَاتٍ عَلَيْهِمْ وَمَا هُمْ بِخَرِيجِينَ مِنَ النَّارِ ﴾ ﴿ يَتَأْيَهَا النَّاسُ كُلُّوْا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَلًا طَبِيبًا وَلَا تَتَبَعُوا خُطُوطَ الشَّيْطَنِ ﴾ ﴿ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴾ ﴿ إِنَّمَا يَأْمُرُكُمْ بِالسُّوْءِ وَالْفَحْشَاءِ وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا

تَعْلَمُونَ ﴿١٣﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ أَتَيْعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأَلْوَأُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَفْيَنَا عَلَيْهِ إِبَآءَةً<sup>١</sup>  
 أَوْلَوْ كَانَ إِبَاؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ ﴿١٤﴾ وَمَثَلُ الَّذِينَ كَفَرُوا  
 كَمَثَلِ الَّذِي يَنْعَقُ بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءً وَنِدَاءً<sup>٢</sup> صُمُّ بُكْمُ عُمُّ فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ  
 يَأْتِيهَا الَّذِينَ إِيمَانُهُمْ كُلُّوْا مِنْ طَبِيَّتِهِمْ مَا رَزَقْنَاهُمْ وَأَشْكُرُوا لِلَّهِ إِنْ كُنْتُمْ إِيَّاهُ  
 تَعْدُوْنَ ﴿١٥﴾ إِنَّمَا حَرَمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ وَالدَّمَ وَلَحْمَ الْخِنْزِيرِ وَمَا أَهِلَّ بِهِ لِغَيْرِ  
 اللَّهِ فَمَنِ اضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ لَا عَادٍ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٦﴾ إِنَّ  
 الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَابِ وَيَشْرُونَ بِهِ مَنَّا قَلِيلًا أُولَئِكَ مَا  
 يَكُلُّوْنَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا النَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَلَا يُزَكِّيْهِمْ وَلَهُمْ  
 عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٧﴾ أُولَئِكَ الَّذِينَ أَشْرَوْا الْضَّلَالَةَ بِالْهُدَى وَالْعَذَابَ بِالْمَغْفِرَةِ فَمَا  
 أَصْبَرَهُمْ عَلَى النَّارِ ﴿١٨﴾ ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ نَزَّلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ وَإِنَّ الَّذِينَ أَخْتَلُوا فِي  
 الْكِتَابِ لِفِي شِقَاقٍ بَعِيدٍ ﴿١٩﴾

- „158. Албатта Сафо ва Марва Аллоҳ (булорган) маросимларданdir. Бас, ким ҳаже ёки умра қилса, у икки тог орасида саъй қилишининг гуноҳи йўқдир. Ва ким ўз ихтиёрила яшиликни ният қилса, бас, албатта Аллоҳ шукр қилгувчи (тақдирловчи) ва билгувчидир. 159. Биз нозил қилган хуёжесатлар ва ҳидоятдан иборат (Мұхаммаднинг ҳақ пайғамбар эканлиги ҳақидаги) нарсаларни одамларга китобда (Тавротда) равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мүмнинлар) лаънатлагайлар. 160. Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очиқ айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиласман. Ва факат Менгина тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлидирман. 161-162. Куфр йўлига кириб, кофир ҳолида ўлиб кетган кимсалар шубҳасиз Аллоҳнинг ва жамики фаришта ва одамларнинг лаънатига дучор бўлгайлар ва азоблари енгиллатилмаган, раҳмат назаридан баҳраманд бўлмаган ҳолларида абадий (жсаҳаннамда) қолгайлар. 163.

*Тангрингиз ягона тангридир. У меҳрибон ва раҳмли тангридан ўзга ҳеч қандай тангри йўқдир 164. Албатта осмонлар ва ернинг яратилишида, кеча ва кундузниң алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Аллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик ерни тирилтириб, бор жонзотни тарқатиб-ёйиб юборган сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва ер орасидаги итоатгўй булутида — (буларнинг ҳаммасида) ақлли кишилар учун оят-аломатлар бордир. 165. Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Имонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттикроқдир. Бундай золимлар азобга рўбару бўладиган замонларида (қиёмат кунида) бутун қуч-қудрат Аллоҳники бўлишини ва Аллоҳнинг азоби қаттиқ азоб эканини билсалар эди. 166. У кунда пешволар эргашувчилардан тонадилар ва ҳаммалари азобни (кўзлари билан) кўрадилар. (У кунда уларни боғлаб турадиган) баҳонаю сабаблар узилади. 167. Эргашувчилар: «Канийди, яна бир карра (яшаининг) иложи бўлса-ю, улар биздан тонгандаридек, биз ҳам улардан тонсан», дейдилар. Шундай қилиб, Аллоҳ Таоло уларнинг қилган амалларини ўзларига ҳасрат-надомат қилиб кўрсатади ва улар жаҳаннамдан чикувчи бўлмайдилар. 168. Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир. 169. У сизларни фақат ёмонлик ва бузукликка ва Аллоҳ шаънига билмаган нарсаларингизни гапиришига буюради, холос. 170. Қачон (муширикларга): «Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз, дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсақ, ўшанга эргашамиз», дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар, ҳам-а? 171. Куфр йўлидаги кимсаларни (ҳақ йўлга даъват қилувчи кишининг) мисоли хўди фақат овоз ва чақириқни эшиштадиган ҳайвонларга қичқираётган кишининг мисолидир. Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар. 172. Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз — покиза нарсалардан енглар ва агар Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилгувчи бўлсангизлар У Зотга шукр қилингиз! 173. У сизларга фақатгина ўлакса, қонни, тўнгиз гўштини ва Аллоҳдан ўзага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Энди кимки золим ва ҳаддан ошмаган ҳолида почор вазиятда қолса гуноҳкор бўлмайди. Албатта Аллоҳ мағфират қилгувчи, раҳмлидир. 174. Аллоҳ нозил қилган китоб (Таврот)дан иборат*

**бўлган нарсани** (*Муҳаммад алаиҳис-саломнинг пайғамбарлигини*) беркитадиган ва уни озгина қийматга сотадиган кимсалар қоринларини фақат олов билан тўлдирадилар — уларга қиёмат кунида Аллоҳ сўзламайди — боқмайди ва уларни (*гуноҳларидан*) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир. 175. Ана ўшалар ҳидоят ўрнига залолатни, магфират ўрнига азобни сотиб олган кимсалардир. Жаҳаннам ўтига мунча сабр-тоқатли эканлар-а? 176. Ўша (азоб) Аллоҳ бу китоб (*Таврот*)ни ҳақ билан нозил қилгани сабабидир. Албатта бу китоб хусусида талашиботтишиадиган кимсалар ҳеч қачон (ҳақ билан) келиша олмайдилар“.

[2:158-176]

### Тафсир:

﴿ إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَابِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ أَعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطْوَّفَ بِهِمَا وَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلَيْهِمْ ﴾

﴿ ۱۵۸ ﴾

— „158. Албатта Сафо ва Марва Аллоҳ (буйорган) маросимлардандир. Бас, ким ҳаж ёки умра қилса, у икки тог орасида саъӣ қилишининг гуноҳи йўқдир. Ва ким ўз ихтиёрила яхшиликни ният қилса, бас, албатта Аллоҳ шукр қилгувчи (тақдирловчи) ва билгувчи“.

[2:158]

Аллоҳ Таоло Байтул Ҳаромни мусулмонларга қибла қилганини айтганидан кейин бу уй ўзи аслида нима учун бино қилинганини яъни, у ҳаж ва умра учун қурилганини айтяпти. Шу билан бирга Сафо билан Марва ўртасидаги саъӣ хусусида ҳам гапиряпти. Мусулмонлар учун бу амални қилиш ҳараж, ўнгайсиз бир иш бўлиб турганди. Аллоҳ мусулмонлардан ҳаражни, ўнгайсизликни кўтарган, уларнинг Аллоҳга итоат этишлари учун улуғ савоблар бордир.

Мана шуларнинг ҳаммаси янги қиблага, Исломга даъват қилишга, Аллоҳни ҳар доим эслаб туришга, У Зотнинг буйруқларини мashaққатли бўлса ҳам бажаришга, Аллоҳнинг йўлида учрайдиган озорларга сабр қилишга йўналтириш ҳамда Аллоҳга итоат этган, ҳар қанча оғир, мashaққатли, ҳаражли бўйласин, У Зотнинг шариатига амал қилган кимсаларга улуғ савоблар борлигини, оқибат мўминларники эканини баён қилиш оқимида боряпти.

Бу оқимда мана шу муборак оят ворид бўлди. Сафо билан Марва ўртасида саъӣ қилиш мусулмонлар учун ҳараж, ўнгайсиз эди. Улар, шу ишимиз гуноҳ эмасмикан, деб хавотир олишарди. Негаки, жоҳилият даврида бу икки тоққа икки бут ўрнатилганди.

Сафо тогида Исоф номли кишининг сурати чизилган бут, Марва тогида эса Ноила исмли бир аёлнинг сурати чизилган бут туради. Жоҳилият аҳли тавоғ қилган пайтларида шу икки бутни силаб ўтишарди. Ислом келиб, бутлар синдирилгач, мусулмонлар шу икки бут туфайли бу икки тоф ўртасида саъи қилишни ёқтиришмай қолишиди. Ибн Аббос ривоят қилганидек, шу сабабли мана шу оят нозил бўлди. Яъни, мусулмонлар шу икки тоф ўртасида саъи қилсан, жоҳилият давридаги ўша бутлар туфайли гуноҳкор бўлиб қолмасмиканмиз, деб хавфсирашди. Шу билан бу ишда гуноҳ йўқлигини баён қилиб, мана шу оят нозил бўлди.

﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَابِ اللَّهِ﴾

(*Албатта Сафо ва Марва Аллоҳ (буюрган) маросимлардандир*).

(الصَّفَا) бу сўз аслида силлиқ тош, деган маънони англатади.

(الْمَرْوَة) бу сўзнинг эса лугавий маъноси оқ тошdir. Урфий ҳақиқатга кўра, бу икки сўз Маккадаги Масжидул Ҳаром яқинида жойлашган икки кичик тоқقا ном бўлиб қолган. (الصَّفَا وَالْمَرْوَة) шариат келиб, уларни мана шу урфий ҳақиқати маъносида ишлатди.

(*Аллоҳ (буюрган) маросимлар*). Яъни, Аллоҳ учун ҳаж қилиш белгиларидандир. Бу сўз (شعرة) сўзининг кўплигидир. У ҳаждада қилинадиган ибодатлар маъносини англатади. Ҳаж ибодатлари Уйни тавоғ қилиш, Сафо билан Марва орасида саъи қилиш, Арафотда туриш ва бошқа амаллардир.

﴿فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَوَّفَ بِهِمَا﴾

(*У икки тог орасида саъи қилишининг гуноҳи йўқдир*). Яъни, ҳаж ёки умра қилаётган киши бу икки тог орасида саъи қилса, унга гуноҳ бўлмайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, саҳобалар шу икки тог ўртасида саъи қилишдан ўнғайсизланардилар. Аллоҳ мана шу ўнғайсизликка барҳам берди.

(*Гуноҳи йўқдир*). Бу гапдан уни тавоғ қилса ҳам, қилмаса ҳам гуноҳ бўлмайди, деган маъно чиқмайди. Чунки бу оят ҳаражни, ўнғайсизликни тавоғ қилмасликдан эмас, тавоғ қилишдан кўтариш учун нозил бўлган. Шунга кўра, бу оятнинг маъноси мана бундай бўлади: Уларни тавоғ қилиб, Аллоҳнинг

буйргуини бажараверинглар. Шундай қилишларингда ҳеч қандай ҳараж йўқ. Ҳишом ибн Урва отасидан ривоят қиласи: «У пайтда мен кичкина бола эдим. Мўминлар онаси Оиша дан Аллоҳ Таолонинг

﴿ إِنَّ الْصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَابِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ أَعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَوَّفَ بِهِمَا ﴾

(албатта *Сафо ва Марва Аллоҳ* (буюрган) маросимлардандир. Бас, ким ҳаж ёки умра қилса, у икки тоз орасида саъӣ қилишининг гуноҳи йўқдир), деган ояти ҳақида нима дейсиз мен уларни (икки тозни) тавоф қилмаган биронта ҳам одамни учратмадим-ку, деб сўрадим. Шунда Оиша , асло, agar сен айтгандек бўлганида «Уларни тавоф қилмасликнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ», дейилган бўлларди, деб жавоб берди».

(*у икки тоз орасида саъӣ қилишининг*). Тавоф сўзи аслида бирор нарсанинг атрофида юриш маъносини англатади. Бу ерда тавоф сўзидан мурод Сафо билан Марва ўртасида саъӣ қилишдир.

Шу билан оятнинг мазмуни Аллоҳ Таоло томонидан мусулмонларга қарата қилинган мана бундай хитоб бўлади: Ким Уйни ҳаж ёки умра қилса, Сафо билан Марва ўртасида саъӣ қилсин. Энди улар жоҳилият белгилари эмас, Аллоҳнинг ибодатларидан бўлиб қолдилар. Ҳечам ўнғайсизланмангалар, юқорида айтиб ўтилган икки бут туфайли гуноҳкор бўлиб қоламиз, деб хавфсираманглар. Улар ўтиб кетган ишлар. Аллоҳ сизлардан бу ҳаражни, гуноҳни кўтарди, Аллоҳнинг буйргуини бажариб, улар ўртасида саъӣ қилинглар.

Энди Сафо билан Марва ўртасида саъӣ қилишининг шаръий ҳукмига келсак, бу иш фарздир, ҳаж ва умранинг бир рукнидир. Бунга далил қўйидагилардир:

а) Оят Сафо билан Марва ўртасида саъӣ қилиш ҳаж ибодатларидан эканига ҳужжат бўляпти.

﴿ مِنْ شَعَابِ اللَّهِ ﴾

(*Аллоҳ* (буюрган) маросимлардандир).

б) Жобир  ривоят қилган Пайғамбар нинг видолашув ҳажи ҳақидаги мана бу ҳадис:

«لَتَأْخُذُوا عَنِّي مَنْسَكْكُمْ فَإِنَّ لَأَدْرِي لَعَلَّى لَأَحْجُّ بَعْدَ حَجَّتِي هَذِهِ»

**Пайғамбар ﷺ: Ҳаж қабодатларингни мендан (ўрганиб олинглар. Билмайман, эҳтимол шу ҳажимдан кейин бошқа ҳаж қилмасман, дедилар».<sup>25</sup>** Бу гапда Пайғамбар ﷺ томонидан ҳаж амали баён қилиниб, у ўз ҳукмини олади, яъни фарз бўлади. Шунга кўра, Сафо билан Марва ўртасида саъй қилиш фарз бўлади. Зеро, баён (баён) мубайян (баён қилинган)нинг ҳукмини олади.

Шу билан ҳажда ҳам, умрада ҳам Сафо билан Марва ўртасида саъй қилиш фарз бўлади. Олдинги далил умрага эмас, фақат ҳажга тегишли, дейилмасин. Чунки оятда

﴿فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ أَعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَوَّفَ بِهِمَا﴾

(бас, ким ҳаж ёки умра қилса, у икки тоз орасида саъй қилишининг ғуноҳи йўқдир), дейиляпти. Мана шундан кўриниб турибдики, саъй ҳақидаги ҳукм ҳаж қилган киши учун ҳам, умра қилган киши учун бирдир, баробардир.

Саъй фарзdir. Демак, у ҳаж ва умранинг бир қисмидir. Ҳукмдан бир қисмнинг вожиблиги, фарзлиги шу қисмнинг ўша ҳукмдаги бир руҳн эканини англатади. Намоздаги руку ёки сужуд бунинг мисолидир. Шунга биноан, саъй ҳаж ёки умрадаги бир руқнdir.

2 – Аллоҳ оятни

﴿وَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلَيْهِ﴾

(ва ким ўз ихтиёрила яхшиликни ният қилса, бас, албатта Аллоҳ шукур қилгувчи (тақдирловчи) ва билгувчиидир), деган гап билан якунляяпти. (خیراً) сўзи мусбат накра бўлиб келяпти. Шунинг учун у мутлақликни, умумийликни ифодалайди. Яъни, Аллоҳ умрада бўладими, ҳажда бўладими, бошқада бўладими, қанақа бўлишидан қатъий назар, бирор яхшилик билан У Зотга яқинлашмоқчи бўлган кишининг яхшилигини билади ва унга шу ишига яраша мукофотини беради.

(**ва ким ўз ихтиёрила ният қилса**). Яъни, Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун бирор нафл амал қилса. Бу гап мусулмонларни фақат фарз амаллар билангина чекланмасдан нафл амалларни ҳам қилишга ундайди. Негаки, нафл амаллар ҳам кишини Аллоҳга яқинлаштиради. Ҳадисда келади:

(25) Муслим: 2286. Насоний: 3012. Абу Довуд: 1680. Аҳмад: 3 / 318, 337.

«أَحَبُّ مَا تَقْرَبَ إِلَيَّ عَبْدِي مَا افْتَرَضْتُهُ عَلَيْهِ، وَلَا يَزَالُ عَبْدِي يَتَقْرَبُ إِلَيَّ بِالنَّوَافِلِ حَتَّىٰ»

«Бандамнинг Менга яқинлашиш учун қилган амалларидан Мен учун энг севимлиси, Ўзим унга фарз қилган амаллардир. Бандам нафл амаллар билан Менга яқинлашиб келаверади, то...». <sup>26</sup>

(*шукр қилгувчи (тақдирловчи) ва билгувчиодир*) Яъни, улар Аллоҳга тоат қилганлари учун Аллоҳ уларни мукофотлайди ва катта бўлсин, кичик бўлсин, Аллоҳ уларнинг барча ишларидан хабардор бўлади. Аллоҳ заррача яхшиликни ҳам, ёмонликни зое кетказмайди.

﴿فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ ۝ وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ ۝﴾

– „Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) *зарра мисқоличалик яхшилик қилса* (қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким *зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!*“ [99:7-8]



﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْسِبُونَ مَا أَنْزَلْنَا مِنْ آلِيَّنَتِ وَأَهْدَى مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَئِكَ يَلْعَبُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَبُهُمُ الْلَّاعِنُونَ ۝ إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُوا فَأُولَئِكَ أَتُؤْتُبُ عَلَيْهِمْ ۝ وَأَنَا الْغَوَّابُ الرَّحِيمُ ۝ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَمَاتُوا وَهُمْ كُفَّارٌ أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ۝ حَلِيلِ الدِّينِ فِيهَا لَا تُخْفَفُ عَنْهُمْ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنَظَّرُونَ ۝ وَإِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ۝﴾



– „159. Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат (Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбар эканлиги ҳақидаги) нарсаларни одамларга китобда (Тавротда) равишан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фариишталар ва мўминлар) лаънатлагайлар.

(26) Бухорий: 6021.

*160. Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очиқ айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиласман. Ва фақат Менгина тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлидирман. 161-162. Куфр иўлига кириб, кофир ҳолида ўлиб кетган кимсалар шубҳасиз Аллоҳнинг ва жамики фариишта ва одамларнинг лаънатига дучор бўлгайлар ва азоблари енгиллатилмаган, раҳмат назаридан баҳраманд бўлмаган ҳолларида абадий (жасаннамода) қолгайлар. 163. Тангрингиз ягона тангридир. У меҳрибон ва раҳмли тангридан ўзга ҳеч қандай тангри иўқдир“.* [2:159-163]

**Бу оятларда Аллоҳ Таоло қуйидагиларни баён қиласди:**

1 – Аллоҳ Таоло юқорида аҳли китобларнинг Пайғамбар ﷺ нинг худди ўз ўғилларини таниганларидек танишларини, чунки у зотнинг тавсифлари, икки қиблага қараб намоз ўқишлари уларнинг китобларида ёзилганини, шунга қарамасдан улар бу ҳақиқатни яширганларини айтиб ўтганди.

﴿الَّذِينَ إِاتَّيْنَاهُمُ الْكِتَبَ يَعْرِفُونَ أَبْتَأءُهُمْ وَإِنَّ فِرِيقًا مِّنْهُمْ لَيَكْتُمُونَ الْحَقَّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ﴾

– „Биз китоб ато этган кимсалар (яхудий ва насронийлар) уни (Мұхаммад пайғамбарни) ўз фарзандларини таниган каби танийдилар. (Яни ўзларининг илоҳий китобларида у ҳақда ўқиганлар). Ва албатта улардан бир гурӯҳи билғанлари ҳолда ҳақиқатни беркитадилар“.

[2:146]

Шундан кейин Аллоҳ Таоло мана бу оятларда Пайғамбар ﷺ нинг ҳақлигини, у кишига эргашиб вожиблигини кўрсатувчи Аллоҳ нозил қилган, уларнинг китобларида ёзилган оят-аломатларни яширганларнинг оқибати нима бўлишини баён қиляпти. Улар Аллоҳ тарафидан ҳам, фаришталару мўминлар тарафидан ҳам лаънатга учрашга лойиқдирлар.

Бу ерда гарчи аҳли китоблар ичидаги ҳақиқатни яширганлар устида бораётган бўлса-да, лекин у умумий маънода келяпти. Бинобарин, ўзидағи Аллоҳ томонидан бўлган бирор илмни яширган ҳар бир кимса жуда оғир гуноҳга ботади. Илмни яшириш қатъий ҳаромдир. Бунга қарина мана бу ояттир:

﴿أَوَلَئِكَ يَلْعَمُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَمُهُمُ الْعَيْنُورُكَ﴾

(Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фариишталар ва мўминлар) лаънатлагайлар). Ҳадисда эса мана бундай келади:

«مَنْ كَسَّمَ عِلْمًا أَجْمَعُهُ اللَّهُ بِلِبَحَامٍ مِنْ النَّارِ»

**«Кимки, бир илмни яширса, уни Аллоҳ Таоло оловдан бүлган юган билан юганлайди».**<sup>27</sup> Демак, оқибат жуда ваҳимали, қўрқинчли, бир сўз билан айтганда жаҳаннам ўти.

Кейин Аллоҳ уларнинг ичидан қўйидаги уч ишни бажарганларни истисно қиляпти: Яшириш гуноҳидан ҳақиқий тавба қилиш; шу яшириш оқибатида рўй берган бузилишни тузатиш; яширган нарсасини одамлар орасида изҳор қилиб, одамларнинг шариат ҳукмлари борасидаги қайсиdir ҳақини яширган бўлса, уни қайтадан айтиб қўйиш. Шу ишни бажарса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Зоро, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи, раҳмли Зотдир.

2 – Кейинги оятда Аллоҳ кофир ҳолида ўлиб кетадиган кофиirlарнинг оқибатини, уларнинг Аллоҳ тарафидан ҳам, фаришталару одамлар тарафидан ҳам абадий лаънатга учрашларини баён қиляпти.

Бу оятдаги лаънатлаш мавзуси олдинги оятдаги лаънатлаш мавзуининг айнан ўзи эмас. Олдингиси шу дунёда бўладиган лаънатлашдир. Шунинг учун уларни Аллоҳ, фаришталар ва одамлардан мўминлар лаънатлайдилар. Бу оятдаги лаънатлаш эса охиратда юз берадиган лаънатлашдир. Уларни Аллоҳ ҳам, фаришталар ҳам, ҳамма одамлар ҳам лаънатлайдилар. Яъни, фақат мўминларгина эмас, ҳатто кофиirlар ҳам бир-бирларини лаънатлайдилар.

﴿كُلَّمَا دَخَلَتْ أُمَّةٌ لَعْنَتْ أَخْتَهَا﴾

– „**Қачон бир жамоат** (ўша дўзахга) **кирганида шеригини** (яъни ўзини йўлдан урганларни) **лаънатлайди**“.

[7:38]

Шундай қилиб, олдинги оят уларнинг тирик ҳолидаги лаънатланишлари ҳақида бўлса, кейинги оят уларнинг ўлик ҳолидаги лаънатланишлари ҳақидадир.

Аллоҳ Таоло баён қиляпти, ўша кофир ҳолида ўлиб кетганлар абадий лаънатланиб, жаҳаннамда абадий қолиб кетадилар. Уларга азоб енгиллатилмайди. Узр сўрашларига имкон ҳам берилмайди. Ҳужжатлари қабул қилинмайди. Ўзларига муҳлат берилмайди.

(27) Бу ҳадисни Абу Яъло ва Табароний Ибн Аббос саҳих санад билан ривоят қилган. Пайғамбар айтдилар: «**Кимданки бир илм ҳақида сўралса, уни Аллоҳ Таоло оловдан бүлган юган билан юганлайди**» ҳадисни лафзи Ибн Можаники: 261. Аҳмад: 2/499, 508.

3 – Олдинги оялтарда Аллоҳ Таоло аҳли китобларнинг Пайғамбар ﷺнинг пайғамбарлигини билиб туриб яширганларини, ҳолбуки, улар у кишини ўз ўғилларини танигандек танишларини, бу ҳақиқат уларнинг китобларида ёзилганини баён қилган бўлса, бу оятда Ўзининг маъбудлигу илоҳликка ҳақли бўлган Ягона, Бир Маъбуд эканини баён қиласпти.

﴿وَاللَّهُمَّ إِنَّهُ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ﴾

(*Тангрингиз ягона тангридир. У меҳрибон ва раҳмли тангридан ўзга ҳеч қандай тангри ийқодир*). Бу ердаги вов атф вови. Жумла

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ﴾

(*беркитган кимсаларни шубҳасиз*) жумласига атф бўляпти. Қисса қиссага атф қилингапти. (Уюшиб келяпти). Уларнинг уюшиб келаётганини кўрсатувчи омил – жомеъ шундан иборатки, олдинги оят Пайғамбар ﷺнинг пайғамбарлигини исботлаш ҳақида бўлса, бу оят Аллоҳ Таолонинг бирлигини исботлаш ҳақидадир.

Ундаги маъно мана бундай: маъбудликка ҳақли бўлган ҳақиқий Маъбудинглар йўз улуҳиятида ягона бўлган Зотдир. (إِلَهٌ) сўзи Аллоҳ Таолони икки сифат билан тавсифлаш учун такрорланиб келяпти. Улар қўйидагилар:

Йлоҳ сўзи муҳотабларнинг (tinglovchilar, иккинчи шахсларнинг) замирига изофа қилиниши билан (унга эгалик қўшимчаси қўшилиши билан) У Зотнинг маъбудликка ҳақдорлиги (إِلَهُ).

﴿إِلَهٌ وَاحِدٌ﴾

(*Ягона тангридир*) ва

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ﴾

(*ундан ўзга ҳеч қандай тангри ийқодир*) ибораларининг ишлатилиши улуҳиятнинг ягоналигини ифодалайди ва Буюк Аллоҳнинг Бир эканини таъкидлайди.

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ﴾

(*Ундан ўзга ҳеч қандай тангри ийқодир*) иборасининг

﴿وَاللَّهُمَّ إِنَّهُ وَاحِدٌ﴾

(*тандынгиз ягона тандыдир*) иборасидан кейин келиши уларнинг илоҳидан бошқа илоҳ ҳам бордир, деган ўйга, фикрга барҳам беради. Шундай қилиб бу муборак оятнинг маъноси мана бундай: сизлар Унга ибодат қилишингларга ҳақли бўлган Илоҳинглар ўз улуҳиятида бир бўлган Зотдир. У Аллоҳдирки, Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У сизларнинг барча оламларнинг Парвардигоридир.

(آلَّرَحْمَنُ آلَّرَحِيمُ *мехрибон ва раҳмли*) бу дунёда мўмину кофирга охиратда эса фақат мўминга раҳм қилгувчи Зотдир.

(فَلَانٌ *мехрибон*) вазнида. Яъни, Ўз раҳмати ила ҳамма нарсани қамраб олган. Раҳматга тўлган. Худди шу вазндаги (غضبان) сўзи ғазабга тўлган, деган маънони билдиради.

(آلَّرَحِيمُ *раҳмли*) раҳмати кўп. Лекин (آلَّرَحْمَنُ) сўзидаги муболага, етуклик (آلَّرَحِيمُ ) сўзида йўқ. Чунки бу сўзда фақат биттагина зоида, қўшимча ҳарф ё ҳарфигина бор. Роҳман сўзида эса иккита қўшимча ҳарф алиф ва нун ҳарфлари бор. Мабний сўзда қанчалик қўшимча кўп бўлса, шунчалик маъно кучайиб бораверади.



﴿إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاحْتِلَافِ الْلَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلْكُ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ  
بِمَا يَنْفَعُ النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ مَاءٍ فَأَحِيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتَهَا وَبَثَّ  
فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَصْرِيفِ الْرِّيحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ﴾

﴿لَأَيْتَ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ﴾

— „164. Албатта осмонлар ва ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмасиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Аллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик ерни тирилтириб, бор жонзотни тарқатиб-ёйиб юборган сув деган неъматда ва шамолларнинг ўйналтирилишида, осмон ва ер орасидаги итоатгўй булутда — (буларнинг ҳаммасида) ақдли кишилар учун оят-аломатлар бордир.“ [2:164]

﴿وَاللَّهُمَّ إِلَكُهُ وَاحِدٌ﴾

(*Тангрингиз ягона тандидир*) оятини нозил қилганда мушриклар, қандай қилиб шунча илоҳлар битта илоҳ бўлиб қоларкан, деб инкор этишганди. Бас, Аллоҳ уларни фикр қилишга, ақлларини ишлатишга ва шу орқали бутун коинотни яратган, унинг қисмларини бир-бирлари билан ўта пухта тартиб билан боғлаган Ягона, Бир Яратувчига имон келтиришга чақириб, мана шу оятни нозил қилди. Мана шу ўта пухта тартибнинг ўзи Яратувчининг бирлигига, ягоналигига далолат қиласи.

1 – Мана бу осмонлару ер, улардаги юлдузлар, ҳамма-ҳаммаси ўта нозик, ажойиб бир низом билан фалакда сузаб юришади. Улардан биронтаси ўз йўналишидан, йўлидан чиқиб кетмайди, бири иккинчиси билан тўқнашиб кетмайди.

2 – Мана бу кечаю кундуз, уларнинг ўрин алманиб туришлари, бирининг ёруғлигию, иккинчисининг қоронғулиги, бирининг дам олишга, ҳордиқ чиқаришга хизмат қилишию иккинчисининг тирикчилик қилишга ишлаши! Нақадар ажойиб! Нақадар гаройиб!

3 – Анави денгизда сузаб юрадиган, одамларга зарур бўлган савдо ёки сафар ашёларини олиб юрадиган кемалар! Уларни сув кўтариб боради, шамоллар ҳаракатга келтиради, мавжлар қамраб олади, уларга урилади. Шундай бўлса-да, улар мавжлар гирдобиу денгиз тўлқинлари ичра сузаб бораверадилар.

4 – Мана бу осмондан ерга тушадиган сув! У Аллоҳ истаган жойга етиб бориб, ўлик ерни тирилтиради, унинг сарғайган эгнини яшил либосга буркайди.

5 – Анави жониворлар! Улар ер юзида тинимсиз кўпайиб, ердан униб чиққан нарсалардан озуқаланиб, туғилиб, яшаб бораверадилар.

6 – Мана бу Аллоҳнинг буйруги ила юргизиб қўйилган шамоллар! Аллоҳнинг қудрати ила осмон билан ер ўртасида бўйсундириб қўйилган булутлар! Уларни Аллоҳ Ўзи истаган тарафига йўналтиради, улар Аллоҳ кўрсатган жойга ёмғир қуядилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси ўта нозик, ажойиб бир тартибда бўлиб, ўз низомидан қилча ҳам чиқиб кета олмайдилар. На осмон ерга қулайди. На кеча кундуздан ўтиб кетади. На денгиз ва ундаги кемалар ўз хусусиятини ўзгартира олади. На ёмғир, шамоллар ёки булут Аллоҳнинг фармонига қарши чиқа олади. На ердаги жониворлар ўз табиатларига қарши бора оладилар.

Бу йўналишларда ҳеч қандай изтироб, иккиланиш, бошбошдоқлик йўқ. Сувсиз яшиллик бўлиши, денгизларнинг ўз ўрнини ўзгартириши, шамолларнинг ўз вақтида эсмаслиги мутлақо бўлмайдиган, юз бермайдиган ишдир.

Осмонлару ер ва улар ўртасидаги ҳамма махлуқотларга қайси иш учун яратилган бўлсалар, ўша ишнигина қилиш имкони берилган.

﴿مَا تَرَى فِي خَلْقِ الرَّحْمَنِ مِنْ تَفَوُتٍ فَارْجِعْ الْبَصَرَ هَلْ تَرَى مِنْ فُطُورٍ﴾

– „(У) етти осмонни устма-уст қилиб яратган зотдирики, сиз у Раҳмоннинг (мехрибон Зотнинг) яратишисида бирон тафовут-нуксанни кўрмассиз. Энди қўзингизни яна (самога) қайтаринг-чи, (унда) бирон футур-ёрикни кўрармикансиз?“ [67:3]

Аллоҳнинг ердаги, осмондаги ва осмон билан ер ўртасидаги махлуқотлари учун тузилган мана бу ажойиб, ўта нозик низомда ақлини ишлатган одамлар учун оят-аломатлар бордир.

Ким у ҳақда тадаббур, тафаккур қилса, унинг Яратувчиси Битта эканини билиб олади. Коинотнинг тартиблилиги, қисмларининг бир-бирига мослиги, ўта пухта ва нозик низом асосида ўзаро муносабатга киришиб туришлари Яратувчининг Ягоналигини, Бирлигини, бутун оламлар Парвардигори эканини шундоққина айтиб турибдилар.

﴿وَإِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ﴾

(Тангрингиз ягона тангридир. У меҳрибон ва раҳмли тангридан ўзга ҳеч қандай тангри йўқдир).

Аллоҳ Таолонинг махлуқотлари хусусида тафаккур қилиш уларнинг яратувчиси битта, ягона Зотдир, Ундан ўзга илоҳ ҳам, маъбуд ҳам йўқдир, деган хulosага олиб бориши аниқ.

Ҳар бир ишни ҳикмат билан қилгувчи, ҳар нарсадан хабардор Ҳаким, Хобир Аллоҳ Ўзининг буюқ, ягона, раҳмли Зот эканига далолат қилувчи оят-аломатларни мазкур махлуқотларига ўрнатиб қўйған. Ақлли одам бу махлуқотларнинг олдидан шунчаки бепарво ўтиб кетавермайди. Улар ҳақида тафаккур, тадаббур қиласди.

Оиша رضнинг айтишича, Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسالہ وآلہ وسالہ шу оятни ўқиб туриб, шундай деган эканлар:

«وَيْلٌ لِمَنْ قَرَأَهَا وَلَمْ يَتَفَكَّرْ فِيهَا»

«Бу оятни ўқиб туриб, у ҳақда фикр қилмаган одамга дўзах бўлсин!».<sup>28</sup>

\* \* \*

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَتَحَدَّدُ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَنَّدَادًا تُحْبِبُهُمْ كَحْبِ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا أَشَدُ حُبًا لِلَّهِ وَلَوْ بَرَى الَّذِينَ ظَلَمُوا إِذْ يَرَوْنَ الْعَذَابَ أَنَّ الْقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا وَأَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعَذَابِ إِذْ تَبَرَّأَ الَّذِينَ أَتَبَعُوا مِنَ الَّذِينَ أَتَبَعُوا وَرَأُوا الْعَذَابَ وَتَقَطَّعَتْ بِهِمُ الْأَسْبَابُ وَقَالَ الَّذِينَ أَتَبَعُوا لَوْ أَنَّ لَنَا كَرَّةً فَنَتَبَرَّأُ مِنْهُمْ كَمَا تَبَرَّءُوا مِنَنَا كَذَلِكَ يُرِيهِمُ اللَّهُ أَعْمَلَهُمْ حَسَرَاتٍ عَلَيْهِمْ وَمَا هُمْ بِخَرِيجِينَ مِنَ النَّارِ﴾

— „165. Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгалиарни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Имонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттикроқдир. Бундай золимлар азобга рўбарў бўлалигиган замонларида (қиёмат кунида) бутун куч-кудрат Аллоҳники бўлишини ва Аллоҳнинг азоби қаттиқ азоб эканини билсалар эди. 166. У кунда пешволар эргашувчилардан тонацилар ва ҳаммалари азобни (кўзлари билан) кўрадилар. (У кунда уларни боғлаб турадиган) баҳонаю сабаблар узилади. 167. Эргашувчилар: «Қанийди, яна бир карра (яшаининг) иложи бўлса-ю, улар биздан тонгандаридақ, биз ҳам улардан тонсак», дейдилар. Шундай қилиб, Аллоҳ Таоло уларнинг қилган амалларини ўзларига ҳасрат-надомат қилиб кўрсатади ва улар жаҳаннамдан чикувчи бўлмайдилар“.

[2:165-167]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуийидагиларни баён қиласди:**

1 – Шундай одамлар борки, улар Аллоҳга ширк келтирадилар, бошқаларни У Зотга тенглashingтирадилар. Уларни худди Аллоҳни яхши кўргандек яхши кўрадилар. Лекин ҳидоятга асосланмаган муҳаббат мўминларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари даражасига ҳеч қачон кўтарила олмайди. Чунки мўминларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати тақвога, имонга асосланади. Мўминларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати шу қадар кучли, шу

(28) Ибн Абу Дунё ва Ибн Мардавиҳ Оиша дан ривоят қилган. Дуррул Мансур: 2/111.

қадар ўткир муҳаббатки, у билан диллар ором олади, у билан жаннатга, Аллоҳнинг ризосига эришилади.

Анави Аллоҳга ширк келтирганлар ва бошқаларни Аллоҳга тенглаштирганларнинг борадиган жойи эса қиёмат кунидаги аламли азобдир. Ана шунда улар фақат Аллоҳгина Кучли эканини, Унинг қувватидан ўзга қувват йўқлигини, Унинг золимларга берадиган азоби жуда аламли, қаттиқ эканини, уларнинг Аллоҳга тенглаштириб юрган нарсалари ҳеч қандай кучга, қувватга эга бўлмаган, ўзларига ўхшаган маҳлуқотлар эканини билиб оладилар.

﴿وَأَخْذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ إِلَهَةً لَعَلَّهُمْ يُنَصِّرُونَ ﴾ ﷺ لَا يَسْتَطِيعُونَ نَصْرَهُمْ وَهُمْ لَهُمْ جُنُدٌ مُّحَضَّرُونَ﴾

– „(Йўқ, улар шукр қилмадилар, балки) Аллоҳни қўйиб ёрдам олиши умидида (ўзга) «худо»ларни тутмидилар. Улар ўша («худо»лари) учун ҳозирланган қўшинлари бўлган ҳолларида ҳам у («худо»лар) уларга ёрдам беришга қодир бўлмаслар“. [36:74-75]

﴿وَلَوْ يَرَى الَّذِينَ ظَلَمُوا إِذْ يَرَوْنَ الْعَذَابَ﴾

(Бундай золимлар азобга рўбарў бўладиган замонларида (қиёмат кунида)). Бу ердаги (ло) ҳарфи ўзи аслида музореъ билан қўлланиши керак эди. Лекин бу ерда мозий билан қўлланяпти. Бу билан бирданига икки иш амалга ошириляпти. Улар қўйидагилар:

- Музореъ, келаси замон ифодаланяпти. Чунки бу ердаги мавзу уларнинг қиёмат кунидаги кўришлари устида боряпти.
- Мозий, ўтган замонни ҳам ифодалаб, Аллоҳнинг илмида бу ишнинг аниқ юз бериши кўрсатиляпти. Гўё у ўтмишда бўлиб, ўтиб кетгандек.

(ло)нинг жавоби ҳазф қилинган. Бу билан унинг таърифу тавсифга сифмайдиган ўта мудҳиш нарса экани кўрсатиляпти. Агар улар ўзларига қиёмат кунида қандай азоблар тайёрлаб қўйилганини билишганида эди, уларнинг ҳасрату надоматлари таърифу тавсифга сифмай қолган бўларди.

(ло) ва (зи)нинг қўлланиши ва мазкур оқимда жавобнинг ҳазф қилиниши гапнинг нақадар балофатли эканини кўрсатяпти.

﴿تَزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ﴾

— „Ҳикмат ва ҳамду сано эгаси томонидан нозил қилингандир“.[41:42]

﴿إِنَّ الْقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا وَإِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعَذَابِ﴾

(Албатта бутун куч-кудрат Аллоҳникидир ва Аллоҳнинг азоби қаттиқ азобдир).

﴿إِنَّ الْقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا﴾

(Албатта бутун куч-кудрат Аллоҳникидир) жумласига

﴿وَإِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعَذَابِ﴾

(ва Аллоҳнинг азоби қаттиқ азобдир) ибораси ҳам киряпти. Ҳам атф қилиш, ҳам қайта тилга олиш мусибатнинг нақадар катта бўлишини, улар қиёмат кунида мутлақо кечирилмаслигини кўрсатади. Зеро,

﴿الْقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا﴾

(бутун куч-кудрат Аллоҳникидир), деган гап азобнинг қаттиқлигини тақозо қилмайди. Негаки, Аллоҳ Таоло азоблашга Қодир бўлиб туриб, азобламай қўйиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло

﴿وَإِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعَذَابِ﴾

(ва Аллоҳнинг азоби қаттиқ азобдир) иборасини олдинги иборага атф қиласпти. Токи, Аллоҳнинг авф этишидан уларнинг умидлари батамом узилсин.

2 – Ўша мудҳиш кунда, аламли азоб кўзлар билан кўриб турилган пайтда, кучу қудратнинг ҳаммаси Аллоҳники экани аён бўлган соатда ишларнинг моҳияти очилади:

а) Аллоҳга ҳар хил бутларни, санамларни ва бошқа нарсаларни шерик қилганлар ўша мудҳиш кунда мана шу шерик қилган нарсалари ҳеч қандай кучга ҳам, қудратга ҳам эга эмаслигини, ўзларини чор атрофдан азоб ўраб келаётганини кўришиб, ҳасрату надоматлари чўққига чиқади.

б) Ўзлари эргашган, этакларидан тутган пешволари улардан тонаётганини кўришиб, ҳасрату надоматлари янада ортади. У пайтдаги даҳшат шу қадар кучли бўладики, пешволарнинг ўз тобеларини тан олишига имкон топилмай қолади. Ҳамма ўзи билан ўзи машғул бўлади. Пешво билан тобе ўртасини боғлаб турувчи ҳамма ришталар узилади. Гёё бу ришта олдин бўлмагандек бўлиб қолади.

в) Тобелар дўзахдан чиқиб, қайта дунёга келишнинг ва пешволаридан интиқом олишнинг имкони йўқлигини англаган пайтларида уларнинг ҳасрату надоматлари янада ортади. Ана ўшанда бу пешволарга эргашиб, жуда қаттиқ хатога йўл қўйғанларини, пешволари уларни ҳалокатга олиб боргандарини, уларга эргашиб, қилган ишлари ўзларига ҳасрату надомат бўлиб қайтганини, улар учун жаҳаннамдан жой ҳозирлаб қўйганини кўрадилар. Нақадар аянчли оқибат!

З – Бу оятларнинг мантуқи Аллоҳдан бошқаларни У Зотга шерик қилиб, уларни худди Аллоҳни севгандек севадиган кишиларга алоқадордир. Аллоҳ Таоло уларни золимлар, деб тавсифлаяпти. Чунки улар ишни, нарсани ўз ўрнига қўймасдан маҳлуқларни Холиқ билан тенглаштиряптилар ва шу билан золимларга айланяптилар.

Бу оятлар уларнинг оқибатини, пешволари азобни ва барча куч-қувват Аллоҳники эканини кўришган пайтда улардан қандай тонишларини баён қиляпти. Бу оятларнинг мантуқида тобеларига ёмон ишларни яхши қилиб кўрсатган пешволар учун қандай азоб борлиги хусусида ҳеч гап йўқ.

Бироқ бу мантуқнинг мафҳуми ҳам бор. (Мантуқ гапнинг юзаки маъноси, мафҳум эса унинг остидаги маъно). Қўйидагиларга берилган танбеҳ ўз-ўзидан юқоридагиларга ҳам тегишлидир. Аллоҳ тобеларгаки шунча азоблар тайёрлаб қўйған экан, уларни шу кўчаларга олиб кирган пешволарга ундан ҳам қаттиқ азоблар тайёрлаб қўйгани ўз-ўзидан аён. Ҳа, пешволарнинг азоби тобеларнинг азобидан ҳам қаттиқроқ бўлиши, уларнинг оқибати тобеларнинг оқибатидан ҳам аянчлироқ бўлиши аниқ. Ўз тобеларини ҳалокатга бошлаган пешволарнинг аҳволи мана шу. Улар қиёмат кунида худди Фиръавнга ўхшаб, тобеларидан олдин ўзлари дўзахга кирадилар.

إِلَى فِرْعَوْنَ وَمَلَأِيهِ فَاتَّبَعُوا أَمْرَ فِرْعَوْنَ وَمَا أَمْرَ فِرْعَوْنَ بِرَشِيبٍ يَقْدُمْ

قَوْمَهُرِ يَوْمَ الْقِيَمَةِ فَأَوْرَدَهُمُ النَّارَ وَبَسَّ أَلْوَرْدَ الْمَوْرُودُ ﴿١﴾

– „Фиръавн ва унинг одамларига (Мусони пайғамбар қилиб юборганимизда) улар Фиръавннинг амрига бўйсундилар. Ҳолбуки, Фиръавннинг амри тўғри эмасдир. У (Фиръавн) қиёмат кунида ўз қавмини бошлаб бориб дўзахга туширур. У тушиладиган энг ёмон жойдир!“ [11:97-98]

Бу оятларда асосий эътибор тобеларгагина қаратилаётган экан, бунда бир улуф ҳикмат бор, албатта. Бу иш айрим тобелардаги бизда гуноҳ йўқ, ҳаммасига ўша пешволар жавоб

беришади, деган ўйнинг нотўғрилигини кўрсатади. Оятлар тобелар ҳам гуноҳкор бўлишларини, улар ҳам дўзахийлар қаторидан жой олишларини, уларнинг ҳам оқибати ўта аянчли бўлишини баён қиляпти.

Оятлар Аллоҳ томонидан куфрошиларга эргашаётганларга қаратилган баёндир. Уларда шундай дейиляпти: Бу пешволар сизларни жарликка олиб боради, қиёмат кунида улар сизлардан тонади, сизларнинг ҳеч қандай гуноҳларингизни кўтара олмайди, аксинча сизларни дўзахга итаради.



﴿يَتَأْيِهَا النَّاسُ كُلُّوْمَمَا فِي الْأَرْضِ حَلَلًا طَيِّبًا وَلَا تَتَّعِوْنَ خُطُوْتَ الشَّيْطَنِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴾  
 إِنَّمَا يَأْمُرُكُم بِالسُّوْءِ وَالْفَحْشَاءِ وَأَن تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴾١٦٩﴾  
 وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ أَتَتَّبِعُوْنَا مَا أَنْزَلَ اللَّهَ قَالُوا بَلْ سَتَّبُوْنَا عَلَيْهِءَابَاءَنَا  
 أَوْلَوْكَانَءَابَاؤهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ ﴾١٧٠﴾  
 وَمَثَلُ الَّذِينَ كَفَرُوْا كَمَثَلِ الَّذِي يَنْعِقُ بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءً وَنِدَاءً صُمُّ بُكُمْ عُمُّ فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴾١٧١﴾  
 يَتَأْيِهَا الَّذِي يَنْعِقُ بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءً وَنِدَاءً صُمُّ بُكُمْ عُمُّ فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ  
 إِنَّمَا حَرَمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ وَالدَّمَ وَلَحْمَ الْخِنْزِيرِ وَمَا أَهْلَبَ بِهِ لِغَيْرِ  
 نَعْبُدُوْنَ ﴾١٧٢﴾  
 إِنَّمَا أَصْطُرُ غَيْرَبَاغٍ وَلَا عَادِ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴾١٧٣﴾

– „168. Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманлар! Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир. 169. У сизларни фақат ёмонлик ва бузукликка ва Аллоҳ шаънига билмаган нарсаларингизни гапиришга буюради, холос. 170. Қачон (муширикларга): «Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз, дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсанк, ўшангэ эргашамиз», дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар, ҳам-а? 171. Куфр йўлидаги кимсаларни (ҳақ йўлга даъват қилувчи кишининг) мисоли худди фақат овоз ва чакириқни эшигадиган ҳайвонларга қичқираётган кишининг мисолидир. Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар. 172. Эй

*мұмынлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз — покиза нарсалардан енглар ва агар Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилгувчи бўлсангизлар У Зотга шукр қилингиз! 173. У сизларга фақатгина ўлакса, қонни, тўнгиз гўшитини ва Аллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Энди кимки золим ва ҳаддан ошмаган ҳолида ночор вазиятда қолса гуноҳкор бўлмайди. Албатта Аллоҳ магфират қилгувчи, раҳмлидир“.* [2:168-173]

1 – Аллоҳ Таоло ўтган оятларда имонга чорловчи ояталоматлар, мўминларнинг Аллоҳга бўлган, кофиirlарнинг эса ўзлари Аллоҳга шерик қилган нарсаларига бўлган муҳаббатлари, шу ишлари туфайли Аллоҳ уларга аламли азоб тайёрлаб қўйгани каби ишларни баён қилган бўлса, бу оятларда Аллоҳ Ўзининг инъом қилиши, одамларнинг ҳаммасига, ҳатто кофиirlарга ҳам ризқ беришини айтяпти.

Оятларда одамларга хитоб қилиниб, ердаги ҳалол-пок нарсалардан еяверишлари айтиляпти. (كُلُّوا) буйруғи мубоҳликни англатади.

*(وَلَا تَنْبِغُوا خُطُونَ إِنَّهُمْ لَكُمْ عَدُوٌ مُّبِينٌ) ва шайтоннинг изидан эргашманглар!.*

Яъни, унинг йўлига юрманглар, унга эргашманглар. Бу оядта шайтонга эргашиб ҳаромлиги ифодаланган.

*(إِنَّهُمْ لَكُمْ عَدُوٌ مُّبِينٌ Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир).*

Яъни, унинг инсонга адовати кўриниб туради. Бундан шундай маъно келиб чиқадики, шайтон ҳар қанча пухта режа тузмасин, ҳар қанча найранг ишлатмасин, барибир унинг душманлиги очилиб қолаверади. Соғлом ақл ва табиат эгалари унга алданмайдилар. Чунки у фақат ёмонликка буюради.

Кейин Аллоҳ Таоло шайтон ҳеч қачон яхшиликка буюрмаслигини, аксинча, турли ёмонликларга буюришини баён қиляпти. Ибн Аббос айтганидек, қайси бир ёмонликка ҳад белгиланса, у фаҳш, дейилади, қайси бир ёмонликка ҳад белгиланмаса, у суъ, бўлади. Куфрга олиб борадиган ёмонликлар ҳам бор. Масалан, ҳалолни ҳаром ёки ҳаромни ҳалол қилиш билан Аллоҳга тухмат қилиш. Мушриклар шундай қилардилар.

*﴿وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾*

*(Ва Аллоҳ шаънига билмаган нарсаларингизни гапиришига).* Бу ерда Аллоҳнинг буйруқларига қаттиқ риоя этиш ва У Зотга тухмат қилмасликнинг зарурлиги, акс ҳолда, катта бўхтон ва улуғ тухмат содир этилиши ифодаланяпти.

2 – Кейин Аллоҳ Таоло шайтоннинг изидан эргашганлар аҳволини баён қиляпти. Уларга, Аллоҳнинг шариатига риоя қилинглар, дейилса ота-боболаримизни қайси йўлда топган бўлсак, ўша йўлга эргашамиз, дейишади. Мана шу ерда Аллоҳ уларни инкор қилиб ва бераётган жавоблари нақадар хунуклигини кўрсатиб, уларнинг ота-боболарига эргашишлари фикрсизлик, ақлни ишлатмаслик эканини, уларнинг ота-боболари ботил динда бўлганини, ўша ботил динни ақлларини ишлатмаганликлари оқибатида қабул қилиб олганларини баён қиласди.

﴿أَوْلَوْكَاتْ ءَابَؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ﴾

(Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар, ҳам-a?). Бу ердаги ҳамза уларнинг мавжуд ҳолатини инкор қилишни, унинг нақадар хунуклигини, ажабланарли ҳол эканини ифодалайди. Вов ҳам ҳолиядир, ҳолатни билдирувчи ҳарфдир. Шу билан бу ердаги маъно мана бундай бўлади: Улар дин танлашда ота-боболарига эргашадилар. Ҳолбуки, ота-боболари ақлларини ишлатмаганлари ҳолда, хидоят топмаганлари ҳолда ўша ўзларининг динларига кирганлар.

3 – Кейин Аллоҳ Таоло анави ота-боболари адашганлар бўлсалар ҳам уларга кўр-кўронга, ақлни ишлатмасдан, фикрламасдан эргашадиганларни зарбул-масал қиляпти. Улар ўзларига қаратилаётган яхшилик ва Аллоҳ нозил қилган динга бўйсуниш ҳақидаги даъватни худди ҳайвонларга ўхшаб тинглайдилар. Ҳайвон чўпоннинг овозини эшитади, холос. Нима деяётганини эса тушунмайди. У фақат яқин ёки узоқдан келаётган овозни эшитади. Бу ерда кофиirlар билан ҳайвонлар муштарак бўлган фикрсизлик, тўғри тушунмаслик, идрок қилмасликдан киноя бор!

(**‘унқ қичқиради**) бу сўз ҳайвонларга нисбатан қўлланадиган бақириқ-чақириқ маъносини англатади.

(**إِلَّا دُعَاءً وَنَدَاءً**) овоз ва чақириқни эшитадиган). Яъни, фақат овозларни эшитадиган, уларнинг маъноларини тушунмайдиган ҳайвонларга. (۲) сўзи ақлсизларга нисбатан қўлланади.

﴿إِلَّا دُعَاءً وَنَدَاءً﴾

**(Фақат овоз ва чақириқ)** (الدعا) сўзи яқинни чақириш, (الداء) сўзи эса узоқни чақириш маъносини англатади. Яъни, узоқ-яқиндан келаётган овозларнигина эшитадиган ҳайвонлар.

Унинг тўла маъноси мана бундай бўлади: Аллоҳ нозил қилган ҳақ динга эргашиналар, дейилса, йўқ, биз ҳар қанча ноҳақ бўлса ҳам ота-боболаримизнинг динига эргашамиз, дейдиган кофирлар ўзларига қаратилган насиҳатни тушунишда чўпоннинг нимадандир қайтариб қичқирган қичқириғинигина эшитадиган ҳайвонга ўхшайдилар. Ҳайвон бу қичқириқ яхши маънода бўлдими, ёмон маънода бўлдими, уни олқишлиш учун бўлдими, лаънатлаш учун бўлдими, ажратадиган ажратадиган бўлдими. У овозни эшитишдан бошқа нарсани билмайди.

Овозга қараб у ёқ бу ёққа юраверадиган ҳайвонларга ўхшаб улар ҳам тақлид билан ота-боболарининг динига қараб у ёқ бу ёққа юраверадилар. Ҳайвон овознинг маъносини тушунмаганидек улар ҳам ўзлари бўйсунгаётган диннинг моҳиятини англамайдилар. Ҳақни ноҳақдан ажратиб олиш учун фикр қилмайдилар, ақл ишлатмайдилар. Улар худди тили, кўзи ва қулоги йўқ одамларга, бинобарин, ақли ҳам йўқ кимсаларга ўхшайдилар. Ахир ишламайдиган ақл ақлми?

﴿صُمُّكُمْ عُمَّىٰ فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ﴾

**(Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар).**

4 – Аллоҳ Таоло хитобни олдинига ҳамма одамларга қаратиб, кейин уни хоссатан мўминларга қаратяпти. Бу фақат мўминларгагина аталган, раҳмат ва ризвондир. Аллоҳ уларга ризқ беради. Улар имонларидан келиб чиқиб, Аллоҳга берган неъматлари учун шукр қиласидилар. Умумий хитобдан кейинги бу хусусий хитобда Аллоҳ Таоло мўминларга неъматлар ва ризвон тайёрлаб қўйгани англашилади.

﴿إِنَّا يَعْلَمُ بِمَا فِي الْأَرْضِ إِنَّمَا كُلُّ أُنْوَانِ رَبِيعَتِي مَا رَزَقْنَاكُمْ وَآشْكُرُوا لِلَّهِ إِنْ كُنْتُمْ إِيمَانِي﴾

﴿تَعْذِيرُونَ﴾

**(Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз — покиза нарсалардан енглар ва агар Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилгувчи бўлсанлизлар У Зотга шукр қилингиз!).**

5 –

﴿إِنَّمَا حَرَامَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ وَالدَّمُ وَلَحْمُ الْخِنْزِيرِ وَمَا أَهْلَبَ بِهِ لِغَيْرِ اللَّهِ﴾

(У сизларга фақатгина ўлакса, қонни, түнгиз гүштини ва Аллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди). Яъни, шу нарсаларни ейиш ҳаром қилинди. Араблар ҳаром қилиниш сўзини ейиладиган нарсаларга нисбатан қўллаганларида гарчи ейиш сўзи ишлатилмаса-да, барибир уларни ейиш ҳаром қилингани англашилади. Масалан,

﴿حُرْمَتٌ عَلَيْكُمْ الْمَيْتَةُ﴾

– „Сизларга ўлакса ҳаром қилинди“.

[5:3]

Яъни, уни ейиш. Агар бу сўзни ичиладиган нарсаларга нисбатан қўлласалар, уларни ичиш ҳаром қилингани англашилади. Масалан,

﴿كُلُّ مُسْكِرٍ حَمْرٌ وَكُلُّ حَمْرٍ حَرَامٌ﴾

«Ҳар бир маст қиладиган нарса ҳаромдир, ҳар бир ароқ ҳаромдир»,<sup>29</sup> деган гапда уларни ичиш ҳаром қилингани тушунилади. Агар ҳаром қилиниш сўзи аёлларга нисбатан қўлланса, уларни никоҳлаш ҳаром қилингани англашилади.

﴿حُرْمَتٌ عَلَيْكُمْ أَمْهَاتُكُمْ وَبَنَاتُكُمْ﴾

– „Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз ҳаром қилинди“.

[4:23]

Яъни, уларни никоҳлаб олиш.

Негаки, араблар бир сўзни ишлатишса, тил қоидаларига қараб, унинг лозими (унга ёпишган маъно) ҳам тушунилаверади. Бунинг учун ўша лозимни (унга ёпишган маънони) англатувчи сўзни ҳам қўшиб қўллаш шарт эмас.

﴿إِنَّمَا حَرَمٌ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ﴾

У сизларга фақатгина ўлакса ...ни ҳаром қилди). Ўлимтик сўзи умумий маънода бўлиб, шаръий йўл билан сўйилмаган ҳамма ҳайвонларни англагади. Ҳайвоннинг қандай сўйилиши шаръий хукмларда батафсил баён қилинган. Ейилиши ҳалол қилинган ҳайвонлар шаръий йўл билан сўйилса, уларни ейиш ҳалол бўлади. Ейилиши ҳаром қилинган ҳайвонлар гарчи шаръий йўл билан сўйилсалар ҳам ўлимтик ҳисобланади. (الْمَيْتَةُ ӯлаксани) сўзи ейилиши ҳаром қилинган ҳамма ҳайвонларни ҳам ўз ичига олади. Улар шаръий йўл билан сўйиладиларми, бошқа йўл биланми, фарқи йўқ.

<sup>(29)</sup> Термизий: 1784. Насоний: 5488. Ибн Можа: 3381. Аҳмад: 2 / 29, 31.

Тирик ҳайвондан кесиб олинган бирор аъзо ҳам ўлимтик ҳисобланади. Зеро, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا قُطِعَ مِنْ الْبَهِيمَةِ وَهِيَ حَيَّةٌ فَهُوَ مِيتٌ»

**«Тирик ҳолдаги ҳайвондан кесиб олинган нарса ўлимтиқидир».**<sup>30</sup>

Ўлимтик сўзи умумий лафз бўлиб, ҳамма ўлимтикларга тегишилдири. Фақат алоҳида ажратилиб, хосланиб келган ўлимтикларгина бундан мустасно. Масалан, Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«أَحْلَتْ لَنَا مَيْتَانَ وَدَمَانَ: السَّمَكُ وَالْجَرَادُ وَالْكَبُدُ وَالظَّحَالُ»

**«Бизга икки ўлимтик ва икки қон ҳалол қилинди. Улар балиқ ва чигиртка, жигар ва талоқдир».**<sup>31</sup>

(وَاللَّهُ) бу сўз ҳам умумий маънода бўлиб, ҳамма қонларга тегишилдири. Фақат алоҳида ажратиб, хослаб бир далил келган нарсаларгина ундан мустасно. Чунончи юқоридаги ҳадисда жигар билан талоқ ажратилиб, хосланиб айтилди. Мана бу оят ҳам шу қабилдандир:

﴿أَوْ دَمًا مَسْفُوحًا﴾

– „Тўкилган қон“.

[6:145]

Бу ерда қон отилиб чиқиши билан қайдланяпти, боғланяпти. Демак, жигар ва талоқдан бошқа аъзодаги отилиб чиққан қонгина ҳаромдир.

(وَلَخَمَ الْخَتَّيرِ) түнгиз гўштини). Бу таниқли ҳайвон.

(وَمَا أَهْلَ بِهِ لِغَمَرَ اللَّهِ) va Аллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларни). Санамлар, бутлар учун сўйилган, Аллоҳдан бошқанинг номига сўйилган ҳайвонлар. (ع.) умумий маънода бўлиб, Аллоҳдан бошқанинг номи айтиб сўйилган ҳамма ҳайвонларга тегишилдири. (إِهْلَل) сўзи овоз чиқариб айтишдир. Кимки овозини чиқариб Аллоҳдан бошқанинг номини айтиб бирор ҳайвонни сўйса, шу сўйилган ҳайвонни ейиш ҳаромдир.

6 –

﴿فَمَنِ اضْطَرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ﴾

(30) Термизий: 1400. Абу Довуд: 2475. Ибн Можа: 3207.

(31) Ибн Можа: 3305. Аҳмад: 2/97.

*(Энди кимки золим ва ҳаддан ошмаган ҳолида noctor вазиятда қолса гуноҳкор бўлмайди).* Аллоҳ Таоло баён қиляптики, кимдир Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ейишга мажбур бўлиб қолса, Аллоҳ кечиримли, раҳмли Зотдир. Мажбур бўлиб қолганидан Аллоҳ ҳаром қилган нарсани еган киши гуноҳкор бўлмайди.

Лекин бундай ҳолатда гуноҳкор бўлмасликнинг шарти бор. Мажбур бўлиб қолиш ҳақиқатан юз бериши учун икки иш амалга ошиши шарт. Бу икки иш оятда зикр қилинганини (غَيْرِ).

а) (غَيْرَ بَاعِ). Яъни, зулм қилмагани ҳолда. Зулм бу нарсани ўз ўрнига қўймасликдир. Бунинг маъноси шуки, мажбур бўлиб ейиш ҳаётни сақлаб қолиш учун ейишdir. Шундан бошқа нарса учун еган одам ўз-ўзига зулм қилган бўлади. Чунки у ейиш ишини ўз ўрнига қўймади. Аллоҳ унга ўлимтикни ейишни ҳаром қилганди. Шу билан ўлимтикнинг ўрни то мажбур бўлиб қолиш ҳолати юз бермагунига қадар ейилмасликдир. Демак, уни мажбур бўлиб қолиш ҳолати юз бермасдан ейиш уни ўз ўрнига қўймасликдир, зулмдир. Шу ишни қилган киши эса золимдир.

Хўш, биз нима учун ўлимтикни ўр ўрнида емасликни, яъни, ҳаётни сақлаб қолиш учун мажбур бўлиб қолиш юз бермай туриб уни ейишни зулм, дедик? Негаки, Аллоҳ Таоло бу ишни бошқа бир оятда мана бундай баён қилган:

﴿فَمَنِ اضطُرَّ فِي مَحْمَصَةٍ غَيْرَ مُتَجَاهِفٍ لِّإِثْمٍ﴾

– „*Бас, кимки очарчиликда, гуноҳ томонга оғмаган ҳолида (мазкур ҳаром қилинган нарсаларни ейишга) мажбур бўлса*“.

[5:3]

Бу оят билан биз тафсир қилаётган

﴿فَمَنِ اضطُرَّ غَيْرَ بَاعِ وَلَا عَادٍ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ﴾

ояти бир мавзудаги оятлардир. Ҳар иккисида ҳаромдан қайтариш бор. Қуйидаги эътиборлар билан бу икки оят бир хил маънода дея оламиз:

﴿فَمَنِ اضطُرَّ فِي مَحْمَصَةٍ﴾

*(Бас, кимки очарчиликда мажбур бўлса).* Яъни, очлик пайтида ҳаётни сақлаб қолиш учун.

*(Энди кимки золим ва... ошмаган ҳолида noctor вазиятда қолса).* Бу оятда ҳам худди шу маънонинг ўзи. Яъни, зулм қилмасдан. Шу билан ўлимтикни ўз ўрнида ейиш ҳаётни

сақлаб қолиш учун мажбур бўлиб қолиш ҳолати юз берганда бўлади.

(٦) (وَلَا عَادٍ). Яъни, ҳаддан ошмасдан. Ҳалокатга олиб борувчи очликдан қутулиш ва ҳаётни сақлаб қолиш худудидан ўтиб кетмаслик. Демак, шундай ҳолатга тушиб қолган одам эҳтиёжига яраша есин. Истагига қараб еявермасин. Ёки ҳалол турса ҳам ҳаромга қўл узатмасин. Агар эҳтиёжидан ортиқчасини еса ёки ҳалол турса ҳам ҳаромга қўл узатса, у атайн гуноҳ қилган бўлади.

﴿فَمَنِ اصْطَرَ فِي حَمْكَةٍ غَيْرُ مُتَجَانِفٍ لِّأَثْنَيْ﴾

– „Гуноҳ томонга оғмаган ҳолида“ [5:3] ояти ҳам худди шу маъноди англатади. Яъни, қасдан гуноҳ қилмасдан, гуноҳга мойил бўлмасдан.



﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَبِ وَيَشْتَرُونَ بِهِ مَمَّا قَلِيلًاً أُولَئِكَ مَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا أَنَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَلَا يُرِكِّبُهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴾١74﴿ أُولَئِكَ الَّذِينَ آشَرُوا الصَّلَاتَةَ بِالْهُدَىٰ وَالْعِدَابَ بِالْمَغْفِرَةِ فَمَا أَصْبَرَهُمْ عَلَى الْنَّارِ ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ نَزَّلَ الْكِتَبَ بِالْحَقِّ وَإِنَّ الَّذِينَ أَحْتَلُفُوا فِي الْكِتَبِ لَفِي شِقَاقٍ بَعِيرٌ﴾

– „174. Аллоҳ нозил қилган Китоб (Таврот)дан иборат бўлган нарсани (Муҳаммад алайҳис-саломнинг пайғамбарлигини) беркитадиган ва уни озгина қийматга сотадиган кимсалар қоринларини фақат олов билан тўлдирадилар — уларга қиёмат кунида Аллоҳ сўзламайди — боқмайди ва уларни (гуноҳларидан) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир. 175. Ана ўшалар ҳидоят ўрнига залолатни, магфират ўрнига азобни сотиб олган кимсалардир. Жаҳаннам ўтига мунча сабр-тоқатли эканлар-а? 176. Ўша (азоб) Аллоҳ бу Китоб (Таврот)ни ҳақ билан нозил қилгани сабаблидир. Албатта бу Китоб хусусида талашиботтишиадиган кимсалар ҳеч қачон (ҳақ билан) келиша олмайдилар“ [2:174:176]

1 – Бу оятларда илмни яшириш оқибати, аҳли китобларнинг Пайғамбар ﷺ жуда яхши билганларини яширганлари оқибати ҳақидаги гапни таъкидлаш билан бирга яна янги икки хил маъно ҳам бор.

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكُتُمُونَ مَا أَنْزَلَنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَأَهْدَى مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَهُ لِلنَّاسِ فِي﴾

﴿الْكِتَبِ أُولَئِكَ يَعْلَمُهُمُ اللَّهُ وَلَيَعْلَمُهُمُ الْلَّهُعُونَ﴾

– „Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат (Мұхаммаднинг ҳақ пайғамбар эканлиги ҳақидаги) нарсаларни одамларга Китобда (Тавротда) равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар“.

[2:159]

Бу оят Аллоҳ нозил қилган нарсаларни ўзлари учунми ёки бошқалар учунми бир дунёвий манфаатни кўзлаб умуман яширганлар ҳақидадир. Чунончи, улар татбиқ этилмаслигини кўзлаб ўзларининг китобларида нозил қилинган бир жазони яширганлар ёки эргашилиб қолинишидан қўрқиб, ўзлари билган бир ҳақиқатни беркитганлар. Бу бир томондан. Бошқа томондан бундай яширувчиларнинг тавба қилиш эҳтимоллари ҳам мавжуд. Бу гап ҳали вафот этмаганлар устида бораётгандек. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло шу гапнинг ортидан

﴿إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُوا﴾

– „Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очиқ айтсалар (уларни тавбаларини қабул қиласман)“.

[2:160]

деялти.

Биз ҳозир тафсир қилаётган бу оядта эса бошқачароқ.

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكُتُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَبِ وَيَسْتَرُونَ بِهِ مَنَا قَلِيلًا﴾

(Аллоҳ нозил қилган Китоб (Таврот)дан иборат бўлган нарсани (Мұхаммад алайҳис-саломнинг пайғамбарлигини) беркитадиган ва уни озгина қийматга сотадиган кимсалар). Бу оят Аллоҳ нозил қилган нарсаларни ниманингдир эвазига бошқаларнинг манфаатларини кўзлаб яширганлар ҳақида. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло ундан кейин

﴿وَدَشْتَرُونَ بِهِ مَنَا قَلِيلًا﴾

(*ва уни озгина қийматга сотадиган кимсалар*), деяпти. Бу бир томондан. Иккинчи томондан бу ердаги яширувчиларнинг тавба қилиш эҳтимоллари йўқ. Масалан, бу ерда гап Аллоҳ нозил қилган нарсаларни яшириб, кофир ҳолида ўлиб кетиб бўлганлар устида боряпти. Шунинг учун Аллоҳ Таоло ундан кейин

﴿أَوْتِلَكَ مَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا أَنَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَلَا يُرَكِّبُهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

(*коринларини фақат олов билан тўлдирадилар — уларга қиёмат кунида Аллоҳ сўзламайди — боқмайди ва уларни (гуноҳларидан) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир*), деяпти.

2 –

﴿وَيَشْرُونَ بِهِ مَنَا قَلِيلًا﴾

(*Ва уни озгина қийматга сотадиган*). Бу гапнинг фақат мантуқи бор, унда тескари мағҳум йўқ. (Мантуқ гапнинг устки маъноси, мағҳум эса унинг остки маъноси. Оз пулга сотиш мумкин бўлмаса, кўп пулга сотиш мумкин экан-да, деган остки маънони чиқариш қарама-қарши мағҳум бўлади). Чунки одатда ўз раҳбарларининг манфаатларини кўзлаб, шунинг эвазига нимадир олиб, ҳақиқатни яширадиганларнинг олган нарсалари ҳар қанча кўп бўлмасин, қилган жиноятлари ва шунинг натижасида кўрадиган зиёнлари олдида ҳеч нарса бўлмай қолади.

Яъни, агар улар Аллоҳ нозил қилган нарсаларни оз пул эвазига эмас, кўп пул эвазига яширганларида уларга гуноҳ бўлмас эди, дейилмайди. Оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар, ниманингdir эвазига Аллоҳ нозил қилган нарсаларни яшириш жуда оғир гуноҳdir.

(*ما يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا آنَارَ қоринларини фақат олов билан тўлдирадилар*). Яъни, улар Аллоҳ нозил қилган нарсаларни яширганлари натижасида қоринларига фақат ҳаром луқмани ейдилар ва бу ҳаром луқма қиёмат кунида уларнинг дўзахга киришларига сабаб бўлади. Бу ерда ўт сўзи мажозий маънода қўлланяпти. Ундан мурод ҳаром луқмадир. Чунки мана шу ҳаром луқма сабабли улар ўтга, дўзахга кирадилар.

(*وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَلَا улارга қиёмат кунида Аллоҳ сўзламайди*). Яъни, уларни хурсанд қиласидиган гапни гапирмайди. Чунки Аллоҳ бошқа бир оятда Ўзининг уларни хафа қиласидиган гапларни гапириши ҳақида айтган.

﴿قَالَ أَخْسُوا فِيهَا وَلَا تُكِمُونَ﴾

— „(Аллоҳ) айтди: «(Жаҳаннамда) хор бўлингиз ва Менга сўз қотмангиз!“ [23:108]

(ۚوَلَا يُزَكِّيْهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ  
бокмайди ва уларни (гуноҳларидан) покламайди). Гуноҳларини кечириш ёки уларни мақташ билан гуноҳларини покламайди. Аксинча, ҳақиқатни яширганлари учун уларни аламли азоблайди.

З — Аллоҳ Таоло уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсаларни яширганларидан кейинги аҳволларини, оқибатларини баён қиляпти. Яъни, улар ҳидоятни бериб, залолатни олибдилар, мағфиратни бериб, азобни олибдилар. Бундай кимсаларга дўзахдан бошқа нарса ярашмайди.

Мана шуларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг Китоби хусусида ихтилоф қилганлари туфайли юз беради. Улар битта Китобдаги айрим гапларга имон келтириб, айрим гапларни эса яширадилар ёки Аллоҳнинг айрим китобларига имон келтириб, айримларига куфр келтирадилар. Уларнинг ихтилофлари яъни, Аллоҳнинг Китобини инкор қилишлари, унга имон келтирмасликлари, ундаги ҳукмларга бўйсунмасликлари узоқдан узоқ давом этаверади.

(فَمَا أَصْبَرْهُمْ عَلَى الْنَّارِ  
жаҳаннам ўтига мунча сабр-тоқатли эканлар-а?). Бу ердаги сўроқ койиш, танқид қилиш маъносида. Яъни, уларни ҳақиқатни яширишдек жуда оғир гуноҳни қилиш ва шунинг оқибатида дўзахга кириш йўлида жонбозлик кўрсатишга уларни нима мажбур қилди?! Нимага таяниб, бу йўлдаги оғир мashaққатларни кўтара олдилар?!

﴿ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ نَزَّلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ وَإِنَّ الَّذِينَ أَخْتَلُفُوا فِي الْكِتَابِ لَفِي شَقَاقٍ﴾

بعيد

(Ўша (азоб) Аллоҳ бу Китоб (Таврот)ни ҳақ билан нозил қилгани сабаблидир. Албатта бу китоб хусусида талашиб-тортишиадиган кимсалар ҳеч қачон (ҳақ билан) келиша олмайдилар).

Китоб сўзидағи алиф лом жинсни, умумийликни ифодалайди. Жазо Аллоҳ томонидан нозил қилинган битта Китобдаги айрим гапларга ишониб, айримларига куфр келтирганларга ҳам, Аллоҳ томонидан нозил қилинган китобларнинг айримларига имон келтириб, айримларига коғир бўлганларга ҳам бирдек

тегишлидир. Бу ишни қилган киши талашиб-тортишишдан ҳеч қачон тўхтамайди.

(**أَخْتَلُوا فِي الْكِتَبِ**) *бу Китоб хусусида талашиб-тортишишлар*).

Бир китобнинг ичидаги гапларни ажратганлар ёки бир неча китобларни бир-биридан ажратганлар. Яъни, бир китобнинг ичидаги айрим гапларга имон келтириб, айримларига кофир бўлганлар ёки бир китобга ишониб, бошқасига қуфр келтирганлар.

(**أَفَيْ شِقَاقٌ بَعِيدٌ**). Яъни, Аллоҳнинг Китоби хусусида талашиб-тортишишдан тўхтамайдилар ва шу билан энг қаттиқ азобга дучор бўладилар.



## Иккинчи пора, учинчи қисм, учинчи чорак

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ**

لَيْسَ الْبَرُّ أَنْ تُؤْلُو وُجُوهُكُمْ قَبْلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلِكُنَّ الْبَرُّ مَنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْأَخْرِ وَالْمَلِئَكَةَ وَالْكَتَبِ وَالنَّبِيِّنَ وَءَاتَى الْمَالَ عَلَى حُبِّهِ دَوْيَ الْقُرْبَى وَالْيَتَمَّى وَالْمَسْكِينَ وَأَبْنَى السَّبِيلَ وَالسَّاَلِيْلَيْنَ وَفِي الْرِّقَابِ وَأَقامَ الْصَّلَاةَ وَءَاتَى الْرَّكُوْةَ وَالْمُوْفُوتَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَاهَدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَاسَاءِ وَالضَّرَاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ أُولَئِكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ ﴿٤٧﴾ يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتُبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلَى الْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأُنْثَى بِالْأُنْثَى فَمَنْ عُفِّنَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ فَإِنَّبَاعُ بِالْمَعْرُوفِ وَأَدَاءَ إِلَيْهِ بِإِحْسَانٍ ذَلِكَ تَحْفِيفٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ فَمَنْ أَعْتَدَى بَعْدَ ذَلِكَ فَلَهُ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٤٨﴾ وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ يَأْتُونِي الْأَلَبِبِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٤٩﴾ كُتُبَ عَلَيْكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدُكُمُ الْمَوْتَ إِنْ تَرَكَ حَيْرًا الْوَصِيَّةُ لِلْوَالَّدَيْنِ وَالْأَقْرَبَيْنِ بِالْمَعْرُوفِ حَقًا عَلَى الْمُتَّقِينَ ﴿٥٠﴾ فَمَنْ بَدَأَهُ بَعْدَ مَا سَمِعَهُ فَإِنَّهَا إِثْمُهُ عَلَى الَّذِينَ يُبَدِّلُونَهُ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعُ عَالَمٌ ﴿٥١﴾ فَمَنْ خَافَ مِنْ مُوصِّي جَنَّفَا أَوْ إِثْمًا فَأَصْلَحَ بَيْنَهُمْ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٥٢﴾ يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتُبَ عَلَيْكُمُ الْصِيَامُ كَمَا كُتُبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٥٣﴾ أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ فَمَنْ كَارَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَائِنَ سَفَرٍ فَعَدَةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخْرَى وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدِيَّةٌ طَعَامٌ مِسْكِينٌ فَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ وَأَنْ تَصُومُوا خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٥٤﴾ شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِنَ الْهُدَى وَالْفُرْقَانِ فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الْشَّهَرَ

فَلَيَصُمِّهُ وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخْرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ  
 وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلِتُكَمِّلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَى مَا هَدَيْكُمْ  
 وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٤٥﴾ إِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِ فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ  
 إِذَا دَعَانِ فَلَيَسْتَحِيْبُوا لِي وَلَيُؤْمِنُوا بِلَعَنَّهُمْ يَرْشُدُونَ ﴿١٤٦﴾ أَحِلَّ لَكُمْ لَيْلَةً  
 الصِّيَامُ الرَّفَثُ إِلَى نِسَاءِكُمْ هُنَّ لِبَاسٌ لَكُمْ وَأَنْتُمْ لِبَاسٌ لَهُنَّ عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ  
 تَخْتَانُونَ أَنفُسَكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ وَعَفَا عَنْكُمْ فَالَّئِنَّ بَشِّرُوهُنَّ وَآبَتُغُوا مَا  
 كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ وَكُلُّوا وَآشِرُبُوا حَتَّى يَتَبَيَّنَ لَكُمُ الْخَيْطُ الْأَبَيْضُ مِنَ الْخَيْطِ الْأَسَوِدِ  
 مِنْ الْفَجْرِ ثُمَّ أَتَمُوا الصِّيَامَ إِلَى الْأَلَيلِ وَلَا تُبْشِرُوهُنَّ وَأَنْتُمْ عَدَكُفُونَ فِي  
 الْمَسَاجِدِ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَقْرِبُوهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ أَيْتِهِ لِلنَّاسِ لَعَنْهُمْ  
 يَتَّقُورُونَ ﴿١٤٧﴾ وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَطْلِ وَتُدْلُوْا بِهَا إِلَى الْحُكَّامِ  
 لِتَأْكُلُوا فَرِيقًا مِّنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْإِثْمِ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٤٨﴾

– „177. Юзларингизни *Машриқ* ва *Магриб* томонларига буравершишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайгамбарларга имон келтирган, ўзи яхши қўриб туриб молини қариндоши-уругларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофиirlарга, тиланчи-гадоларга ва кулларни озод қилиш ўйлида берадиган, намозни тўкис адo қилиб, закотни берадиган киши ва аҳдолашганларида аҳдоларига вафо қилгувчилар ва хусусан оғир-енгил қунларда ва жангу жсадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин имонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақвадордирлар. 178. (Эй мўминлар) сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бир оз афф қилинса (яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товоn олишига рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйсунши ва чиройли суратда товоn тўлаши лозимдир. Бу (хукм) Парвардигорингиз томонидан енгиллик ва раҳм-шафқатдир. Бас, кимки шундан кейин ҳаддан

*оисса* (масалан, товоң тұлғанғандан кейин ҳам қотилни ўлдирса), унинг үчүн аламли азоб бордир. 179. Сизлар үчүн қасосда ҳаёт бор, эй ахли донишлар! Шояд (жиноятлардан) сақлансанғылар. 180. Бирөвингизга ўтим келган пайтида (ўзидан кейин) мол-дунё қолдираётган бўлса, адолат — тўғрилик билан ота-онага, қариндош-уругга васият қилиниши фарз этилди. Бундай васият қилиши Аллоҳдан кўркувчилар устидаги бурчидир. 181. Ким уни (vasиятни) эшиштанидан кейин ўзгартирса, гуноҳи фақат ўзгартирганларнинг бўйнида. Албатта Аллоҳ эшиштгувчи, билгувчидир. 182. Энди ким васият қилгувчи томонидан бирон тойилиши ёки гуноҳ содир бўлишидан хавф қилиб (vasият қилгувчи билан меросхўрнинг) ораларини ислоҳ қилиб қўйса, гуноҳкор бўлмайди. Албатта Аллоҳ магфират қилгувчи, раҳмлидир. 183-184. Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз үчун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутши фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши ҳаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутоммаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутади. (Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутшишга қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қиласа (лозим бўлганидан ортикроқ эваз тўласа), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутшишингиз ўзингиз үчун (эваз берии ёки ҳатто узрли ҳолатда рўза тутмасликка нисбатан) яхшироқдир. 185. (У саноқли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар үчун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратгувчи)нинг очиқ оятлари бўлиб Куръон нозил қилинганди. Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким ҳаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутоммаган кунларининг) саногини бошқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтгач) тутади. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Бу саноқни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуглашингиз үчундир. Шояд шукр қилсангиз. 186. Бандаларим сиздан (эй Мұхаммад) Мен ҳақимда сўрасалар. Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижебат қиласман. Бас, ҳақ ийлга юришилари үчун (улар ҳам) Менинг (даъватимга) жавоб қилсингилар ва Менга имон келтирсингилар. 187. Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиши ҳалол қилинди. Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар үчун либоссиз (яъни эр-хотин бир-бирига киши либосга муҳтож бўлгани каби муҳтожедирлар). Аллоҳ сизлар ўзларингга хиёнат қилаётганларингни билиб, тавбаларингизни

*қабул қилди ва сизларни афвे этди. Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам бемалол) қовушингиз ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз! Ва то тонгдан оқ ип қора ишдан ажералаидиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар! Масжидларда эътикофда бўлган чоғингизда (кечалари ҳам) улар (хотинларингиз) билан қўшилманг! Булар (юқорида мазкур бўлган ҳукмлар) Аллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларга яқинлашмангиз! Одамлар ҳаром ишлардан сакланишилари учун Аллоҳ ўз оятларини мана шундай очик-равишан баён қиласди. 188. Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ — ҳаром йўллар билан емангиз! (Яъни, бир-бирингизнинг ҳаққингизни еманг!) Ва (гуноҳ қилаётганингизни) билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ейши учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!“.* [2:177:188]

### Тафсир:

﴿ لَيْسَ الِّبَرُ أَنْ تُولُوا وُجُوهَكُمْ قِبْلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَيْكَنَ الْبَرُ مَنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْأَخِرِ وَالْمَلَئِكَةَ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّنَ وَأَتَى الْمَالَ عَلَى حُرْبٍ ذَوِي الْقُرْبَى وَالْيَتَمَّى وَالْمَسْكِينَ وَأَبْنَ السَّبِيلِ وَالسَّاَلِيْبِينَ وَفِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ الْصَّلَاةَ وَأَتَى الْزَّكَوْةَ وَالْمُؤْفُوتَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَاهَدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ أُولَئِكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ ﴾

– „177. Юзларингизни Машриқ ва Магриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайгамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндоши-уругларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, ўйловчи-мусоифирларга, тиланчи-гадоларга ва кулларни озод қилиши ўйлида берадиган, намозни тўкис адo қилиб, закотни берадиган киши ва аҳдолаишганларида аҳдоларига вафо қилгувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин имонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақвадордирлар“.

[2:177]

Аллоҳ Таоло ўтган оятда аҳли китобларнинг ўзларига нозил қилинган китобдаги бир гапга имон келтириб, бошқасига кофир бўйланлари ёки нозил қилинган китобларнинг айримларига ишониб, айримларига куфр келтирсанларини баён қилди.

Улардан ҳар бири ўз истагига қараб хоҳлаганига имон келтириб, хоҳлаганини инкор қиласади. Шундан сўнг Аллоҳ Таоло уларнинг яна бир талашиб-тортишишлари ҳақида гапиди. Улар ўзларининг қиблалари хусусида талашиб-тортишардилар. Насоролар ўзларининг қибласини яхши деса, яҳудлар ўзларининг қибласини яхши дердилар. Бу муборак оятда Аллоҳ Таоло яхшилик ҳамма эзгуликлару тоатларни ўзида қамраб олган сўз эканини, у қандайдир тарафга юзланиш эмас, имон келтириш, яхши ишларни қилиш, Аллоҳга холис тоат қилиш эканини баён қилди.

Яхшилик бу Аллоҳга, охират қунига, фаришталарга, Китобга, пайғамбарларга ҳеч қандай шак-шубҳа аралашмаган, мустаҳкам, барқарор имон келтирмоқдир. Яхшилик бу ҳожатмандларга садақа қилмоқ, қариндошларни бориб кўрмоқдир. Яхшилик бу намоз ўқимоқ, закот бермоқ ҳамда Аллоҳга берилган барча эзгуликлар борасидаги аҳдларни бажармоқдир. Яхшилик бу камбағалликда ҳам, қийинчилиқда ҳам, касаллиқда ҳам, озорланаётганда ҳам, жиҳодда ҳам, душманга рўбарў бўлганда ҳам, ҳамма-ҳамма ҳолатда садоқатли сабр қилгувчилардан бўлмоқдир.

Унинг аҳли содиқлар ва тақвodorлар, деб тавсифланган яхшилик мана шудир.

﴿الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ﴾

*(Ана ўшалар чин имонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақвodorдирлар).*

#### Ўтган гаплардан қўйидагилар тушунилади:

1 – Ислом икки нарсадир, яъни, имон ва шаръий хукмлардир.  
а) Имон бу қатъий тасдиқлаш талаб қилинган барча ишлардир. Имон бу исломий ақидадир. Имон бу Аллоҳга, У Зотнинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират қунига, яхшилигу ёмонлик қадарданлигига ишонмоқдир. Умар ﷺ ривоят қилган ҳадисда Жаброил ﷺ Пайғамбар ﷺнинг саволларига мана шундай жавоб бергани ҳақида Бақара сурасининг дастлабки оятлари тафсирида тўхталиб ўтгандик.

б) Шаръий хукмлар тил билан ёки бошқа аъзо билан бажарилиши талаб қилинган ишлардир.

Мана шу икки нарса билан яъни, имон ва солиҳ амал билан мусулмон расо мусулмонга айланади. Бу икки иш кўп оятларда келган.

﴿إِلَّا الَّذِينَ إِيمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّلِحَاتِ﴾

– „Фақат имон келтирган ва яхши амаллар қилған зотлар...“

[103:3]

Яъни, исломий ақидага имон келтириш ва шаръий ҳукмларга риоя қилиш.

2 – (وَإِنَّ الْمَالَ عَلَىٰ حُبِّهِ) ўзи яхши кўриб туриб молини берадиган),

яъни, ўзи яхши кўриб турган молидан бошқаларга чиқариб бериш. Садақанинг чўққиси мана шу. Ҳадисда келади:

«أَنْ تَصَدَّقَ وَأَئْتَ صَحِيفَةً شَاهِيْجَ تَأْمُلُ الْغَيْرِ وَتَخْشَى الْفَقْرَ»

«Садақанинг энг афзали ўзинг соғлом, бой бўлишни орзу қилиб, камбагал бўлиб қолишдан қўрқиб, молингни қизғаниб турган пайтингда садақа қилмоғингдир».<sup>32</sup>

Аллоҳ Таоло (ذُو الْقُوَّةِ қариндоши-уругларига)ни олдинги қаторга қўйяпти. Чунки уларга садақа қилишда фазл бор. Ҳадиси шарифда келади:

«الصَّدَقَةُ عَلَى الْمِسْكِينِ صَدَقَةٌ وَعَلَى ذَوِي الرَّحْمَةِ اثْتَانٌ»

«Мискинга қилинган садақа бир садақадир. Қариндошга қилинган садақа икки садақадир».<sup>33</sup>

Кейин Аллоҳ Таоло ҳожатмандларнинг бир неча турларини айтиб ўтади:

(etim-esirларга). Етим бу балогат ёшига етмай туриб отаси ўлиб кетган боладир.

(miskin-bechoralарга). Моли умуман йўқ ёки бор моли асосий эҳтиёжига (озуқа, кийим ва жойга) етмайдиган одамлар.

(йўловчи-musofirларга). Яъни, уйидан узилиб қолган, олдидағи моли сафаридаги асосий эҳтиёжига етмайдиган киши.

﴿وَابْنَ الْسَّبِيلِ﴾

деб номланиши мажозий маънодадир. Сафарда бўлганлиги сабабли у гўё йўлнинг боласига айланиб қолгандек.

(тиланчи-gadolарга). Эҳтиёjlари учун одамлардан сўранадиганлар.

(32) Термизий: 1330, Муслим: 1713.

(33) Насойи: 2535. Ибн Можа: 1834. Аҳмад: 4/17, 218.

(وَفِي الْرَّقَابِ) *ва қулларни озод қилиши йўлида*). Яъни уларни қулликдан озод қилишда. Бу ерда зарфни (макон ва замонни) ифодаловчи (فِي) ҳарфи алоҳида қўлланяпти. Шу билан қулларга бериладиган садақанинг уларни озод қилиш учун берилиши янада чуқурлаштириляпти. Фи сўзи ичиди, ичига маъноларини англатади. Бу ерда садақа қаерларгайдир эмас, айнан шу ишнинг ичига сарфланиши айтиляпти. Юқоридагиларга бу ҳарф қўлланмаганди. Бинобарин, уларнинг муайян бир эҳтиёжлари учун эмас, барча эҳтиёжлари учун садақа бериш мумкин.

З – Закот фарз амалдир ва шу эътибор билан у биринчи навбатда бажарилиши лозим. Шундай бўлса-да, Аллоҳ Таоло закотдан олдин садақа ҳақида гапирди. Бу билан садақанинг фазлини кўрсатди. Токи, мусулмонлар фарз билангина, закот билангина кифояланиб, садақани унтиб қўймасинлар. Айрим мусулмонлар жазодан қўрқиб, эътиборларини фақат вожиб, фарз амалларгагина қаратадилар. Аллоҳга яқинлаштирадиган бошқа нафл амалларга аҳамият бермайдилар. Мана бу ердаги садақанинг закотдан олдин тилга олиниши мўминларнинг назарларини фақат фарз амал билангина чекланиб қолмасликка, Аллоҳ хоҳлаган бошқа нафл амалларни ҳам бажаришга қаратади. Шу билан мусулмон закотга садақани ҳам қўшади. Бу ишда айниқса ўз молини, бойлигини яхши кўрадиган, камбағал бўлиб қолишдан қўрқадиган мусулмон учун жуда катта ажр, савоб бордир. Яъни, ўзи муҳтож бўла туриб, кўп мол-давлатга эга бўлмай туриб, агар бериб юборадиган бўлса, камбағаллик ҳудудига ўтиб қолиши мумкин бўла туриб, садақа қилган кишига жуда катта ажр, савоб бўлиб, у эзгулигу тақво бобида жуда буюк чўққини забт этган ҳисобланади.

Бу ердаги садақанинг олдин тилга олинишидан садақа закотдан яхшироқ экан-да, деган тушунча келиб чиқмайди. Оят закот ва садақа амалини бажариш хусусидаги ҳужжатdir. Аллоҳ садақани олдин зикр қилиш билан мусулмонларни унга ундаяпти. Токи, мусулмон бу гапдан таъсирланиб, камбағал бўлиб қолишдан қўрқиб турган пайтида ҳам ўзи яхши кўрадиган молидан садақа қилсин.

4 –

﴿وَالصَّابِرِينَ فِي الْأَسَاءِ وَالصَّرَاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ﴾

(*Ва хусусан огир-енгил құнларда ва жсангу жадал пайтида сабр-тоқат қылғувчилар*). Бу сўз аслида юқоридаги (лекин) нинг хабари ўрнида бўлганлиги эътибори билан

﴿وَالْمُؤْمِنُ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَاهَدُوا﴾

(*ва аҳдлашғанларида аҳдларига вафо қылғувчилар*) каби раф бўлиши керак эди. Лекин у хослаш қоидасига асосан насл келяпти. (وَالصَّابِرِينَ) Яъни, хусусан мана шундай оғир ҳолатларда ҳам сабр қила олган зотлар учун Аллоҳ томонидан буюк бир олқиш, мақтов, юксак мартаба тайёрлаб қўйилган.

﴿إِنَّمَا يُوَفَّى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

– „Хеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қылғувчиларга ажер-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур“.  
[39:10]

Араб тили қоидаларига кўра, мана шундай ўринларда бир сўз рафдан наслбга ўтказилса, у хослаш қоидасига асосан насл ҳолига ўтказилган бўлади. Бу ерда ҳам ўша насл ҳолига ўтказилган сўзда ифодаланган кишилар яъни, сабрлилар мақтов ва олий мақомга хосланяптилар. Яъни, бундай олий мақом ва мақтов хусусан уларгагина тегишли экани айтиляпти.



﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِذَا مَنَّا وَعَلَّمُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصاصُ فِي الْقَتْلَى أَخْرُجُوا لَحْرَ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأُتْمَى بِالْأُتْمَى فَمَنْ عِفَنَ لَهُ دُمِّنَ أَخْيِهِ شَيْءٌ فَاتَّبَاعُ بِالْمَعْرُوفِ وَأَدَاءَ إِلَيْهِ بِإِحْسَانٍ ذَلِكَ تَحْفِيفٌ مِّنْ رَّبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ فَمَنِ اعْتَدَى بَعْدَ ذَلِكَ فَلَهُ عَذَابٌ أَلِيمٌ وَلَكُمْ فِي الْقِصاصِ حَيَاةٌ يَأْتُؤُلُ الْأَلْبَابِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

– „178. (Эй мўминлар) сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, кул учун кулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бир оз афв қилинса (яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товош олишига рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйсуншии ва циройли суратда товош тўлаши лозимдор. Бу (хукм) Парвардигорингиз томонидан енгиллик ва раҳм-шафқатдир. Бас, кимки шундан кейин ҳаддан ошса (масалаҳ, товош тўлангандан

*кейин ҳам қотилни ўлдирса), унинг учун аламли азоб бордир. 179.  
Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд  
(жиноятлардан) саклансангизлар“.* [2:178-179]

1 – Аллоҳ Таоло ўтган оятларда имон, куфр, мунофиқлик, яхудларнинг Аллоҳ берган неъматларга нонкўрлик қилишлари, аҳли китобларнинг ўз китобларида келган Пайғамбар ﷺнинг сифатлари борасидаги гапларга қарши чиқишилари, ўзларининг динлари ва қиблаларини афзал, деб талашиб-тортишилари ва бошқа диннинг усуллари, қоидаларини баён қилди. Шундан сўнг Аллоҳ одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи айрим шаръий ҳукмларни баён қилишга ўтяпти.

### **Аллоҳ Таоло бу икки оядта қўйидагиларни баён қилади.**

1 – Қотиллик учун қасос олинишда ҳамма баробар. Ҳеч кимнинг ҳеч кимдан ортиқлиги йўқ. Қотил ким бўлишидан қатъий назар, ўлдирилади. Қул қулни ўлдирса, ўзи ҳам ўлдирилади. Ўлдирган қул ўлган қулдан яхшироқ эди, бу қулни ўлдириш учун у ҳурни ўлдирган бўлиши керак эди, дейилмайди. Ҳур ҳурни ўлдирса, ўзи ҳам ўлдирилади. Ўлдирган ҳур ўлган ҳурдан яхшироқ эди, унинг учун бир қул ўлдирилса ҳам бўлаверарди, дейилмайди. Аёл аёлни ўлдирса, ўзи ҳам ўлдирилади. Ўлдирган аёл ўлган аёлдан яхшироқ эди ёки ўлган аёл эркакка тенг аёл эди, шунга кўра, бу қотиллик учун ўлдирган аёл эмас, унинг ўрнига бир эркак ўлдирилиши керак, дейилмайди.

Бу оят мана шундай воқеалар баёни учун нозил қилинган. Ривоятларга кўра, жоҳилият даврида икки араб қабилалари орасида қонли тўқнашувлар бўлиб турган. Улардан бири иккинчисидан кучлироқ бўлган. Шунинг учун улар, агар биздан бирор қулни ўлдирсалар, улардан бир ҳурни ўлдирамиз, агар биздан бир аёлни ўлдирсалар, улардан бир эркакни ўлдирамиз, деб қасам ичишган. Ислом келгач, Пайғамбар ﷺнинг олдиларига ҳакамлек қилишларини сўраб келишган ва мана шу оят нозил бўлган.

Оятнинг мантуқи, ташқи маъноси, мавзуси мана шу. Бу ерда эътибор сабабнинг хослигига эмас, лафзнинг умумийлигига қаратилади. Бу ерда ўлдирилган ким бўлишидан қатъий назар, қотилнинг ўлдирилиши айтилиб, ҳур учун ҳур, қул учун қул, аёл учун аёл, дейиляпти. Шу ерда бир савол туғилади: Агар ҳур қулни ёки эркак аёлни ўлдирган бўлса-чи? Шунда ҳам қотил ўлдириладими?

Бунга жавоб шуки, ҳа, бундай ҳолатда ҳам қўйидаги далолатларга кўра, қотил ўлдирилади.

а) Ўлдирилганлар учун қасос олиш умумий маънода келяпти.

﴿كُتَبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلَى﴾

(*Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос олиши фарз қилинди*).<sup>34)</sup>

Яъни, сизларга фарз қилинди. Қасос сўзининг қўлланиши (**کُتَبَ**) сўзининг қатъий талаб маъносини ифодалаётганига қаринадир. Бинобарин, ўлдирилганлар учун қасос олиш фарздир. Ўлдирилганлар сўзи умумий маънода бўлиб, у ким бўлишидан қатъий назар, қотилдан қасос олинади, яъни қотил ҳам ўлдирилади. Бирор бирорга нисбатан ҳам ўшандай ишни қилиш қассодир. Бу сўз уни хослайдиган бир қарина бўлгандагина хосланади. Масалан, Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«لَا يُقْتَلُ وَالدُّهُ بِوَلَدِهِ»

**«Ота боласи учун ўлдирилмайди».**<sup>34)</sup> Агар ота ўз боласини ўлдирса, бунинг учун у ўлдирилмайди. Яна Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«لَا يُقْتَلُ مُسْلِمٌ بِكَافِرٍ»

**«Мусулмон кофир учун ўлдирилмайди».**<sup>35)</sup> (Кофир уч хил бўлади: мусулмонларга қарши курашаётган кофир ҳарбий кофир, дейилади. Мусулмонлар билан тинчлик шартномаси бор бўлган кофир аҳли аҳд, дейилади. Мусулмонларга жизя тўлаб турадиган кофир зиммий, дейилади.) Агар бир мусулмон ҳарбий кофирни ўлдирса, бунинг учун у ўлдирилмайди. Хўш, биз нима учун бу ерда ҳарбий кофирни, деяпмиз. Чунки Пайғамбар ﷺ зиммий ва аҳли аҳд кофирни бу қатордан чиқариб юборгандар. Уларни ўлдирган одамдан қасос олинишини айтганлар.

«لَا يُقْتَلُ مُسْلِمٌ بِكَافِرٍ وَلَا ذُو عَهْدٍ فِي عَهْدِهِ»

**«Кофир учун мусулмон ҳам, ўз аҳдидаги турган (яъни, аҳдлашилган муддат ҳали ниҳоясига етмаган) аҳли аҳд ҳам ўлдирилмайди».**<sup>36)</sup> Бу ҳадисдаги кофир аҳли аҳд бўлмаган кофирдир. У аҳли аҳд бўлмаганидан кейин, зиммий ҳам бўлмаслиги ўз-ўзидан аён. Хуллас, ҳарбий кофирни мусулмон ёки аҳли аҳд кофир ўлдирса, бунинг учун қотил ўлдирилмайди.

(34) Термизий: 1321, Аҳмад: 1/49.

(35) Бухорий: 6394. Термизий: 1332.

(36) Насойи: 4653, 4654.

б) Бу гапнинг мантуқи, ташқи мазмуни ҳур учун, қул учун, аёл учун аёл, деган маънони англатади. Мафҳумидан, ички мазмунидан эса қул учун ҳур, аёл учун эркак ўлдирилмайди, деган маъно чиқади. Мана шу мафҳумга амал қилинмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ

«الْمُسْلِمُونَ تَسْكَافُ دَمَاؤُهُمْ»

**«Қон масаласида ҳамма мусулмонлар баробардирлар»<sup>37</sup>**,  
деганлар. Демак, бу масалада эркагу аёл, ҳуру қул баробардир. Шунингдек, Пайғамбар ﷺ

«مَنْ قَلَّ عَبْدٌ قَلَّ نَاهٌ»

**«Ким қулини ўлдирса, унинг ўзини ҳам ўлдирамиш»<sup>38</sup>**,  
деган гапни ҳам айтганлар. Умар ﷺ эса бир неча саҳобаларнинг кўз ўнгига битта ўлик учун бир неча кишиларни ўлдирган. Бир болани етти киши ўлдиришган. Шунда Умар ﷺ уларнинг ҳаммасини ўлдирган ва агар уни бутун Санъо аҳли ўлдирганида, уларнинг ҳаммасини ўлдирган бўлардим, деган. Демак, қотилсонию тури қандай бўлишидан қатъий назар, ўлдирилади.

2 –

﴿فَمَنْ عُغِنَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ﴾

(Энди кимга биродари томонидан бир оз афв қилинса). Бу оятда икки иш бор:

а) **(أَخِيهُ بِيِرُوْدَارِي)** сўзининг қўлланиши. Гёё ўликнинг эгалари қотилнинг биродарларидек. Бу гапда ўлик эгасини кечиришга, афв этишга ундаш бор.

б) **(بِيِرُوْدَارِي شَيْءٌ)** сўзининг қўлланиши. Яъни, андаккина афв бўлса, қасос бекор қилинади. Бунинг маъноси ўлик эгаларидан бирортаси афв этса, бошқалари афв этмаса ҳам қасос бекор қилинади. Меросхўрлардан айримлари афв этиб, айримлари афв этмаса, афв тўла бўлмайди. Лекин қасос бекор қилинаверади. Бу ишда одамларга енгиллик бор. У Аллоҳнинг раҳмати, фазлу марҳаматидир.

﴿ذَلِكَ تَحْفِيفٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ﴾

<sup>(37)</sup> Абу Довуд: 3758, насоий: 6952, Аҳмад: 1/119, 122, 192.

<sup>(38)</sup> Термизий: 1334. Насоий: 4655. Абу Довуд: 3914. Ибн Можа: 2653. Аҳмад: 5/10, 11, 12.

(Бу (хукм) Парвардигорингиз томонидан енгиллик ва раҳм-шафқатдири).

З – Агар тўла ёки бир қисм афв бўлса, ўликнинг эгалари қотилдан тегишли хунни яхшилик билан талаб қилишлари, айни пайтда қотил ҳам ўз бўйнидаги товонни яхшилик билан бериши лозим бўлади. Шунда диллар таскин топиб, кўнгил хотиржамлашади.

Ўликнинг эгалари хоҳласалар товон эвазига кечирадилар, хоҳласалар ҳеч қандай товонсиз, шундоқ кечириб юборадилар. Ҳамма ҳолатда ҳам уларни мажбур қилинмайди. Улар қасосми, товонми, кечириши, истаганларини қиласадилар. Шундан ошириб ҳам юборолмайдилар. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«مَنْ أُصِيبَ بِقَتْلٍ أَوْ خَبَلَ فَإِنَّهُ يَخْتَارُ إِحْدَى ثَلَاثٍ: إِمَّا أَنْ يَقْصُصَ أَوْ أَنْ يَغْفُلْ وَإِمَّا أَنْ يَأْخُذَ الدِّيَةَ فَإِنْ أَرَادَ الرَّابِعَةَ فَخُذُوا عَلَيْهِ، وَمَنْ اعْتَدَى بَعْدَ ذَلِكَ فَلَهُ تَارُ جَهَنَّمَ حَالِدًا فِيهَا»

«Кимгадир ўлим ёки тинчи бузилиш мусибати етса, у уч ишдан бирини танлайди: Ё қасос олади, ё кечириб юборади, ё товон олади. Агар тўртингчи ишни хоҳлаб қолса, унинг қўлидан ушланглар. Шундан кейин ҳам ким тажовуз қиласа, ҳаддидан ошса, унинг учун жаҳаннам ўти бордир ва у дўзахда абадий қолур». <sup>39</sup>

Шунга биноан, ким қотилдан бошқасини ўлдирса ёки афв этганидан ё товон олганидан кейин қотилни ўлдирса, унинг учун аламли азоб бордир. Ё қотиллиги учун шу дунёда унинг ўзидан ҳам қасос олинади ёки охиратда жаҳаннам оловида куяди.

4 – Аллоҳ Таоло охирги оятда биз учун қасосда ҳаёт борлигини баён қиляпти.

﴿وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَّةٌ يَأْتُونِي لَاَلَبِبٌ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

(Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд (жиноятлардан) сақлансангизлар). Буни мана бундай тушунамиз:

а) Қасоснинг қонунлаштирилишида қотил учун ҳам, ўлдириладиган киши учун ҳам ҳаёт бордир. Чунки қотил бирорни ўлдириргани учун ўзининг ҳам ўлдирилишини билса, бу ишга қўл урмайди. Гўё шу билан қотилнинг ҳам, ўлдириладиган кишининг ҳам ҳаёти сақланиб қолади. Бу оятга мана шундай маъно

(39) Абу Довуд: 3898. Ибн Можа: 2613. Дорамий: 2245. Аҳмад: 4 / 31.

берадиган бўлсак, қонунлаштирилиши деган сўз дилда бор бўлади.

б) Қасоснинг ўзида, яъни, қотилнинг ўлдирилишида бошқа одамлар учун ҳаёт бор. Негаки, агар қотилдан қасос олинмаса, у қўйиб юборилса, унинг ёмонлиги бошқа одамларга ҳам тегиб қолиши мумкин. Бу ердаги қасос сўзи аслида умумий маънода. Лекин оятга мана шундай маъно берадиган бўлсак, у фақат қотилгагина хосланади. Шу билан бу гапдан қотилнинг ўлдирилишида у яна ўлдириши мумкин бўлган бир неча одамлар учун ҳаёт бор, деган маъно чиқади. Бу ерда умумий қасос қотил билан хосланяпти, қасоснинг маъноси қатл учун мажоз эмас, ҳақиқат бўляпти. Яъни, қонунлаштириш сўзи дилда бор, дейилмаяпти. Фақат қотилни ўлдириш билан хосланяпти.

Тил қоидаларига кўра, хосланган ҳақиқат дилда сақлашдан (бу ҳам мажознинг бир тури) устун туради. Яъни, шу икки қоида бир келиб қолса, олдин хосланган ҳақиқат қоидаси олинади. Мазкур оятда шу икки қоидани яъни, қасос сўзини фақат қотилни ўлдириш билан хослаб туриб, мажозий маънода эмас, ҳақиқий маънода қўллаш қоидаси ва қонунлаштириш сўзи дилда бор, деган эътибор билан уни мажозий маънода қўллаш қоидасини ишлатиш мумкинлигини айтиб ўтдик. Энди усули фиқҳда машҳур бўлган хослаш қоидаси дилда сақлаш қоидасидан устун туриши эътибори билан бу ердаги иккинчи маъно кучлироқ ва тўғрироқ бўлади. Яъни, қотилнинг ўлдирилишида у озод қилиб юборилса, келгусида ўлдириши мумкин бўлган бир неча кишилар учун ҳаёт бор, деган маъно кучлироқ ва тўғрироқdir.

в) Қасос натижасида ҳосил бўладиган ҳаётни англайдиганлар Аллоҳнинг оят-аломатлари ҳақида тафаккур, тадаббур қиласидан аҳли донишлардир. Шунинг учун Аллоҳ хитобни хусусан уларга қаратяпти. Бу гапнинг мағзини фақат ўшаларгина чаقا оладилар ва шу билан хусусан қасос жазосига, умуман Аллоҳнинг фазабига дучор бўлиб қолишдан ўзларини эҳтиёт қиласидар.



﴿كُتِبَ عَلَيْكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدُكُمُ الْمَوْتُ إِنْ تَرَكَ خَيْرًا لِّلَّهِ وَلِرَبِِّ الْعَالَمِينَ وَلَا أَقْرَبَيْنَ بِالْمَعْرُوفِ حَقًا عَلَى الْمُتَّقِينَ ﴾

يُبَدِّلُونَهُ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٦﴾ فَمَنْ خَافَ مِنْ مُوْصِيْجَهْفَا أَوْ إِثْمَا فَأَصْلَحَ بَيْنَهُمْ فَلَا إِثْمَرْ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٧﴾

— „180. Бироингизга ўлим келган пайтида (ўзидан кейин) мол-дунё қолдираётган бўлса, адолат — тўғрилик билан ота-онага, қариндоши-уругга васият қилиниши фарз этилди. Бундай васият қилиши Аллоҳдан қўрқувчилар устидаги бурчdir. 181. Ким уни (vasiyatni) эшитганидан кейин ўзгартиrsa, гуноҳи фақат ўзгартирганларнинг бўйнида. Албатта Аллоҳ эшитгувчи, билгувчиdir. 182. Энди ким васият қилгувчи томонидан бирон тоилиши ёки гуноҳ содир бўлишидан хавф қилиб (vasiyat қилгувчи билан меросхўрнинг) ораларини ислоҳ қилиб кўйса, гуноҳкор бўлмайди. Албатта Аллоҳ мағифират қилгувчи, раҳмлидиr“ [2:180-182]

### **Бу оятлардан қуийдагилар аён бўлади:**

Исломнинг аввалида вафот этаётган одам агар кўп мол-дунё қолдираётган бўлса, ўз ота-онаси ва қириndoшлари учун васият қилиши фарз бўлган. (خیراً) сўзидан кўплик маъноси англашилади.

Мол-дунё кўп бўлгандагина у (خیراً), дейилади. Бу худди фақат пули кўп одамга нисбатан пулдор сўзи ишлатилишига ўхшайди.

Хўш, мол қачон кўп ҳисобланади? Кўплик нима билан ўлчанади? Бунинг учун васиятдан кейин ҳам маййтнинг аҳлига ўзларининг одатий эҳтиёжларини қондира олишларига етадиган мол қолиши керак. Шунинг учун кўплик муайян бир боғлиқликнинг, мақсаднинг амалга ошишига қараб бўлади.

Бир неча саҳобалар худди шу гапни айтганлар. Али (عليه السلام) ўзининг бир озод қилган қулининг олдига кирганида у ўлим тўшагида ётарди ва унинг етти юз ёки олти юз дирҳами бор эди. У васият қилмайми, деб сўраганида Али, йўқ, Аллоҳ Таоло

﴿إِنْ تَرَكَ حَيْرًا﴾

(мол-дунё қолдираётган бўлса), деган сенда эса кўп мол йўқ, молингни меросхўрларингга қолдир, деган. Бир киши Оиша (عليه السلام), васият қилмоқчиман, деган. Мўминлар онаси, қанча молинг бор, деб сўраган. У, уч минг, деб жавоб берган. Оиша (عليه السلام), қарамоғингда қанча одам (нечта фарзандинг) бор, деб сўраган. У, тўртта, деб жавоб берган. Шунда Оиша (عليه السلام), Аллоҳ Таоло

﴿إِنْ تَرَكَ حَبِيرًا﴾

(мол-дунё қолдираётган бўлса), деган, сендаги мол эса оз, уни қарамоғингдаги одамларга (фарзандларингга) қолдирганинг афзалроқ, деган.

Шунинг учун кўплек муайян бир миқдор билан ўлчанмайди. У кишининг аҳволига қараб ўзгариб туради.

2 – Оят ўлим тўшагида ётган одамдан васият қилиши талаб қилинаётганини ифодалайди.

﴿كُتُبَ عَلَيْكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدُكُمُ الْمَوْتُ إِنْ تَرَكَ حَبِيرًا لَّوْصِيَّةً﴾

(Бировингизга ўлим келган пайтида (ўзидан кейин) мол-дунё қолдираётган бўлса, васият қилиншии фарз этилди), деган гап шуни англатади. Сизларнинг бўйнингизга васият ёзилди, деган гап гарчи дарак гап бўлса-да, у араб тили қоидаларига кўра, талаб, буйруқ маъносини англатади. Яъни, ўлаётган одам васият қилсин.

Лекин бу талаб

﴿حَقًا عَلَى الْمُتَّقِينَ﴾

(бундай васият қилиши Аллоҳдан кўркувчилар устидаги бурчdir) қаринаси билан қатъий талаб бўлиб қатъийликни ифодаловчи васфdir. У худди Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَلَّهُ مُطَلَّقٌ مَّتَعْ بِالْمَعْرُوفِ حَقًا عَلَى الْمُتَّقِينَ﴾

– „Талоқ қилинган аёлларни яхшилик билан фойдалантириши тақвадор эрларнинг зимиасидаги бурчdir“. [2:241]

деган гапига ўхшацдир. Бу оятда муайян маҳр белгиланмаган аёлларнинг олдига киришдан олдин талоқ қилинган хотинларни фойдалантириш возиблиги баён қилиняпти. Шунинг учун юқорида айтиб ўтган гапларимизга биноан, васият қилиш фарзdir. Аллоҳ Таоло (بِالْمَعْرُوفِ) деяпти. Яъни, адолат, юмшоқлик, яхшилик билан.

3 – Бу оятда ўз ифодасини топган васиятнинг возиблиги, фарзлиги мерослар ҳақидаги оятлар билан насх қилинган. Мерослар ҳақидаги оятлар бил-иттифоқ васият ҳақидаги оятдан кейин нозил бўлган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يُوصِيُكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ﴾

– „Аллоҳ фарзандаларингизга (тегишили мерос) ҳақида амр қилур“.

Кейин Аллоҳ Таоло уни батапсил баён қилган.

Вафот этаётган одам васиятни меросхўрлар ва қариндошлар учун қилиши фарз бўлган. Кейин Аллоҳ уни насх қилиб, унинг ўрнига меросни фарз қилган ва меросхўрлардан бошқасига васият қилиш мандуб бўлиб қолган.

﴿يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذِّكَرِ مِثْلُ حَظِ الْأُنْثَيَنَ فَإِنْ كُنَّ نِسَاءً فَوَقَ اثْتَيْنَ فَلَهُنَّ ثُلُثًا مَا تَرَكَ وَإِنْ كَانَتْ وَاحِدَةً فَلَهَا الْبَصْفُ وَلَا يَبُوِيهِ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا إِلَّا سُدُسٌ مِّمَّا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَوَرَثَهُ أَبُوهُ فَلِأُمِّهِ الْشَّيْطَنُ فَإِنْ كَانَ لَهُ إِخْوَةٌ فَلِأُمِّهِ الْسُّدُسُ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِي بِهَا أَوْ دِينٍ إِبَابَوْكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ لَا تَدْرُونَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ لَكُمْ نَفْعًا فَرِيضَةٌ مِّنْ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْمًا حَكِيمًا \* وَلَكُمْ نِصْفٌ مَا تَرَكَ أَزْوَجُكُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُنَّ وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَهُنَّ وَلَدٌ فَلَكُمُ الْرُّبُعُ مِمَّا تَرَكَنَ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِي بِهَا أَوْ دِينٍ وَلَهُنَّ الْرُّبُعُ مِمَّا تَرَكْتُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ الْشُّمُنُ مِمَّا تَرَكْتُمْ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ تُوْصُوتَ بِهَا أَوْ دِينٍ وَإِنْ كَانَ رَجُلٌ يُورُث كَلَلَةً أَوْ امْرَأَةً وَلَهُ أَخٌ أَوْ أُخْتٌ فِلْكِلٌ وَاحِدٍ مِنْهُمَا إِلَّا سُدُسٌ فَإِنْ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ فَهُمْ شُرَكَاءٌ فِي الْثَّلِثَةِ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِي بِهَا أَوْ دِينٍ غَيْرَ مُضَارٍ وَصِيَّةٌ مِنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَلِيمٌ﴾

– „Аллоҳ фарзандларингизга (тегишили мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур. Агар меросхўрлар иккидан ортиқ аёл бўлса, уларга эр қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми тегур. Агар мархумнинг фарзанди бўлса, қолдирган меросидан ота-онасинг ҳар бирига олтидан бири тегур. Энди агар фарзанд бўлмай, фақат ота-онаси (меросхўр) бўлса, у ҳолда онасига учдан бири тегур (қолгани отасига қолади). Агар унинг aka-укалари бўлса,

*онасига олтидан бир тегур.* (Қолган қисми отасига тегади, зеро, марҳумнинг ака-укаларини едириб-кийдириши ва уйлаб-жойлаши отанинг зиммасидадир. Бу тақсимотлар) **марҳум қилган васият ва унинг қарзлари адo этилганидан кейин бўлур.** *Ота-оналарингиз ва фарзандларингизнинг қайси бирлари сизлар учун фойдаси тегувчироқ эканини билмайсизлар.* (Бинобарин ўзингизга қолса, мерос тақсимотини ҳамadolat билан ҳал қила олмайсиз. Шу боисдан кимга қанча мерос тегиши) **Аллоҳ томонидан қатъий фарз қилиб қўйилди.** *Албатта Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир.* 12. *Сизларга хотинларингиз қолдирган меросдан — агар улардан фарзанд қолмаган бўлса — ярми тегур.* Энди агар уларнинг фарзандлари қолган бўлса, *сизларга уларнинг меросидан тўртдан бири тегур.* (Бу тақсимотлар) **марҳума қилган васият ва унинг қарзлари адo этилгандан кейин бўлур.** Уларга (хотинларингизга) *сизлар қолдирган меросдан — агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса — тўртдан бири тегур.* Энди агар *сизларнинг фарзандингиз қолган бўлса, уларга сизнинг меросингиздан саккиздан бири тегур.* (Бу тақсимотлар) *сизлар қилган васият ва қарзларингиз адo қилингандан кейин бўлур.* Агар мероси қолаётган эркак ёки аёлнинг на ота ва на онаси бўлмай, (она томонидан) *бир ака ёки укаси ёхуд бир ота ёки синглиси қолган бўлса, уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бири тегур.* Энди агар улар бирдан ортиқ бўлсалар, улар мероснинг учдан бир ҳиссасига тенг шерик бўлурлар. (Бу тақсимотлар) *меросхўрларга зарар етказмайдиган ҳолда қилинган васият ва қарзлар адo қилингандан кейин бўлур.* (Бу ҳукмлар) **Аллоҳ томонидан бўлган амр-фармондир.** Аллоҳ билгувчи ва ҳалимдир“.

[4:11-12]

Демак, Аллоҳ Таоло мусулмонларга олдин васиятни меросхўрлар ва қариндошлар учун истаганча қилишларини фарз қилган. Кейин эса молни фақат меросхўрларга тақсимлашни тайинлаб, меросхўрлардан бошқаси учун васият қилиш мандуб бўлган.

Меросларнинг фарз қилинганига далил мерослар ҳақидаги оятлардир. Уларда меросхўрлар учун улушлар белгиланган. Оятнинг охирида бундай дейилган:

﴿فَرِیضَةٌ مِّنْ أَنَّهُ﴾

— „**Аллоҳ томонидан қатъий фарз қилиб қўйилди“.** [4:11]

Меросхўрлардан бошқалар учун васият қилинганинг мандуб бўлишига далил мерослар ҳақидаги оятларда Аллоҳ васиятни ўша бошқалар билан боғлаб айтганидир.

﴿مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِينَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ﴾

– „(Бу тақсимотлар) марҳума қилган васият ва унинг қарзлари адо этилгандан кейин бўлур“ [4:12]

Бу ердаги васият мутлақ, умумий маънода. Лекин уни суннат меросхўрлардан бошқаларга қайдлаган:

«إِنَّ اللَّهَ قَدْ قَسَمَ لِكُلِّ إِنْسَانٍ نَصِيبَةً فِي الْمِيرَاثِ فَلَا تَجُوزُ لَوَارِثٍ وَصِيَّةً»

«Аллоҳ мерос масаласида ҳар бир инсонга ўз насибасини тақсимлаб қўйган. Мерос қолдирувчига васият қилиш жоиз бўлмайди».<sup>40</sup>

Айтиб ўтганимиз оятдаги васиятнинг меросхўрдан бошқаларга қайдланганига далиллар. Унинг мандублигига далил эса қатъий талабни ифодалайдиган қаринасиз ҳам унда қурбат (Аллоҳга яқинлашиш) маъноси бор.

4 – Аллоҳ Таоло баён қиляптики, котиблар бўладими, гувоҳлар бўладими, васиятдан ўзларига улуш тегмайдиган кишилар бўладими, васиятни ўзгартирганлар жуда қаттиқ гуноҳкор бўладилар. Чунки Аллоҳ учун ҳеч бир иш яширин эмас. У Зот васиятчининг васиятини Эшитгувчидир. Махфий ёки ошкора қилинган ўзгартиришларни Билгувчидир. Ҳаммасини ҳисоблаб туради ва ҳаммасига жазо беради.

5 –

﴿فَمَنْ حَافَ مِنْ مُؤْصِنِ جَنَفًا أَوْ إِنَّمَا فَأَصْلَحَ بَيْنَهُمْ فَلَا إِنْمَالَ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ﴾

رَحِيمٌ

(Энди ким васият қилгувчи томонидан бирон тойилиши ёки гуноҳ содир бўлишидан хавф қилиб (vasiyat қилгувчи билан меросхўрнинг) ораларини ислоҳ қилиб қўйса, гуноҳкор бўлмайди. Албатта Аллоҳ магфират қилгувчи, раҳмлидир).

(Энди ким хавф қилса). Яъни, кутса, хавотирланса.

Ёмғир қўйиб юборади, деб қўрқяпман, деган гапдан ёмғирнинг қўйиши кутилаётгани, ёмғирнинг қўйиб юборишидан хавфсиралаётгани тушунилади.

Бу оятда Аллоҳ Таоло баён қиляптики, бирор киши васият қилаётган кишининг хатога йўл қўйишидан хавфсираса ва уни ўнглаш учун аралашса, бу билан у васиятни ўзгартирган бўлмайди. Васият қилувчининг хатога йўл қўйиши ўзи билмаган

(40) Термизий: 2046. Насойй: 3581. Абу Довуд: 2486. Ибн Можа: 2703.

ҳолида бўлиши ҳам, ёки ўзи атайнин, қасддан бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қайсиdir заифроқ ўғлига васиятидан кўпроқ улуш ажратиб юборади. Шу билан ўша заифроқ ўғли аҳволини ўнглаб олади, деган ўйга боради. Натижада васият қилинганлар орасида жанжал келиб чиқади. Бу хато яхши ният билан, билмасдан қилинган хатодир. (**جَنْفًا بِيْرُونْ تَوْيِلِيْشِي**) Васият қилаётган кишининг бирор боласи ёки қариндошига унга нисбатан дилида қандайдир файирилик борлиги туфайли ўз васиятида улуш ажратмаслиги унинг қасдан қилган хатосидир. (**إِثْمًا جُنُوْخُ صُدِيرْ بُولِيْشِي**).

Хуллас, васият қилувчининг бирор хатога йўл қўйишидан қўрқиб, уни ўнглаш учун бу ишга аралашган одам гуноҳкор бўлмайди. Бу нарса васият қилинганлар ўртасида жанжал чиқишига олиб бормайди. Бу аралашув васиятни ўзгартиришга кирмайди. Чунки бу иш ислоҳ учун, васият қилувчи билан васият қилинганлар ўртасидаги муносабатни яхшилаш учун ва айни пайтда васият қилувчи ва васият қилинганлар розилиги билан бўлган ишдир.

Бу ўзгартириш олдинги оятдаги ўзгартириш эмас. Олдинги оятдаги ўзгартириш васият қилувчи ёки васият қилинганлар хабардор қилинмагани ҳолда, алдов ва тухмат билан қилинган ўзгартиришдир. Шунинг учун уни қилган одам қаттиқ гуноҳкор бўлади. Бу ердаги ўзгартириш эса ислоҳ учун, хатога йўл қўйиш хавфи туғилаётгани учун, васиятни ўнглаш учун, васият қилувчи ва васият қилинганларнинг розилиги билан, улар хабардор қилингани ҳолда қилинган ўзгартиришдир. Шунинг учун бу ишни қилган одам гуноҳкор бўлмайди. Модомики, васият ислоҳ қилинган экан, васият қилувчининг васият ўнгланмаган пайтдаги хатосини кечирувчи Зотдир. Шунингдек, Аллоҳ Таоло васият қилувчига ҳам, васият қилинганларга ҳам, ислоҳ учун бу ишга аралашган одамга ҳам Меҳрибондир. Улар ислоҳни қабул қилиб, васиятни шариат хукмларига асосан ўзгартириб, яхши иш қилдилар. Яхши иш қиладиганларга Аллоҳнинг раҳмати яқин.



﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ إِيمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴾ أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ فَمَن كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعَدَّهُ

مِنْ أَيَّامٍ أُخْرَ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدَيَةٌ طَعَامٌ مِسْكِينٌ فَمَنْ تَطَوَّعَ حَيْرًا فَهُوَ  
 حَيْرٌ لَهُ وَأَنْ تَصُومُوا حَيْرًا لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٣﴾ شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ  
 فِيهِ الْقُرْءَانُ هُدًى لِلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهَرَ  
 فَلَيَصُمِّمْهُ وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخْرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ  
 وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلَتُكَمِّلُوا الْعِدَّةَ وَلَتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَيْتُمْ  
 وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٨٤﴾

– „183-184. Эй мүминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиши фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши ҳаста ёки мусофири бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутади. (Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутишига қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса (лозим бўлганидан ортиқроқ эваз тўласа), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзингиз учун (эваз бериш ёки ҳатто узрли ҳолатда рўза тутмасликка нисбатан) яхшироқдир. 185. (У саноқли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратгувчи)нинг очиқ оятлари бўлиб Куръон нозил қилинган. Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким ҳаста ёки мусофири бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтгач) тутади. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Бу саноқни тўлдиришишингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуглашишингиз учундир. Шояд шукр қилсангиз“.

[2:183:185]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуидагиларни баён қиласди:**

1 – Аллоҳ Таоло рўзани олдинги умматларга фарз қилганидек, Ислом Умматига ҳам фарз қилди. Бу ердаги ўхшатиш кунларининг сони ва ойининг тайинланишига тегишли эмас. У фақат рўзанинг фарз қилиниши хусусида.

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ﴾

(Сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиши фарз қилинди).

2 – Рўзанинг фарзлигига қўйидагилар далилдир:

а) كُبَيْتَ عَلَيْكُمْ أَصْبَابَمْ («сизларга рўза тутиши фарз қилинди»). Бу дарак гап бўйруқ маъносида. Яъни, рўза тутинглар.

б) Касал ёки мусофириңг рўза тутолмай қолган пайтида унинг қазосини тутиши бу талабнинг қатъийлигига қаринадир. Агар талаб қатъий бўлмаганида унинг қазосини бажариш шарт бўйлас эди.

﴿فَمَنْ كَاتَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّهُ مِنْ أَيَّامِ أُخْرَ﴾

(Энди сизлардан бирор киши ҳаста ёки мусофирир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини боишқа кунларда тутади). Қатъий талаб фарз бўлади.

в) فَمَنْ شَهَدَ مِنْكُمُ الْشَّهْرَ فَلِيُصُمِّدْ («сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин»). Бу ерда ойни кўрган одам яъни, муқим киши рўза тутишга буюриляпти. Ундан кейинги Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّهُ مِنْ أَيَّامِ أُخْرَ﴾

(ва ким ҳаста ёки мусофирир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини боишқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтгач) тутади), деган гапи бу бўйруқнинг қатъийлигига далилдир. Чунки касал ёки мусофири одам рўза тутолмай қолса, унинг қазосини тутишлари лозим бўляпти. Бу нарса талабнинг қатъийлигига, бинобарин, бу ишнинг фарзлигига қаринадир.

г) Айтиб ўтганларимиз Қуръондан келтирилган далиллар. Энди суннатдан далил келтирамиз. Умар ﷺ ривоят қилган ҳадисда Жаброил ﷺ Пайғамбар ﷺдан Ислом ҳақида сўраганида у киши шундай жавоб бергандилар:

«شَهَادَةُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ الْمُكْتُوبَةِ، وَإِتَاءُ الزَّكَاءِ، وَصَوْمُ رَمَضَانَ، وَحَجُّ الْبَيْتِ مَنْ اسْتُطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا»

«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбари, деб гувоҳлик бермоқ, фарз қилинган намозни адо этмоқ, закот бермоқ, рамазон рўзасини тутмоқ, йўлга қодир бўлган кишининг Байтни (Қаъбани) ҳаж қилмоғи».<sup>41</sup> Савол Ислом ҳақида эди. Ислом эса ҳамма одамларга фарздир.

(41) Муслим: 9. Термизий: 2535.

﴿إِنَّ الَّذِينَ عِنْدَ اللَّهِ إِلَّا سَلَمُوا﴾

– „Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир“. [3:19]

﴿وَمَن يَتَنَعَّثْ غَيْرُ إِلَّا سَلَمٌ دِينًا فَلَن يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَسِيرِينَ﴾

– „Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир“. [3:85]

Пайғамбар ﷺ нинг Ислом ҳақидаги саволга берган жавобида рўзанинг ҳам борлиги унинг фарзлигига, фарз бўлганда ҳам улуғ фарз эканига далолат қиласди.

Мана бундай ривоят ҳам бор:

«بَنِي إِلْسَلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ، وَإِتَاءُ الرِّزْكَاهُ، وَصَوْمُ رَمَضَانَ، وَحَجُّ الْبَيْتِ مَنْ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا»

«Ислом беш нарсанинг устига қурилган: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Мұхаммад Аллоҳнинг пайғамбари, деб гувоҳлик бермоқ, намозни адо этмоқ, закот бермоқ, рамазон рўзасини тутмоқ, йўлга қодир бўлган кишининг Байтни (Қаъбани) ҳаж қилмоғи». <sup>42</sup> Бинони ушлаб турадиган ишларга буюриш қатъий бўлади. Ислом шу беш нарсанинг устига қурилган экан, демак, улар Исломнинг арқонлари, устунлари ҳисобланади. Бинобарин, рўза амали фарз бўлади.

З – Аллоҳ Таоло рўзанинг ичига бир ҳикматни жойлаган. У тақводир.

﴿لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

(Тақвони кишилар бўлишингиз учун). Тақво бу Аллоҳдан қўрқмоқ, У Зотга итоат этмоқ, У Зот билан учрашиладиган кун учун тайёргарлик қўрқмоқ. Саҳобалардан бири тақвога мана бундай таъриф берган: «Жалилдан (Аллоҳдан) қўрқмоқ, танзилга (Қуръонга) амал қилмоқ ва явмур-роҳил учун (риҳлат қилинадиган, бу дунёдан кетиладиган кун учун) тайёргарлик қилмоқ».

Шунинг учун рўзадор одам мана шу ҳикматни амалга оширишга ҳарис бўлсин. Чунки Аллоҳ Таоло рўзани фарз қиласди, бу амал учун тақвони ҳикмат қилиб белгилади.

(42) Бухорий: 7. Муслим: 20.

Киши ўзининг рўзасига бир назар ташласин. Хўш, у Аллоҳ ва Унинг пайғамбариға итоатни, У Зот билан учрашиладиган кунга тайёргарликни оширдими, йўқми? Агар оширган бўлса, демак, у расо рўза бўлиди. Унинг учун оламлар Парвардигори томонидан улуф савоблар ато этилур, Пайғамбар ﷺ тарафидан эса ёқимли хабар бордир:

«كُلُّ عَمَلٍ أَبْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصَّوْمُ فِإِنَّهُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ»

«Одам боласининг рўзасидан бошқа ҳар бир иши ўзи учундир. Рўзаси эса Мен учундир ва унинг мукофотини Ўзим бераман». <sup>43</sup>

«لِلصَّائِمِ فَرِحَتَانِ: فَرِحَةُ عِنْدَ فَطْرَهِ، وَأُخْرَى عِنْدَ لِقَائِهِ رَبِّهِ»

«Рўза тутган одам учун иккита хурсандлик бор: оғиз очган пайтдаги хурсандлик ва Парвардигори билан учрашган пайтдаги хурсандлик». <sup>44</sup> Аммо агар рўзанинг ҳикмати амалга ошмаётган бўлса, молу фарзандлар асқотмайдиган, Аллоҳга саломат қалб билан боришдан ўзга нарса иш бермайдиган кун келиб қолмасидан олдин бу иллатга барҳам берсин.

4 – (Айама مَعْدُودَاتٍ) – *(саноқли кунларда)*. Яъни, оз. Араблар саноқли сўзини оз маъносида қўллайдилар. Худди кўп саналмайдигандек. Аллоҳ Таоло айтади:

«وَقَالُوا لَنْ تَمَسَّنَا النَّارُ إِلَّا أَيَّامًا مَعْدُودَةً»

– „Яхудийлар: «Бизларга дўзах ўти саноқли кунлардагина тегади», дедилар“. [2:80]

Яхудларнинг ўйича бу иш оз кунлардагина бўлиб ўтади.

«وَشَرَوْهُ بِشَمَنْ بَخْسٌ دَرَاهِمٌ مَعْدُودَةٌ»

– „(Кейин, карвон Мисрга етиб келгач), уни арzon баҳода — бир неча тангага сотиб юбордилар“. [12:20]

Яъни, оз пулга, оз нархга.

Шунга кўра,

«أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ»

*(саноқли кунларда)* сўзи оз маъносидадир. У рамазон ойи бўлиб, йигирма тўққиз ёки ўттиз кунни ташкил қиласди.

(43) Бухорий: 5472. Муслим: 1945.

(44) Бухорий: 1771,6938. Муслим: 1944.

«الشَّهْرُ تِسْعَةُ وَعَشْرُونَ أَوْ ثَلَاثُونَ يَوْمًا»

### «Ой йигирма түккиз ёки үттиз кундир».<sup>45</sup>

5 – Аллоҳ Таоло рўзанинг фарзлигини баён қилганидан кейин касал ва мусофиirlарнинг рўза тутишлари ҳам, тутмасликлари ҳам мумкинлигини, агар рўзани тутмасалар, кейин қазосини тутишларини айтяпти. Бу гап тузалиб кетишидан умид бор бўлган касалга тегишилдир. Негаки, шундай касалгина кейинроқ, тузалиб кетганидан кейин рўзанинг қазосини тута олади. Мусофир ҳам агар рўзани тутмаса, кейинроқ сафари ниҳоясига етганидан кейин қазосини тутади.

Касаллик ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Чунки у ҳаммага маълум нарса. Сафар ҳақида эса гапирмасак бўлмайди. Бу ерда гап намоз қаср ўқиладиган шаръий сафар ҳақида кетяпти. Ибн Аббосдан намоз қаср қилиб ўқиладиган сафар ҳақида сўрашганида у, Асфондан Тоифгача ёки Жиддадан Тоифгача, деб жавоб берган.<sup>46</sup>

Бошқа хужжатларда бундай сафар

«ثَلَاثَةُ فَرَاسَحٍ وَالْفَرْسَحُ أَرْبَعَةُ بُرُدٍ»

«Уч фарсаҳдир, бир фарсаҳ тўрт буруддир»,<sup>47</sup> (бир буруд 12 мил), дейилган. Ҳозирги кундаги ўлчовда бундай сафар тахминан тўқсон километр бўлади.

6 –

﴿وَعَلَى الَّذِينَ يُطْيِقُونَهُ فِدْيَةً طَعَامٌ مِسْكِينٌ﴾

(Рўза тутишига қўйналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим). Аллоҳ Таоло рўзанинг мусулмонларга фарзлигини ва у

﴿إِنَّمَا مَعَدُودَاتٍ﴾

(саноқли кунларда). Рамазон ойи эканини баён қилганидан кейин рўза тута олмайдиганларнинг муваққат ва доимий тавсифларини айтяпти:

a)

﴿فَمَنْ كَاتَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخْرَى﴾

(45) Бухорий: 1780. Муслим: 1805.

(46) Молик ривоят қилишича Абдуллоҳ ибн Аббос Макка билан Тоиф, Макка билан Асфон ва Макка билан Жидда ўртасидаги масофаларга ўхшаш ерларда намозни қаср қиласиди.

(47) Муслим: 1116. Абу Довуд: 1015.

(Энди сизлардан бирор киши ҳаста ёки мусофири бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутади). Вақтингчалик тута олмайдиганлар.

б)

﴿وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُرِ فِدْيَةٌ طَعَامٌ مِسْكِينٌ﴾

(Рўза тутишига қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим) доимий тута олмайдиганлар.

Қийналиб қолишнинг икки хил маъноси бор: куч билан (қодир бўлиб) рўза тутиш ва рўза тутиш натижасида куч, тоқатнинг тугаши.

Агар биринчи маънони берадиган бўлсак, оят мана бундай мазмунда бўлиб қолади: Ҳамма мусулмонлар рамазон ойида рўза тутсинлар, агар касал ёки мусофири бўлсалар, рўза тутишлари ҳам, тутмасдан бошқа кунларда қазосини тутиб беришлари ҳам мумкин, агар тутишга қодир бўлсалар, уни тутмасдан ҳар бир тутмаган кунлари учун фидя чиқариб берсингандар. Кўриниб турибдики, бундай маъно бериладиган бўлса, хитоб тўғри бўлмай қолади. Бир оятда ҳам рўза тутишга буюрилиб, ҳам рўза тутмасдан фидя чиқариб беришга буюрилган бўлиб қолади. Демак, (بِطِيقُونَهُرِ) деган иборага қодир бўлиб рўза тутсалар, деган маънони берадиган бўлсак, хитоб тўғри бўлмай қолади. Кути этиши ва қодир бўлиш бир хил маънодаги сўзлардир. Аллоҳ Таолоҳ айтади:

﴿لَا يُكَفُّ أَلَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

– „Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди“. [2:286]

Ҳадисда келади:

«إِنَّمَا أَمْرُكُمْ بِشَيْءٍ فَأَتَوْا مِنْهُ مَا أَسْتَطَعْتُمْ»

«Сизларни қайси бир ишга буюрган бўлсан, уни кучингиз етганича адо этинглар».<sup>48</sup>

Иккинчи маънони қўлласак, яъни, рўза тутиш натижасида куч, тоқатнинг тугаши, ҳалок бўлиш маъносини берсак, хитоб тўғри бўлади. Чунки маъно мана бундай бўлади: Эй мўминлар, қодир бўлсангизлар, рамазон ойида рўза тутинглар, агар касал ёки сафарда бўлсангизлар, рўза тутмасдан қазосини кейинроқ

<sup>(48)</sup> Бухорий: 6744. Муслим: 2380, 4348.

тутиб берсангизлар ҳам бўлади, агар рўза тутишга қодир бўлмасангизлар, рўза тутиш сизларни ҳалокатга олиб борса, масалан, қари чол, кампир ёки тузалишига умид йўқ касал бўлсангизлар, рўза тутмасдан фидя чиқариб беринглар.

Мана шунда хитоб тўғри бўлади: қодир бўлганлар рўза тутсин, мусофир ва касал истаса тутсин, истамаса тутмасин, шифо топиши умид қилинмайдиган касал ва ёши ўтиб қолган қарилар рўза тутмасдан фидя берсинлар.

Шунинг учун Исломнинг аввалида қодир бўлган одам ҳам рўза тутиш ёки тутмасликда ихтиёрли бўлган, хоҳласа тутган, хоҳламаса тутмасдан фидя берган, кейин бу ҳукм кейинги

﴿فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمْ أَلْشَهَرَ فَلَيَصُمِّهُ﴾

(бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин) ояти билан насх қилинган, деганларнинг гапи ва таянган ривоятлари заифдир. Чунки насх шартлари тўла топилгандагина бир ҳужжат иккинчи ҳужжатни насх қилган, деган гапга таянилади. Насхнинг шартларидан бири икки ҳужжатни жамлаш (келиштириш) мумкин бўлмай қолишидир. Бу ерда эса бу икки ҳужжатни жамлаш мумкин. Шунга кўра, кучли гап биз юқорида айтиб ўтган гап бўлади. Яъни, рўзанинг фарз қилингани насх қилинган эмас, у бошданоқ муҳкам ҳужжат бўлган, рўза қодир бўлган муқимларга фарз бўлган, касал ва мусофиirlар эса уни тутишлари ҳам, тутмасликлари ҳам мумкин бўлган, шифо топишига умид йўқ касаллар, қариб қолган чоллар, кампирлар уни тутмасдан фидя беришлари лозим бўлган. Бу муборак оят мана шу маънони англатади.

Иbn Аббосдан қилинган ривоят ҳам мана шу маънони таъкидлайди. Бухорий, Абу Довуд ва бошқалар ривоят қиласидилар: «Иbn Аббос айтдики, бу оят насх қилинган эмас. Бу ерда рўза тута олмайдиган қари чол ва кампир назарда тутиляпти. Улар ҳар бир куннинг ўрнига бир мискинни овқатлантирадилар».

7 - *رўза тутшига қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим*), деган гапдан кейин

﴿فَمَنْ نَطَعَ حَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ﴾

(бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қиласа (лозим бўлганидан ортиқроқ эваз тўласа), ўзига яхши), деган гап айтиляпти. Яъни,

кимки талаб қилинганин фидядан кўпроқ фидя чиқарса, ўзи учун яхшироқ бўлади, ўзи Аллоҳга янада яқинроқ бўлади.

Ҳар кунлик фидянинг миқдори бир мискиннинг овқатланишига етадиган маблағдир. Чунки (طَعَامُ مِسْكِينٍ) (فَدِيَةً) дан бадалдир. Яъни, бир кунлик фидя мискиннинг бир кунлик овқатидир. Овқат замон билан ўлчанади. Ўша замонда одатда мискин бир кунда қанча овқат еса, бир кунлик фидянинг миқдори ўшанча бўлади.

8 – *агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзингиз учун яхшироқдир*). Яъни, мусофири, касалми, бошқами, кимга рўза тутиш ёки тутмаслик ихтиёри берилса ва ортиқча қийинчиликсиз рўза тутишнинг имкони бўлса, унинг рўзани тутмаганидан кўра тутгани афзалроқ. Лекин агар рўза унинг касали ёки сафарини оғирлаштириб юборадиган бўлса, рўза тутмагани яхшироқ. Ҳадисда келади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ رَأَى رَجُلًا قَدْ ظَلَلَ عَلَيْهِ فَقَالَ: مَا هَذَا؟ قَالُوا: مَا هَذَا؟ قَالَ: لَيْسَ مِنِ الْبَرِّ الصَّيَامُ فِي السَّفَرِ»

«Пайгамбар ﷺ бир кишига соя қилиниб турилганини кўриб, бу нима, деб сўрадилар. У рўзадор, деган жавоб бўлди. Шунда у зот, сафарда рўза тутиш яхши эмас, дедилар».<sup>49</sup> Яна бир ривоятда бундай дейилган:

«لَيْسَ مِنِ الْبَرِّ الصَّيَامُ فِي السَّفَرِ، عَلَيْكُمْ بِرُحْصَةِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ فَاقْبِلُوهُ»

«Сафарда рўза тутиш яхши эмас. Улуг ва Буюк Аллоҳнинг рухсатини қабул қилинглар, ундан фойдаланинглар». Бу ҳадисни Насоий чиқарган. Бу ердаги рухсатни қабул қилиш ҳақидаги гап ундан фойдаланишнинг афзалигини англаради.

9 – Қуръоннинг нозил бўлиши рамазон ойидан бошланган.

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ﴾

(Рамазон ойидирки, бу ойда Қуръон нозил қилинган).

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ﴾

– „Албатта, Биз у (Қуръон)ни қадр кечасида нозил қилдик“.  
[97:1]

<sup>(49)</sup> Бухорий: 1810. Муслим: 1879. Термизий: 1644. Насоий: 2223.

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةٍ مُّبَرَّكَةٍ﴾

— „Албатта Биз уни бир муборак-баракотли кечада нозил қилдик“ [44:3]

Мана шулардан күриниб турибдики, Қуръон Пайғамбар ﷺ га рамазон ойининг тунларидан бирида, муборак кечада, қадр кечасида нозил бўла бошлаган. Аллоҳ Ўзи билган бир ҳикмат сабабли Қуръонни ҳар хил пайтларда бўлиб-бўлиб нозил қилди.

﴿وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ الْقُرْءَانُ جُمِلَةً وَاحِدَةً كَذَلِكَ لِتُنَثِّيَ بِهِ فُؤَادَكُ وَرَأْنَاهُ تَرْتِيلًا﴾

— „Кофири бўлган кимсалар: «(Нега) бу Қуръон унга (пайғамбар алайҳис-саломга) битта тўплам бўлган ҳолида нозил қилинмади?» — дедилар. (Эй Мұхаммад), Биз у — Қуръон билан сизнинг дилингизни устивор қилиши учун мана шундай (парча-парча ҳолда нозил қилдик) ва уни бўлиб-бўлиб баён қилдик“ [25:32]

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло Қуръонни қуийдагича тавсифлайди:

а) *هُدَى اِنْسَاسِ اِنْسَانِ* (одамлар учун ҳидоят бўлиб). Бу сўз гапда ҳол бўлиб келяпти. Яъни, ҳақиқатга, тўғри йўлга бошлайди.

б) *وَبِئْتَنِي مِنْ اَهْدَى* (ва ҳидоятнинг очиқ оятлари). Бу сўз ҳам гапда олдинги сўзга уюшиб, ҳол бўлиб келяпти. Яъни, Қуръоннинг Аллоҳ нозил қилган ҳидоят эканига қатъий, мўъжиза далиллар.

в) *وَالْفَرَقَانِ* (ва фурқоннинг). Яъни, ҳақ билан ботилни, эзгулик билан ёвузликни, яхши амаллар билан ёмон амалларни ажратиб берадиган.

10 – Биринчи ва иккинчи оятларда Аллоҳ Таоло мана бундай деяпти:

﴿إِنَّمَا الَّذِينَ إِيمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴾  
﴿أَيُّمَا مَعَدُودَاتٍ﴾

(Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиши фарз қилинди). Иккинчи оят рўзанинг

худди олдингиларга фарз бўлганидек, бизга ҳам фарз бўлганини таъкидлаб келяпти.

﴿أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ﴾

(*Саноқли кунлар*). Бу сўзнинг накра келиши биздаги рўзанинг муддати олдингилардаги рўзанинг муддатидан фарқ қилишини, муддатлар ҳар хиллигини ифодалайди. Чунки оят рўзанинг муддатини эмас, худди олдингиларга фарз бўлганидек, бизга ҳам фарз бўлганини таъкидлаяпти.

Энди кейинги оятга назар ташлайлик.

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ﴾

(*Рамазон ойидирки, бу ойда Қуръон нозил қилинган*). Бу оядта Ислом Умматининг рўзасига муайян бир ой тайин қилинганди. У Қуръон нозил бўла бошлаган ва рўза фарз қилинган рамазон ойидир.

Олдинги оятларда Аллоҳ Таоло рўза ҳақида гапирганди.

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ﴾

(*Рамазон ойидирки*).

﴿فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الْشَّهْرَ فَلِيُصُمِّمْهُ وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ۝  
آخر﴾

(*Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким ҳаста ёки мусофири бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошиқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтгач) тутади*). Бу оядта рўзанинг ойини белгилаб бериш муносабати билан унинг муқим учун фарзлиги, мусофири ва касал учун эса тутиш тутмаслик ихтиёрли эканини яна бир бор таъкидлаяпти.

11 –

﴿بِرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلَتُكُمْ مُلُوا الْعِدَةَ وَلَتُكُمْ بِرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَنَكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

(*Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Бу саноқни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуглашингиз учундир. Шояд шукр қилсангиз*).

Аллоҳ Таоло бу ишнинг остидаги ҳикматни, Ўзининг бизга рўза фарзини адо этишда қийин (машаққат, ҳалокат) эмас, осон

бўлишини хоҳлашини баён қиляпти. Шу билан биз осонлик билан рўза кунларини охирига етказамиз. Агар вақтинча рўза тутишга қодир бўлмасак, қазосини бошқа кунлари тутиб берамиз, агар умуман қодир бўлмасак, тутмасдан фидя чиқариб берамиз, агар қодир бўлсак, уни ўз вақтида, рамазон ойида тутамиз. Шу билан унинг саноғини охирига етказамиз, охирига етказганимиздан кейин яъни, ҳайит куни такбир айтамиз, Аллоҳни улуғлаймиз, берган неъмати учун, шундай улуғ фарзни тўла адо қилишимизга имкон бергани учун У Зотга шукр қилгувчилардан бўламиз.

(وَلَئِنْ كُنْتُ مُلُوْا) *тўлдиришишингиз учун*, (وَلَئِنْ كُنْتُ بِرُّوا) *улуглашишингиз учун*,

(وَلَئِنْ كُنْتُ شَهِيدًا) *шояд сизлар*). Бу сўзлардаги сабабни билдирувчи ҳарфлар рўзадаги мана шу осонликда қандай ҳикмат борлигини баён қиляпти. Рўзани охиригача етказиш, тўла адо этиш, рўза фарзини бажариб олишга йўллаб қўйгани учун Аллоҳни улуғлаш, такбир айтиш, ва Аллоҳга шукр қилгувчилардан бўлиш.

Хўш, нима учун биз буларни сабаб эмас, ҳикмат, деб атаямиз. Чунки Аллоҳ Таоло айтган рўзадан келиб чиқувчи натижалар оммавий миқёсда яъни, бир қанча мусулмонлар тарафидан амалга ошади, лекин унинг баъзи шахслардаги амалга ошиш тарзи турли хил бўлади, айрим шахсларда ҳикмат ҳукмдан ортда қолади. Мана шу ишга ҳикмат, деган термин, истилоҳ қўлланади.

﴿وَمَا حَلَقْتُ أَجْنَانَ وَالإِنْسَانَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾

– „Мен жисн ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишилари учунгина яратдим“ [51:56]

Айтамизки, Аллоҳга қуллик қилиш яратиш сабаби эмас, ҳикматидир. Чунки қуллик қилиш оммавий миқёсда яъни, кўпчилик маҳлуқотлар томонидан амалга ошади, лекин унинг якка шахслардаги амалга ошиш тарзи турли хил бўлади.

Иллат эса иллатланган нарса билан бирга келади. Иллат борми, тамом, иллатланган нарса ҳам бор. Иллат йўқми, тамом, иллатланган нарса ҳам йўқ. Оммавий миқёсда ҳам, якка тартибда ҳам иллат иллатланган нарсадан орқада қолмайди. Чунки ҳукм мана шу иллат туфайли шариатлаштирилади. Бунга мана шу иллат боис бўлади. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَعَلَّا يَكُونُ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرُّسُلِ﴾

— „Токи бу пайғамбарлар ўтғанларидан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши хужежат бўлиб қолмаслиги учун“. [4:165]

Пайғамбарлар юборилишига сабаб, боис одамларнинг Аллоҳ олдида Аллоҳга итоат этмаганларига ҳужжат келтира олмасликларидир яъни, бизга бирор элчи юбормаган эдинг-да, Сенинг биздан нимани хоҳлашингни билмай қолдик-да, дея олмасликларидир.

﴿لَمْ يَكُنْ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ﴾

— „Одамлар учун Аллоҳга қарши хужежат бўлиб қолмаслиги учун“. [4:165]

Бу оят пайғамбарларнинг юборилишига сабаб бўлади. Пайғамбарлар юборилдими, тамом, энди ҳар қандай ҳолатда ҳам одамлар учун ҳеч қандай ҳужжат қолмайди.

Пайғамбар ﷺнинг

«الْفَاتِلُ لَا يَرَثُ»

**«Қотил мерос олмайди».**<sup>50</sup> Қотилнинг мерос ололмаслигини иллати қасдан ўлдиришидир. Агар ворислардан бири мерос қолдирувчини ўлдирса мерос ололмайди. Чунки ворис уни қасдан ўлдириди. Қотилга мерос бериш ҳеч қандай тўгри бўлмайди. Демак иллат маълулидан борлиқдаю йўқликда ажралмас экан.

﴿إِنَّ الظَّلَوَةَ تَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ﴾

— „Албатта намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур“. [29:45] Бу оядта намоздаги ҳикмат фаҳш ва мункар ишлардан қайтариш экани ифодаланяпти. Хўш, нима учун бу ерда сабаб, эмас, ҳикмат сўзини ишлатяпмиз? Чунки айрим намозхонлар намоз ўқиб туриб ҳам айрим мункар ишларни қилиб қўядилар. Демак, айрим якка шахсларда ҳикмат ҳукмдан ортда қолиши ҳам мумкин.

Яъни, ҳукмдан кўзланган ҳикмат оммавий миқёсда амалга ошади, лекин айрим якка шахсларда унинг амалга ошиш тарзи турли хил бўлади, айрим шасхларда ҳикмат ҳукмдан ортда қолади. Айрим шахсларда ҳикмат ҳукмдан ортда қолади.

Сабаб эса ҳукмдан ортда қолмайди. Бор бўлса, бор бўлиб, йўқ бўлса, йўқ бўлиб, ҳар доим ёнида юради.

(50) Термизий: 2035. Ибн Можа: 2635, 2725. Дорамий: 2954.

Шунинг учун (كَلْكُمْ تَشْفُونَ тақвони кишилар бўлишингиз учун), (وَلَكُبِرُوا الْعِدَّةَ саноқни тўлдиришингиз учун), (وَلَتَكُمُوا لَهُمْ أَعْدَادٌ Аллоҳни уулгашингиз учун), (وَلَكُمْ شَكُونَ шояд шукр қилсангиз), деган маъноларни сабаб эмас, рўздан кўзланган ҳикмат, дедик. Усул олимларининг истилоҳида мана шундай дейилган.



﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادٍ عَنِ فَإِنِّي قَرِيبٌ أَجِيبُ دَعْوَةَ الْدَّاعِ إِذَا دَعَانِ فَلَيَسْتَحِبُّوا لِي  
وَلَيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْسُدُونَ﴾

— „186. Бандаларим сиздан (эй Мұхаммад) Мен ҳақимда сўрасалар. Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиласман. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун (улар ҳам) Менинг (даъватимга) жавоб қилинлар ва Менга имон келтирсинлар“. [2:186]

Ибн Абу Ҳотам чиқарган мана бу ҳадисда бир аъробий Пайғамбаримиз ﷺ нинг олдиларига келиб, «Парвардигоримиз бизга яқинми, узоқми, яқин бўлса, муножот қилайлик, узоқ бўлса, нидо қилайлик, деди. Пайғамбар ﷺ жим бўлиб қолдилар. Шунда Аллоҳ Таоло мана бу муборак

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادٍ عَنِ فَإِنِّي قَرِيبٌ﴾

(бандаларим сиздан (эй Мұхаммад) Мен ҳақимда сўрасалар. Мен уларга яқинман) оятни нозил қилди.<sup>51</sup>

Аллоҳ Таоло бу оятда бизга Ўзининг яқинлигини, дуо қилувчи дуо қилса, унинг дуосини эшитишини билдирияпти. Аллоҳ бандасининг дуосини эшигади ва ижобат қиласди, бандасини ноумид қолдирмайди. Ҳеч нарса У Зотдан махфий эмас. Аллоҳ бандасига яқиндир. Уни эшитиб, кўриб туради. У Зот Мусо ва Ҳорун ﷺларга мана бундай дейди:

﴿إِنِّي مَعَكُمَا أَسْمَعُ وَأَرَى﴾

— „Шак-шубҳасиз Мен сизлар билан биргаман — эшитиб, кўриб турурман“. [20:46]

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

<sup>(51)</sup> Дуррул Мансур: 2 / 469. Тафсири Табарий: 2 / 158.

«قَالَ اللَّهُ تَعَالَى أَنَا مَعَ عَبْدِي مَا ذَكَرْنِي وَتَحْرَكْتُ بِي شَفَّاهُ»

«Аллоҳ Таоло айтади: модомики, бандам Мени эслаб, Мени деб икки лаби қимирлаб турар экан, Мен у билан биргаман». <sup>52</sup>

Кейин Аллоҳ Таоло бандаларидан Аллоҳдан дуоларини ижобат қилишини сўрашларини, У Зотга имон келтиришларини, итоат этишларини, шариатига бўйсунишларини, гуноҳ қилмасдан дуо қилишларини талаб қилиб, шундай қилсалар, Аллоҳ уларнинг Аллоҳга яқинлашиш учун қилган бу амалларини қабул қилиб, дуоларини ижобат қилишини айтяпти. Шояд шунда ҳидоят топсалар, яъни, дуонинг ижобат бўлишига олиб борадиган сабабларга йўл топа олсалар.

﴿فَلَيَسْتَحِبُّوْلِي وَلَيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ﴾

(Бас, ҳақ иўлга юришилари учун (улар ҳам) Менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва Менга имон келтирисинлар).

Дуо ҳақида:

Шу ерда дуога алоқадор айрим ишларни эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Токи, банда олдин дуонинг нималигини аниқ билиб олиб, кейин Парвардигорига дуо қилсин.

1 – Дуо ибодатdir. Ибодатгина эмас, ибодатнинг мағзидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ أَذْعُونَهُ أَسْتَحِبُّ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي﴾

﴿سَيِّدُ خُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ﴾

– „Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар. Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман», деди. Албатта Менга ибодат қилишидан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларида жаҳаннамга киуруллар». [40:60]

Аллоҳ Таоло дуони ибодат, деб белгилади (عِبَادَتِي). У Зот (أَذْعُونَهُ) деганидан кейин (عِبَادَتِي) деган сўзни айтди. Пайғамбар ﷺ эса,

«الْدُّعَاءُ مُّخْالِفٌ لِّالْعِبَادَةِ»

«Дуо ибодатнинг мағзи, моҳиятидир», дедилар.<sup>53</sup>

(52) Ибн Можа: 3782. Аҳмад: 2/540.

(53) Термизий: 3293. Аҳмад: 4/271.

Дуо ибодатдир. Аллоҳ Ўзига дуо қиладиган, дуо қилишда событ турадиган бандасини яхши кўради.

«إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُلْحِينَ فِي الدُّعَاءِ»

**«Албатта Аллоҳ дуода событ турувчиларни яхши кўради».**<sup>54</sup> Аллоҳга дуо қилмайдиган кимса кўп яхшиликлардан бебахра қолган кимсадир. Ўзини катта олиб, Аллоҳга дуо қилмайдиган кимса мана бу оятда тавсифланган кимсалар қаторидан жой олади.

﴿سَيِّدَ الْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاهِرِينَ﴾

— „Яқинда бўйинларини эгган ҳолларида жаҳаннамга киурурлар“ [40:60]

Яъни, хорланиб, таҳқирланиб.

2 — Аллоҳ Таоло бизга У Зотдан дуоларимизни ижобат қилишини сўраб, шариатига амал қилиб, Пайғамбари ﷺга эргашиб туриб, дуо қилишимизни баён қиляпти.

﴿فَلَيَسْتَجِيبُوا لِي وَلَيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ﴾

(Бас, ҳақ йўлга юришилари учун (улар ҳам) Менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва Менга имон келтирисинлар). Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«يَدْعُوا اللَّهَ وَمَا كُلُّهُ مِنْ حَرَامٍ وَمَشْرُبُهُ مِنْ حَرَامٍ فَأَنَا يُسْتَجَابُ لَهُ»

«Ейиши ҳаром, ичиши ҳаром бўлиб туриб, яна Аллоҳга дуо қиласди. Унинг дуоси қаердан ҳам ижобат бўлсин».<sup>55</sup>

3 — Дуо қилиш дегани сабабларни тарк қилиш дегани эмас. Бу нарса Аллоҳнинг Китобида ҳам, Пайғамбар ﷺнинг суннатларида ҳам очиқ баён қилинган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَلَيَسْتَجِيبُوا لِي وَلَيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ﴾

(Бас, ҳақ йўлга юришилари учун (улар ҳам) Менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва Менга имон келтирисинлар). Яъни, шоядки, улар дуонинг мустажоб бўлишига олиб борадиган сабабларни қилиш йўлини топсалар, шу йўлга ҳидоятлансалар.

Пайғамбар ﷺ Бадр жангидаги бутун лашкарни ўз ўрнига жойлаштириб, жангга яхшилаб тайёргарликни кўриб, ундан кейин капага кириб, нусрат сўраб Аллоҳга дуо қилганлар. Шу

(54) Бу ривоятни Тобароний «Дуо»да ровийлари ишончли ҳолда ишлаб чиққан. Бироқ унда Оиша رضдан марфу бўлиб «ан-ан»лар кўпайиб кетган (Фатхул Борий: 11\95).

(55) Термизий: 2915. Аҳмад: 2/328. Муслим: 1015. Доримий: 2/300.

қадар узоқ дуо қилганларки, ҳатто Абу Бакр ﷺ, шу қилган дуоларингизнинг бир қисми ҳам етар, эй Аллоҳнинг пайғамбари, деб юборган.<sup>56</sup>

Пайғамбар ﷺ Маккадан Мадинага ҳижрат қилишларига рухсат бўлгач, инсон қилиши мумкин бўлган барча нажотга олиб борувчи сабабларни қилганлар, барча эҳтиёт чораларини кўрганлар. Айни пайтда Қурайш кофирларига қарши уларни ўзидан буришини сўраб, уларнинг макридан нажот беришини сўраб, Мадинага саломат етказишини сўраб, Аллоҳга дуо қилганлар.

Пайғамбар ﷺ шимолга, Мадина томонга қараб юриш ўрнига, жанубга қараб йўл олиб, Абу Бакр ﷺ билан бирга Савр горига яшириндилар. Қурайшнинг қандай тадбирлар, қандай режалар тузайтганидан Абу Бакрнинг ўғли Абдураҳмон орқали хабардор бўлиб турдилар. Макка тарафига қайтаётгандаридан изларини йўқотиш учун Абу Бакрнинг гуломига ортларидан қўйларни ҳайдаб боришини тайинладилар. Пайғамбар ﷺни қидириш ишлари бироз енгиллагунига қадар уч кун горда қолдилар. Кейин Мадинага қараб йўл олдилар. Ҳа, Пайғамбар ﷺ сабабларнинг ҳаммасини қилдилар. Ҳолбуки, у зотнинг Мадинаи мунавварага соғ-саломат етиб боришлирага ишончлари комил эди. Кофирлар яқин келиб қолганда Абу Бакр қўрқиб кетиб, эй Аллоҳнинг пайғамбари, агар улардан бири шундоқ оёғининг остига қараса, бизни кўради, деганди. Шунда Пайғамбар ﷺ

«مَا ظُلِّكَ بِأَشْيَانِ اللَّهِ ثُالِّهُمَا»

«Учинчиси Аллоҳ бўлган икки киши хусусида ўйинг қандай» дегандилар.<sup>57</sup>

﴿فَقَدْ نَصَرَهُ اللَّهُ إِذْ أَخْرَجَهُ الَّذِينَ كَفَرُوا ثَانِيَّ أَشْيَانِ إِذْ هُمَا فِي الْغَارِ إِذْ يَقُولُونَ﴾

﴿لِصَاحِبِيهِ لَا تَحْزَنْ إِنَّ اللَّهَ مَعَنَا﴾

– „Уни кофирлар икки кишининг бири бўлган ҳолида (яъни, бир ҳамроҳи билан Маккадан) ҳайдаб чиқаргандарида, унга Аллоҳ ёрдам берди-ку. Ўшандан иккевлон горда бўлган пайтларидан ҳамроҳига: «Ғамгин бўлма, шубҳасиз, Аллоҳ биз билан биргадир», дер экан...“.

[9:40]

(56) Сийрати Ибн Ҳишом: 2 / 626.

(57) Бухорий: 3380, 4295. Муслим: 4389. Термизий: 3021. Аҳмад: 1 / 4.

Мана шу ҳижратда Суроқа Қурайш қўйган мукофотни олиш учун Пайғамбар ﷺ билан Абу Бакрни тутиб беришига оз қолганди. Пайғамбар ﷺ Суроқага

«بِأَنْ يَرْجُعَ سِوَارًا كَسْرَى»

«...қайтса, унга Қисронинг билакузуклари бўлади», деб айтгандилар.<sup>58</sup>

Пайғамбар ﷺ биз у кишидан намуна олишимиз учун сабабларни қиласдилар. У кишига Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин. У зоти бобаракот Қурайш кофиirlаридан нажот беришини Аллоҳдан сўраб, кечаси уйларидан атрофни ўраб турган кофиirlарнинг юзларига тупроқ сепгланлари ҳолда чиқиб кетавердилар.<sup>59</sup>

Зеро, у зот дуосини Аллоҳ ижобат қилишидан ва кофиirlарни ўзидан буришидан кўнгиллари тўқ эди. Худди шундай ҳам бўлди. Аллоҳ уларга уйқуни зарб қилди ва Пайғамбар ﷺ хотиржам чиқиб боравердилар.

Дуо сабабларни бекор қилмайди. Аксинча, сабаблар билан бирга юради.

Халифалик янгитдан барпо бўлишини истаган одам фақат дуо билангина чекланмасдан уни барпо қилиш учун ҳаракат қилаётганлар билан бирга ҳаракат қилиши, айни пайтда уни тезроқ амалга ошириб беришини сўраб, Аллоҳга дуо қилиши, дуода собитқадам бўлиши, дуони холис Худо учун қилиши лозим.

Бошқа ишларда ҳам шундай. Киши амални холис Худо учун қилиши, Пайғамбар ﷺга садоқатли бўлиши, дуода барқарор туриши керак. Аллоҳ эшитгувчи ва ижобат қилгувчи Зот.

4 – Дуо қилгувчи дуо қилса, унинг дуосини Аллоҳ эшитади ва музтарнинг дуосини ижобат қилади.

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ أَدْعُونِي أَسْتَحِبْ لَكُمْ﴾

– „Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар. Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман», деди“ [40:60]

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادٍ عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ﴾

(58) Равзул Анаф Суҳайлийнинг Сийрати Ибн Ҳишомга ёзган тафсири: 2/233.

(59) Сийрати Ибн Ҳишом: 483 саҳифа.

– „Бандаларим сиздан (Эй Мұхаммад) Мен ҳақимда сұрасалар. Мен уларга яқынман“. [2:186]

أَمَّنْ تُحِبُّ الْمُضْطَرَ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ الْسُّوءَ ﴿٦﴾

– „Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилған вақтида (дуосини) ижобат қиласынан ва (унинг) мүшкүлини осон қиласынан Зотми?!“. [27:62]

Лекин ижобатнинг ўз шаръий ҳақиқати бордирки, уни Пайғамбар ﷺ мана бундай баён қиласынан:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَدْعُو اللَّهَ – عَزَّ وَجَلَّ – بِدَعْوَةِ لَيْسَ فِيهَا إِثْمٌ وَلَا فَطْيَعَةُ رَحْمٍ إِلَّا أَعْطَاهُ اللَّهُ بِهَا إِحْدَى ثَلَاثَ خَصَالٍ: إِمَّا أَنْ يُعَجِّلَ اللَّهُ لَهُ دَعْوَتَهُ، وَإِمَّا أَنْ يَدَخِّرَهَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ، وَإِمَّا أَنْ يَصْرِفَ عَنْهُ مِنِ السُّوءِ مِثْلَهَا. قَالُوا: إِذَا نُكْثُرُهُ؟ قَالَ: اللَّهُ أَكْثُرُهُ»

«Қайси бир мусулмон Улуг ва Буюк Аллоҳға бир дуо қисса, дуосида гуноҳ ва қариндошлиқни узиш бўлмаса, Аллоҳ унга шу дуосининг эвазига уч нарсадан бирини беради: Ё сўраган нарсасини тезда беради, ё шу дуони унинг охиратига олиб қўяди, ё шу дуочалик ёмонликни ундан буриб юборади. Саҳобалар: Унда дуони кўпайтирамиз, дейишди. Пайғамбар ﷺ: Аллоҳ кўпайтирсин, дедилар».<sup>60</sup>

«لَا يَرَأُلُّ يُسْتَجِابُ لِلْعَبْدِ مَا لَمْ يَدْعُ يَا شِمْ أَوْ فَطْيَعَةً رَحْمٌ مَا لَمْ يَسْتَعْجِلُ، قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا الْاسْتَعْجَالُ؟ قَالَ: يَقُولُ قَدْ دَعَوْتُ وَقَدْ ذَعَوْتُ فَلَمْ أَرْ يُسْتَجِابُ لِي فَيَتَحَسَّرُ عَنِ ذَلِكَ وَيَدْعُ الدُّعَاءَ»

«Банданинг гуноҳ ва қариндошлиқни узиш аралашмаган дуоси модомики шошилтирилмас экан, ижобат бўлиб бораверади, дедилар. Эй Росулulloҳ, шошилтириш нима дегани?, деб сўрашган эди, айтдиларки: Шунча дуо қилдим, мустажоб бўлмади» деб ҳасратланиб, дуони тарқ этмоқдир».<sup>61</sup>

Бундан шундай маъно келиб чиқадики, дуонинг ижобат бўлиши, дегани унинг шу дунёда рўёбга чиқиши, дегани эмас. У шу дунёда рўёбга чиқиши ҳам, охират учун озуқа бўлиб қолдирилиши ҳам мумкин. Дуо учун охиратда жуда улуг савоб бор. Шу билан бирга дуо қиласынан шу дуосига лойиқ бир ёмонлик даф қилиниши ҳам мумкин.

(60) Аҳмад: 3 / 18. Бухорийнинг Адаби муфрәди: 713.

(61) Муслим: 4918. Термизий: 3303.

Биз Аллоҳга дуо қиласи эканмиз, агар ихлосли, итоатли, содиқ банда бўлсак, унинг Пайғамбар ﷺ тушунтириб берган маънода ижобат қилинишига аниқ ишонамиз.

5 – Дуонинг ижобат бўлиши қадарни, Лавҳул-маҳфуздаги битикни ўзгартириш дегани эмас. Яъни, дуонинг ижобат бўлишидан Аллоҳ бандасининг дуо қилишини олдин билмас эди, бинобарин, бу иш Лавҳул-маҳфузда ёзилмаганди, деган маъно чиқмайди.

Шунга кўра, Аллоҳнинг қадари азалдан Лавҳул-маҳфузга битиб қўйилган бўлса, яна қандай қилиб Аллоҳ бандасининг дуосини ижобат қиласиди, дейиш ҳам дуруст эмас.

Зеро, дуо ва унинг ижобат бўлиши ҳали Аллоҳ билмаган янги иш эмас. Буни қўйидагича тушунамиз:

Қадар Аллоҳнинг илмидир, Лавҳул-маҳфуздаги битиқдир. Ҳамма бўладиган ишлар азалдан ёзиб қўйилган. Аллоҳ фалончининг фалон пайтда дуо қилишини билади. Агар Аллоҳ унинг дуоси мустажоб бўлишини тақдирга битган бўлса, ўшандай бўлади. Зеро, дуо ҳали Аллоҳ билмаган, Лавҳул-маҳфузга битилмаган янги иш эмас. Дуонинг мустажоб бўлиши ҳам худди шундай. Ҳамма бўладиган ишлар Лавҳул-маҳфузга битиб қўйилган. Аллоҳ гайбни, бандасининг қандай гаплар гапиришини, қандай ишлар қилишини олдиндан билади. Ҳамма ишлар азалдан, олдиндан ёзиб, битиб қўйилган. Жумладан, банда қиласиган дуо ҳам, Аллоҳнинг хоҳиши или унинг мустажоб бўлиши ҳам азалдан ёзиб қўйилган.

Демак, дуо ва унинг ижобат этилиши Аллоҳнинг илмидан юқоридаги ишлар эмас. Балки уларнинг қай тарзда содир этилиши Лавҳул-маҳфузга битиб қўйилган. Аллоҳ гайбни ҳам, гайб бўлмаган нарсани ҳам билгувчи Зотdir.

﴿لَا يَعْزُبُ عَنَهُ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ فِي السَّمَوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ﴾

– „Осмонлар ва ердаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирон нарса (Аллоҳ)дан маҳфий бўлмас“ [34:3]

6 – Аллоҳ Таоло рўза ҳақидаги оятларнинг орасида дуони баён қилди. Бир-бирига боғлиқ оятлар ўртасига дуонинг қўйилишида бир ҳикмат бор, албатта. Яъни, рамазон ойида қилинган дуонинг ўзига хос ўрни бор. У мустажоб бўлишга яқинроқ дуодир. Рўза ойи ибодат ойидир, ихлос ойидир. Рўзадор одам Парвардигорига яқин одамдир, дуоси мустажоб одамдир. Ҳадиси шарифда келади:

«ثَلَاثَةٌ لَا تُرْدُ دَعْوَتُهُمْ: الْإِمَامُ الْعَادِلُ وَالصَّائِمُ حَتَّى يُفْطَرَ وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ يَرْفَعُهَا اللَّهُ فَوْقَ الْعَمَامِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَتُفْتَحُ لَهَا أَبْوَابُ السَّمَاءِ، وَيَقُولُ: بِعِزَّتِي وَجَلَالِي لَأَنْصُرَنَّكَ وَلَوْ بَعْدَ حِينَ»

«Уч хил одамнинг дуоси қайтарилимайди. Одил раҳбар, рўзадор одам то оғзини очгунига қадар ва мазлумнинг дуоси. Қиёмат кунида Аллоҳ уни булутлардан ҳам юқорига қўтариб, унга осмонларнинг дарвозаларини очиб, азизлигим ва буюклигим билан қасам ичаманки, гарчи бироздан кейин бўлса ҳам албатта сенга ёрдам бераман, дейди». <sup>62</sup>

Демак, дуонинг рўза хусусидаги оятлар орасида келишида худди шу ойда кўп duo қилишга ундаш бор, унинг фазлини баён қилиш бор, унинг ижобат этилиши ҳақидаги суюнчли хабар бор. Зеро, Аллоҳ яқиндир ва мујибдир (ижобат қилгувчидир).



﴿أَحِلَّ لَكُمْ لَيْلَةَ الصِّيَامِ الرَّفِثُ إِلَى نِسَاءِ كُمْ هُنَّ لِبَاسٌ لَّكُمْ وَأَنْتُمْ لِبَاسٌ لَّهُنَّ عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَخْتَانُونَ رَبَّ أَنْفُسَكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ وَعَفَا عَنْكُمْ فَأَلَّئِنَّ بَشِّرُوهُنَّ وَأَبْغُوا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ وَكُلُّوا وَأَشْرِبُوا حَتَّى يَبْيَنَ لَكُمْ الْخَيْطُ الْأَبَيْضُ مِنْ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ ثُمَّ أَتَمُوا الصِّيَامَ إِلَى الْأَيَلِ وَلَا تُبْشِرُوهُنَّ وَأَنْتُمْ عَدِكُفُونَ فِي الْمَسَاجِدِ تِلَكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَقْرُبُوهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ إِيمَانَهُ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقَوْنَ﴾



— „Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиши ҳалол қилинди. Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз (яни эр-хотин бир-бирига киши либосга муҳтожс бўлгани каби муҳтожждирлар). Аллоҳ сизлар ўзларингга хиёнат қилаётганларингни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам бемалол) қовушингиз ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талааб

(62) Термизий: 3522. У киши ҳасан ҳадис, деди. Аҳмад: 2 / 305.

**қилингиз! Ва то тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сүнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар! Масжидларда эътикофда бўлган чогингизда (кечалари ҳам) улар (хотинларингиз) билан қўшилманг! Булар (юқорида мазкур бўлган ҳукмлар) Аллоҳнинг чегаралари дир. Бас, уларга яқинлашмангиз! Одамлар ҳаром ишлардан сақланишилари учун Аллоҳ ўз оятларини мана шундай очик-равишан баён қиласди.** [2:187]

### **Аллоҳ Таоло бу оятларда қўйидагиларни баён қиласди:**

1— Аллоҳ Таоло рўза кечаларида эр-хотиннинг қўшилишларини ҳалол қиласди. Аллоҳ уларни бир-бирларига парда қиласди. Улар бир-бирларининг олдиларида очилсалар бўлади. Чунки улар бир-бирларига бамисоли бир либосдирлар.

(آلرَفْثُ ) Бу сўз аслида сўкиниш, беадаб гапларни айтиш маъносини англатади. Бу ерда у қўшилиш, жимо қилиш маъносида келяпти.

2— Аллоҳ сизларнинг рамазон кечаларида аёлларингиз билан қўшилиб, ўзларингизга ўзларингиз хиёнат, зулм қилаётганингизни билди ва сизларни кечирди, гуноҳинглардан ўтди, қилган ишларинг учун жазоламади. Мана энди бу ишни ҳалол қиласди. Энди рўза кечаларида аёллар билан қўшилиш гуноҳ эмас.

Абу Хурайра (رضي الله عنه) ривоят қиласди: «Мусулмонларга хуфтон намозидан кейин то ифторликкача еб-ичиш ва аёллар билан қўшилиш ҳаром қилинганди. Умар ибн Ҳаттоб (رضي الله عنه) хуфтон намозидан кейин оиласига тегиб қўйди (аёли билан қўшилиб қўйди). Сорма ибн Қайс эса шом намозидан кейин ухлаб қолиб, Пайғамбар (صلی الله علیه و آله و سلّم) хуфтон намозини ўқиган пайтда уйғонди ва еб, ичди. Тонг отгач, Пайғамбар (صلی الله علیه و آله و سلّم) олдиларига келиб, бўлган воқеани айтиб берди. Шунда Аллоҳ Таоло

﴿أَحِلَّ لَكُمْ لَيْلَةً آلصَّيَامِ آلرَفْثُ إِلَى نِسَاءِكُمْ﴾

(сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиши ҳалол қилинди) оятини нозил қиласди.<sup>63</sup>

﴿تَخْتَانُونَ أَنفُسَكُمْ﴾

(63) Дуррул Мансур: 2 / 457. Тафсири Табарий: 2 / 194.

(*ўзларингга хиёнат қиляпсизлар*). Бу сўз хиёнат қилиш маъносида. Яъни, рўза кечасида жимо қилиб, ўзларингизга ўзларингиз хиёнат, зулм қиласизлар.

(بَشْرُوهُنْ) яъни, улар билан рўза кечаларида жимо қилинглар.

Бу буйруқ мубоҳликни ифодаловчи буйруқdir. Мубошарат қилиш мужомаат-жимо қилишдан киноядир. Ҳар иккисида ҳам бадан баданга тегади. Унинг мубоҳлигига қарина у тақиқлангандан кейин буюриляпти. Шу билан иш аслига яъни, мубоҳлигига қайтяпти. Усул китобларида битилган қариналар ҳақидаги баҳсларда шундай дейилган.

(وَأَبْتَغُوا مَا كَسَبَ اللَّهُ لَكُمْ) *ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани талааб қилингиз!*). Аллоҳ сизларнинг тақдирингизга битган болани истанглар. Мубошарат фақат шаҳват учунгина эмас, никоҳдан кўзланган асл мақсад учун – насл қолдириш учун қилинади.

«تَنَاكُحُوا تَنَسَّلُوا فِإِنِّي مُفَارِّخٌ بِكُمُ الْأَمْمَةِ يَوْمُ الْقِيَامَةِ»

«Никоҳланинглар, насл қолдиринглар. Зеро, мен қиёмат кунида сизлар билан бошқа умматлар олдида фахрланаман». <sup>64</sup> Бу ердаги буйруқ мандубликни ифодалайди. Унга қарина Пайғамбар ﷺнинг бола исташни мақтаганларидир.

З– Аллоҳ Таоло бизга қачон ейиш, ичиш ва аёллардан тийилишимизни баён қиляпти.

﴿حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَكُمُ الْحَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ﴾

(*Ва то тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача*). Яъни, субҳи содиққача. Субҳи содиқ уфқда горизонтал ип шаклида пайдо бўлиб, кеча билан кундузни ажратадиган оқликдир, ёруғликдир. Ундан олдин вертикал ип шаклида бошқа бир оқлик, ёруғлик ҳам пайдо бўлади. Уни субҳи козиб, дейдилар. Ейиш, ичиш ва мубошарат қилишдан тийилиш субҳи козибдан эмас, субҳи содиқдан бошланади.

Адий ибн Ҳотам ривоят қилади:

﴿وَكُلُوا وَأَشْرِبُوا حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَكُمُ الْحَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْأَسْوَدِ﴾

(*Ва то оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар*). Шу оят нозил бўлганда битта оқ ва битта қора арқонни олиб, ёстиғимнинг остига қўйдим. Уларга қараб, қараб қўярдим. Оқи

(64) Абу Довуд: 2/220, 2050-рақам. Насойӣ: 3227. Ибн Можа: 1846. Аҳмад: 3/158, 254. Ибн Ҳаббон: 9/338.

қорасидан ажралганидан кейин ейиш, ичишдан тийилдим. Тонг отгач, Пайғамбар ﷺ нинг олдилариға бориб, қилган ишимни айтган эдим, у киши шундай дедилар:

«إِنْ وَسَادَكَ إِذْنُ لَعْبِضٍ، إِنَّمَا ذَلِكَ يَيَاضُ النَّهَارِ مِنْ سَوَادِ اللَّيلِ»

«Демак, ёстиғинг кенг экан. Оятда кундузниң оқлиги кечанинг қоралигидан (ажралгунига қадар)» дейилган.<sup>65</sup>

«Бухорий ўзининг саҳиҳида Саҳл ибн Саъдан ривоят қилишича, шундан кейин Аллоҳ таоло (من آفْجَرِ مَنْ تَوْحَدَ)ни нозил қилди». Шу билан бу сўз

«الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنْ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ»

(ок ип қора итдан) оядидаги мужмалликнинг баёни бўлди.

4- «ثُمَّ أَتَمُوا الْصِّيَامَ إِلَى الْآيِلِ» *Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар!*. Аллоҳ Таоло биздан рўзани кечгача етказишимизни, тўла қилишимизни талаб қиляпти. Кечанинг озгина бўлса ҳам бир қисмига кириб борилгандагина кечгача бўлади. Чунки кундуз кеча билан ёпишган. Рўза тўла бўлиши учун кундуз билан кеча ўртасида ўзаро бир-бирига тегиниш, тулашиб бўлмаслигининг иложи йўқ. Шунинг учун бу гап кеча бошланганидан тонг отгунга қадар, деган маънодадир.

«إِذَا أَدْبَرَ النَّهَارُ مِنْ هُنَا وَأَقْبَلَ اللَّيلُ مِنْ هُنَا فَقَدْ أَفْطَرَ الصَّائِمُ»

«Бир томондан кундуз ортга қараб кетса, яна бир томондан кеча олдга қараб келса, рўзадор оғзини очади».<sup>66</sup>

Мана шу ерда «Вожибни адо этиш учун зарур бўлган нарса ҳам вожибdir», деган қоида ишлайди. Кундуз тўла бўлиши учун бироз бўлса ҳам кечанинг ичига кириб бориш шарт. Негаки, кундуз билан кеча бир-бирига ёпишгандир. Шунинг учун «фоя мугайёнинг (фояга этиш мақсад қилинган нарсанинг) ичига киради», дейилган. Аллоҳ Таолонинг мана бу гапи ҳам шу қабилдандир:

«فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيْكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ»

– „Юзларингизни ва қўлларингизни тирсакларгача ювинглар“.[5:6]

Тирсакнинг озгина бўлса ҳам бир қисми ювилмагунича қўл тирсаккача ювилган ҳисобланмайди.

(65) Бухорий: 4149, 4150. Муслим: 1824. Абу Довуд: 2002. Дорамий: 1632.

(66) Бухорий: 1818. Муслим: 1841.

5— Шундан сўнг Аллоҳ Таоло рўза кечасида аёл билан қўшилиш мумкинлиги ҳақидаги ҳукмдан эътикофдаги одамнинг истисно қилинишини баён қиласи. Эътикофдаги одам то эътикофидан чиқмагунича жимо қилиши дуруст эмас. Айрим мусулмонлар эътикофда туриб, кечалари уйларига чиқиб, аёллари билан қўшилиб келардилар. Шундан кейин эътикофдаги одамнинг аёли билан қўшилишини тақиқловчи мана шу оят нозил бўлди.

وَأَنْتُمْ عَكْفُونَ فِي الْمَسْجِدِ **масжидларда эътикофда бўлган чогингизда**). Яъни, сизлар масжидларда эътикоф ўтирган бўлсангизлар. Эътикоф сўзининг луғавий маъноси қамалиб олиш ва бир жойда туришdir. Шариатда эса бу сўз маҳсус амалларни қилиш учун масжиддан чиқмасликни англаади.

Бу оятда эътикофнинг масжид билан қайдланадиганидан фақат масжиддагина эътикоф ўтириш мумкинлиги англашилади. Лекин эътикофдаги бу шарт аёлларга тегишли эмас. Чунки бу ерда хитоб эркакларга қаратилган. У тағлиб билан аёлларни ҳам ўз ичига олади, дейиш дуруст эмас. Чунки бу хитобнинг эркакларга қаратилаётганини билдирувчи бир қарина бор. У қарина

﴿وَلَا تُبَشِّرُوهُنَّ﴾

(улар билан қўшилманг!), деган гапдир. Мана шу қаринага кўра

﴿وَأَنْتُمْ عَكْفُونَ فِي الْمَسْجِدِ﴾

(**Масжидларда эътикофда бўлган чогингизда**), деган гапдаги хитоб фақат эркакларга қаратиляпти. У аёлларни ўз ичига олмаяпти. Шунга кўра, аёл кишининг эътикофига масжид шарт қилинмайди. Аёл киши ўз уйида эътикоф ўтираверади.

Пайғамбар ﷺ то вафот этгунларига қадар рамазон ойининг охирги ўн кунлигига эътикоф ўтирадилар. У кишидан кейин аёллари эътикоф ўтиришди. Демак, рамазон ойида эътикоф ўтириш суннатdir. Унинг учун улуғ савоб бордир.

6— Аллоҳ Таоло ояtnи шу айтиб ўтилган рўза ҳукмлари Аллоҳнинг ҳадлари эканини, яъни, улар гёё ҳақ билан ботилни ажратувчи ҳадлар, чегаралар эканини, ундан ўтиб кетган кимса ҳақ чегарасидан ўтиб, ботил диёрига кириб қолишини баён қилиш билан якунлаяпти.

Аллоҳ Таолонинг (فَلَا تَقْرِبُوهَا bas, уларга (Аллоҳнинг чегараларига) яқинлашмангиз!), деган гапи Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга тушиб қолишдан жуда қаттиқ қайтарилаётганига далилдир.

Яқинлашишдан қайтариш ичига киришдан жуда қаттиқ қайтаришдир.

Аллоҳ Таоло рўза ҳукмларини баён қилиб, уларни чегаралаб, чегаралардан ўтишни тақиқлаб қўйганидек, одамларнинг ишларига алоқадор барча ҳукмларни ҳам баён қилди ва уларга бўйсуниш Аллоҳнинг ғазаби ва азобидан сақланиш ҳамда Аллоҳнинг ризоси ва неъматига мушарраф бўлишга олиб боришини билдириди.

﴿كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُءَايَتِهِ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ﴾

(Одамлар ҳаром ишлардан сақланишилари учун Аллоҳ ўз оятларини мана шундай очик-равишан баён қиласди).



﴿وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَطْلِ وَتُدْلُوْا بِهَا إِلَى الْحَكَامِ لِتَأْكُلُوا فَرِيقًا مِنْ﴾

﴿أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْإِثْمِ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

– „188. Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ — ҳаром йўллар билан емангиз! (Яъни, бир-бирингизнинг ҳаққингизни еманг!) Ва (гуноҳ қилаётганингизни) билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ейши учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!“. [2:188]

Бу муборак оят рўза ҳақидаги оятларга атф бўлиб, уюшиб келяпти. Ҳолбуки, унинг мавзуси ибодатлар эмас, муносабатлардир. Бундан мақсад икки муҳим ишни баён қилишдир:

1 – Аллоҳнинг оятлари ва ҳукмлари ҳаммаси бир сафда туради. Ҳукмнинг ҳукмдан, фарзнинг фарздан фарқи йўқ. Ибодатларни баён қилган ҳам, муносабатлар, жазолар, сиёсату жиҳодни баён қилган ҳам, ахлоқни, қандай овқатланишу қандай кийинишни баён қилган ҳам Аллоҳ Таолодир. Бу ҳукмларнинг барчаси уларга бўйсуниш ва уларни бажариш лозимлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмайдилар. Ибодатлардаги фарз ҳам, муносабатлардаги фарз ҳам, жазо турларидағи фарз ҳам, халифага байъат бериш, жиҳод ва бошقا ҳукмлардаги фарз ҳам бирдир. Уларни бир-биридан ажратиш, бирини иккичисидан юқори қўйиш дуруст эмас. Ҳаммаси бир бўлиб, ажралмаслик бутунликни ташкил қиласдилар. Давлат, ҳаёт ва жамиятда уларнинг барчасини бирдек татбиқ этишга чақирилади.

2 – Айниқса рўза тутган одам ўзининг луқмасини тоза, пок, ҳалол бўлишига алоҳида эътибор бериши керак. У ўз луқмасини ҳалолдан топишга, пул топиш учун пора олиш, ёлғон гапириш, алдаш, мунофиқлик қилиш, Холиқни қўйиб, махлуқ ҳокимларга итоат этиб, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишига йўл очиб бериш, ёвузликни, зулмни ҳаспўшлаш каби ношаръий йўлларга мутлақо қадам босмаслиги лозим.

Токи, рўза тутган одам Аллоҳ Таоло шу рўздан кўзда тутган ҳикматини яъни, тақвони амалга оширсин. Шунинг учун Аллоҳ Таоло рўза ҳақидаги оятларнинг сўнгигида

﴿كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ ءَايَتِهِ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُوْنَ﴾

(одамлар ҳаром ишлардан сақланишилари учун Аллоҳ ўз оятларини мана шундай очиқ-равишан баён қиласди), деяпти. Шундан кейин бу оятга атф бўлиб, уюшиб молларни ноҳақ емаслик ҳақидаги оят келяпти. Молларни ноҳақ емаслик ўша юқорида айтиб ўтилган ҳикмат-тақвонинг самарасидир. Тақво ўз соҳибини ҳар қандай ҳаромдан, мол топишнинг барча ношаръий йўлларидан қайтаради, тияди.

Бундан ҳаромдан тийилиш фақат рўздорларгагина тегишли экан-да, деган маъно чиқмайди. Асло! Ҳаромдан тийилиш Аллоҳнинг барча бандаларга берган буйруғидир. Лекин бу буйруқ рўздорлар учун янада қаттиқроқ, савоби ҳам улуғроқдир. У рўздорларнинг ихлоси, садоқати, тақвоси қай даражадалигини кўрсатиб беради.

﴿وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بِالْبَطْلِ﴾

(Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ — ҳаром йўллар билан емангиз!). Яъни бир-бирингизнинг молингизни ноҳақ емангиз. Бу оят мана бу оятга ўхшайди:

﴿وَلَا تَلْمِزُوا أَنفُسَكُمْ﴾

– „Ўзларингизни (яъни, бир-бирингизни) мазах қилманглар“ [49:11]

Яъни, бир-бирингизни мазах қилманглар. Бу ерда кўпликни кўпликка тақсимлаш қоидаси ишламайди. Отларига миндилар, дейилганда кўпликни кўпликка тақсимлаш қоидаси ишлайди. Яъни, ҳаммалари ўз отига миндилар. Биз тафсир қилаётган бу оятда эса бу қоида ишламайди. Чунки шу қоидага солиб туриб, унга маъно берадиган бўлсак, у, ҳар бирингиз ўзининг молини емасин, деган маънода бўлиб қолади. (﴿يَنْكُمْ оَرَالَارِينَ﴾)

далолати билан бу оятдан бундай маъно кўзда тутилмаётгани кундек равшан бўлиб турибди.

(*Молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!*). Бу сўз аслида қудуққа аргамчи ташлаш маъносини англатади. Бу ерда мажозий маънода, нимагадир эришиш мақсадда (пора) узатиш маъносида қўлланяпти.

Яъни, уларнинг бир қисмини ёмон ҳокимларга пора тарзида узатманглар.

﴿لَنَّا كُلُّوا فَرِيقًا مِّنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْإِثْمِ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

(*Ва (гуноҳ қилаётганингизни) билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ейши учун*). Яъни, бошқаларнинг молини ноҳақ тортиб олиш учун. Берган пораларингиз туфайли у ҳокимлар сизларнинг фойдангизга ҳукм чиқарадилар. Ҳолбуки, сизлар ўзларингизнинг ноҳақ эканлигинизни жуда яхши биласиз.

Ўзининг ноҳақлигини билган одам ўзининг фойдасига чиқарилган ҳукм билан бирорнинг ҳақини олмасин. Акс ҳолда шу олган нарсаси дўзахнинг, ўтнинг бир бўллаги бўлади. Ҳадисда келади:

إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ وَإِنَّكُمْ تَخْتَصُّمُونَ إِلَيَّ وَلَعَلَّ بَعْضُكُمْ أَنْ يَكُونَ الْحَنَّ بِحُجَّتِهِ مِنْ بَعْضٍ فَاقْضَى عَلَى نَحْنِ مَا أَسْمَعْتُ مِنْهُ فَمَنْ قَضِيَتُ لَهُ بِشَيْءٍ مِّنْ حَقٍّ أَخِيهِ فَلَا يَأْخُذُنَّهُ فَإِنَّمَا أَفْطَعَ لَهُ قَطْعَةً مِّنْ نَارٍ

«Мен ҳам сизларга ўхшаган одамман. Сизлар даъволашиб менинг олдимга келасизлар. Эҳтимол кимдир гапга усталик қилиб, ўзини ҳақдор қилиб кўрсата олар ва мен эшитган гапимга асосланиб, унинг фойдасига ҳукм қилиб юборарман. Кимнинг фойдасига ўз биродарининг бирор ҳақини ҳукм қилиб юборган бўлсам, уни ҳаргиз ола кўрмасин. (Мен унга биродарининг ҳақини эмас), дўзахнинг, ўтнинг бир бўлгини берган бўламан»<sup>67</sup>

Бу оят ва ҳадис қозининг ҳукми ботинда эмас, фақат зоҳирда ижро этилишига далил бўлади. Ўзининг ноҳақ эканини билган одам ўзининг фойдасига ҳукм қилинган ҳақни олиши жоиз эмас.



(67) Бухорий: 2483, 6452. Муслим: 1259.

## Иккинчи пора, учинчи қисм, түртинчи чорак

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ**

﴿ يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْأَهْلَةِ قُلْ هَيْ مَوَاقِيتُ الْنَّاسِ وَالْحَجَّ وَلَيْسَ الْبَرُّ بِأَنْ تَأْتُوا أَلْبَيْوَتَ مِنْ ظُهُورِهَا وَلَكِنَّ الْبَرَّ مِنْ أَتَقْنَىٰ وَأَتُوْنَا أَلْبَيْوَتَ مِنْ أَبْوَبِهَا وَأَتَقْوَا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴾ ﴿ وَقَتْلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُقَاتِلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴾ ﴿ وَقَاتَلُوهُمْ حَيْثُ ثَقَفْتُمُوهُمْ وَأَخْرِجُوهُمْ مِّنْ حَيْثُ أَخْرِجُوكُمْ وَأَلْفَتُنَّهُ أَشَدُّ مِنَ الْقَتْلِ وَلَا تُقَاتِلُوهُمْ عِنْدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ حَتَّىٰ يُقَاتِلُوكُمْ فِيهِ فَإِنْ قَاتَلُوكُمْ فَاقْتُلُوهُمْ كَذَلِكَ جَزَاءُ الْكَفَرِينَ ﴾ ﴿ فَإِنْ أَنْتُهُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴾ ﴿ وَقَاتَلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الَّذِينَ لِلَّهِ فَإِنْ أَنْتُهُوا فَلَا عُدُوَانَ إِلَّا عَلَى الظَّالِمِينَ ﴾ ﴿ الْشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرُمَاتُ قَصَاصٌ فَمَنِ اعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَاعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا اعْتَدَى عَلَيْكُمْ وَأَتَقْوَا اللَّهَ وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ ﴾ ﴿ وَأَنْفَقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُقْوِيَ بِأَيْدِيكُمْ إِلَى الْتَّهْكِيَةِ وَأَحْسِنُوا إِنَّ اللَّهَ تُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴾ ﴿ وَأَتَمُوا الْحَجَّ وَالْعُرْمَةَ لِلَّهِ فَإِنْ أَحْصَرْتُمْ فَمَا أَسْتَيْسِرَ مِنْ أَهْدِي وَلَا تَحْلِقُوا رُءُوسَكُمْ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَهْدِي مَحِلَّهُ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مُّرِيضًا أَوْ بِهِ أَذْى مِنْ رَأْسِهِ فَفَدِيَةٌ مِّنْ صِيَامٍ أَوْ صَدَقَةٍ أَوْ نُسُكٍ فَإِذَا أَمِنْتُمْ فَمَنْ تَمَّعَ بِالْعُرْمَةِ إِلَى الْحَجَّ فَمَا أَسْتَيْسِرَ مِنْ أَهْدِي فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ فِي الْحَجَّ وَسَبْعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ تِلْكَ عَشَرَةً كَامِلَةً ذَلِكَ لِمَنْ لَمْ يَكُنْ أَهْلُهُ حَاضِرٍ الْمَسْجِدُ الْحَرَامُ وَأَتَقْوَا اللَّهَ وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴾ ﴿ الْحَجَّ أَشْهُرٌ مَعْلُومَاتٌ فَمَنْ فَرَضَ فِيهِ الْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقٌ وَلَا جَدَالٌ فِي الْحَجَّ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ حَيْرٍ

يَعْلَمُهُ اللَّهُ وَتَرَوْدُوا فَإِنَّ حَيْرَ الْرَّادِ الْتَّقْوَىٰ وَأَتَقُونِ يَتَأْوِلُ الْأَلَبِبِ ﴿١﴾ لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَتَبَعْغُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ فَإِذَا أَفْضَتُمُ مِنْ عَرَفَتِ فَادْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ وَادْكُرُوهُ كَمَا هَدَيْتُكُمْ وَإِنْ كُنْتُمْ مِنْ قَبْلِهِ لَمَنْ أَلْصَالَيْنِ ﴿٢﴾ ثُمَّ أَفِيضُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ النَّاسُ وَأَسْتَغْفِرُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣﴾ فَإِذَا قَضَيْتُمُ مَنْسِكَكُمْ فَادْكُرُوا اللَّهَ كَذِكْرِكُمْ إِبَاءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا فَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا إِاتِنَا فِي الدُّنْيَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلْقٍ وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا إِاتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقَنَا عَذَابَ الْنَّارِ ﴿٤﴾ أُولَئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِمَّا كَسَبُوا وَاللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ ﴿٥﴾

– „189. Сиздан ойлар ҳақида сўрашади. Айтинг: у (ойлар) одамлар ва ҳажж учун вақт ўлчовлари дир. Ўйларингизга орқа томонидан киришингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳдан қўрққан киши яхшилик қилгувчи дир. Ўйларга эшикларидан кирингиз! Ва Аллоҳдан қўрқинг! Шояд најсом топсангиз. 190. Сизларга қарши уришувчилар билан Аллоҳ ўйлида жсанг қилингиз ва тажсовузкор бўлмангиз! Шубҳасиз, Аллоҳ тажсовузкорларни севмайди. 191. Уларни (сизлар билан уруши олиб бораётганларни) топган жойингизда ўлдирингиз ва сизларни (қувиб) чиқарган жой (яъни Макка)дан уларни ҳам қувиб чиқарингиз! (Одамларни) алдаб, фитнага солиши ўлдиришдан ёмонроқдир. Ўзлари уруши бошлагунча улар билан Масжидул Ҳаром олдида урушмангиз! Бас, агар ўзлари уруши бошласалар, у ҳолда уларни ўлдиринглар! Кофиirlарнинг жазоси шундай бўлади. 192. Энди агар тўхтасалар (куфрандан кечиб, Исломга кирсалар), бас, албатта Аллоҳ кечиргувчи, раҳмлидир. 193. То фитна тугаб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан уришингиз! Энди агар тўхтасалар, у ҳолда сизлар ҳам тўхтанигиз! Зеро, фақат золимларга қарши душманлик қилиши мумкин. 194. Уруши ҳаром қилингандай ой уруши ҳаром қилингандай ой муқобилида бўлади. Ҳурматлар (бузилса, риоя қилинмаса) қасос (олинади). Бас, ким сизларга тажсовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажсовузлари муқобилида тажсовуз қилинг! Ва Аллоҳдан қўрқингиз! Билингларки, Аллоҳ Ўзидан қўрқувчилар билан биргадир. 195. Аллоҳ ўйлидаги (кураш учун молларингизни)

**сарфланглар! Ва** (бахиллик қилиши билан) **ўзингизни ҳалокатга ташламанг!** Яхшилик қилинг! Албатта Аллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади. 196. **Ҳаж жаңи** ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг! Агар (касаллик ёки йўлтўсарлар сабабли) йўлингиз тўсилиб қолса, мұяссар бўлган бирор ҳадя юборинг ва ҳадянгиз ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни (соchlарингизни) қирманг! Энди агар сизлардан (ҳожилардан) кимдир касал ёки бошида бирон дарди бўлса (шу узр билан ихромда турган ҳолида сочини қирдирса), у ҳолда (уч кун) **рўза тутшии ёки** (олти мискинга) **садака берши ёхуд** (бир қўй) сўйиши билан эваз тўласин! **Қачонки** (йўлтўсарлар ёки бошқа ҳар қандай монедан) **хотиржам бўлсангиз**, (ораларингиздан) **ким ҳажж** (йўлида) **умрадан фойдаланган бўлса** (яъни ҳажж мавсумида аввал умра амалларини бажариб, ихромдан чиқиб, сўнгра ҳажжга ихром боғлаган бўлса), мұяссар бўлган бирон ҳадяни юборсин! **Ким** (ҳадя қиласидиган нарса) **тона олмаса**, уч кун ҳажжда, **етти** кун қайтганидан кейин рўза тутсин! Бу тўла ўн кундир. Ушибу ҳукм аҳли — оиласи **Масжиудул Ҳаромда бўлмаган кишилар** учундир. (У ернинг аҳолиси учун бундай ҳуқуқ ва бурчлар йўқ). **Аллоҳдан кўрқингиз!** **Ва билингки, Аллоҳ — азоби қаттиқ, Зотдир.** 197. **Ҳажж** (мавсуми) **маълум ойлардир.** (Яъни Шаввол, Зулқаъда ва Зулҳижжса ойининг ўн куни). **Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажжни фарз қиласа** (ҳажж қилишини ният қиласа), ҳажж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қиласангиз, албатта Аллоҳ билади. **Ва** (ҳажж қилиши учун йўлга тушишидан аввал зарур озуқа билан) **таъминланиб олинг!** Энг яхши озуқа (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) **Аллоҳдан кўрқишидир.** Мендан кўрқингиз, эй аҳли донишилар! 198. (Ҳажж сафарида тижкорат қилиши билан) **Парвардигорингиздан фазлу қарам исташингиздан сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир.** Энди **Арафотдан тушганингиздан кейин** **Машъарул Ҳаромда** **Аллоҳни зикр қилинг!** У Зот сизларни — гарчи илгари адашганлардан бўлган эсангиз-да — ҳақ йўлга ҳидоят қилгани янглиг сизлар ҳам У Зотни эсланг — зикр қилинг!» 199. Сўнгра одамлар тушган томондан тушинглар ва **Аллоҳдан** (гуноҳларингизни) **магфират қилишини сўранглар!** Албатта Аллоҳ магфират қилгувчи, раҳмлидир. 200. Энди, маросимларингизни адо қилиб бўлгач, Аллоҳни аждодларингизни эслагандек, балки ундан-да қаттикроқ эсланг! Зотан одамлар орасида шундай кимсалар борки, «Эй Парвардигор, бизга мана шу дунёда бергин», дейди. Ҳолбуки, унинг учун **Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ.** 201. **Ва** уларнинг орасида шундай зотлар ҳам борки,

«Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин», дейдилар. 202. Ана ўша зотлар учун қилган ибодатлари (ҳаж, дуолари) шарофатидан насиба бор. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотdir“. [2:189-202]

### Тафсир:

﴿ يَسْأَلُونَكُمْ عَنِ الْأَهْلَةِ قُلْ هِيَ مَوَاقِيتُ لِلنَّاسِ وَالْحَجَّ وَلَيْسَ الْبَرُّ بِأَنْ تَأْتِيَنَا أَلْبُيُوتَ مِنْ ظُهُورِهَا وَلَكِنَّ الْبَرُّ مِنْ آتَقَنَا وَأَتَقُوا اللَّهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴾

– „189. Сиздан ойлар ҳақида сўрашади. Айтинг: у (ойлар) одамлар ва ҳаж учин вақт ўлчовлариdir. Уйларингизга орқа томонидан киришингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳдан кўрқсан киши яхшилик қилгувчиdir. Уйларга эшикларидан кирингиз! Ва Аллоҳдан кўрқинг! Шояд најсом топсангиз“ [2:189]

### Бу муборак оятдан қуийдагиларни англаб оламиз:

1 – Аллоҳ Таоло рўза ва унинг ҳукмларини баён қилганидан сўнг кейинги оятларда жиҳод, уруш ҳаром қилинган ой, ҳаж, маълум ойларини айтипти. Бу ерда Аллоҳ ойнинг яратилишидаги ҳикматни ҳам баён қиляпти. Ой дастлаб ипдек нозик ҳолда кўринади. Кейин катталашиб бориб, доира шаклида тўлишади. Ундан кейин яна қайта кичрайиб бориб, асли ҳолига келади. Аллоҳ баён қиляпти, ойнинг бундай бўлиши одамлар учун вақт ўлчовлариdir. Масалан, рўза учун вақт ўлчовидир.

«صُومُوا لِرُؤْيَتِهِ وَأَفْطُرُوا لِرُؤْيَتِهِ»

«Ойни кўриб рўза тутинглар, уни кўриб оғиз очинглар (рўздан чиқинглар)».<sup>68</sup> У ҳаж учун вақт ўлчовлариdir.

﴿الْحَجُّ أَشْهُرٌ مَعْلُومٌ﴾

– „Ҳаж (мавсуми) маълум ойлардиir“. [2:197]  
Йил ойлари учун вақт ўлчовлариdir.

«السَّنَةُ إِثْنَا عَشَرَ شَهْرًا مُنْذُ خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ مِنْهَا أَرْبَعَةُ حُرُمٌ: ثَلَاثَةُ سَرْدٌ: ذُو الْقَعْدَةَ وَذُو الْحِجَّةَ وَالْمُحْرَمُ، وَوَاحِدٌ فَرْدٌ: رَجَبٌ»

(68) Бухорий: 1776. Муслим: 1809.

«Йил осмонлару ер яратилганидан буён ўн икки ойдир. Улардан түрттаси ҳаром қилинган ойлар, уларнинг учтаси пайдар-пай келади: зул-қаъда, зул-ҳижжа, муҳаррам ойлари. Биттаси тоқ: ражаб оий».<sup>69</sup> Бошқа шаръий ҳукмлар учун вақт ўлчовларидир. Чунончи, закот учун бир йил айланиши, аёлларнинг иддаси ва бошқалар.

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«جَعَلَ اللَّهُ الْأَهْلَةَ مَوَاقِيتَ لِلنَّاسِ فَصُومُوا لِرُؤْيَتِهِ وَافْطُرُوا لِرُؤْيَتِهِ فَإِنْ غَمَ عَيْكُمْ فَعُدُوا ثَلَاثَيْنَ يَوْمًا»

**«Аллоҳ Таоло ойларни одамлар учун вақт ўлчовлари қилди. Уни кўриб рўза тутинглар, уни кўриб оғиз очинглар (рўздан чиқинглар), агар булутли кун бўлиб қолса, ойни ўттиз кунга етказинглар».**<sup>70</sup>

Аллоҳ Таоло ой ҳақида сўраганларга жавоб бериб, унинг одамлар учун вақт ўлчовлари эканини, яъни, уларга тегишли шаръий ҳукмлар вақтларининг баёни эканини билдириди.

(**آن‌الْأَهْلَةُ** ойлар). Бу сўз овозни баландлатиш маъносини англатади. Араблар ойни кўрганларида такбир ёки бошқа сўзларни айтиб ойнинг келишини тантанали кутиб олардилар. Айниқса, рўза, ҳаж каби ибодатлар ойи бўлганида бу иш янада жонли бўларди. Одамларнинг овозларини баланд кўтариб талбия айтишларини ифодалашда ҳам шу сўз ишлатилади. Боланинг чинқириб йиглашини ифодалашда ҳам шу сўз қўлланиши мумкин. Демак, бу ерда бу сўз ойни кўриб, овозни баландлатиш маъносида қўлланяпти.

2 – Аллоҳ Таоло ойлар умуман ҳукмлар учун, хусусан ҳаж учун вақт ўлчовлари эканини баён қилганидан кейин

﴿يَسْلُونَكُمْ عَنِ الْأَهْلَةِ قُلْ هَيْ مَوَاقِيتُ لِلنَّاسِ وَالْحَجَّ﴾

(сиздан ойлар ҳақида сўрашади. Айтинг: у (ойлар) одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир) жоҳилият даврида кенг тарқалган ҳажга алоқадор яна бир иш ҳақида гапиряпти. Жоҳилият даврида араблар ҳажга ихром боғлаганларидан кейин ўтроқ ёки кўчманчи бўлишидан қатъий назар бирорнинг уйи, бори ёки бошқа бир жойига эшигидан кириб бормасдан орқа тарафидан девордан ошиб ўтардилар ва бу ишларини яхши иш, деб ҳисоблардилар.

(69) Бухорий: 2958. Муслим: 3179. Абу Довул: 1663.

(70) Аҳмад: 4/23.

Аллоҳ уларга бу ишлари яъни, Аллоҳ рухсат берган ишни ҳеч бир далил ҳужжатсиз ўзгартириш яхшилик эмаслигини, балки яхшилик Аллоҳдан тақво қилиш, У Зотнинг шариатига бўйсуниш эканини баён қиляпти. Гўё уларга, бу ишингларни, уйларга орқа томонидан киришни ташланглар, уйларга эшикларидан кириб бораверинглар, Аллоҳ буюрган ишларни қилинглар ва Аллоҳ тақиқлаган ишлардан тийилинглар, деяпти.

Бухорий Барродан ривоят қилади: «Улар жоҳилият даврида эҳром боғлаганларидан кейин уйга орқа томонидан кирадилар. Шунда Аллоҳ Таоло

﴿وَلَيْسَ الْبِرُّ بِأَنْ تَأْتُوا الْبُيُوتَ مِنْ ظُهُورِهَا﴾

**(уйларингизга орқа томонидан киришингиз яхшилик эмас)** оятини нозил қилди».<sup>71</sup> Бу ривоят оятнинг мавзуси юқорида биз айтиб ўтган гап эканини кўрсатади. Шунинг учун ҳам лафзни ўзининг ҳақиқий маъносида, яъни, уйларнинг эшиклари ва орқа томонлари маъносида қўллаш яхшироқдир, тўғрироқдир.

Бироқ бу ердаги маънода киноя бор, деб эътибор қилинишига ҳам ҳеч бир монелик йўқ. Оятдаги уйларга орқа томонидан эмас, ўз эшигидан кириб боринглар, деган гапдан ишларга уларни бошқа тарафларга айлантирмасдан, бевосита юзма-юз ёндошинглар, деган маънони чиқариш ҳам мумкин.

Араблар айрим ҳолларда сўзни бир пайтнинг ўзида ҳақиқий маъносида ҳам, мажозий маъносида ҳам қўллайверишган. Масалан, чошгоҳда ухлайдиган, деган иборадан хизматкори бор, эрка, қиласидан иши йўқ одам ҳам, дангаса, бўлимсиз, эринчоқ одам ҳам тушунилаверган.

Шунинг учун

﴿وَلَيْسَ الْبِرُّ بِأَنْ تَأْتُوا الْبُيُوتَ مِنْ ظُهُورِهَا وَلَكِنَّ الْبِرَّ مِنْ أَتَقَّ وَأَتَوْا الْبُيُوتَ مِنْ أَجْوَبِهَا﴾

**(уйларингизга орқа томонидан киришингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳдан қўрқкан киши яхшилик қилгувчиидир. Уйларга эшикларидан кирингиз!)** оятидан уйларга ўз эшикларидан кириб боринглар, деган маънони ҳам, ишларга уларни бошқа тарафларга айлантирмасдан бевосита, юзма-юз ёндошинглар, деган маънони ҳам тушунишимиз мумкин.

(71) Бухорий: 4152:

﴿وَلَيْسَ الِّبَرَّ أَن تَأْتُوا الْبَيْوَكَ مِن ظُهُورِهَا﴾

(Уйларингизга орқа томонидан кишишингиз яхшилик эмас) (آلِيٰرِ) ) сўзи бу ерда раф ўқиляпти, яъни, (ليں)нинг исми бўлиб келяпти. Ҳамма мутавотир қироатларда шундай. (آلِيٰرِ)нинг хабари эса (آن تأتو) (دیر, масдардир. Чунки зоида ҳарфи жар – бо (کیس)нинг исмига эмас, хабарига киради.

Ўтган

﴿لَيْسَ الِّبَرَّ أَن تُولُوا وُجُوهَكُمْ قَبْلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ﴾

– „Юзларингизни Mashrik ва Magrib томонларига бураверишингиз яхшилик эмас“. [2:177]

оятида эса (آلِيٰرِ) сўзи Пайғамбар ﷺдан ривоят қилингандан мутавотир қироатларда ҳам насл ва ҳам раф ўқилган. Раф бўлса, (ليں)нинг исми бўлиб, хабари маҳаллан насл бўлган (آلِيٰرِ) бўлади. Насб ўқилганда эса (کیس)нинг хабари бўлиб, унинг исми маҳаллан раф бўлган (آن تولوا) бўлади.



﴿وَقَاتُلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُقَاتِلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴾  
 ﴿وَاقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَقِفْتُمُوهُمْ وَأَخْرِجُوهُمْ مِنْ حَيْثُ أَخْرَجُوكُمْ وَالْفِتْنَةُ أَشَدُ مِنَ الْقَتْلِ وَلَا تُقْتِلُوهُمْ عِنْدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ حَتَّىٰ يُقْتَلُوكُمْ فَإِنْ قَتَلُوكُمْ فَاقْتُلُوهُمْ كَذَلِكَ جَزَاءُ الْكُفَّارِينَ ﴾  
 ﴿فَإِنْ آتَهُوَا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴾ وَقَاتُلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الَّذِينُ لَهُ فَإِنْ آتَهُوَا فَلَا عُدُوانَ إِلَّا عَلَى الظَّالِمِينَ ﴾

– „190. Сизларга қарши урушуучилар билан Аллоҳ йўлида жсанг қилингиз ва тажсовузкор бўлмангиз! Шубҳасиз, Аллоҳ тажсовузкорларни севмайди. 191. Уларни (сизлар билан уруши олиб бораётганларни) топган жойингизда ўлдирингиз ва сизларни (кувиб) чиқарган жой (яъни Макка)дан уларни ҳам қувиб

**чиқарингиз!** (Одамларни) алдааб, фитнага солиш ўлдиришидан ёмонроқдир. Ўзлари уруши бошлагунча улар билан Масжидул Ҳаром олдида урушмангиз! Бас, агар ўзлари уруши бошласалар, у ҳолда уларни ўлдиринглар! Кофирларнинг жазоси шундай бўлади. 192. Энди агар тўхтасалар (куфрдан кечиб, исломга кирсалар), бас, албатта Аллоҳ кечиргувчи, раҳмлидир. 193. То фитна тугаб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан урушингиз! Энди агар тўхтасалар, у ҳолда сизлар ҳам тўхтангиз! Зеро, фақат золимларга қарши душманлик қилиши мумкин“.

[2:190-193]

Аллоҳ Таоло бу оятларда қуйидагиларни баён қиласди:

1 – Аллоҳ Таоло олдинги оядда ҳаж ишларини баён қилган бўлса, бу оятларда урушга доир ишларни баён қилди. Кейин яна Аллоҳ Таоло ҳаж ҳақидаги гапга қайтипти.

﴿وَاتَّمُوا الْحَجَّ وَالْعُمَرَةِ لِلَّهِ﴾

(Хаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг!). Ҳаж ҳақидаги оятларнинг охиригача.

Аллоҳ Таоло кўп оятларда ҳаж билан жиҳодни бир қаторда зикр қилган. Масалан, Бақара сурасидаги мана бу оятларни олайлик:

﴿وَلَا تَقُولُوا لِمَن يُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتٌ بَلْ أَحْيَاءٌ وَلَكِن لَا تَشْعُرونَ ﴾  
 وَلَبَّلُونَكُم بِشَيْءٍ مِنَ الْحَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشَرٌ  
 الْصَّابِرِينَ ﴾ الَّذِينَ إِذَا أَصَبَّتُهُمْ مُصِيبَةً قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ  
 أُولَئِكَ عَيْمَمٌ صَلَوَاتٌ مِنْ رَبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهَتَّدُونَ ﴾

– „Ва Аллоҳ ўйлида ҳалок бўлган шаҳидлар ҳақида: «Булар ўликлар», демангиз! Йўқ, улар тириклардир, лекин сизлар сезмайсизлар. Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева - чеваларни камайтириши каби нарсалар билан имтиҳон қиласми. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг (эй Мухаммад). Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (магифират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ ўйлни топгувчилардир“.

[2:154-157]

Мана шулардан кейин Аллоҳ Таоло ҳаж ва умрани зикр қиласди:

﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَابِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ أَعْتَمَرَ﴾

- „Албатта Сафо ва Марва Аллох (буюрган) маросимларданодир. Бас, ким ҳаж әки умра қылса...“ [2:158]

Энди Ҳаж сурасидаги мана бу оятларни күриб чиқайлик:

﴿وَإِذْ بَوَأْنَا لِإِبْرَاهِيمَ مَكَانَ الْبَيْتَ أَن لَا تُشْرِكُ بِي شَيْئًا وَطَهَرْ بَيْتِي لِلظَّاهِرِينَ وَالْقَائِمِينَ وَالرُّكْعَعِ السُّجُودِ وَأَدْنَى فِي النَّاسِ بِالْحَجَّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَى كُلِّ صَامِرٍ يَأْتِيَتَ مِنْ كُلِّ فَجَّ عَمِيقٍ لِيَسْهُدُوا مَنَفِعَ لَهُمْ وَيَذْكُرُوا أَسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَعْلُومَاتٍ عَلَى مَا رَزَقَهُمْ مِنْ بَهِيمَةِ الْأَنْعَمِ فَكُلُوا مِنْهَا وَأَطْعُمُوا الْبَائِسَ الْفَقِيرَ ثُمَّ لَيَقْضُوا تَفَثَّهُمْ وَلَيُوفُوا نُذُورَهُمْ وَلَيَطَوَّفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ ذَلِكَ وَمَنْ يُعْظِمَ حُرْمَتَ اللَّهِ فَهُوَ حَيْرٌ لَهُ عِنْدَ رَبِّهِ وَأَحْلَتْ لَكُمُ الْأَنْعَمُ إِلَّا مَا يُتَّلِى عَلَيْكُمْ فَاجْتَنِبُوا الْرِّجْسَ مِنَ الْأَوْثَنِ وَاجْتَنِبُوا قَوْلَ الْأَزُورِ حُنْفَاءَ اللَّهِ غَيْرَ مُشْرِكِينَ بِهِ وَمَنْ يُشْرِكُ بِاللَّهِ فَكَانَمَا حَرَّ مِنَ السَّمَاءِ فَتَحْطَفُهُ الْطَّيْرُ أَوْ تَهُوِي بِهِ الرِّسْخُ فِي مَكَانٍ سَحِيقٍ ذَلِكَ وَمَنْ يُعْظِمَ شَعْبَرَ اللَّهِ فَإِنَّهَا مِنْ تَقْوَى الْقُلُوبِ لَكُمْ فِيهَا مَنَفِعٌ إِلَى أَجْلٍ مُسَمٍّ ثُمَّ مَحْلِهَا إِلَى الْبَيْتِ الْعَتِيقِ وَلِكُلِّ أُمَّةٍ جَعَلْنَا مَسِكًا لِيَذْكُرُوا أَسْمَ اللَّهِ عَلَى مَا رَزَقَهُمْ مِنْ بَهِيمَةِ الْأَنْعَمِ فَإِلَهُكُمْ إِلَهُ وَاحِدٌ فَلَهُ أَسْلِمُوا وَدَشِرُ الْمُحْبِتِينَ الَّذِينَ إِذَا ذِكْرُ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَالصَّابِرِينَ عَلَى مَا أَصَابُهُمْ وَالْمُقِيمِي الْصَّلَاةِ وَمِمَّ رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ وَالْبُدُّونَ جَعَلْنَاهَا لَكُمْ مِنْ شَعْبَرِ اللَّهِ لَكُمْ فِيهَا حَيْرٌ فَادْكُرُوا أَسْمَ اللَّهِ عَلَيْهَا صَوَافَ فَإِذَا وَجَبَتْ جُنُوبُهَا فَكُلُوا مِنْهَا وَأَطْعُمُوا الْقَانِعَ وَالْمُعْتَرَ كَذَلِكَ سَخَّرْنَاهَا لَكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشَكُّرُونَ لَنْ يَنَالَ

اللَّهُ لُحُومُهَا وَلَا دِمَاؤُهَا وَلِكُنْ يَتَأَلَّهُ الْتَّقَوَىٰ مِنْكُمْ كَذَلِكَ سَخْرَهَا لَكُمْ لِتُكَبِّرُوا اللَّهُ عَلَىٰ مَا هَدَى لَكُمْ وَبَشِّرُ الْمُحْسِنِينَ ﴿١٣﴾

- „26. (Эй Мұхаммад), эсланғ *Биз Иброҳимга Байтуллоҳнинг ўрнини* (үша уйга қараб ибодат қилиши ва уни обод қилиши учун) **белгилаб бериб,** (унга шундай деган әдик): «*Сен Менга бирон нарсаны шерик қилмагин ва Менинг Байтим — Уйимни тавоғ қилгувчилар қиём, яъни намозда тик гоз туриш, руку, сақса қилгувчилар* (яъни үша жойда намоз ўқигувлар) учун пок тутгин!
- 27. Ва одамлар орасида** (юриб уларни) ҳажсга чақирғын, улар сенга (яъни сенинг даъватингга жавобан) яёв ҳолларида **ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-холдан тойған туюлар устида келурлар.**
- 28. Улар ўзлари учун бўлган** (диний ва дунёвий) манфаатларга шоҳид бўлиши учун **ва маълум кунларда** (яъни қурбон ҳайити кунларида Аллоҳ) уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (қурбонлик учун сўйини) **устида Аллоҳ номини зикр қилиши учун** (келурлар). **Бас, ундан ўзларингиз ҳам еяверинглар, бечора камбагалларга ҳам едиринглар.** **29. Сўнгра** (қурбонлик қилганларидан кейин) улар кирларини **кетказсинлар** (яъни эҳромдан чиқиб, сочларини олдириб, тоза либосларини кийисинлар), **назрларини** (яъни зиммаларидағи ҳаж мажбуриятларини) **тўла адо қилсинлар ва «Эски Уй»ни тавоғ қилсинлар!** **30—31. (Иш) шудир.** Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни **хурмат** (риоя) қиласа, **бас бу Парвардигори наздида ўзи** учун яхшидир. **Сизлар учун** (ҳаром эканлиги) **тиловат қилинадиган нарсалардан бошқа** (барча) **чорва моллари ҳалол қилинади.** **Бас сизлар Аллоҳ учун ҳақиқий** (йўлдан оғмаган мусулмон) **бўлган ва У Зотга ширк келтиргувчи бўлмаган ҳолингизда бутлардан иборат нажосатдан йироқ бўлингиз ва ёлғон сўздан йироқ бўлингиз!** Ким Аллоҳга ширк келтирса бас, у гўё осмондан **кулагану уни** (бирон ваҳший) **куш** (ўлжса қилиб) **олиб кетган ёки** (қаттиқ) **шамол йироқ жойларга учириб кетган** **кабидир.** **32. (Иш) шудир.** Ким Аллоҳ қонунларини **хурмат** қиласа, **бас, албатта** (бу хурмат) **дилларнинг тақвадорлиги сабабли бўлур.**
- 33. Сизлар учун уларда** (яъни Байтуллоҳда қурбон қилиши учун олиб кетаётган қўй, мол, туюларингизда) **маълум муддатгача фойдаланған манфаатлар бордир** (яъни йўлда уларни қўзилатиб, согиб, миниб фойдаланиб кетишларингиз жоиздир. **Сўнгра Эски Уйга** (етгач) **уларни сўйини** (вожибдир). **34. Биз** (сизлардан аввалги мўмин миллатлардан ҳам) **барча миллатга** (Аллоҳ) **уларни ризқлантирган чорва ҳайвонларини** (сўйини-қурбон қилиши) **устида Аллоҳнинг**

*номини зикр қилишлари учун курбонлик қилишини буюрганмиз. Бас, (барчаларингизнинг) илоҳингиз бир Илоҳдир. Бас, Унгагина бўйсунингиз! Итоат қилгувчи зотларга хушхабар беринг! 35. Улар Аллоҳ зикр қилинганида диглари қўрқувга тушадиган, ўзларига етган балоларга сабр-тоқат қиласидиган, намозни тўкис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиласидиган зотлардир. 36. (Байтуллоҳда курбон қилинаидиган) туя-молларни Биз сизлар учун Аллоҳ қонунларидан қилди. Сизлар учун уларни (курбон қилишида) яхшилик бордир. Бас улар (сўйини учун) тизиб қўйилган ҳолларида Аллоҳ номини зикр қилингиз. Энди қачон ёнбоишлари билан тушганларида (яъни жсон таслим қилганларида) улардан (ўзларингиз ҳам) еяверинглар, (бировдан бир нарса сўрамайдиган) қаноатли кишига ва (муҳтож) тиланчига ҳам едиринглар. шукур қилишларингиз учун Биз уларни (яъни туя-молларни) сизларга бўйсундирдик. 37. Аллоҳга (қилган курбонликларингизнинг) гўштлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин у Зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли У Зотни улуглашларингиз учун (яъни курбонликларингизни сўяётган пайтингизда Аллоҳнинг исмини зикр қилишингиз учун) уларни сизларга бўйсундирниб қўйди. Яхшилик қилгувчиларга хушхабар беринг“.* [22:26-37]

Аллоҳ Субҳанаҳу буларни зикр қилгандан кейин уруш оятларини зикр қилди.

﴿إِنَّ اللَّهَ يُدْفِعُ عَنِ الَّذِينَ أَمْتُوا إِنَّ اللَّهَ لَا تُحِبُّ كُلَّ حَوَانٍ كَفُورٌ ﴾ أَذِنَ اللَّذِينَ يُقَاتَلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَى نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ ﴾ الَّذِينَ أَحْرَجُوا مِنْ دِيَرِهِمْ بِغَيْرِ حَقٍّ إِلَّا أَنْ يَقُولُوا رَبُّنَا اللَّهُ وَلَا دَفْعَ اللَّهِ النَّاسَ بَعْضِهِمْ بِعَصْمِهِ هُدِدْمَتْ صَوَامِعْ وَبَيْعَ وَصَلَوَاتْ وَمَسَاجِدْ يُذَكَّرُ فِيهَا أَسْمُ اللَّهِ كَثِيرًا وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَنْ يَنْصُرُهُ إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ ﴾ الَّذِينَ إِنْ مَكَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ أَقَامُوا الصَّلَاةَ وَإِنَّهُمْ أَلَّرَكَوْةَ وَأَمْرُوا بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَا عَنِ الْمُنْكَرِ وَلِلَّهِ عِقبَةُ الْأُمُوْرِ﴾

– „38. Албатта Аллоҳ имон келтирган зотларни мудофаа қилур. Албатта Аллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилгувчиларни сўйимас. 39. Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жсанг қилиши) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни голиб қилишига қодирдир. 40. Улар ўз диёrlаридан

*фақатгина «Бизнинг Парвардигоримиз (ягона) Аллоҳдир», деганлари учун қувилган зотлардир. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) бутхоналари, (яхудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни голиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир. 41. Уларни (яъни мусулмонларни) агар Биз ер юзига голиб қилсанк улар намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар. (Барча) ишларнинг оқибати Аллоҳнинг (измидадир)».* [22:38:41]

Ҳаж ибодатларини адо қилишда, хусусан, киши ҳаж қилиш учун ўз диёридан узоқлашган пайтида бўладиган машаққат жиҳодда дуч келинадиган машаққат билан биргаликда кўп оятларда ҳаж ва жиҳод олдинма-кейин, кетма-кет зикр қилинганидаги ҳикматни кўрсатиб бераётгандек, туюлади кишига.

Гўё мабур (қабул қилинган) ҳажнинг ҳам, Аллоҳнинг йўлида шаҳид бўлишнинг ҳам гуноҳларга каффорат бўлиши ҳаж билан жиҳод ўртасидаги ўта муҳим бир муносабатни, боғлиқликни баён қилаётгандек, туюлади кишига.

Оиша ﷺ Пайғамбар ﷺдан жиҳод фақат эркакларга фарз қилингани, аёлларга фарз қилинмагани, бунда эркакларни ортиқ кўриш борлиги ҳақида сўраганида Пайғамбар ﷺ шундай жавоб берганлар:

«إِنْ عَلَيْكُنَّ جِهَادًا لَا قَسَالَ فِيهِ: حَجُّ إِلَى بَيْتِ اللَّهِ الْحَرَامِ»

**«Сизларга шундай жиҳод фарз қилинганки, унда уруш булмайди. У Аллоҳнинг Байтул Ҳаромини ҳаж қилишдир».**<sup>72</sup>

Пайғамбар ﷺ ҳижратнинг ўнинчи йилида видолашув ҳажини қилиб бўлгач, мусулмонларга ҳажнинг ибодатларини, йўл-йўриқларини баён қилдилар. Пайғамбар ﷺнинг шундан кейинги биринчи иши Мадинага бориб, Усоманинг қўшинини Румга қарши урушга отлантириш бўлди. Яъни, ҳаждан бўшаганларидан кейинги биринчи иши жиҳод бўлди.

Абу Бакр ﷺ ҳижратнинг ўн иккинчи йили ҳаж қилиб, Мадинага қайтди. Шундан кейин унинг қилган биринчи иши қўшинларни Форс ва Румга қарши урушга юбориш бўлди.

(72) Бухорий: 1423,1728. Аҳмад: 6 / 165. Ибн Можа: 2892.

Ўшандан сўнг Ярмук жанги бўлганди. Абу Бакр  шу жанг пайтида вафот этганди.

Холид  Ироқдаги жанги асносида ҳаж қилди. Ҳаж ибодатларини тўла қилиб бўлганидан кейин, қайтиб бориб, жиҳодини охирига етказди.

Умар  ҳижратнинг ўн тўртинчи йили ҳаж қилиб, ҳаж қилиш орасида мусулмонларни Қодисиядаги форсларга қарши урушга чақирди.

Хулафои рошидинлардан кейинги айрим тақводор халифалар ҳам шундай қиласидилар. Улардан айримлари бир йили ҳаж қилса, яна бир йили жиҳод қиласиди. Гўё ҳаж билан жиҳод бирбири билан алоқадордек, бир-бирини тўлитиб турадигандек.

Аллоҳнинг Китобидаги, Пайғамбар  суннатларидағи, хулафои рошидинлар ва уларга эргашган солиҳларнинг сийратидаги ҳаж ва жиҳод мана шу. Уларнинг ҳаж сари гуррос уриб боришлари, жиҳод сари шиддат билан боришларига ўхшарди. Кейин эса...

﴿خَلَفَ مِنْ بَعْدِهِمْ حَلْفُ أَصْنَاعُوا الْصَّلَاةَ وَأَتَبَعُوا الشَّهَوَاتِ فَسَوْفَ يَلْقَوْنَ غَيَّاً﴾

— „Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиласидиган ва шаҳватларга бериласидиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди у (ўринбосарлар) албатта ёмонликка (яъни ёмон жазога) йўлиқурлар“.  
[19:59]

Ислом ҳукмларини бир-биридан ажратиб юбордилар. Қайсиdir даражада ибодатларга даъват қилишга рухсат бердилару аммо Халифаликка, жиҳодга даъват қилишни батамом тақиқладилар. Улар намозни хилофатдан, ҳаж сари боришини жиҳод сари боришдан айирдилар. Улар ҳатто Аллоҳнинг динидаги жиҳодни бекор қилишгача ёки тинчлик жиҳоди, деган тутуриқсиз гапларни топиб айтишгача бордилар. Пировардида эса ҳеч уялмасдан ўз анжуманларида уни бекор қилдилар. Уларни Аллоҳ лаънатласин! Қандай адашмоқдалар-а.

Ислом ажралмас бир бутунликдир. Унинг ҳукмлари бир-бирига киришган. Undagi ибодатларни муносабатлардан, ахлоқ ва ейимлигу кийимликка доир ишларни хилофат, халифага байъат бериш, мусулмон қўшинини урушга тайёрлаш ишларидан, қўшнилар билан яхши муомалада бўлиш ва ота-онага яхшилик қилиш ишларини ҳарбий сиёsat ва халқаро алоқаларга доир ишлардан ажратиб бўлмайди.

Аллоҳнинг Китобида мана шундай. Пайғамбар  суннатларида мана шундай. Хулафои рошидинлар ва уларга эргашганларнинг сийратларида мана шундай. Аллоҳ бизни

Фирдавс жаннатларида ўшалар билан бирга қилсин. Аллоҳнинг ризоси ҳар қандай мақсаддан улуғдир.

﴿وَمَنْ يُطِعَ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِّنَ الَّذِينَ وَالصَّدِيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّابِرِينَ وَحَسْنَ أُولَئِكَ رَفِيقًا﴾

– „Кимда-ким Аллоҳ ва пайгамбарга итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар — пайгамбарлар ҳакрости имон эгалари, шаҳидлар ва фақат яхши амаллар билан ўтган кишилар билан бирга бўлурлар. Улар эса энг яхши ҳамроҳлардир“.  
[4:69]

2 – Аллоҳ Таоло бизни Аллоҳнинг йўлида бизга қарши уришувчиларга қарши уруш қилишга буюрятти. Бизга қарши уришувчилар биз билан уруш қилишга қодир бўлган муҳориб кофирлардир. Биз билан уруш қила олмайдиган аёллар, гўдаклар, қарилар, олимлару руҳонийлар бизга қарши уришувчиларга кирмайди. Агар улар ҳам бизга қарши уруш қилса, улар билан ҳам уришамиз. Лекин умумий ҳукмда биз айтиб ўтганимиздек, бизга қарши уришувчилар билангина жанг қилишга буюрилганмиз.

Аллоҳ Таоло бизни жангда тажовуз қилишдан, ҳаддан ошишдан, гўдак, қари одам ё аёлни ўлдиришдан ёки Аллоҳнинг буйруқларига тажовуз қилиб, шаръий хужжат билан ўз исботини топган ҳарбий сиёsat тақозо қилмай туриб, хиёнат, алдов, мусла, дарахтни қўпориш каби ношаръий ишларни қилишдан қайтаряпти.

Пайғамбар ﷺ қўшинни урушга юбораётib шундай дердилар:  
«اغْرُوا فِي سَيِّلِ اللَّهِ، قَاتَلُوا مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ، اغْرُوا وَلَا تَغْلُبُوا وَلَا تَعْدُرُوا وَلَا تُمَثُلُوا وَلَا تَقْتُلُوا الْوَلِيدَ وَلَا أَصْحَابَ الصَّوَامِ»

«Аллоҳнинг йўлида газот қилинглар. Аллоҳга куфр келтирганлар билан жанг қилинглар. Газот қилинглар, алдаманглар, хиёнат қилманглар, мусла қилманглар, чақалоқ ва ибодатхоналар эгаларини (ходимларини) ўлдирманглар».<sup>73</sup>

3 –

﴿وَقَتْلُوا فِي سَيِّلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُقَاتِلُونَكُمْ﴾

(73) Аҳмад: 4 / 240, 5 / 352.

(Сизларга қарши урушуучилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз). Яъни, Аллоҳнинг йўлида сизлар билан уришувчи кофирларга қарши жанг қилинглар. Бу гапдан сизларга қарши уруш бошлаганлар билан, деган маъно чиқмайди. Биз бизга қарши уруш қилишга қодир бўлган кофирлар билан жанг қилишга буюрилганмиз. Зоро, жиҳод мудофаа уруши эмас, кофирлар билан биринчи бўлиб жанг бошлашдир. Яъни, жиҳод фақат кофирлар бостириб келган пайтдагина қилинадиган иш эмас.

Аллоҳнинг оятлари ва Пайғамбар ﷺ суннатлари жиҳоднинг Исломни ёйиш, юртларни фатҳ этиш ва Аллоҳнинг сўзини олий қилиш учун кофирларга қарши биринчи бўлиб уруш бошлаш эканини баён қиласди.

﴿قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلْوَنُكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلَيَجِدُوا فِيْكُمْ غَظَةً﴾

– „Ёнларингиздаги кофирга қарши жанг қилинглар ва улар сизлардаги куч-кувватни кўрсинглар!“. [9:123]

﴿وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الَّذِينُ لِلَّهِ﴾

– „То фитна тугаб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан урушингиз!“. [2:193]

﴿قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا تُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَبَ حَتَّىٰ يُعَطُوا الْحِزْبَةَ عَنْ يَدِهِمْ صَغِرُونَ﴾

– „Аллоҳга ва охират қунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Унинг пайгамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни Ислом) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) соликни тўламагунларича, жанг қилингиз!“. [9:29]

Булардан бошқа ҳам жуда кўп оятлар борки, уларнинг ҳаммаси Исломни ёйиш учун кофирларга қарши биринчи бўлиб уруш очишга далолат қиласди.

Энди Пайғамбар ﷺ суннатларидан далиллар келтирайлик:

«اَغْرُوا فِي سَيِّلِ اللَّهِ، قَاتِلُوا مَنْ كَفَرَ»

«Аллоңнинг йўлида газот қилинглар. Куфр келтирган кимсага қарши жанг қилинглар...».<sup>74</sup>

«ادعوهم إلى ثلاثة خصال فـأيّهـنـ أجاـبـوكـ فـاقـبـلـ منـهـمـ . . . .»

«Уларни уч ишга даъват қил. Қайси бирини қабул қилишса, рози бўл...»<sup>75</sup>

Пайғамбар ﷺ нинг замонларида, хулафои рошидинларнинг замонида амалга ошган фатҳлар шунга гувоҳдир. Уларнинг ҳаммасида Аллоҳнинг сўзини олий қилиш учун жанг биринчи бўлиб бошланган.

﴿وَقُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُقَاتِلُونَكُمْ﴾

(Сизларга қарши уришувчилар билан Аллоҳ йўлида жсанг қилингиз). Оятнинг маъноси мана бундай бўлади:

Аллоҳнинг йўлида сизларга қарши урушаётган кофирлар билан жанг қилинглар. Тажовуз қилиб, ҳаддан ошиб, сизлар билан урушмаётган аёллар, гўдаклар, қарилар, олимлару руҳонийларни ҳам ўлдириб юборманглар. Агар улар ҳам сизларга қарши уришадиган бўлса, улар билан ҳам жанг қилинглар. Пайғамбар ﷺ бир ўлдирилган аёлнинг олдидан ўтаётисб,

«مَا كَانَ هَذِهِ لِتُقَاتَلَ»

**«Бу ўлдирилиши керак әмас әди.** (бу билан жанг қилинмаслыги керак әди)»,<sup>76</sup> дедилар. Унинг ўлдирилишини инкор қилдилар. Шу ҳадиснинг мағұмидан агар у уришганида уни ўлдириш дұруст бўларди, деган маъно чиқади.

(*وَلَا تَعْتَدُوا*). Яъни, душман билан

жанг қилишда шариат ҳукмлари чегарасидан ўтманлар, жангда ҳаром ишларни қилманлар. Ундан то душманнинг ўзи уруш бошламагунича зинхор у билан урушманлар, деган маъно чиқмайди. (Ундан то душманнинг ўзи уруш бошламагунича у билан жанг қилманлар, деган маъно ҳеч қанақасига чиқмайди).

Шунинг учун бу оят Исломнинг аввалидаги фақат мусулмонларга ҳужум бўлиб қолган пайтдагина уруш қилиш вожиб бўлган пайтга тегишли, кейин урушни биринчи бўлиб бошлаш ҳақидаги ҳужжат билан бу оят насх бўлган, деган гапга ўрин йўқ. Негаки, икки ҳужжат ўртасида ҳар томонлама қарама-

(74) Ахмадъ 4/240 5/352

(75) Аҳмад. 4/ 240,  
Муслим: 3261

(76) Абу Довуд: 2295 Ахмад: 4 / 178 3 / 488

қаршилик бўлсагина насхга таянилади. Бу ерда эса ундаи қарама-қаршилик кўринмаяпти. Зоро, бу оят урушни биринчи бўлиб бошлашдан эмас, жанг пайтида ҳаддан ошишдан, шариат рухсат берган чегарадан ўтиб кетишдан қайтаряпти.

﴿وَلَا تَعْتَدُوا﴾

(*Ва тажовузкор бўлмангиз!*), дегани урушни биринчи бўлиб бошламанглар, дегани эмас, балки урушда шариат белгилаб берган чегаралардан ўтиб кетманглар, яъни, мусла қилиш, гўдакларни ўлдириш каби ношаръий ишларни қилманглар, деганидир. Шунга кўра, уруш ҳақидаги оятлар ўртасида зиддият ўйқ, бинобарин, насх ҳам бўлиши мумкин эмас.

4 – Аллоҳнинг йўлидаги жанг қандайдир манфаат, риё ёки шон-шавкат учун эмас, Аллоҳнинг сўзини олий қилиш учун қилинган жангдир. Мана бу ҳадисга бир қулоқ солайлик:

«سُلَيْلَ رَسُولُ اللَّهِ عَنِ الرَّجُلِ يُقَاتَلُ شَجَاعَةً وَيُقَاتَلُ حَمَيَّةً وَيُقَاتَلُ رِيَاءً، أَيُّ ذَلِكَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ؟ فَقَالَ: مَنْ قَاتَلَ لَتَكُونَ كَلِمَةُ اللَّهِ هِيَ الْأَعْلَى فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

«Пайғамбар ﷺдан, кимdir ўзининг қўрқмаслигини намойиш қилиш учун жанг қиласди, кимdir ҳамиятидан келиб чиқиб жанг қиласди, яна кимdir риё учун жанг қиласди, шулардан қайси бири Аллоҳ йўлидаги жанг бўлади, деб сўрадилар. Айтдиларки: **ким Аллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун жанг қилса, ўша одамнинг жанги Аллоҳнинг йўлидаги жангдир**.»<sup>77</sup>

Риё учун, ватан учун, дунёвий манфаат учун қилинган жанг Аллоҳнинг йўлидаги жанг эмас. Шунинг учун бошқа ибодатлар каби жиҳода ҳам ният эътиборлидир. Жиҳоднинг ҳақиқий бўлишига ният шартдир.

﴿أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَعْلَمِ اللَّهُ الَّذِينَ جَاهَدُوا مِنْكُمْ وَيَعْلَمُ الْأَصْبَرِينَ﴾

– „(Эй мўминлар), ёки Аллоҳ сизларнинг ичингиздан ким ҳақ йўлда курашган-у, ким сабр-тоқат қилганини мутлақо билмай туриб жаннатга кирамиз, деб ўладингизми?!“ [3:142]

5 – Аллоҳ Таолонинг оятлари ва Пайғамбар ﷺнинг ҳадислари уруш ва уруш сиёсатига доир ишларни баён қилган.

﴿وَأَفْتَلُوهُمْ حَيْثُ ثَقْفَتُمُوهُمْ وَأَحْرِجُوهُمْ مِنْ حَيْثُ أَحْرَجْجُوكُمْ﴾

(*Уларни (сизлар билан уруши олиб бораётганларни) топган жойингизда ўлдирингиз ва сизларни (кувиб) чиқарган жой (яъни*

<sup>(77)</sup> Бухорий: 120, 2599, Муслим: 3525.

*Макка)дан уларни ҳам қувиб чиқарингиз!).* Бу оятда Аллоҳ Таоло урушга доир икки ишни баён қиляпти.

а) *عِنْدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ مَسْجِدُ Ҳаром олдида*). Мана шу муборак оят истисно қилган жойдан бошқа ҳамма ерда муҳориб коғирлар билан жанг қилиш жоиз. Ҳатто шу оядаги жойда яъни, Масжидул Ҳаромда ҳам агар улар биз билан жанг қиладиган бўлсалар, уларга қарши уруш қилиш мумкин.

(*وَأَقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَقْفُمُوهُمْ* **уларни** (*сизлар билан уруши олиб бораётганларни*) **топган жойингизда ўлдирингиз**). Яъни, уларни қаерда топсанглар, ўша жойда. Бу ердаги (*حيث*) сўзи зарфи макондир.

б) Муҳориб коғирлар мусулмонларни қаерлардан чиқариб юборган бўлишса, уларнинг ўзларини ўша жойлардан чиқариб юбориш вожиб. Уларнинг ўша жойларда қолаверишларига рози бўлиш дуруст эмас. Шу хусусдаги, яъни, уларнинг қолишларини тан оловчи ҳар қандай битим ботил битимдир

﴿وَأَخْرِجُوهُمْ مِنْ حَيْثُ أَخْرَجُوكُمْ﴾

(*ва сизларни (қувиб) чиқарган жой (яъни Макка)дан уларни ҳам қувиб чиқарингиз!*).

(*وَأَقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَقْفُمُوهُمْ* **уларни** (*сизлар билан уруши олиб бораётганларни*) **топган жойингизда ўлдирингиз**). Яъни, қаерда топсанглар. (*ثَقْف*) сўзи ушлаб олиш, топиб олиш маъноларида келяпти.

﴿وَالْفِتْنَةُ أَشَدُ مِنَ الْقَاتْلِ﴾

((*Одамларни алдаб, фитнага солиши ўлдиришидан ёмонроқдир*). (*وَالْفِتْنَةُ* **фитнага солиши**) сўзи аслида араб тилида олтинни тозалаш учун ўтга тутиш маъносини англатади. Кейинроқ у мўминларни азоблаш ва динларидан қайтаришга, Аллоҳнинг йўлидан тўсишга, улар ўртасида ширкни кенг тарқатишга уриниш билан синаш маъносида қўлланган. Бу ерда ҳам шу маънода ишлатиляпти. Яъни, Аллоҳ Таоло мўминларга коғирлар билан бўладиган жангда сусткашлик қилмасликларини уқтиряпти. Коғирлар турли хил азоблар билан мўминларни динларидан қайтаришга уринадилар. Диндан қайтиш ўлимдан баттарроқдир. Гёё улар мўминларни динларидан қайтаришга уринишлари билан уларни

бир неча марта ўлдиргандек бўладилар. Шундай экан, мўминлар улар билан бўладиган жангда сусткашлик қиласинлар, имилламасинлар.

6 – Аллоҳ Таоло мўминларга баён қилиб айтяптики, Масжидул Ҳаромда кофирлар билан жанг қилманглар, лекин агар уларнинг ўзлари уруш бошласалар, улар билан уришинглар.

﴿وَلَا تُقْتِلُوهُمْ عِنْدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ حَتَّىٰ يُقْتَلُوكُمْ فِيهِ فَإِنْ قَتَلُوكُمْ فَاقْتُلُوهُمْ﴾

﴿كَذَلِكَ جَزَاءُ الْكُفَّارِ﴾

(Ўзлари уруши бошлагунча улар билан **Масжидул Ҳаром олдида уришимангиз!** Бас, агар ўзлари уруши бошласалар, у ҳолда уларни **ўлдиринглар!** Кофирларнинг жазоси шундай бўлади). Ҳамза ва Кисойи бу ердаги қатл сўзини ўртадаги алифни олиб ташлаб ўқиганлар. Қолган қорилар эса ўртадаги алифи билан яъни, муфоала бобида ўқиганлар.

Агар бу сўз ўртадаги алифи олиб ташланиб ўқилса, унинг маъноси ҳам ўлдиришдан ва ҳам уруш қилишдан қайтариш бўлади. Чунки ўлдириш урушсиз содир бўлмайди. Кейинги қироат эса яъни, ўртадаги алифи билан ўқилганда унинг маъноси қатл-ўлдириш содир бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, уруш қилишдан қайтариш бўлади.

Демак, биринчи қироатнинг икки хил маъноси бор: уруш қилиш ва ўлдириш. Иккинчи қироатнинг эса фақат бир маъноси бор: уруш қилиш. Ҳар икки қироат ҳам мутавотир. Муҳкам муҳкам эмасни маҳв этиши эътибори билан иккинчи қироат биринчи қироатни маҳв этади. Шу билан бу ердаги маъно ўлдириш содир бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар уруш қилишдан қайтариш бўлади. Яъни, Масжидул Ҳаромда уруш қилишнинг ўзи ҳаромдир. Лекин агар кофирларнинг ўзлари уруш бошласалар, улар билан жанг қиласиз.

Фатҳ пайтида содир бўлган айрим уруш ҳодисаларига, Пайғамбар ﷺ Ислом ва мусулмонларга озор берганлари учун айрим кишиларнинг қонларини Маккадан ташқарига олиб чиқмасдан, ҳарамнинг ўзида тўкканларига келсак, бу иш Пайғамбар ﷺ га кундузидан бир соат ҳалол қилинган ҳолатда юз берган ишдир. Бухорий чиқарган мана бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

«إِنَّ هَذَا الْبَلْدَ حَرَمَهُ اللَّهُ يَوْمٌ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ فَهُوَ حَرَامٌ بِحُرْمَةِ اللَّهِ إِلَيْهِ يَوْمٌ الْقِيَامَةِ وَإِنَّهُ لَمْ يَحِلْ لِفِيهِ لَأَحَدٍ قَبْلِي وَلَمْ يَحِلْ لِي إِلَّا سَاعَةً مِنْ نَهَارٍ فَهُوَ حَرَامٌ بِحُرْمَةِ اللَّهِ إِلَيْهِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ»

«Бу шақарни (унда уруш қилишни) Аллоҳ осмонлару ерни яратган куниёқ ҳаром қилди. У (унда уруш қилиш) Аллоҳнинг ҳаром қилиши билан то қиёмат кунигача ҳаромдир. Унда уруш қилиш мендан олдин ҳам ҳеч кимга ҳалол қилинмаган. Менга ҳам фақат кундузидан бир соатгина ҳалол қилинди. У Аллоҳнинг ҳаром қилиши билан то қиёмат кунига қадар ҳаромдир».

Яъни, бу ердаги тақиқ кофириларнинг ўзлари уруш бошлаб қолган ҳолатга тегишли эмас. Агар улар Ҳарамда уруш қилишдан тийилиб, Исломга кириб, тавба қилсалар, Аллоҳ кечиримли, раҳмли Зотдир.

﴿فَإِنْ أَنْهَوْا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

(Энди агар тұхтасалар (куфранан кечиб, Исломга кирсалар), бас, албатта Аллоҳ кечиргувчи, раҳмлиидір).

7 – Кейин Аллоҳ Таоло мусулмонарни кофиirlар амалға ошираётган ширк, Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, мўминларни азоблаш, уларни динларидан қайтаришга уриниш каби фитнага барҳам бериш учун, шунингдек, дин холис Худо учун бўлиб қолиши учун улар билан жанг қилишга буюрятти. Агар кофиirlар ширкларидан, куфрларидан, Аллоҳнинг йўлидан тўсишларидан тийилсалар, мусулмонлар уларни ўлдиришдан тўхтасинлар. Чунки фақат золимларгина ўлдирилади. Модомики, улар куфрни тарқ қилиб, Исломга кирган эканлар, демак энди улар золим эмаслар.

﴿وَقَتَلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةً وَيَكُونَ الَّذِينَ لِلَّهِ﴾

(То фитна тугаб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан уришингиз!). Яъни, то ширк, Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, мўминларни динидан қайтариш учун азоблаш каби фитналарга барҳам берилгунига қадар. Шунингдек, то дин ҳеч қандай ширк аралашмасдан холис Худо учун бўлгунига қадар. Бу ердаги Аллоҳ сўзига кирган лом (-ники қўшимчаси) холис эгаликни ифодалайди. Бу ерда Анфол сураси каби

﴿وَيَكُونَ الَّذِينَ كُلُّهُمْ لِلَّهِ﴾

— „Бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга (қадар)“ [8:39]  
сўзи қўшилмади. Негаки, Анфол сурасидаги гап

﴿قُل لِّلَّذِينَ كَفَرُوا إِن يَنْتَهُوا يُغَرِّ لَهُمْ مَا قَدْ سَلَفَ وَإِن يَعُودُوا فَقَدْ مَضَتْ سُنَّتُ الْأَوَّلِينَ ﴾ وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونُ الَّذِينَ كُلُّهُمْ لِلَّهِ فَإِنِ اَنْتَهُوا فَإِنَّ اللَّهَ بِمَا يَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾

— „(Эй Мұхаммад), коғир бўлган кимсаларга айтингки, агар (коғирликларидан) тўхтасалар, ўтган гуноҳлари магифират қилинур. Агар яна (коғирликка) қайтсалар, у ҳолда аввалгиларининг суннатлари (яъни, кўргуликлари) ўтган-ку, (яъни уларнинг ҳам бошларига аввалги коғирларнинг куни тушар). То (дунёда) бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар! Энди агар (коғирликдан) тўхтасалар, бас, албатта Аллоҳ қилаётган амалларини кўргувчиdir“ [8:38-39]

ҳамма коғирларга тегишли эди. Бақара сурасидаги бу гап эса фақат Макка мушриклари яъни, коғирларнинг бир қисми ҳақидадир. Анфол сураси ҳамма коғирлар ҳақида бўлгани учун унда

﴿الَّذِينَ كُلُّهُمْ لِلَّهِ﴾

(бутун дин фақат Аллоҳ учун) сўзини ишлатиш мавзуга муносиб бўлди. Бу ерда Бақара сурасида эса уни ишлатиш мавзуга муносиб бўлмади (الَّذِينَ لِلَّهِ دِينُهُمْ дин Аллоҳ учун).

(zero, фақат золимларга қарши душманлик қилиши мумкин). Аслида золимларга жазо бериш душманлик эмас. Лекин бу сўз бу ерда мажозий маънода қўлланяпти. Бу Аллоҳ Таолонинг мана бу гапларига ўхшашидир:

﴿وَجَزُؤُا سَيِّئَةً سَيِّئَةً مِثْلُهَا﴾

— „(Хар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонлиkdir“ [42:40]

﴿فَمَنِ اعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَآعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا اعْتَدَى عَلَيْكُمْ﴾

— „Бас, ким сизларга тажсовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажсовузлари муқобилида тажсовуз қилинг!“ [2:194]

Яъни, ёмонликнинг жазоси ёмонлик, деб тажовузкорликнинг жазоси тажовузкорлик, деб аталяпти.



﴿الشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرُمَتُ قِصَاصٌ فَمَنِ اعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَاعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا اعْتَدَى عَلَيْكُمْ وَأَتَقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُنَّاَقِينَ وَأَنْفَقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى الْتَّلَائِكَةِ وَأَحْسِنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

– „194. Уруши ҳаром қилинган ой уруши ҳаром қилинган ой муқобилида бўлади. Ҳурматлар (бузилса, риоя қилинмаса) қасос (олинади). Бас, ким сизларга тажсовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажсовузлари муқобилида тажсовуз қилинг! Ва Аллоҳдан кўрқингиз! Билингларки, Аллоҳ Ўзидан қўрқувчилар билан биргадир. 195. Аллоҳ йўлидаги (кураи учун молларингизни) сарфланглар! Ва (бахиллик қилиши билан) ўзингизни ҳалокатга ташламанг! Яхшилик қилинг! Албатта Аллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади“. [2:194-195]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қўйидагиларни баён қиласди:**

1 – Аллоҳ Таоло Масжидул Ҳаромда агар кофиirlарнинг ўзлари уруш бошлаб қолсалар, уларга қарши уруш қилишга рухсат бериш билан ҳаражни (ноқулайликни) кўтаргани каби бу ерда уруш ҳаром қилинган ойлар борасида ҳам туғиладиган худди шундай ҳаражни кўтаряпти. Яъни, уруш ҳаром қилинган ойларда ҳам агар кофиirlарнинг ўзлари уруш бошласалар, улар билан жанг қилиш жоиз. Ҳудайбия сулҳида мусулмонлар келгуси йилнинг худди шу сулҳ тузилган ойида, зул-қаъда ойида умра қилишга келишгандилар. Бу умра қазо умраси, деб ном олганди. Чунки у сулҳ тузилган йилнинг ўрнига қилинган умра эди. Мусулмонлар кофиirlарнинг аҳдларини бузиб қолиш эҳтимоли борлигини ўйлаб, уруш ҳаром қилинган ойда улар билан жанг қилсак, қандоқ бўларкин, деб бошлари қотиб турганди. Шунда Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилиб, уларга

﴿الشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرُمَتُ قِصَاصٌ﴾

(уруши ҳаром қилинган ой уруши ҳаром қилинган ой муқобилида бўлади) эканлигини билдириди. Яъни, агар улар сизлар билан уруш қиладиган бўлсалар, уларни ўлдиринглар. (قصاص) сўзи

жазодаги бир хилликни, жазонинг жиноятга яраша бўлишини англатади.

Пайғамбар ﷺ уруш ҳаром қилинган ойларда то душман тараф ҳужум бошламагунига қадар ғазот қилмасдилар. Душман тарафдан ҳеч қандай ҳужум бўлмаса, қуролни қўлга олмасдилар. Аҳмад Жобир رضي الله عنه‌дан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган. Пайғамбар ﷺ уруш ҳаром қилинган ойларда биринчи бўлиб уруш бошламаганлар. Душман тараф уруш бошлаб қолса, улар билан жанг қилардилар ёки уруш олдинроқ бошланган бўлиб, уруш ҳаром қилинган ой кириб қолган бўлса, жангни давом эттирадилар. Пайғамбар ﷺ умрадан тўсиш ишини музокара қилиш учун Усмон رضي الله عنه‌ни элчи қилиб юборгандилар. Ҳудайбияда турган пайтларида у кишига Усмон رضي الله عنه‌ ўлдирилди, деган хабар келиб қолди. Шунда у зот дарахтнинг остида бир минг тўрт юз нафар саҳобалари билан мушрикларга қарши жанг қилишга байъат қилдилар. Бу иш уруш ҳаром қилинган ойда зул-қаъда ойида юз берганди. У кишига Усмоннинг ўлдирилмагани ҳақида хабар келганида бу ишдан тўхтадилар.

Макка фатҳ этилиб, Ҳунайн кунида Ҳавозин жангига бўлганидан кейин тор-мор этилган кофир қўшинининг қолдиқлари Тоифга қочиб бориб беркиндилар. Пайғамбар ﷺ уларни ортидан қувиб бориб, уларни Тоифда қамал қилдилар. Уларга манжаниқлардан зарба бердилар. Шу пайтда зул-қаъда ойи кириб қолди. Қамал давом этаверди. Уруш ҳаром қилинган ой кириб қолди, деб Пайғамбар ﷺ уни тўхтатгандарни йўқ. Чунки бу иш уруш қилиш эмас, бўлаётган урушни давом эттиришдир. Пайғамбар ﷺнинг қамални тўхтатишларига сабаб фатҳ этишнинг оғир бўлиб кетгани ва мусулмонлар сафида ҳам ўлимлар юз бергани бўлди. Пайғамбар ﷺ Тоифни қирқ кун қамал қилиб, Маккага қайтдилар. Ҳар икки «Саҳиҳ»да Анас رضي الله عنه‌дан шундай ривоят қилинган.

Аллоҳ Таолонинг

﴿فَمَنْ أَعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَأَعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا أَعْتَدَى عَلَيْكُمْ﴾

(бас, ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажовузлари муқобилида тажовуз қилинг!), деган гапи юқоридаги

﴿الشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرُمَاتُ قِصَاصٌ﴾

(урши ҳаром қилинган ой уруши ҳаром қилинган ой муқобилида бўлади. Ҳурматлар (бузилса, риоя қилинмаса) қасос (олинади)), деган гапнинг таъкидидир. Лекин бу ерда бир маъно зиёда

қилингапти. Оятнинг бошида уруш ҳаром қилинган ойда агар душман тараф уруш бошласа, уларга қарши уруш қилишнинг жоизлиги, шаҳри ҳаром муқобилида шаҳри ҳаром туриши, ҳурматларнинг қасослиги, бир сўз билан айтганда жиноятга яраша жазо берилиши айтилган бўлса, бу ерда гап хусусан Масжидул Ҳаром устида боряпти.

Энди оятнинг поёнига бир назар ташлайлик.

﴿فَمَنِ اعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَاعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا اعْتَدَى عَلَيْكُمْ﴾

(Бас, ким сизларга тажковуз қилса, сизлар ҳам уларга тажковузлари муқобилида тажковуз қилинг!). Бу ердаги маъно умумийдир. Ҳар қандай тажковузкорликнинг жазоси шариат ҳудудида бўлиши, яъни, жазо жиноятга яраша бўлиши, ундан ўтиб кетмаслиги лозим.

(**فَاعْتَدُوا عَلَيْهِ** сизлар ҳам уларга тажковуз қилинг!). Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу сўз мажозий маънода қўлланяпти. Яъни, уларнинг тажковузкорликларига яраша жазосини беринглар. Аслида тажковузкорликка яраша жазо бериш тажковузкорлик, дейилмайди.

Кейин Аллоҳ Таоло оятни мўминларнинг қалбларига хотиржамликни солиш билан якунлаяпти. Зеро, тақводорлар ана ўшалардир. Аллоҳ Ўзининг нусрати ва мадади ила улар билан биргадир.

﴿وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ﴾

(**Билингларки, Аллоҳ Ўзидан кўркувчилар билан биргадир**).

1 – Аллоҳ Таоло мусулмонларга жиҳодни ва жиҳод учун сарф-харажат қилишни тарк қилиб, ўзларини ҳалокатга ташламасликларини буюряпти. Аллоҳни йўлида сарф-харажат қилиш жиҳод учун сарф-харажат қилишдир. Сарф-харажат қилиш ҳақидаги оятларни яхшилаб кузатадиган бўлсак, **فِي سَبِيلِ اللهِ** (**Аллоҳ йўлидаги**) ибораси билан боғланиб келишларининг гувоҳи бўламиз. Буни Абу Айюб Ансорий Константинопол жангига ойдинлаштириб берган.

Абу Довуд ва бошқалар Аслам Абу Имрондан ривоят қиласидилар: Константинополда эдик. Румликлардан катта бир сафи чиқиб келди. Мусулмонлардан бир киши ҳамла қилиб, уларнинг ичига кириб кетди. Одамлар, ўзини ўзи ҳалокатга ташлади, дейишди. Шунда Абу Айюб Ансорий  шундай деди: Эй одамлар, сизлар бу оятни мана шундай таъвил қиляпсизлар,

аслида эса бу оят биз ансорийлар ҳақида нозил бўлган. Аллоҳ Ўз динини голиб этиб, унга мадад берадиганлар кўпайиб қолганида Пайғамбар ﷺ билдириласдан бир-биримизга, бойликларимиз йўқ бўлиб кетди, мана Аллоҳ Исломни ҳам азиз қилди, унга мадад берадиганлар ҳам кўпайиб қолди, энди ўз юртимизда қолиб, йўқ бўлиб кетган бойликларимизни қайтадан тиклаб олишга уринсак ҳам бўлар, дегандик. Шунда Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарига мана шу оятни нозил қилиб, бизнинг гапимизни рад этди.

﴿وَأَنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُلْفُوا بِأَيْدِيهِكُمْ إِلَى الْهَلْكَةِ﴾

(*Аллоҳ иўлидаги* (кураш учун молларингизни) *сарфланглар!* *Ва* (баҳиљлик қилиши билан) *ўзингизни ҳалокатга ташламанг!*). Ҳалокат молу дунёда қолиб, уни ўрнига келтириш билан овора бўлиб, ғазотни тарк этишдадир. Ҳалокат жиҳод учун сарф-харажат қилишдан қочишдадир.

﴿وَأَنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾

(*Аллоҳ иўлидаги* (кураш учун молларингизни) *сарфланглар!*). Иборасининг маъноси жиҳод учун сарф-харажат қилинглар, деганидир.

(*اللهُوكَةُ ҳалокатга*). Бу сўз масдар (иш-ҳаракат номи) бўлиб келяпти. Машҳур қавлга кўра, араб тилида фақат шу сўзгина бу вазнда масдар бўлиб келган. Сибавайҳ бундан бошқа (*تصرّة، تُسْرُّة*) сўзлари ҳам масдар бўлиб келган, деган гапни айтган.

Аллоҳ Таоло оятни жиҳод учун сарф-харажат қилишга қодир одамга бу ишни қиёмига етказиб, энг гўзал тарзда бажаришни тайинлаш билан якунлаяпти. У жиҳоднинг энг керакли ўринларига сарф-харажат қилсин, молининг энг афзал қисмидан сарф-харажат қилсин. Бир сўз билан айтганда сарф-харажат қилишни қойиллатиб бажарсин. Аллоҳ Таоло яхшилик қилувчиларни (яхшилаб қилувчиларни, буйруқни қойиллатиб, қиёмига етказиб бажарувчиларни) яхши кўради ва уларга яхши мукофотлар беради. Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлган кишига яхши мукофотнинг ўзи юриб келади.

﴿وَأَحَسِنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

(*Яхшилик қилинг! Албатта Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади*).

﴿وَأَتُمُوا الْحَجَّ وَالْعُمَرَةَ لِلَّهِ فَإِنَّ أَحَصْرَتُمْ فَمَا أَسْتَيْسَرَ مِنْ أَهْدَى وَلَا تَحْلِقُوا رُءُوسَكُمْ حَتَّى يَبْلُغَ أَهْدَى مَحْلَهُ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ بِهِ أَذَى مِنْ رَأْسِهِ فَفِدْيَةٌ مِنْ صِيَامٍ أَوْ صَدَقَةٍ أَوْ نُسُكٍ فَإِذَا أَمْتُمْ فَمَنْ تَمَتَّعَ بِالْعُمَرَةِ إِلَى الْحَجَّ فَمَا أَسْتَيْسَرَ مِنْ أَهْدَى فَمَنْ لَمْ تَحْدُدْ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ يَمَّا مِنْ الْحَجَّ وَسَبَعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ تِلْكَ عَشَرَةٌ كَامِلَةٌ ذَلِكَ لِمَنْ لَمْ يَكُنْ أَهْلُهُ حَاضِرٍ الْمَسْجِدُ الْحَرَامُ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَآعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴾

— „196. Ҳаже ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг! Агар (касаллик ёки йўлтўсарлар сабабли) йўлингиз тўсилиб қолса, мұяссар бўлган бирор ҳадя юборинг ва ҳадянгиз ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни (соchlарингизни) қирманг! Энди агар сизлардан (ҳожислардан) кимдир касал ёки бошида бирон дарди бўлса (шу узр билан ихромда турган ҳолида сочини қирдирса), у ҳолда (уч кун) рўза тутши ёки (олти мискинга) садақа бериши ёхуд (бир қўй) сўйини билан эваз тўласин! Қачонки (йўлтўсарлар ёки бошка ҳар қандай монедан) хотиржам бўлсангиз, (ораларингиздан) ким ҳажс (йўлида) умрадан фойдаланган бўлса (яъни ҳажс мавсумида аввал умра амалларини бажариб, ихромдан чиқиб, сўнгра ҳажса ихром боғлаган бўлса), мұяссар бўлган бирон ҳадяни юборсин! Ким (ҳадя қиласидиган нарса) топа олмаса, уч кун ҳажеда, етти кун қайтганидан кейин рўза тутсин! Бу тўла ўн кундир. Ушибу хукм аҳли — оиласи Масжидул Ҳаромда бўлмаган кишилар учундир. (Уернинг аҳолиси учун бундай ҳуқуқ ва бурчлар йўқ). Аллоҳдан кўрқингиз! Ва билингки, Аллоҳ — азоби қаттиқ, Зотдир“. [2:196]

**Аллоҳ Таоло бу оятда қуийдагиларни баён қиласиди:**

1 – Ҳаж ёки умра қилишга киришиб қўйган одам уларни ҳамма шартлари ва рукнлари билан охиригача етказиши лозим бўлади. Уларнинг шартлари ва рукнлари Пайғамбар ﷺдан олинади.

«خُذُوا عَنِّي مَنَاسِكُمْ»

**«Ибодатларингни** (ҳаж қилишнинг йўл-йўриқларини)  
**мендан олинглар».<sup>78</sup>**

Бу ердаги буйруқ талабни ифодалайди. Лекин у қатъий талабдир. Унинг қатъийлигига

﴿فَإِنْ أُحْصِرْتُمْ فَمَا أَسْتَيْسِرُ مِنْ أَهْدِي﴾

(агар (касаллик ёки йўлтўсарлар сабабли) *йўлингиз тўсилиб қолса, мусассар бўлган бирор ҳадя юборинг*), деган гап қаринадир. Модомики, бажармаслик натижасида сўйлиқ сўйиш зарур экан, демак, *адо қилинг!* (Атмову!), деган талаб қатъий талабдир. Шунга биноан, ким ҳаж ёки умра қилишга киришиб қўйган бўлса, уни ҳамма шартлари билан охиригача бажариши лозим бўлади.

Лекин Аллоҳ Таоло ушланиб қолиш ҳолатини истисно қиляпти.

﴿فَإِنْ أُحْصِرْتُمْ فَمَا أَسْتَيْسِرُ مِنْ أَهْدِي﴾

Бу сўзнинг лугавий маъноси душман туфайли бўладими, касаллик сабабли бўладими, умуман ушланиб қолишдир. Лекин Аллоҳ Таоло бу ерда

﴿فَإِذَا أَمِنْتُمْ﴾

(қачонки (йўлтўсарлар ёки бошқа ҳар қандай монедан) *хотиржам бўлсангиз*) ҳам деяпти. Шундан кўринадики, бу ердаги маъно душман туфайли ушланиб қолишдир. Чунки тинчлик лугатда хавфнинг муқобилидир. Бу оятнинг Ҳудайбия йилида нозил бўлганлиги ҳам бу ердаги ушланиб қолиш душман томониданлигини таъкидлаб турибди.

Бу ерда сабабнинг хослиги эмас, лафзнинг умумийлиги эътиборлидир, шунга кўра, ушланиб қолиш душман тарафидан ҳам ёки бошқа жиҳатдан ҳам, масалан, касаллик туфайли бўлиши ҳам мумкин, дейилмайди. Бундай дейиш дуруст бўлмаслигига икки сабаб бор. Улар қўйидагилар:

а) Умуман сабабнинг хусусийлиги эмас, лафзнинг умумийлиги эътиборли, деган гап тўғри. Лекин ўша лафзнинг умумийлиги усул қоидаларига кўра, шу мавзунинг ичida бўлади. Шунинг учун бу ердаги умумийлик бу сўзнинг Ҳудайбияда Пайғамбар ﷺнинг душман тарафидан ушланиб қолишларини ҳам, ҳар қандай замонда ҳар қандай душман тарафидан ушланиб қолишни ҳам англашидир.

(78) Муслим: 2286. Насоний: 3012. Абу Довуд: 1680. Аҳмад: 3 / 218, 366.

б) Бу оята ушланиб қолишига нисбатан ҳеч қандай умумийлик йўқ. Чунки

﴿فَإِنْ أَحْصَرْتُمْ﴾

(агар (касаллик ёки йўлтўсралар сабабли) *йўлингиз тўсилиб қолса*) феъли мусбат феълдир. Мусбат феъл умумий бўлмайди, мутлақ бўлади. Душман томонидан ушланиб қолиш мутлақдир, яъни, душман туфайли юз берган ҳар қандай ушланиб қолиш шу қабилдан ҳисобланаверади. Шунинг учун бу ердаги ҳаж ва умра амалларини охирига етказолмасдан ушланиб қолиш душман туфайли ушланиб қолишдир.

Пайғамбар ﷺдан касаллик туфайли ҳажни охиригача етказа олмай қолиш ҳақида бир неча ҳадислар ривоят қилинган. Лекин улар ушланиб қолиш ҳолатидан фарқ қиласидар. Термизий Ҳажжож ибн Амрдан мана бу ҳадисни ривоят қилган ва уни ҳасан ҳадис, деган:

«مَنْ كَسَرَ أَوْ عَرَجَ فَعَلَيْهِ الْحَجُّ مِنْ قَابِلٍ»

«Кимнинг бирон жойи синиб қолса ёки оқсоқ бўлиб қолса, унга келаси йили ҳаж қилиш вожибdir». Зубайр ибн Абдулмуттолибининг қизи Зобаа Пайғамбар ﷺга, эй Аллоҳнинг пайғамбари, мен касал ҳолимда ҳаж қилмоқчиман, деганида унга Пайғамбар ﷺ шундай дегандилар:

«حُجُّي وَأَشْرَطِي أَنَّ مَحْلِي حِيْثُ جَسَّتِي»

«Ҳаж қилавер ва (эй Аллоҳ) қаерда мени тўхтатиб қўйсанг ўша ерда эҳромдан чиқаман, деб шарт қилгин».<sup>79</sup> Яъни, эҳромдаги одам касал бўлиб қолса, у эҳромидан чиқиши мумкин. Унга душман томонидан ушланиб қолгани туфайли ҳаж амалларини охирига етказа олмай қолган кишига вожиб бўлган иш вожиб бўлмайди.

Ҳар икки ҳадис касаллик сабабли ҳажни охиригача етказа олмай қолиш ушланиб қолиш, деб бўлмаслигини, унга ушланиб қолиш ҳолатининг ҳукми тўғри келмаслигини кўрсатиб туриди. Касаллик туфайли ҳажни охиригача етказа олмай қолган одам, касал бўлиб қолган жойида туриб эҳромдан чиқаверади ва келгуси йили ҳаж қиласи. Унга ушланиб қолиш ҳолатида бўлганидек, бир ҳадя (сўйлиқ сўйиш) вожиб бўлмайди.

Шунинг учун ушланиб қолиш фақат ва фақат душман томонидан тўсқинликка учраш туфайлигина бўлади.

(79) Аҳмад: 6 / 202.

2 – Ушланиб қолиш ҳолати юз берса, то ҳадяси (сўядиган ҳайвони) сўйилгунига қадар эҳромдан чиқиш жоиз эмас. Ҳадянинг (сўйиладиган ҳайвоннинг) қандайлиги – тuya, сигир ёки қўйлиги имкониятга қараб бўлади.

﴿فَمَا آسْتَيْسَرَ مِنْ أَهْدَى﴾

(муяссан бўлган бирор ҳадя юборинг). (أَهْدَى) сўзи мафъул маъносидаги масдардир. Яъни, сўйиладиган ҳайвон маъносидадир. У имкониятга қараб, тuya, сигир ёки қўй бўлиши мумкин. Ибн Аббос ﷺ айтганидек, қанчалик катта ҳайвон бўлса, шунчалик яхши бўлади.

Эҳромдан чиқишдан олдин бир ҳайвон сўйишнинг вожиблиги Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَا تَحْلِقُوا رُءُوسَكُمْ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَهْدَىٰ مَحِلَّهُ﴾

(ва ҳадянгиз ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни (соchlарингизни) қирманг!), деган гапидан келиб чиқади. Сочни олдириш эҳромдан чиқишдан киноядир. Яъни, эҳром боғлаган одам ушланиб қолса, эҳромдан чиқмай туриб имкониятига қараб бир ҳайвон сўйиши лозим. Ҳайвон сўйишнинг эҳромдан чиқишдан олдин бўлиши вожиблигига қарина суннатдандир. Пайғамбар ﷺ Ҳудайбиядаги ҳайвон сўйишни пайсалга колаётган мусулмонлар ҳақида

«لَقَدْ هَلَكُوا...»

«Энди уларнинг ҳалокатга учрашлари аниқ...», дедилар.<sup>80</sup>

Бу гап ҳайвонни эҳромдан чиқишдан олдин сўйиш ҳақидаги қатъий талабни ифодаловчи тавсифdir.

3 – Ҳайвон сўйиладиган жой Ҳарамдир. Бу Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَا تَحْلِقُوا رُءُوسَكُمْ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَهْدَىٰ مَحِلَّهُ﴾

деган гапидан келиб чиқади. Унинг ўрни Ҳарамдир. Чунки Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ذَلِكَ وَمَنْ يُعَظِّمْ شَعَبَرَ اللَّهِ فَإِنَّهَا مِنْ تَقْوَىٰ الْقُلُوبِ لَكُمْ فِيهَا مَنْفَعٌ إِلَىٰ أَجَلٍ﴾

﴿مُسَمَّىً نُثَمَ حَلَّهَا إِلَى الْبَيْتِ الْعَتِيقِ﴾

(80) Равзул анаф, Суҳайлийнинг Сийрати Ибн Ҳишомга тафсири: 4 /37.

– „(Иш) шудир. Ким Аллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта (бу ҳурмат) дилларнинг тақвадорлиги сабабли бўлур. Сизлар учун уларда (яъни Байтуллоҳда қурбон қилиши учун олиб кетаётган қўй, мол, туяларингизда) маълум муддатгача фойдаланфаатлар бордир (яъни йўлда уларни қўзилатиб, согиб, миниб фойдаланиб кетишларингиз жоиздир. Сўнгра Эски Уйга (етгач) уларни сўйиши (вожибдир)“.

[22:32-33]

Эски уй улуғ Каъбадир. Бу ерда у мажозий маънода қўлланяпти. Ундан мурод қисмдан бутунни ирода қилиш қоидасига кўра бутун Ҳарамдир. Аллоҳ Таолонинг

﴿سُبْحَنَ اللَّهِيْ أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيَلًا مِنَ الْمَسْجِدِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا﴾

﴿الَّذِي بَرَكَنَا حَوْلَهُ﴾

– „(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад)ни (Маккадаги) Масжидул Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир“.

[17:1]

деган гапи ҳам шу қабилдандир. Бу ерда Масжидул Ҳаром мажозий маънода қўлланган бўлиб, қисмдан бутунни ирода қилиш қоидасига кўра, ундан мурод бутун Ҳарамдир. Чунки Пайғамбар ﷺ Масжидул Ҳаромнинг ичидан эмас, Ҳарамдан сайр қилдирилганлар. Бу ердаги эски уй сўзи ҳам мажозий маънода бўлиб, қисмдан бутунни ирода қилиш қоидасига кўра, ундан мурод бутун Ҳарамдир.

Ҳарамнинг ҳамма жойи сўйиладиган жой эканини Пайғамбар ﷺнинг мана бу гаплари ҳам таъкидлайди:

«نَحْرَتُ هَا هُنَا بِمَنِيْ كُلُّهَا مَنْحَرٌ فَأَنْحَرُوا فِي رِحَالِكُمْ»

«Мана шу ерда сўйдим. Минонинг ҳамма жойи сўйиладиган жойдир. Тушган жойингларда сўяверинглар». Бу ҳадисни Муслим чиқарган. Яна Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«كُلُّ فَجَاجَ مَكَّةَ طَرِيقٌ وَمَنْحَرٌ»

«Макканинг ҳамма водийлари, даралари йўл ва манҳардир (сўйиладиган жойдир)». Бу ҳадисни Абу Довуд ва Ҳоким чиқарган. Ҳоким уни саҳиҳ ҳадис, деган.

Мана шу ерда Пайғамбар ﷺнинг Ҳудайбийядаги ҳайвон сўйишлари воқеаси айтилиб, бизга раддия билдирилиши мумкин. Бизга маълумки, Ҳудайбия Ҳарамнинг ичига эмас, ташқарисига қарашли жой. Биз бу раддияга икки жиҳат билан жавоб берамиз:

а) Ўша йили Қурайш кофирлари Пайғамбар ﷺнинг умра қилишларига йўл бермаганларида ҳайвонни ўша турган жойларида сўйганлар. Чунки душман томонидан ҳайвоннинг ўз ўрнига, яъни, Ҳарамга етиб боришига ҳам монелик қилинган. Аллоҳ Таолонинг мана бу ояти ҳам бунга далилдир:

﴿هُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدُّوْكُمْ عَنِ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَأَهْدَى مَعْكُوفًاً أَن يَتَّلَغَّ﴾

﴿مَحِلَّهٌ﴾

– „Улар (Макка мушириклари) кофир бўлган ва сизларни Масжидул Ҳаромдан, ҳадя (қурбонлик қилиши учун олган ҳайвонларингиз)ни эса маҳбус бўлган ҳолида, ўз жойига етишдан тўсган кимсалардир“. [48:25]

Яъни, сўйиладиган ҳайвоннинг ҳам ўз жойига яъни, Ҳарамга етиб боришига тўсқинлик қилинди. Демак, Пайғамбар ﷺ душман томонидан тўсқинлик бўлиб, сўйиладиган жойга – Ҳарамга етиб боролмаганлари туфайли ҳайвонни Ҳудайбияда сўйганлар.

Бундан шу нарса англашиладики, ҳайвонни сўйиш жойи Ҳарамдир, лекин агар унинг Ҳарамга етиб боришига душман томонидан монелик бўлса, ушланиб қолган жойида сўйилаверади.

б) Ибн Ҳишом «Сийрат»ида Ибн Исҳоқдан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺнинг чодирлари ўзлари тушган жойга қурилганди. У киши Ҳарамда намоз ўқирдилар. Чунки Ҳудайбия у зот тушган жой билан Ҳарам чегарасида жойлашганди. Зуҳрий ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ ҳайвонни Ҳарамда сўйганлар. Пайғамбар ﷺ Ҳудайбияда турган пайтларида Ҳарамда намоз ўқирдилар. Яъни, тушган жойларидан ўтиб Ҳарамга борарадилар ва унда намоз ўқиб қайтардилар. Бундай ҳолатда Пайғамбар ﷺ ҳайвонни Ҳарамда сўйган бўладилар. Чунки Ҳарам бориб турилган, бориш осон бўлган жой бўлади.

Шунга кўра, ҳайвон Ҳарамда сўйилган бўлади.

﴿وَلَا تَحَلِّقُوا رُءُوسَكُمْ حَتَّىٰ يَتَلَغَّ أَهْدَى مَحِلَّهٌ﴾

(ва ҳадянгиз ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни (соchlарингизни) қирманг!). Яъни, Ҳарамга.

﴿فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ بِهِ أَذْى مِنْ رَأْسِهِ فَفِدْيَةٌ مِّنْ صَيَامٍ أَوْ صَدَقَةٍ أَوْ نُسُكٌ﴾

(Энди агар сизлардан (жохилардан) кимдир касал ёки бошида бирон дарди бўлса (шу узр билан ихромда турган ҳолида сочини қирдирса), у ҳолда (уч кун) рўза тутшии ёки (олти мискинга) садақа берииш ёхуд (бир қўй) сўйиши билан эваз тўласин!).

Каъб ибн Ужра айтишича, Пайғамбар ﷺ Маккага киришларидан олдин эхромдалиқ пайтларида Ҳудайбияда унинг ёнидан ўтиб қолибдилар. У қозоннинг остига ўт қалаётган экан. Бошидаги битлар юзига тушаётган экан. Пайғамбар ﷺ унга

«أَيُّوذِيكَ هَوَامِكَ؟ قَالَ: نَعَمْ. قَالَ: فَاحْلُقْ رَأْسَكَ وَأَطْعِمْ فَرْقًا مِنْ سِتَّةِ مَسَاكِينَ (وَالْفَرْقُ ثَلَاثَةُ آصْعُبْ أَوْ صُمْ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ أَوْ أُسْلُكْ تَسِيَّكَةً»

**«Битлар сенга озор беряптими, дебдилар.** У, ҳа, деб жавоб бериби. Пайғамбар ﷺ, сочингни ол-да, бир фирақни (бир фирақ - уч соя, соя - ўлчов бирлиги) олти мискинга бўлиб бер ё уч кун рўза тут ёки бир қўйни сўй»,<sup>81</sup> дедилар. Бухорий ривоятида мана бундай дейилган: Пайғамбар ﷺ унга

«مَا كُنْتُ أَرَى أَنَّ الْجُهْدَ بَدَلَ بَكَ هَذَا أَمَّا نَجْدُ شَاهَةً؟ فَقَالَ: لَا. قَالَ: صُمْ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ أَوْ أَطْعِمْ سِتَّةَ مَسَاكِينَ لِكُلِّ مَسْكِينٍ نَصْفَ صَاعٍ مِنْ طَعَامٍ وَأَخْلُقْ رَأْسَكَ»

«Қийинчилик сени бунчалар ўзгартириб юборганини кўрмаган эканман, бирорта қўй топмаймизми (бирорта қўйинг борми), дедилар. У, йўқ, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ, у ҳолда уч кун рўза тут ёки олти мискинга таом бер, берган таоминг ҳар бир мискинга ярим соядан тегсин ва шу билан сочингни олдиравер»,<sup>82</sup> дедилар.

Оят ва ҳадисда баён қилинганидек, ким касал бўлса, бош оғрийдиган дарди бўлса, бошида бирор жароҳати бўлса ёки бошига бит тушган бўлса, унинг бу ҳолати Аллоҳ Таолонинг мана бу гапини хослайди:

﴿وَلَا تَحْلِقُوا رُءُوسَكُمْ﴾

(Бошлигинизни (соchlарингизни) қирманг!). Яъни, у сочини олдириб, фидя бериши жоиз. Истаса, уч кун рўза тутсин, истаса,

(81) Муслим: 2084.

(82) Бухорий: 1686.

олти мискинга таом берсин, истаса, бир қўй сўйсин. Айни пайтда бу гап шу уч ишдан бирини қилиш вожиблигига ҳам қаринадир.

5 – Кейин Аллоҳ Таоло ўзи душман томонидан тинч бўлгани ҳолда ҳажга қўшиб умра ҳам қиладиганлар яъни, таматтуъ ҳажини қиладиганларнинг шаръий хукмини баён қиласди. Таматтуъ ҳажини қилган одам ҳаж ойларида мийқотдан умрага эҳром боғлайди. Умрани қилиб бўлганидан кейин эҳромдан чиқиб, зулхижжанинг саккизинчи кунини, тарвия кунини кутиб туради. Кейин Макканинг ичидаги туриб, ҳаж учун яна бир марта эҳром боғлайди ва ҳаж амалларини бажаради. Таматтуъ ҳажини қилган одамга бир жонлиқ сўйиш вожиб. Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِذَا أَمْتُمْ فَمَنْ تَمَّتَعَ بِالْعُرْبَةِ إِلَى الْحَجَّ فَمَا أَسْتَيْسِرَ مِنَ الْهَدَىِ﴾

(Қачонки (йўлтўсарлар ёки бошқа ҳар қандай монедан) **хотиржам бўлсангиз**, (ораларингиздан) **ким ҳаже** (йўлида) **умрадан фойдаланган бўлса** (яъни ҳаже мавсумида аввал умра амалларини бажариб, ихромдан чиқиб, сўнгра ҳажга ихром боғлаган бўлса), **муяссар бўлган бирон ҳадяни юборсин!**), деган гапи мана шу маънода. Ҳажда сўйиш учун жонлиқ топа олмаган одам ҳажда уч кун яъни, зулхижжанинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи кунлари ёки ташриқ кунлари, уйига қайтганидан кейин эса яна етти кун рўза тутиши вожиб бўлади. Бухорий ва бошқалар мана бу гапни Оиша  дан ривоят қилганлар: Пайғамбар  фақат жонлиқ топа олмаган мутаматтиъ (таматтуъ ҳажини қилган одам) гагина ташриқ кунларида рўза тутишга рухсат берганлар.<sup>83</sup>

Мана бу ҳадисни Молик Зухрийдан чиқарган: «Пайғамбар  Абдуллоҳ ибн Ҳузофани юбордилар ва у ташриқ кунларида шундай жар солди: Бу кунлар еб-ичиладиган, Аллоҳни зикр қилинадиган кунлардир. Фақат жонлиқ топа олмаганидан рўза тутиши лозим бўлиб қолган кишигини рўза тутиши мумкин».<sup>84</sup> Жонлиқ топа олмаган одам уйига қайтганидан кейин яна етти кун рўза тутади. Шу билан унинг рўзаси тўла ўн кун бўлади. Бухорий Ибн Аббосдан чиқарган ҳадисда

﴿وَسَبَعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ﴾

(етти кун қайтганидан кейин рўза тутсан!) оятининг тафсирида, яъни шаҳарингларга қайтганингларда, дейилган.<sup>85</sup> Аллоҳ Таолонинг

(83) Бухорий: 1859.

(84) Тафсири Табарий: 2/250.

(85) Табарий тафсири: 2/248. Бухорий бу ҳадисни ривоят қилмаган.

﴿فَمَنْ لَمْ تَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَثَةِ أَيَّامٍ فِي الْحَجَّ وَسَبْعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ تِلْكَ عَشَرَةً كَمِلَةً﴾

(ким (ҳадя қиласынан нараса) топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганидан кейин рўза тутсин! Бу тўла ўн қундир), деган гапи мана шу маънода.

Аллоҳ Таолонинг

﴿تِلْكَ عَشَرَةً كَمِلَةً﴾

(бу тўла ўн қундир), деган гапи англашилмовчиликни кетказиш учун айтилган гапдир. Чунки Аллоҳ Таолонинг

﴿فَصِيَامُ ثَلَثَةِ أَيَّامٍ فِي الْحَجَّ وَسَبْعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ﴾

(уч кун ҳажда, етти кун қайтганидан кейин рўза тутсин!), деган гапи ҳажда уч кун, қайтгандан кейин эса ети кун рўза тутишни билдиради. Бу ердаги ва сўзи ихтиёрийликни англатувчи ёки сўзи кабидир. Масалан, Зайд ва Амр билан ўтирилганда улардан бири билан ўтирисангиз ҳам буйруқни бажарган бўлаверасиз. Аллоҳ Таолонинг

﴿تِلْكَ عَشَرَةً كَمِلَةً﴾

(бу тўла ўн қундир), деган гапи мақсадни баён қиляпти.

﴿ثَلَثَةِ أَيَّامٍ فِي الْحَجَّ وَسَبْعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ﴾

(Уч кун ҳажда, етти кун қайтганидан кейин). Ҳаммаси бўлиб, ўн кун.

Бу гаплар оиласи Масжидул Ҳаромда бўлмаган одамларга тегишилдидир. Акс ҳолда мавзу бошқачароқ бўлади.

﴿ذَلِكَ لِمَنْ لَمْ يُكُنْ أَهْلُهُ حَاضِرٌ الْمَسْجِدُ الْحَرَامُ﴾

(Ушибу ҳукм аҳли — оиласи Масжидул Ҳаромда бўлмаган кишилар учундир).

(Дзлек Ушибу) Бу ишора ҳарфи

﴿فَمَنْ تَمَتَّعَ بِالْعُمَرَةِ إِلَى الْحَجَّ﴾

(ким ҳаж (йўлида) умрадан фойдаланган бўлса)га ёки

﴿فَمَنْ لَمْ تَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَثَةِ أَيَّامٍ فِي الْحَجَّ وَسَبْعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ﴾

(ким (ҳадя қиласынан нараса) топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганидан кейин рўза тутсин!)га қайтади. Лекин унга устига,

гарданига маъносини англатувчи (علي) ҳарфи эмас, учун, тегишли, ҳақи бор каби маъноларни англатувчи (ل) ҳарфининг кириши унинг

﴿فَمَنْ لَمْ تَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ فِي الْحَجَّ وَسَبَعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ﴾

га эмас,

﴿فَمَنْ تَمَّتَعَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجَّ﴾

га қайтиши кучлироқ эканини кўрсатади. Чунки агар у таматтуъ ҳажини қилган одам жонлиқ топа олмагани учун бажариши керак бўлган ишларга қайтадиган бўлса, унга (ل) ҳарфи эмас, (علي) ҳарфи кириши керак бўларди. Яъни, оиласи Масжидул Ҳаромда бўлмаган кишининг гарданига вожибdir, деган маъно келиб чиқарди. Улар учун, дейиш билан уларнинг гарданига, дейишнинг фарқи бор. Улар учун, дейилганда уларнинг ҳақи бор, уларга мумкин каби маънолар тушунилади. Уларнинг гарданига, дейилганда эса уларнинг устига қандайдир вазифа юклатилаётган бўлади.

Шунга биноан айтамизки, мавсул (ذلیل)га (ل) ҳарфининг кириши, унинг

﴿فَمَنْ تَمَّتَعَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجَّ﴾

га қайтишини кучлироқ қилиб қўяди.

Маъно қўйидагича бўлади: Оиласи Масжидул Ҳаромда бўлган кишига ҳажга қўшиб умра қилиши – таматтуъ ҳажини қилиши яъни, ҳаж ойларида олдин умрага эҳром боғлаб, уни охиригача бажариб бўлганидан кейин эҳромдан чиқиб, кейин яна ҳаж учун эҳром боғлаши дуруст эмас. Оиласи Масжидул Ҳаромда бўлган кишилар ё битта эҳром билан ҳам ҳажни, ҳам умрани қиладилар яъни, қорин бўладилар ёки фақат ҳажнинг ўзини тўла бажарадилар яъни, муфрид бўладилар. (Қорин битта эҳром билан ҳам умра ва ҳам ҳажни қилган одамдир. Муфрид эса фақат ҳажнинг ўзини қилган кишидир). Агар умра қилмоқчи бўлсалар, ҳаж ойларидан бошқа пайтда истаганларича қилаверадилар.

6 – Хўш, оиласи Масжидул Ҳаромда бўлганларга кимлар киради? Масжидул Ҳаромда бўлиш ўша ерда яшашдир. Лекин Масжидул Ҳаром Ҳарам маъносида қўлланади. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿سُبْحَنَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِّنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا  
الَّذِي بَرَكَنَا حَوْلَهُ﴾

— „(Аллоҳ) бир кеча, йўз бандаси (Муҳаммад)ни (Маккадаги) Масжидул Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул Ақсога саир қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир“.  
[17:1]

Пайғамбар ﷺ масжиддан эмас, Ҳарамдан саир қилдирилганлар. Ибн Аббос

﴿حَاضِرِي الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ﴾

(Масжидул Ҳаромда) оятини яъни, Ҳарам аҳли, деб тафсир қилган.

Оиласининг бўлиши эҳром боғлаган одамнинг ўзи бўлишидир. Чунки ғолибан эркак киши оиласи қаерда яшаса, ўзи ҳам ўша ерда яшайди.

Шу билан бу ердаги маъно мана бундай бўлади: Ҳарам аҳлидан бўлмаган кишилар ҳажга қўшиб умра ҳам қилмоқчи бўлсалар, бир жонлиқ сўядилар, агар жонлиқ топа олмасалар, ҳажда уч кун, уйларига қайтгандаридан кейин эса яна етти кун, ҳаммаси бўлиб ўн кун рўза тутадилар.

Аллоҳ Таоло бу оятни тақво қилишга яъни, ҳар бир ишни буюрилгандек бажаришга, ҳар бир тақиқдан буюрилгандек тийилишга буюриш билан якунлаяпти. Зоро, шундай қилинсагина Аллоҳнинг ризосига эришилиб, У Зотнинг азобидан нажот топилади. Акс ҳолда, Аллоҳ Таоло азоби қаттиқ Зотдир.

﴿وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ﴾

(Аллоҳдан қўрқингиз! Ва билингки, Аллоҳ — азоби қаттиқ, Зотдир).

\* \* \*

﴿الْحَجَّ أَشْهُرٌ مَعْلُومَاتٌ فَمَنْ فَرَضَ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقٌ وَلَا جِدَالٌ  
فِي الْحَجَّ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللَّهُ وَتَرَوُدُوا فَإِنَّ خَيْرَ الْزَادِ التَّقْوَىٰ وَاتَّقُونَ  
يَتَأْوِلُ الْأَلَبِبِ ﴿١٧﴾ لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَتَبَغُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ فَإِذَا أَفْضَلْمُ

مِنْ عَرَفْتِ فَآذْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ وَآذْكُرُوهُ كَمَا هَذَا كُمْ وَإِنْ  
كُنْتُمْ مِنْ قَبْلِهِ لَمِنَ الظَّالِمِينَ ﴿١٩﴾ ثُمَّ أَفِيضُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ النَّاسُ وَأَسْتَغْفِرُوا

اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٠﴾

— „197. Ҳаже (мавсуми) маълум ойлардир. (Яъни Шаввол, Зулқаъда ва Зулҳижжаса ойининг ўн куни). Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажени фарз қилса (ҳаже қилишини ният қилса), ҳаже давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишилар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Аллоҳ билади. Ва (ҳаже қилиши учун йўлга тушишидан аввал зарур озуқа билан) таъминланиб олинг! Энг яхши озуқа (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) Аллоҳдан кўрқишидир. Мендан кўрқингиз, эй аҳли донишлар! 198. (Ҳаже сафарида тижкорат қилиши билан) Парвардигорингиздан фазлу қарам исташингиздан сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир. Энди Арафотдан тушганингиздан кейин Машиарул Ҳаромда Аллоҳни зикр қилинг! У Зот сизларни — гарчи илгари адашганлардан бўлган эсангиз-да — ҳақ йўлга хидоят қилгани янглиг сизлар ҳам У Зотни эсланг — зикр қилинг!» 199. Сўнгра одамлар тушган томондан тушинглар ва Аллоҳдан (гуноҳларингизни) магфират қилишини сўранглар! Албатта Аллоҳ магфират қилгувчи, раҳмлиидир“. [2:197-199]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуийидагиларни баён қиласди:**

1 - آَخْرُ أَشْهُرٍ مَعْلُومٍ (Ҳаже (мавсуми) маълум ойлардир). Бу ҳажнинг сабабидир. Ҳаж ойларидан яъни, шаввол, зулқаъда ойлари ва зулҳижжа ойининг тўққиз куну бир тунидан бошқа пайтларда ҳаж қилиш дуруст эмас. (Абдуллоҳ ибн Умар, саҳобалар ва тобеинларнинг ҳаммалари, у шаввол, зулқаъда ойлари ҳамда зулҳижжа ойининг ўн куни, деганлар. Бу гап ҳар икки шайхнинг шартига кўра ҳам саҳиҳдир. «Мустадрак»да ҳам худди шундай дейилган). Зулҳижжа ойининг ўн кунига ўнинчи куннинг кундузи кирмайди. Рожиҳ гап шудир. Аллоҳнинг изни илиа буни баён қилиб ўтамиш.

Хўш, нима учун ҳаж ойларидан бошқа пайтда ҳаж қилиб бўлмайди, дедик. Чунки,

﴿آَخْرُ أَشْهُرٍ مَعْلُومٍ﴾

(ҳаже (мавсуми) маълум ойлардир). Яъни, ҳажнинг вақти муайян, белгилаб қўйилган ойлардир. Наҳв олимлари шундай деганлар.

Йил ойлари ичидан шу ойларнинг ҳаж учун хосланиши уларнинг ҳаж учун сабаб бўлганликларини кўрсатади. (Бу ерда сабаб сўзи истилоҳий маънода қўлланяпти). Бу худди намоз учун намоз вақтлари сабаб бўлишига, рўза учун рамазон ойи сабаб бўлишига ўхшайди.

Ибн Аббос айтади: «Фақат ҳаж ойларидагина ҳажга эҳром боғлаш суннатдандир».<sup>86</sup> Саҳобанинг суннатдандир, деган гапи бу ҳукм Пайғамбар ﷺ тарафидандир, деган маънода бўлса керак. Айниқса, бу гап Қуръон таржимони бўлмиш Ибн Аббос тилидан чиққан бўлса.

Хўш, биз нима учун зулҳижжа ойининг ўнинчи кундузини ҳаж ойларига киритмадик? Чунки зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни арафа кунидир. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«الْحَجُّ عَرَفَةُ مَنْ جَاءَ قَبْلَ صَلَاةِ الْفَجْرِ مِنْ لَيْلَةِ جَمْعٍ فَقَدْ تَمَّ حَجَّهُ»

**«Ҳаж арафадир. Йиғин кечаси бомдод намозидан олдин келган одамнинг ҳажи тўла бўлади».**<sup>87</sup> Абу Довуднинг ривоятида мана бундай дейилган:

«مَنْ أَدْرَكَ عَرَفَةَ قَبْلَ أَنْ يَطْلُعَ الْفَجْرُ فَقَدْ أَدْرَكَ الْحَجَّ»

**«Тонг отмай туриб, арафага етиб келган одам ҳажга етиб келибди».**<sup>88</sup> Доруқутний ривоятида эса мана бундай дейилган:

«الْحَجُّ عَرَفَةُ الْحَجُّ عَرَفَةُ»

**«Ҳаж арафадир. Ҳаж арафадир».**<sup>89</sup> Шундан келиб чиққадики, қурбон ҳайити куни тонгги отганидан кейин келган одамнинг ҳажи ҳаж бўлмайди. Йиғин кечаси Муздалифадаги кечадир.

Модомики, ҳаж ойлари ҳажнинг сабаблари экан, арафа куни охирлаб, ўнинчи куннинг тонгги отганидан кейин ҳажнинг муддати тугар экан, демак, ҳаж ойлари қурбон ҳайити куни тонгги отиши билан тугайди.

﴿فَمَنْ فَرَضَ فِيهِبِ الْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقٌ وَلَا جِدَالٌ فِي الْحَجَّ وَمَا تَفْعَلُوا﴾

مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللَّهُ

(86) Дуррул мансур: 2/526. Тафсири Қуртубий: 2/406. Тафсири Табарий: 2/257.

(87) Термизий: 814.

(88) Абу Довуд: 1664.

(89) Доруқутний: 2/241.

*(Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса (ҳаж қилишини ният қилса), ҳаж давомида (жусуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Аллоҳ билади).* Яъни, ким ўзига ўзи ҳаж қилишини фарз қилса ва ҳаж қилишга эҳром боғласа, унинг ҳажда аёли билан қўшилиши, гуноҳ ишлар қилиши ва жанжал-тўполон кўтариши мумкин эмас.

(الرفث) сўзи жимо қилиш, аёллар олдида шу ҳақда гапириш ва ёмон, фаҳш сўзларни айтиш маъносини билдиради.

(الفسوق) сўзи гуноҳлар ёки сўкиш, ҳақорат қилиш маъноларини англатади. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«سَبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ»

«Муминни сўкиш, ҳақорат қилиш фосиқликдир».<sup>90</sup>

(الجدال) сўзи хусумат, дўстлар билан талашиб-тортишиш, жанжал-тўполон кўтариш, бақир-чақир қилиш каби маъноларни англатади. “Шариат қоидаларига риоя қилинган ҳолдаги амри маъруф ва наҳий мункар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш бунга кирмайди).

Хўш, нима учун биз бу ишларни ҳаром, дедик. Чунки Аллоҳ Таолонинг

﴿فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقٌ وَلَا جِدَالٍ فِي الْحَجَّ﴾

(ҳаж давомида (жусуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди), деган гапи шу ишлардан қайтаришдир. Шу гапдан кейин Аллоҳ Таоло бундай деяпти:

﴿وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ حَيْثِرَ يَعْلَمُهُ اللَّهُ﴾

(Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Аллоҳ билади). Бу оятнинг мағҳуми бор. Яъни, юқорида айтиб ўтилган

﴿فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقٌ وَلَا جِدَالٍ فِي الْحَجَّ﴾

деган гапдаги ишлар яхши ишлар эмас, яъни, улар Аллоҳни ғазаблантирадиган ишлардир. Бундан ташқари бу ишларнинг айримлари масалан, фосиқлик, ундан қайтарилганлиги қатъий экани тушуниладиган тавсифdir ва у бу ердаги тақиқ қатъий эканига қаринадир. Шу билан бу ишлардан тақиқлаш қатъий бўлайтгани, бинобарин, ҳажда уларни қилиш ҳаром ишлар экани аён бўлади.

(90) Бухорий: 46. Муслим: 97.

Бу ишларнинг барчаси ёки уларнинг аксарияти ҳаждан бошқа пайтларда ҳам ҳаром-ку, нега энди улар фақат ҳаж пайти билан хосланяпти, дейилиши ҳам мумкин.

Бунга жавоб шуки, шундай қилинаётганига сабаб уларнинг айниқса ҳаж пайтида яна ҳам қаттиқроқ гуноҳлигини кўрсатишдир. Бу Аллоҳ Таолонинг мана бу гапига ўхшайди:

﴿وَمَنْ يُرِدْ فِيهِ بِالْحَادِ بِظُلْمٍ نُذْقَهُ مِنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ﴾

– „*Кимки у жойида зулм-зўравонлик билан йўлдан чиқмоқчи бўлса* (буларнинг ҳар бирига) *аламли азобдан тотдириб қўюрмиз*“.  
[22:25]

Бу иш учун ҳаждада ёки бошқа пайтда қилинишидан қатъий назар, аламли азоб бор.

Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنَّ عِدَةَ الْشُّهُورِ عِنْدَ اللَّهِ أَثْنَا عَشَرَ شَهْرًا فِي كِتَبِ اللَّهِ يَوْمَ خَلَقَ الْسَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ مِنْهَا أَرْبَعَةُ حُرُمٌ ذَلِكَ الَّذِينَ لَا يَقِيمُونَ فَلَا تَظْلِمُوا فِيهِنَّ أَنفُسَكُمْ وَقَاتَلُوا الْمُشْرِكِينَ كَافَةً كَمَا يُقَاتِلُونَكُمْ كَافَةً وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ﴾

– „*Улардан тўрти уруши ҳаром қилинган* (оїлар)дир. *Мана шу ҳақ диндир* (яъни, ҳақ ҳукмдир). *Бас, бу ойларда* (урушини ҳалол деб жсангга кириб) *ўзларингизга зулм қилмангиз!*“.  
[9:36]

деган гапи ҳам шу қабилдандир. Зулм қилиш уруш ҳаром қилинган ойларда ҳам, бошқа пайтда ҳам ҳаромдир. Бу ерда айниқса шу ойларда зулм қилишнинг янада оғирроқ гуноҳ бўлиши кўрсатиляпти.

3 –

﴿وَتَرَوْدُوا فِي رَبِّ حَيْرَ الزَّادِ التَّقَوَىٰ وَأَتَقُونَ يَتَأْوِي الْأَلَبِ﴾

(*Ва* (ҳајж қилиш учун йўлга тушишидан аввал зарур озуқа билан) *таъминланиб олинг!* Энг яхши озуқа (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) *Аллоҳдан қўрқишидир.* *Мендан қўрқингиз, эй аҳли донишлар!*).)

Бухорий Ибн Аббосдан ривоят қилишича, яманлик бир қанча одамлар ҳаж қилган пайтларида озуқа тайёрлаб олмасдан, биз таваккул қилувчилармиз, дерканлар. Кейин тиланчилик қилиб, одамлардан озуқа сўрарканлар. Шунда мана шу оят нозил

бўлибди: ( ﻭَتَرْوَدُوا ۚ تَأْمِنُلَانِبِ اُولِيْغِ!). Бу оятнинг ҳақиқиёт маъноси сафар учун озуқа олишдир.

Аллоҳ Таоло сафар учун моддий озуқа олиш зарурлигидан огоҳлантирас экан, моддий озуқа билан бирга ундан кўра яхшироқ яна бир озуқа ҳам олиш зарурлигини ҳам айтиб ўтяпти. Мажозий маънодаги бу озуқа энг яхши тиргакдир. У шаръий маънодаги тақводир, яъни, Аллоҳдан қўрқиш ва У Зотга итоат этишдир.

Аллоҳ Таоло йўл кўрсатяптики, ҳожи ҳажда одамлардан тиланиб юрмаслиги учун йўл озуқасини олсин. Бу моддий озуқага ундан яхшироқ бўлган яна бир озуқа яъни, Аллоҳдан тақво қилиш, У Зотга итоат этиш, У Зотнинг буюрганларини қилиш ва У Зотнинг тақиқларидан тийилиш озуқаси ҳам қўшиб қўйиляпти.

Аллоҳ Таоло оятни барча ақл эгаларига Аллоҳдан қўрқиши тайинлаш билан якунляпти. Нима учун хитоб ақл эгаларига, ақллиларга қаратиляпти? Негаки, яхшилик нимаю ёмонлик нималигини, Аллоҳнинг раҳмати нимаю азоби нималигини, ўзларига нима фойдалигу нима заарарлигини ажратадиганлар ва шу ажратадиганлар, тоат орқали Аллоҳга яқин бўлишга ҳаракат қиласадиганлар ва шу билан тақводорлар сафидан жой оладиганлар ана ўшалардир.

4 – Аллоҳ Таоло баён қиляптики, ҳаж ойларида эҳром боғлаган одамга савдо ишлари билан ва шу қабилдаги бирор ҳайвонини ё машинасини ижарага бериш каби ишлар билан шугулланиш жоиз. Модомики, у ният қилиб, Худо учун ҳаж қилишга эҳром боғлаган ва ҳажнинг ҳамма шартларию рукнларини бажарган экан, бу ишлари унинг ҳажини бузмайди.

Ҳаж ҳам ибодатdir, унинг тўғри бўлиши учун ният шартdir, шунинг учун ҳажга эҳром боғлаган одамнинг худди намоздаги одамдек бошқа ишлар билан машғул бўлиши дуруст эмас, дейилмайди.

Негаки, ибодатларда қиёс йўқдир. Ибодатларда улар борасида ворид бўлган ҳужжатга амал қилинади. Ҳаж намозга қиёсланмайди. Намозга эҳром боғлангандан кейин бошқа иш қилишга вақт сифмайди. Ҳажга эҳром боғлангандан кейин эса бошқа ишларни қилишга вақт сифади. Негаки, ҳажнинг муддати бир неча ойларни ташкил қиласади.

Бундан ташқари ҳаж мавсумида савдо билан шугулланишга рухсат берувчи ҳужжат Куръонда ҳам суннатда ҳам ворид бўлган.

﴿لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَصَلًا مِنْ رَبِّكُمْ﴾

((Хаж сафарида тијсорат қилиши билан) **Парвардигорингиздан фазлу карам исташингиздан сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир**). Яъни, савдода фойда қилиш ва бошқа ишлар билан Аллоҳ берадиган ризқни қидиринглар.

Бундай ҳужжат суннатда ҳам ворид бўлган. Мана бу ҳадисни Аҳмад Абу Умома Таймийдан чиқарган: «Ибн Умарга

- Биз ижарага бериш билан шуғулланамиз, энди бизнинг ҳажимиз ҳам ҳаж бўлаверадими, - дедим.

- Нима, сизлар лаббайкаллоҳуммани айтмадингларми? Уйни тавоғ қилмадингларми? Сафо билан Марва ўртасида саъӣ қилмадингларми? Фалон қилмадингларми? Пистон қилмадингларми?.., - деди у.

- Ҳа, бу ишларнинг ҳаммасини қилдик.

- Бир киши Пайғамбар ﷺ мана шу сен сўраган нарсани сўраганди. У киши нима деб жавоб беришини билмай тургандилар мана бу оят нозил бўлиб қолди:

﴿لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ﴾

(**сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир**). Пайғамбар ﷺ ҳалиги сўраган одамни чақириб, унга бу оятни тиловат қилиб бердилар ва, сизлар ҳам ҳожилар ҳисобланасизлар, дедилар».

5 – Шундан кейин Аллоҳ Таоло ҳожилар Арафотдан Муздалифага тушган пайтларида Машъарул Ҳаромда Аллоҳни зикр қилишларини, ҳаж фарзини адо этишларига муваффақ айлагани, унинг ҳукмларини ўргатгани учун У Зотга ҳамд айтишларини тайинлаяпти. Улар олдинлари (жоҳилият даврида) буларни билмасдилар, нотўғри ҳаж қилардилар, Аллоҳга ширк келтирадилар.

﴿وَأَذْكُرُوهُ كَمَا هَدَيْكُمْ وَإِنْ كُنْتُمْ مِنْ قَبْلِهِ لَمِنَ الظَّالِمِينَ﴾

(Энди Арафотдан тушиганингиздан кейин **Машъарул Ҳаромда Аллоҳни зикр қилинг!**).

Энди Арафотдан тушиганингиздан кейин) **فَإِذَا أَفَضَّتُمْ مِنْ عَرْقَتِي**.

Яъни, кўплашиб Арафотдан отилиб тушиб келган пайтингларда. Бу сўз сувни кўп қилиб қўйиш маъносида ишлатилади.

(**عَرْقَتِي**) бу сўз бу ерда арафа сўзининг кўплиги эмас. У ҳаждаги ўша машҳур жойнинг номидир. У кўплик вазnidаги сўздир. Унинг бирлиги, кўплиги бўлмайди. Яъни, у ерда ҳар бири

бир арафа деб номланадиган күп жойлар йўқ. Аксинча, Арафа сўзи ҳам, Арафот сўзи ҳам бир хил маънони англатади. Ҳар иккиси ҳам ўша машхур жой маъносида. Арафот сўзидаги то ҳарфи муаннаслик тоси эмас. Шунинг учун бу сўз мунсариф бўляпти.

﴿وَإِن كُنْتُم مِّن قَبْلِهِ لَمِنَ الظَّالِمِينَ﴾

(У Зот сизларни ҳақ ийлга ҳидоят қилгани янглиг сизлар ҳам У Зотни эсланг — зикр қилинг!). Яъни, гарчи Пайғамбар ﷺ сизларга ҳидоятни олиб келиб, сизларга ҳаж ҳақидаги ва бошқа шаръий ҳукмларни баён қилишидан олдин адашганлардан бўлсангиз-да.

(*آلْمَشْعُرُ الْحَرَامِ Mash'arul Ḥaram*). У бутун Муздалифадир. Ибн Умар ﷺ шундай деган. Муздалифа кўплик маъносида ҳам қўлланади.

6 – Охирги оятда Аллоҳ Таоло мусулмонларга қурайшлик ёки бошқа ерлик бўлишларидан қатъий назар, Муздалифадан эмас, Арафотдан тушиб келишларини буюряпти. Яъни, Муздалифада эмас, Арафотда туришни буюряпти. Бу буйруқда Қурайш жоҳилият пайтида ўрганиб қолган бир одатни бекор қилиш бор. Улар бошқа одамларга ўхшаб Арафотда эмас, ўзлари алоҳида Муздалифада турардилар. Чунки Муздалифа Ҳарамдан ҳисобланарди. Улар, биз Байтул Ҳаромда яшовчилармиз, шунинг учун Ҳарамдан ташқарига чиқмаймиз, дердилар. Муздалифада ҳам одамлардан ажралиб алоҳида турардилар. Аллоҳ Таоло бу оятда Қурайшга ва барча мусулмонларга хитоб қилиб, шундай деяпти: Бошқа одамларга ўхшаб сизлар ҳам Арафотда туринглар. Олдинги хатоларингиз учун, олдинлари билмасдан нотўғри ҳаж қилганларингиз учун Аллоҳдан мағфират сўранглар. Аллоҳ Таоло Ўзининг холис ниятли бандалари учун Кечиримли ва Раҳмли Зотdir.

Мана бу ҳадисни Бухорий ва Муслим Оиша ﷺдан чиқарганлар: «Қурайш ва унинг динидагилар Муздалифада турардилар. Уни Ҳимс, деб атардилар. Бошқа араблар Арафотда туришарди. Ислом келгач, Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбари ﷺ Арафотга келишни, ўша ерда туришни ва ўша ердан тушиб боришни буюрди.

﴿لَمْ أَفِيظُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ النَّاسُ﴾

(Сүнгра одамлар тушган томондан тушинглар). Мана шу маънога кўра, (ئىم) сўзи

﴿وَاتَّقُونِ يَتَأْوِلُ الْأَلْبَابُ﴾

(мендан қўрқингиз, эй аҳли донишлар!) иборасига атф бўлади. Яъни, бу оятларда мазмун жиҳатидан тақдим ва таъхир қоидаси қўлланган. Гўё маънонинг тартиби қўйидагича: Озуқаланинглар. Энг яхши озуқа тақводир. Мендан қўрқинглар, эй ақл эгалари. Кейин жоҳилиятдаги арабларга ўхшаб, Муздалифадан эмас, одамлар тушган жойдан - Арафотдан тушинглар. Арафотдан тушиб, Аллоҳнинг фармонини бажарганинглардан кейин Муздалифага бориб, Машъарул Ҳаромда яъни, Муздалифада Аллоҳни эсланглар, олдин адашган, ҳидоят топмаган кимсаларни яъни, сизларни ҳидоятга бошлагани учун У Зотга ҳамд айтинглар.

Шу ерда, биз биламизки, (ئىم) ишларнинг ўртада бироз кейин, тартибли юз беришини ифодалайди, шундай экан, қандай қилиб (ئىم)дан олдинги гап ундан кейинги гапдан кейин содир бўлиши мумкин, деган савол туғилиб қолиши мумкин.

Олдинги оятга бир назар ташлайлик:

﴿فَإِذَا أَفَضَّتُم مِّنْ عَرَفَتٍ فَادْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ﴾

(Энди Арафотдан (Макка яқинидаги тоғ) тушганингиздан кейин Mash'arul Ҳаромда Аллоҳни зикр қилинг!). Яъни, Муздалифада. Демак, ҳожилар Муздалифага етиб келиб бўлдилар.

Энди кейинги оятга назар ташлаймиз:

﴿ئىمَّ أَفِيضُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ النَّاسُ﴾

(Сүнгра одамлар тушган томондан тушинглар). (ئىم)нинг маъносидан келиб чиқиладиган бўлса, хаёлга биринчи бўлиб, мана Муздалифага етиб келдинглар, энди Аллоҳни эслаганинглардан ва бомдод намозини ўқиб бўлганинглардан кейин

﴿ئىمَّ أَفِيضُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ النَّاسُ﴾

Муздалифадан Минога тушинглар, деган гап келади.

Хўш, қандай қилиб

﴿ئىمَّ أَفِيضُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ النَّاسُ﴾

деган гапнинг маъноси Арафотдан Муздалифага қараб тушиш бўлсин? Ахир юқорида айтиб ўтганимиздек, (﴿﴾) ўзидан кейинги ишнинг ўзидан олдинги ишдан кейин юз беришини ифодалайди-ку! (﴿﴾)дан кейинги иш ундан олдинги ишдан олдин содир бўлиши мумкин эмас-ку!

**Бу саволга икки жиҳатдан жавоб берамиз:**

а) Бухорий ва Муслим ривоят қилган бу оят нузули ҳақидаги ҳадис

﴿لَمْ أَفِيظُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ آنَّاسٌ﴾

деган гапнинг маъноси Арафотдан Муздалифага қараб тушиш эканини кўрсатади, таржих қилади.

б) (﴿﴾)нинг бироз тин олиш билан бўладиган тартибни ифодалаши, ундан кейинги ишнинг ундан олдинги ишдан кейин юз бериши ҳақидаги гап тўғри гап. Лекин бу сўз фақат шу маънонигина англатади, дейиш хато. У бундан бошқа маъноларда ҳам қўлланади. Масалан, ундан кейинги иш ундан олдинги ишдан олдин содир бўлиши маъносини ҳам англатади. Лекин унинг бундай маъноси араб тилида жуда кам ишлатилади. Араблар, бугунги қилган ишим ўзимга ёқди, кейин кечаги қилган ишим ундан ҳам ёқимлироқ эди, деб қўйишади. Мана шу ерда бугунги ишга кечаги иш атф қилиняпти (уюшиб келяпти). Аслида тартиб бўйича бугунги иш кечаги ишдан кейинда туради. Ҳолбуки, ўша машҳур маънога кўра, кейинги иш олдинги ишдан бироз тин олганидан кейин юз бериши керак эди. Шунга кўра, бу сўзни бошқа маънода қўллаш учун қарина керак бўлади. Бу қўлловдан мақсад асосий эътибор қайси ишга қаратилиши кераклигини кўрсатиш эди. Чунки фасиҳ араб тилида тартибни бузиш ҳолати муайян бир мақсад учун юз беради, шунчаки бемақсад, ўзидан-ўзи юз бермайди.

Арабларнинг юқоридаги гапини яхшилаб ўрганадиган бўлсак, сўнgra сўзидан кейинги ишнинг ундан олдинги ишдан олдин юз берганига далолат қилувчи қарина кеча сўзининг сўнgra сўзидан кейин, бугун сўзининг эса сўнgra сўзидан олдин очиқ ишлатилаётгани экани маълум бўлади.

Бу гапдан кўзланган мақсад бугунги ишнинг қийматини кечаги ишнинг қийматидан пастроққа қўйиш бўляпти. Гапнинг зоҳирий маъносида кечаги иш мадҳ этиляпти. Моҳият эътибори билан эса бугунги иш қораланяпти. Яъни, бугунги иш кечаги ишдан яхшироқ бўлиш ўрнига, ёмонроқ бўляпти, олдинга кетиш ўрнига орқага кетяпти.

Ояти каримадаги қарина Бухорий ва Муслим ривоятидаги сабаби нузулдир.

Кўзланган мақсад эса Қурайшнинг Муздалифада туриши, Арафотга бормаслиги каби одатларини бекор қилишdir. Гўё Аллоҳ Таоло ўтган оятда уларнинг Арафотдан Муздалифага тушиб келишларини айтганидан кейин бу оятда яна шу мавзуга қайтиб, Қурайшга ҳам бошқа одамлар каби Арафотдан Муздалифага тушиб келиш фарз эканини билдиряпти.



﴿فَإِذَا قَضَيْتُم مَنِسَكَكُمْ فَادْكُرُوا اللَّهَ كَذِكْرُكُمْ إِبَاءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا  
فَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا إِاتِنَا فِي الدُّنْيَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ حَلْقٍ  
وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا إِاتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقَنَا عَذَابَ النَّارِ  
أُولَئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِمَّا كَسْبُوا وَاللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ﴾

– „200. Энди, маросимларингизни адo қилиб бўлгач, Аллоҳни аждодларингизни эслагандек, балки ундан-да қаттиқроқ эсланг! Зотан одамлар орасида шундай кимсалар борки, «Эй Парвардигор, бизга мана шу дунёда бергин», дейди. Ҳолбуки, унинг учун Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ. 201. Ва уларнинг орасида шундай зотлар ҳам борки, «Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхишилик ато қилгин, охиратда ҳам яхишилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин», дейдилар. 202. Ана ўша зотлар учун қилган ибодатлари (ҳаж, дуолари) шарофатидан насиба бор. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотdir“. [2:200-202]

Бу муборак ояtlарда Аллоҳ Таоло қуйидагиларни баён қилади:

1 – Ҳожилар ибодатларини қилиб бўлганларидан кейин Аллоҳ Таолони худди ўз оталарини эслагандек, балки ундан ҳам қаттиқроқ эсласинлар.

(۱۰) сўзи бу ерда балки маъносида келяпти. Яъни, Аллоҳни худди оталарини эслагандеккина эмас, балки ундан ҳам қаттиқроқ эсласинлар. Ҳожилар одатда ҳаж қилиб бўлганларидан кейин Минодаги масжид билан тоғ оралиғида туришиб, бир-бирларига фахрланиб, ота-боболарининг фазилатларини, ўз вақтида қандай ишлар қилганларини санаб кетардилар. Аллоҳ

уларга бу ишни ташлаб, унинг ўрнига ўша ота-боболарини эслагандан ҳам кўпроқ Аллоҳни эслашларини буюряпти.

Ибн Аббос айтади: Жоҳилият аҳли мавсимда туришиб улардан бири, менинг отам очларга таом берарди, бирорларнинг оғирини енгил қиласарди, товонларини тўлаб қўярди, дерди. Хуллас, уларнинг оталари қилган ишлардан бошқа эслайдиган нарсалари йўқ эди. Шунда Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилди:

﴿فَادْكُرُوا اللَّهَ كَذِكْرُهُ إِبَاءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا﴾

(*Аллоҳни ажододларингизни эслагандек, балки ундан-да қаттикроқ эсланг!*).

2 – Кейин Аллоҳ Таоло ҳожиларнинг икки гурухга бўлинишини баён қиласади:

а) Биринчи гуруҳдаги одамлар фақат шу дунёга эътибор берадилар. Аллоҳдан фаровон ҳаётни, шу дунёнинг зийнатини сўрайдилар. Охиратга эса интилмайдилар, ухровий ютуқни Аллоҳдан сўрамайдилар. Бундай одамлар учун охиратда насиба йўқ. Чунки улар фақат шу дунёда оладиган насибаларигагина аҳамият берадилар.

б) Иккинчи гуруҳдаги одамлар эса Аллоҳдан дунёвий фазлни ҳам, ухровий ажрни ҳам, шу дунёдаги яхшиликни ҳам, охиратдаги яхшиликни ҳам сўрайдилар. Шу билан улар Аллоҳнинг ризосига ноил бўладилар ва дўзах азобидан нажот топадилар.

Аллоҳ Таоло ҳар бир одамнинг қилган ишига қараб жазо ёки мукофотини беради. Аллоҳ ҳисобни тез оладиган Зотдир. Уларнинг ўзларию қилган ишлари ҳар қанча кўп бўлмасин, Аллоҳ учун уларни ҳисоблаш иш эмас.

﴿وَلَيْكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبُوا وَاللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ﴾

(*Ана ўша зотлар учун қилган ибодатлари* (ҳажс, дуолари) *шарофатидан насиба бор. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир*).



1417 ҳижрийнинг йигирма бешинчи муҳаррами,  
1996 милодийнинг олтинчи июни оқшомида  
тафсирнинг шу ерига етиб келдим.

Энди «Тафсир усулини қулайлаштириш»  
китобининг Бақара сурасидан иккинчи пора  
тўртинчи бўлими тафсирига киришамиз. У 203  
оятдан 252 оятгачадир.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

# Ат-Тайсир фи усули тафсир

Иккинчи пора, биринчи қисм  
Бақара сурасидан

1417 ҳижрийнинг 27 мұхаррамида 1996 милодийнинг  
13 июня ида пайшанба куни бошланды  
203 оятдан 252 оятгача



## Иккинчи пора, түртинчи қисм, бириңчи чорак

### بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿ وَادْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَعْدُودَاتٍ فَمَن تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ وَمَن تَأَخَّرَ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ لِمَنِ اتَّقَىٰ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّكُمْ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴾ وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يُعْجِبُكَ قَوْلُهُ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيُشَهِّدُ اللَّهَ عَلَىٰ مَا فِي قَلْبِهِ وَهُوَ أَكْلُ الْخِصَامِ ﴾ وَإِذَا تَوَلَّ مِنْ سَعَىٰ فِي الْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهَلِّكَ الْحَرَثَ وَالسَّلَلَ وَاللَّهُ لَا سُبُّ الْفَسَادِ ﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُ أَتَقَىٰ اللَّهَ أَخْدَتُهُ الْعَرَةَ بِالْإِثْمِ فَحَسِبَهُ رَجَهَمُ وَلَيَسْ إِلَّا مَهَادُ ﴾ وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَشْرِي نَفْسَهُ أَبْتِغَاءَ مَرَضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ ﴾ يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَدْخُلُوا فِي الْسِّلْمِ كَافَةً وَلَا تَتَّبِعُوا حُطُوتَ الشَّيْطَنِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴾ فَإِنْ زَلَّتُم مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتُكُمُ الْبَيِّنَاتُ فَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴾ هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَهُمُ اللَّهُ فِي ظُلْلٍ مِنَ الْغَمَامِ وَالْمَلِئَةُ وَقُضَى الْأَمْرُ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ ﴾ سَلَّبَنِي إِسْرَاعِيلَ كَمْ ءاتَيْتُهُمْ مِنْ ءَايَةٍ بَيِّنَةٍ وَمَنْ يُبَدِّلْ نِعْمَةَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتُهُ فَإِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴾ زُينَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا وَيَسْخَرُونَ مِنَ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَالَّذِينَ اتَّقُوا فَوْقَهُمْ يَوْمُ الْقِيَمَةُ وَاللَّهُ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴾ كَانَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً فَبَعَثَ اللَّهُ النَّبِيِّنَ مُبَشِّرِينَ وَمُنذِّرِينَ وَأَنَزَلَ مَعَهُمُ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِيَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ فِيمَا احْتَلَفُوا فِيهِ وَمَا احْتَلَفَ فِيهِ إِلَّا الَّذِينَ أُوتُوهُ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتُهُمُ الْبَيِّنَاتُ بَغْيًا بَيْنَهُمْ فَهَدَى اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا لِمَا احْتَلَفُوا فِيهِ مِنَ الْحَقِّ بِإِذْنِهِ وَاللَّهُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴾ أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثَلُ الَّذِينَ حَلَوْا مِنْ قَبْلِكُمْ

مَسْتَهِمُ الْبَاسَاءَ وَالصَّرَاءَ وَزُلْزِلُوا حَتَّىٰ يَقُولَ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ ءاْمَنُوا مَعْهُ مَتَىٰ نَصْرُ اللَّهِ  
 أَلَا إِنَّ نَصْرَ اللَّهِ قَرِيبٌ ﴿٢٩﴾ يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنِفِّقُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ حَيْثُ فَلَلَّهِ الدَّيْنُ  
 وَالآَقْرَبُينَ وَالْيَتَمَّ وَالْمَسِكِينَ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ حَيْثُ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ  
 كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كُرْهٌ لَكُمْ وَعَسَىٰ أَنْ تَكْرَهُوْ شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ  
 وَعَسَىٰ أَنْ تُحِبُّوْ شَيْئًا وَهُوَ شَرٌّ لَكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾ يَسْأَلُونَكَ  
 عَنِ الْشَّهِيرِ الْحَرَامِ قِتَالٍ فِيهِ قُلْ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ وَصَدٌّ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَكُفْرٌ بِهِ  
 وَالْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَإِخْرَاجُ أَهْلِهِ مِنْهُ أَكْبَرُ عِنْدَ اللَّهِ وَالْفِتْنَةُ أَكْبَرُ مِنَ الْقَتْلِ وَلَا  
 يَزَالُونَ يُقَاتِلُونَكُمْ حَتَّىٰ يَرْدُوْكُمْ عَنِ دِينِكُمْ إِنْ أَسْتَطَعُوْا وَمَنْ يَرْتَدِدْ مِنْكُمْ عَنْ  
 دِينِهِ فَيُمْتَأْنِي وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَئِكَ حَبْطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ وَأُولَئِكَ  
 أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَلِيلُوْنَ ﴿٣١﴾ إِنَّ الَّذِينَ ءاْمَنُوا وَالَّذِينَ هَاجَرُوا  
 وَجَهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَئِكَ يَرْجُونَ رَحْمَتَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣٢﴾

– „203. Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилингиз! Ким икки кунда шошилиб (зикрни тұхтатса) унга гуноҳ иўқ, ким кейинда (учинчи кунга ҳам) қолса, унга-да гуноҳ иўқдир. (Мазкур ҳукмлар) тақвадор кишилар учундир. Аллоҳдан құрқингиз ва билингизким, сизлар шубҳасиз Унинг ҳузурида түпланажақсиз. 204. (Эй Мұхаммад) одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирган гапи, ҳаёти дунёда Сизга қызық туюлади. Ва ўзи (Исломга) ашааддий хусуматчи бұлған ҳолида дилидаги «имонига» Аллоҳни гувоҳ келтиради. 205. (Олдингиздан) кетганида эса ерда бузгунчилик, әкин ва наслаларни ҳалок қилиш учун югурб-елиб юради. Аллоҳ эса бузгунчилик-фасодни севмайди. 206. Қачон унга: «Аллоҳдан құрққин», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳға тортади-етеклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а! 207. Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йүлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига ғамхұр, мөхрибондир. 208. Эй мұмінлар, тұла ҳолдаги Исломга кириңгиз! (Яни, Исломнинг баъзи ҳукмларыга итоат қилиб, баъзиларига итоат қылмайдыған

кимсалардан бўлмангиз)! **Ва шайтоннинг изидан эргашманлар!** Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир. 209. Агар сизларга очиқ хуёжесатлар келганидан кейин ҳам тойилсангиз, билингизки, албатта Аллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир. 210. Улар (ҳақ йўлни инкор этувчилар қиёмат кунида) боқмайдилар, магар уларга булутдан бўлган соябон остида Аллоҳ ва фаришталар (ҳисобкитоб учун) келади-да, иши тамом бўлади (яъни улар қуфрлари сабабли дўзахга ҳукм қилинурлар). **Ва барча ишлар ёлгиз Аллоҳга қайтарилаожак.** 211. Бану Исроилдан сўранг (эй Мухаммад), уларга қанчалаб очиқ мўъжизалар бердик экан! Ким Аллоҳнинг неъмати келганидан сўнг, уни ўзгартирас экан, бас, албатта Аллоҳ жазоси қаттиқ зотдир. 212. Қуфр йўлини тутган кимсалар учун бу ҳаёти дунё чиройли қилинди. Улар имон эгаларининг устларидан қуладилар. Ҳолбуки, қиёмат кунида тақвадор зотлар улардан баланддир. Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз ризқ беради. 213. Одамлар бир миллат эдилар. Сўнг (ораларида келишимовчиликлар пайдо бўлгач), Аллоҳ (мўминларга) ҳуишхабар элтгувчи ва (кофирларни жаҳаннам азобидан) қўрқитувчи пайгамбарларини юборди. **Ва уларга қўшиб одамлар орасида чиққан тортишивларга ҳакам бўлсин, деб ҳақ китобни (Таврот, Инжилни) нозил қилди.** Энди очиқ оятлар келганидан кейин, фақат шу китоб берилган кимсалар ҳадларидан ошиб, талашиб-тортишидилар. Сўнгра Аллоҳ Ўз изни билан мўминларни улар (китоб берилган кимсалар) ихтилоф қилган ҳақ йўлга йўллади. Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни тўғри йўлга ҳидоят қиласди. 214. Ёки (эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар ибрати сизларга келмай туриб жсаннатга кишини ўладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушиган эдиларки, ҳатто пайгамбар ва имонли кишилар: «Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?» дейшишган эди. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: «Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир». 215. Сиздан (эй Мухаммад), нималарни эҳсон қилишини сўрайдилар. Айтинг: «Қандай яхишилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уругга, етим-мискинларга ва йўловчи-мусофиirlарга қилингиз. Қандай яхишилик қилсангиз, шубҳасиз Аллоҳ уни билгувчиидир». 216. Сизларга ёқмаса-да, жанг қилишингиз фарз қилинди. (Зотан) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтиргаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз. 217. Сиздан «шаҳри ҳаром» — уруши ҳаром бўлган ойда жанг қилиши ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У ойда жанг қилиши катта гуноҳдир.

*Аллоҳнинг йўлидан тўсиши, Унга ишонмаслик ва Масжидул Ҳаромдан (яъни Маккадан) тўсиши ва ундан ахларини қувиб чиқарши Аллоҳ наздида улугроқ гуноҳдир. Фитна (алдаи) ўлдиришдан-да каттароқ гуноҳдир. Улар (коғирлар) кўлларидан келса то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан уришаверадилар. Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундаи кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охиратда беҳуда кетур. Улар дўзах эгалариdir ва унда абадий қолажасаклар. 218. Имон келтирган, (ватанларидан) ҳижрат қилган, Аллоҳ йўлида кураиган зотлар — ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Аллоҳ мағфират ва раҳм-шафқат қилгувчиidir“.* [2:203-218]

### Тафсир:

﴿ وَأَذْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَعْدُودَاتٍ فَمَنْ تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأَخَّرَ فَلَا

﴿ إِثْمٌ عَلَيْهِ لِمَنِ اتَّقَىٰ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّكُمْ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴾

— „203. Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилингиз! Ким икки кунда шошилиб (зикрни тўхтатса) унга гуноҳ йўқ, ким кейинда (учинчи кунга ҳам) қолса, унга-да гуноҳ йўқдир. (Мазкур ҳукмлар) тақвадор кишилар учундир. Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, сизлар шубҳасиз Унинг ҳузурида тўпланажасксиз“. [2:203]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуидагиларни баён қиласди:**

1. Қурбон ҳайити куни ва ташриқ кунлари намозлар ортидан ҳамда жонлиқ сўйилиши ва шайтонга тош отиш пайтларида такбир айтиш.

Ташриқ кунлари

﴿ فِي أَيَّامٍ مَعْدُودَاتٍ ﴾

(Саноқли кунларда) деган гапдан чиқади. Чунки Аллоҳ Таоло шу гапдан кейин

﴿ فَمَنْ تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأَخَّرَ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ ﴾

(Ким икки кунда шошилиб (зикрни тўхтатса) унга гуноҳ йўқ, ким кейинда (учинчи кунга ҳам) қолса, унга-да гуноҳ йўқдир) деяпти. Пайғамбар ﷺдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда у зот бу кунларни Минонинг ҳайит кунидан ташқари уч куни, деб номлаганлар.

«الْحَجُّ عَرَفَةُ، مَنْ جَاءَ لِيَلَّةَ حَمْعٍ قَبْلَ طَلْوَعِ الْفَجْرِ فَقَدْ أَذْرَكَ أَيَّامٌ مِنِّي ثَلَاثَةُ، فَمَنْ تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأَخَّرَ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ»

**«Хаж арафадир. Ким йигин куни тонг отмасидан олдин келса, Минонинг уч кунига етиб келибди. Икки кун эртароқ келган кишига ҳам, кечроқ келган кишига ҳам гуноҳ йўқдир».**<sup>91</sup> Йигин куни бу Муздалифа кунидир. Ким тонг отмасидан олдин, яъни, ҳайит кунининг тонги отмасидан олдин етиб келса, Минонинг уч кунига етиб келган бўлади. Бундан унинг ҳайитдан кейинги кунлар экани чиқади. Чунки ҳажга кечикиб келган одам йигин куни ҳайит тонгги отмасидан олдин Арафада туришга етиб келса, у ҳайит кунига етиб келган бўлмайди. Негаки, кун қуёш ботишидан бошланади. У эса бу вақтни ўтказиб юборди. У кечаси Арафада бўлди. Демак, у ташриқ кунларига яъни, Минонинг ҳайит кунидан ташқари уч кунига етиб келди. Пайғамбар ﷺ ҳадиснинг охирида

«فَمَنْ تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأَخَّرَ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ»

**«Икки кун эртароқ келган киши учун ҳам, кечроқ келган киши учун ҳам гуноҳ йўқдир»**, деяптилар. Мана шу гап ҳадисда ворид бўлган Минонинг уч куни оятда ворид бўлган саноқли кунлар эканини кўрсатади.

Шунга кўра

﴿وَأَذْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَعْدُودَاتٍ﴾

(Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилингиз!) деган гап ташриқ кунлари фарз намозлари ортидан Аллоҳга такбир айтинглар, деган маънода бўлади.

﴿لَيَشْهُدُوا مَنْفِعَ لَهُمْ وَيَذْكُرُوا أَسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَعْلُومَاتٍ عَلَى مَا رَزَقَهُمْ مَنْ

﴿بِهِمَةٌ الْأَنْعَمُ﴾

– „Улар ўзлари учун бўлган (диний ва дунёвий) манфаатларга шоҳид бўлиши учун ва маълум кунларда (яъни қурбон ҳайити кунларида Аллоҳ) уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (қурбонлик учун сўйиши) устида Аллоҳ номини зикр қилиши учун (келурлар)“.

[22:28]

Бу оят қурбон ҳайити куни ҳамда биринчи ва иккинчи ташриқ кунлари такбир айтиш маъносини англатади. Умар ва Али

(91) Термизий: 814. Насойи: 2949. Ибн Можа: 3006. Абу Довуд: 1664.

Құлардан қилинган ривоятларда шундай дейилган. Абу Ҳанифа, имом Молик ва имом Аҳмад ибн Ҳанбалларнинг мазҳабида шу гап олинган.

Нофеъ Ибн Умардан ривоят қиласы: Ўтган икки оятдаги саноқли кунлар ва маълум кунлар қўйидаги тўрт кундир: Қурбонлик куни маълум кун, лекин саноқли кун эмас. Үндан кейинги икки кун ҳам маълум ва ҳам саноқли кунлар. Тўртинчи кун саноқли кун, лекин маълум кун эмас. Чунки бу кунда қурбонлик қилиш дуруст эмас.

Энди шайтонга тош отиш пайтида такбир айтиш хусусида тўхталадиган бўлсак, Пайғамбар Ғәнинг ҳаж қилишлари хусусидаги ривоятда шундай гап бор: «**Бисмиллаҳи Аллоҳу Акбар,** (яъни, Аллоҳнинг номи билан, Аллоҳ Улуғдир), деб тош отардилар».<sup>92</sup>

Қурбонлик қилинаётган пайтда ҳам бисмиллаҳ ва такбир айтилади. Оятда келади:

﴿لَنْ يَنَالَ اللَّهُ حُوْمَهَا وَلَا دَمَاؤهَا وَلِكِنْ يَتَالُهُ الْتَّقْوَىٰ مِنْكُمْ كَذَلِكَ سَخْرَهَا لَكُمْ لِتُكَبِّرُوا اللَّهُ عَلَىٰ مَا هَدَلُكُمْ وَدَشِّرُ الْمُحَسِّنِينَ﴾

— „Аллоҳга (қилган қурбонликларингизнинг) гўштлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин у зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли У зотни улуглашиларингиз учун (яъни қурбонликларингизни сўёётган пайтингизда Аллоҳнинг исмини зикр қилишингиз учун) уларни сизларга бўйсундирив қўйди. Яхшилил қилгувчиларга хушхабар беринг“ [22:37]

Қурбонлик қилиш хусусидаги ҳадисда шундай дейилган:<sup>93</sup>

2.

﴿فَمَنْ تَعْجَلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِنْ شَاءَ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأْخَرَ فَلَا إِنْ شَاءَ عَلَيْهِ لِمَنِ اتَّقَىٰ﴾

(Ким икки кунда шошилиб (зикрни тўхтатса) унга гуноҳ йўқ, ким кейинда (учинчи кунга ҳам) қолса, унга-да гуноҳ йўқдир. (Мазкур ҳукмлар) тақводор кишилар учундир).

Бу оят икки ишни ифодалайди:

а) Ҳаж қилаётган одам иккинчи ташриқ куни тош отиб бўлганидан кейин ҳажини тугатиб, шошиб оиласига қайтиши

(92) Бухорий: 2810. Муслим: 3610. Абу Довуд: 1966. Термизий: 901. Аҳмад: 6/90.

(93) «Пайғамбар Ғән қурбонлик қилинаётганда бисмиллаҳ ва такбир айтардилар. (Бисмиллаҳи Аллоҳу Акбар, дердилар)». Аҳмад: 3/144. Ибн Ҳиббон: 13/323.

мумкин. У биринчи ақаба тошини қурбонлик куни қуёш чиққанидан кейин отади. Кейинги уч тошни биринчи ва иккинчи ташриқ кунлари заволдан (кун ботгандан) кейин отади. Шундан кейин у ҳажини тамомлаши ҳам ёки уни кечга суриб, учинчи ташриқ куни ва ундан кейинги кунда яна тош отиб, ундан кейин видолашув тавофини қилиб, ҳажини тугатиши ҳам мумкин.

Оятда ҳаж қилаётган одамнинг шошиб кетишига ихтиёр берилаётгани кўрсатиляпти. Қандай қилиб, у ихтиёри бўлсин, ахир бу икки иш бир-бири билан teng эмас-ку, улардан бири яъни, кечга суриш иккинчисидан яъни, эртароқ кетишдан афзалку, дейилмайди. Чунки ихтиёр бир-бири билан teng ишларда ҳам, бири иккинчисидан афзал бўлган ишларда ҳам берилаверади. Масалан, мусоғир одам рўза тутиш ёки тутмасликада ихтиёрилдидир. Ҳолбуки, модомики, қодир экан, унинг рўза тутгани афзалдир.

﴿وَأَن تَصُومُوا حَيْثُ لَكُمْ﴾

— „Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзингиз учун яхшироқдир“ [2:184]

б) Бу оят ҳажнинг якупнаниши ҳақида. Унда айтиляпти, иккинчи ташриқ куни тош отиб бўлганидан кейин оиласига шошиб қайтган одам ҳам ёки учинчи ташриқ куни ҳам тош отиб, ундан кейин оиласига қайтган одам ҳам агар тақводорлардан бўйлса, гуноҳкор эмас. Яъни, унисининг ҳам, бунисининг ҳам ҳамма гуноҳлари кечирилгандир. Лекин бу ваъда фақат

﴿لِمَنِ اتَّقَى﴾

(тақводор кишилар учун)гина хосдир. Ҳажини рисоладагидек бажарган тақводорлар ўз уйларига ҳамма гуноҳлари кечирилган ҳолларида қайтадилар. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«مَنْ حَجَّ هَذَا الْبَيْتَ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُدْ خَرَجَ مِنْ خَطَابِهِ كَيْوْمٍ وَلَدَّهُ أَمْهُ»

«Кимки шу Уйни жимо қилмасдан, гуноҳ қилмасдан ҳаж қилса, худди онасидан янги туғилгандек гуноҳларидан пок бўлади». <sup>94</sup> Аллоҳ Таолонинг

﴿فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ﴾

(унга гуноҳ йўқ) деган гапи тўла поклашдир, тозалашдир. Яъни, шошиб кетиши ёки шошмай кетишидан қатъий назар ҳажни рисоладагидек бажарган, ўзи тақводорлардан бўлган кишининг

<sup>(94)</sup> Бузорий: 1424. Муслим: 2404.

гуноҳлари кечирилади. Али ибн Абу Толиб, Ибн Аббос ва Ибн Масъуд رضлар шундай деганлар.

Шунга кўра,

﴿لِمَنْ أَكَفَّى﴾

(тақводор кишилар учун), деган гап яъни, тақводор бўлиш ҳажни шошиб ёки шошмасдан тугатишнинг жоизлиги учун эмас, балки ҳажни шошиб ёки шошмасдан тугатишидан қатъий назар, ҳожининг гуноҳлари кечирилган ҳолда қайтиши учун шартdir.

﴿فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ﴾

3.

﴿وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّكُمْ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ﴾

(Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, сизлар шубҳасиз Унинг ҳузурида тўпланажаксиз).

Яъни, ҳожилар оиласида қайтганларидан кейин ҳам Аллоҳга тақво қилишда давом этишлари, ҳар доим ўзларининг бир куни ўлишларини, қайта тирилишларини, Аллоҳнинг олдида хисоб беришларини эслаб туришлари лозим. Мана шу ишлари уларни ҳар қандай гуноҳни қилишдан тия оладиган даражада бўлсин. Аллоҳнинг ғазабидан, азобидан қўрқсингилар, жаннатидан, ризосидан умидвор бўлсинлар. Токи, ҳаж қилиш билан эришилган гуноҳдан пок бўлиш неъмати сақланиб қолсин.

\* \* \*

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يُعَجِّبُكَ قَوْلُهُ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيُشَهِّدُ اللَّهَ عَلَىٰ مَا فِي قَلْبِهِ وَهُوَ أَلَّا الْخِصَامُ ﴿١﴾ وَإِذَا تَوَلَّ سَعَىٰ فِي الْأَرْضِ لِفِسْدٍ فِيهَا وَهُمْ لَكُمُ الْحَرْثُ وَالنَّسَلُ ﴿٢﴾ وَاللَّهُ لَا تُحِبُّ الْفَسَادَ ﴿٣﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُ أَتَقَنَّ اللَّهَ أَحَدَهُ الْعِزَّةُ بِالْإِلَٰمِ فَحَسَبُهُ جَهَنَّمُ ﴿٤﴾ وَلَيَسَ الْمُهَادُ ﴿٥﴾ وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْرِي نَفْسَهُ أَتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ ﴿٦﴾

— „204. (Эй Мухаммад) одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирган гапи, ҳаёти дунёда Сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (Исломга) ашаддий хусуматчи бўлган ҳолида дилидаги

**«имонига» Аллоҳни гувоҳ келтиради.** 205. (Олдингиздан) кетганида эса ерда бузгунчилик, экин ва насларни ҳалок қилиши учун югуриб-елиб юради. Аллоҳ эса бузгунчилик-фасодни севмайди. 206. Қачон унга: «Аллоҳдан кўрққин», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади-етаклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а! 207. Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига гамхўр, меҳрибондир “.

Бу оятлар юқорида ўтган мана бу оятларга атф қилиняпти:

﴿فَإِذَا قَضَيْتُم مَنِسَكَكُمْ فَادْكُرُوا اللَّهَ كَذِكْرُكُمْ إِبَاءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا  
فَمِنْ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا إِاتِنَا فِي الدُّنْيَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ حَلْقٍ  
وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا إِاتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقَنَا عَذَابَ الدَّنَارِ﴾

– „Зотан одамлар орасида шундай кимсалар борки, «Эй Парвардигор, бизга мана шу дунёда бергин», дейди. Ҳолбуки, унинг учун Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ. Ва уларнинг орасида шундай зотлар ҳам борки, «Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин», дейдилар“.

[2:200-201]

Аллоҳ ҳаж ҳақидаги оятларни нозил қилиб, уларда одамлар ҳаж маросимларини ўтказиб бўлганларидан кейин икки гуруҳга ажралишларини, биринчи гуруҳ одамлари Аллоҳдан фақат шу дунёни сўраши ва улар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқлиги, иккинчи гуруҳ одамлари эса бу дунёning ҳам, охиратнинг ҳам савобини сўрашларини баён қилганди. Булар ҳажга алоқадор гаплар эди.

Энди бу ерда Аллоҳ Таоло ҳаждада ҳам, ҳаждан бошқа пайтда ҳам дунёга ёки охиратга интилиш турли одамларда турлича кечишини баён қиласпти.

Аллоҳ Таоло бир-бирига атф бўлиб, уюшиб келаётган бўлаклар (ҳаж пайтидаги гуруҳлар, ҳаждан бошқа пайтдаги гуруҳлар) орасига фосила киритди, яъни, ўртада шошиб икки куннинг ўзида қайтиб кетиш ёки шошмасдан учинчи кунга ҳам қолиш ҳақидаги гапни айтиб ўтди. Бундай фосила бир мақсад билан, сабаб билан киритилади. Шу ишга алоҳида диққат қилиниши учун киритилади. Уни таъкидлаб қўйиш учун киритилади. Токи, одамлар унга бепарво бўлмасинлар. Куръони Каримнинг мана шу жойида ҳам худди шундай қилиняпти. Аллоҳ Таоло ўтган оятларда

## ﴿فَإِذَا قَضَيْتُم مَّنِسَكَكُمْ﴾

— „Энди, маросимларингизни адо қилиб бўлгач...“ [2:200]

деганидан кейин яъни, Арафотдан Машъарул Ҳаромга тушилгандан сўнг ташриқ кечаларидан энг камида икки кечани ўша ерда ўтказишни таъкидлаяпти. Токи, одамлар бу ишга бепарво бўлиб, Арафотдан Муздалифага тушишнинг ва қурбонлик қилишнинг ўзи билан кифояланиб қолмасинлар. Икки атф қилинаётганлар, уюшиб келаётган бўлаклар ўртасига тунашни, кечани ўтказишни айтиб ўтиш уни шу шаклдан бошқа шаклда айтишдан таъкидлироқдир.

Шундан кейин Аллоҳ Таоло мана шу оқимда одамларнинг яна бошқа икки сифатини баён қиласиди:

1. Бир гурух одамларнинг ҳаёт ҳақидаги гаплари сизга қизиқ туюлади. Улар жуда чиройли, мулойим, келиштириб гапирадилар. Тили билан дили бирлигига Аллоҳни гувоҳ қиласидилар. Аслида эса улар Ислом ва мусулмонларга ашаддий душманлардир.

Улар сизнинг олдингиздан чиқибоқ, дарҳол бузғунчилик қилишга, экинлару наслларни қиришга, набототни пайҳон қилишу ҳайвонотнинг қонини тўкишга киришадилар.

Унинг қилган ишларини кўриб қолиб, фош этиб, унга Аллоҳни, Аллоҳдан қўрқишини эслатсангиз, зулмидан қайтиб, ёмонлигини ташлаш ўрнига ўзини катта олади, керилади, гердаяди, манманлик қиласиди. Унинг борар жойи жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат.

## ﴿فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا﴾

Яъни, дунёвий ишларда. Ҳаётдан мурод яшаш учун зарур бўлган ишлардир, нарсалардир.

## ﴿الَّدُلُلُ الْخَصَامُ﴾

Ноҳақдан ашаддий душман бўлиш. Ибн Аббос  шундай деган. (أَهْرَار) сўзи исми тафзил эмас, (أَهْرَار) сўзига ўхшаш бир сўздир.

Чунки у муаннаси ва кўплиги қандай вазнда бўлиши жиҳатидан (أَهْرَار) сўзи билан бир хил. Бундан ташқари исми тафзил ўзи изофа қилинган сўзнинг бир қисми бўлади. Масалан, Зайд қавмнинг энг афзалидир, дейилганда қавмнинг энг афзали ўша қавмнинг бир бўлагидир. (أَهْرَار) сўзи эса хусумат, душманлик маъносида

тирик шахс ҳодисанинг бир бўлаги бўлиши мумкин эмас. (الْخَصَامِ)  
 сўзи (خصم) сўзининг яъни, душман сўзининг кўплигидир, деган одамлар ҳам бор. У ҳолда ва у ашаддий душман, деган ибора ва у душманлиги ашаддий одам, деган маънода бўлади. Лекин Ибн Аббоснинг тафсири биз юқорида айтиб ўтган гапнинг вазнини оғирлаштиради. Яъни, ноҳақлик борасида ашаддий душман бўлиш, душманлик қилиш. Шунда бу сўз исми тафзил эмас, сифат бўлади. Бу гапда ашаддий душманлик қилиш қораланаётганига ишора бор. Ҳадисда келади:

«بَعْضُ الرِّجَالِ إِلَى اللَّهِ الْأَكْلُ الْخَصَمُ»

**«Аллоҳ учун кишиларнинг энг ёқимсизи ашаддий душмалик қиласиган кишиидир».**<sup>95</sup> Ашаддий душманлик қилиш мунофиқларнинг сифатларидандир. Чунки улар дунёни яхши кўрадилар ва шунинг учун устида бир-бирларига жуда кўп душманлик қиласилар.

﴿وَبِهِلَّكَ الْحَرْثُ وَالنَّسَلَ﴾

(экин ва наслларни ҳалок қилишади). Яъни, экинни ва ҳар бир жонли нарсани.

(الْحَرْث) сўзи экин маъносида. (النَّسَل) сўзи эса ҳар бир жонли нарсани англатади. Отанинг белидан ва онанинг қорнидан чиққани учун фарзанд ҳам насл ҳисобланади.

﴿أَخَذَتُهُ الْعَرَةُ بِالْإِثْمِ﴾

(кибру ҳавоси гуноҳга тортади-етаклайди). Азизлик хорликнинг аксидир. Лекин бу ерда бу сўз мажозий маънода, манманлик, ўзини катта олиш маъноларида қўлланяпти. Яъни, гуноҳга ҳамроҳ бўлган манманлик сари ўзини отди. Бу гап ноҳақ устида саркашлик билан, ўзини катта олиш билан, гажирлик билан туриб олишдан киноядир.

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُ أَتَقِنَ اللَّهَ أَخَذَتُهُ الْعَرَةُ بِالْإِثْمِ﴾

(Қачон унга: «Аллоҳдан қўрқян», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади-етаклайди). Бу гап Аллоҳдан тақво қилиши эслатилиб турган бир пайтда яна саркашлик билан ноҳақлик устида тураверишнинг нақадар оғир гуноҳлигини кўрсатади. Ҳа,

(95) Бухорий: 2277. Термизий: 2902. Муслим: 4821.

тақво әслатилганда унга амал қилиш ўрнига, уни оғир олиш, ундан ғаш келиш нақадар катта гуноҳ!

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يُعَجِّلُكَ قَوْلُهُ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيُشَهِّدُ اللَّهَ عَلَىٰ مَا فِي قَلْبِهِ وَهُوَ أَلَّدُ الْخِصَامِ ﴾  
وَإِذَا تَوَلَّ سَعَىٰ فِي الْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهَلِّكَ الْحَرَثَ وَالنَّسَلَ  
وَاللَّهُ لَا تُحِبُّ الْفَسَادَ ﴾  
وَإِذَا قِيلَ لَهُ أَنَّ اللَّهَ أَحَدُهُ أَعْزَزُ بِالْإِلَهَيْمَ فَحَسِبَهُ جَهَنَّمُ  
وَلَيْسَ الْمَهَادُ ﴾

— „204. (Эй Мұхаммад) одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирған гапи, ҳаёти дунёда Сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (Исломга) ашааддий хусуматчи бўлган ҳолида дилидаги «имонига» Аллоҳни гувоҳ келтиради. 205. (Олдингиздан) кетганида эса ерда бузгунчилик, экин ва наслларни ҳалок қилиши учун югуриб-елиб юради. Аллоҳ эса бузгунчилик-фасодни севмайди. 206. Қачон унга: «Аллоҳдан қўрққин», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади-етаклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а!». [2:204-206]

Бу оятлар Бану Зухранинг иттифоқдоши Ахнас ибн Шариқ ҳақида нозил бўлган. «У Мадинага Пайғамбар ғининг олдиларига келиб, ўзининг мусулмон бўлганини изҳор қилган. Пайғамбар ғининг бу ишидан ҳайратланганлар. У, мен мусулмон бўлишни истаб келдим, менинг содиқлигимни Аллоҳ Таолонинг Ўзи билади, деган. Кейин Пайғамбар ғининг ҳузурларидан чиқиб, мусулмонларга қарашли экинлар ҳамда эшакларнинг ёнидан ўтган ва экинларга ўт қўйган, эшакларни эса ярадор қилган». <sup>96</sup>

Бу ердаги лафз умумий маънода бўлиб, Ахнасни ҳам, худди шундай сифатларга эга бўлган бошқаларни ҳам ўз ичига олаверади.

﴿فَحَسِبَهُ جَهَنَّمُ وَلَيْسَ الْمَهَادُ ﴾

(Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а!). Яъни, кўрпаташак. Бу сўз таҳқиrlаш, устидан кулиш учун қўлланяпти. Чунки жаҳаннам дам олиб, ухлаб ётиладиган кўрпа-тўшак эмас, алам, оғриқ ва азобдир.

2. Яна бир гуруҳ одамлар борки, жонларини Аллоҳнинг ўйлига тикадилар, жонлари учун Аллоҳ Таолонинг ризосидан

<sup>(96)</sup> Дуррул Мансур: 2 / 572. Тафсири Табарий: 2 / 312.

бошқа нарсаны истамайдылар. Улар охиратда наим жаннатларида бўладилар. Улар биринчи гуруҳ одамларига ўхшаб фақат шу дунёнигина ғамини емайдылар. Уларнинг энг буюк фоялари, мақсадлари Аллоҳ Таолонинг ризосидир.

Аллоҳ Таоло оятни

﴿وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ﴾

(**Аллоҳ бандаларига ғамхӯр, меҳрибондир**), деган гап билан якунлаяпти. Бандаларга дегани мўминларга деганидир. Аллоҳ Таоло мўминларга меҳрибонлик қилади, уларни яхши кўради, уларга Ўзининг ризосига олиб борадиган йўлни кўрсатади. Токи, мўминлар олий фирмавс жаннатларидаги олий даражаларга эришсинлар.

﴿يَتَرَى نَفْسُهُ﴾

(**Ўз жонини беради**). Яъни, жиход йўлида, Исломга даъват қилиш йўлида сотади, сарфлайди. Аллоҳ Таолонинг мана бу гапи ҳам шу қабилдандир:

﴿إِنَّ اللَّهَ أَشَّرَى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنفُسُهُمْ وَأَمْوَالُهُمْ بِأَنَّ لَهُمُ الْجَنَّةَ﴾

– „**Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди**“ [9:111]

Ибн Аббос, Анас ибн Молик ва бошқаларнинг ﷺ айтишича, бу оят улуг саҳоба Сұҳайб ибн Синон Румий ҳақида нозил бўлган. У Маккада мусулмон бўлиб, Мадинага ҳижрат қилмоқчи бўлганида мушриклар, мол-давлатинг билан кетмайсан, уни ташлаб кетасан, деб шарт қўйишган. Сұҳайб ﷺ шундай қилган. Уларга мол-давлатини берган. Яна бир ривоятда Маккадаги мол-давлати қаердалигини уларга айтиб берган ва ҳижрат қилган. Шунда Аллоҳ Таоло у ҳақда шу оятни нозил қилган. Уни Умар ибн Хаттоб ва бир қанча одамлар қарши олишиб, Ҳарра томон бошлаб борар эканлар, савдоинг яхши даромад келтирди, дейишли. У, Аллоҳ сизларнинг савдоингларни ҳам касод қилмасин, нима деяпсизлар ўзи, деди. Саҳобалар унга, Аллоҳ Таоло у ҳақда мана шу оятни нозил қилганини ва бу ҳақда уларга Пайғамбар ﷺ хабар берганини айтиб беришиди.

Ҳорис ибн Абу Усома ўзининг «Муснад»ида ва Ибн Абу Ҳотим Саъид ибн Мусайяддан мана бу ҳадисни чиқарганлар: Сұҳайб ҳижрат қилиб Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келаётганида бир неча қурайшликлар унинг изидан тушдилар. У отидан тушиб, ўқдонидаги ўқларини олиб, эй Қурайш жамоаси, менинг

қанчалар мерганлигимни биласизлар, Аллоҳга қасамки, то менинг олдимга етиб келгунингларча ўқдонимдаги ҳамма ўқимни отаман, ундан кейин қўлимда қолгани қиличимни олиб жанг қиласман, ана ундан кейин хоҳлаганингларни қиласверинглар, агар истасанглар, сизларга Маккадаги мол-давлатимни беркитган жойимни айтаман ва шу билан сизлар мени қўйиб юборасизлар, деди. Улар, хўп, дейишди. Пайғамбар ﷺ нинг олдиларига етиб келганида, Пайғамбар ﷺ унга, эй Абу Яҳё савдоинг фойдали бўлди, дедилар ва мана шу оят нозил бўлди.

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَشْرِي نَفْسَهُ أَبْتَغِيَاءَ مَرَضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ﴾

(Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир). Ҳоким «Мустадрак»да Сайд ибн Мусайяддан, у Суҳайбдан ривоят қилган шунга ўхшаш бир мавсул ҳадис чиқарган.

Бу оят гарчи Суҳайб ﷺ ҳақида нозил бўлса-да, унинг маъноси умумий бўлиб, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиб ёки Исломга даъват қилиш йўлида юриб, ҳақ гапни айтган, Аллоҳнинг йўлида озор чеккан ва ўзини Аллоҳнинг розилиги йўлида фидо қилган ҳар бир киши учун суюнчли хабардир.

﴿وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ﴾

(Аллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир).



﴿إِنَّمَا يَأْكُلُهَا الظَّالِمُونَ إِذَا دَخَلُوا فِي الْسِّلْمِ كَافَةً وَلَا تَتَّقِعُوا خُطُوبَتِ الشَّيْطَانِ  
إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌ مُّبِينٌ ﴿١٨﴾ فَإِنْ زَلَّتُمْ مِّنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْكُمُ الْبَيِّنَاتُ فَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ  
عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿١٩﴾ هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَهُمُ اللَّهُ فِي ظُلْلٍ مِّنَ الْغَمَامِ وَالْمَلَائِكَةُ  
وَقُصْحَى الْأَمْرِ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ ﴿٢٠﴾﴾

– „208. Эй мўминлар, тўла ҳолдаги Исломга кирингиз! (Яъни, Исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қиласмайдиган кимсалардан бўлмангиз)! Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир. 209. Агар сизларга очик ҳужжатлар келганидан кейин ҳам тойилсангиз, билингизки, албатта Аллоҳ қудратли, ҳикматли

**зотдир. 210. Улар** (ҳақ түрлүү инкор этувчилар қиёмат кунида) **боқмайдилар, магар уларга булутдан бўлган соябон остида Аллоҳ ва фаришталар** (ҳисоб-китоб учун) **келади-да, иши тамом бўлади** (яъни улар куфрлари сабабли дўзахга ҳукм қилинурлар). **Ва барча ишилар ёлгиз Аллоҳга қайтарилаажак“.** [2:208-210]

**Бу муборак оятлар қуийидагиларни баён қиласди:**

1. Эндиғина Исломга кирган айрим яхудлар Тавротдан айрим нарсаларни олиб қолсалар, имонларига путур етмайди, деб ўйлардилар. Шунда Аллоҳ Таоло ушбу оятни нозил қилиб, уларга имонга кириш нозил бўлган ҳамма нарсага имон келтиришни яъни, Исломга бутунлай киришни, куфр ақидаларини бутунлай тарк этишни тақозо қилишини, улардан андаккина бўлса ҳам бирор нарса олиб қолингудек бўлса, бу иш шайтонга эргашиб ҳисобланишини, шайтон мўминларнинг очиқ душмани эканини баён қилди. Бу гапда Пайғамбар ﷺ га нозил қилинган ҳамма нарсага имон келтиришни ва ундан бошқа барча куфр динларини тарк этишни таъкидлаш бор.

﴿إِنَّمَا يَنْهَا الَّذِينَ ءَمْنُوا﴾

(Эй мўминлар). Бу ерда куфрни тарк этиб, Исломни қабул қилганларга хитоб қилинганды.

﴿أَدْخُلُوا فِي الْسَّلَمِ كَافَةً﴾

(тўла ҳолдаги Исломга кирингиз!). Яъни, Исломга бутунлай, тўлалигича киринглар.

(السِّلْمُ) сўзи бу ерда Ислом маъносида. Ибн Аббос ﷺ уни шундай тафсир қилган. Исломнинг ҳаммасидан мақсад ҳеч бир истисносиз унинг ҳаммасига имон келтириш ва ҳамма шариатига амал қилишдир. Ундан бошқасини тарк этишдир.

(كَافَةً) сўзи Исломнинг ҳаммаси маъносини англатувчи (السلام) сўзидан ҳол бўлиб келяпти. Бу сўз аслида исми фоил бўлиб, қайтариш, тийиш маъноларини англатади. Бу нарса ўз қисмларини тарқалиб кетишдан қайтариб туради, деган иборада ҳам шу сўз ишлатилади. Гёё сиз нарсанинг ҳаммаси ёки бутунича дейиш билан бу сўзни сабабиятга кўра мажозий маънода кўллаяпсиз. Кейин унга то қўшилган ва шу билан у фоилликдан чиқиб, ҳаммаси, бутунича каби маъноларни англатувчи (كَافَةً) сўзига айланган.

Ибн Аббос айтади: Бу оят Абдуллоҳ ибн Салом ва унинг шериклари ҳақида нозил бўлган. Улар Пайғамбар га имон келтирган пайтларида у киши олиб келган шариатларга ҳам имон келтирганлар ва Мусо нинг шариатидан ҳам айрим нарсаларни олиб қолганлар. Масалан, мусулмон бўлганларидан кейин ҳам шанба кунини улуғлашган, туяларнинг гўштини ва сутини макруҳ кўришган. Мусулмонлар уларнинг бу ишларини инкор қилишиб, бу бораларда биз кучлироқмиз (яъни, бизнинг қилаётган ишларимиз тўғрироқ), дейишган. Бу гапни Пайғамбар айтишиб, у кишидан ўзларининг ҳам ўтган шариатларидан айримларига амал қилинишини талаб қилишган. Шунда Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилган.

Яъни, Исломга кирган одам тўла кирсин. Исломдан бошқа шариатдан, олдинги динидан ҳеч нарсани олиб қолмасин. Ислом ўзидан олдинги динларни насх қилиб келган.

**﴿مُصَدِّقاً لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَبِ وَمُهِيمِنًا عَلَيْهِ﴾**

– „Ўзидан олдинги китоб(ларни) масдиқлагувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган“ [5:48]

Яъни, насх қилувчи бўлиб. Ўтган шариатлардан Ислом тан олмаган ниманидир олиб қолиш шайтоннинг изидан бориш бўлади.

**﴿وَلَا تَتَّبِعُوا حُطُوتَ الشَّيْطَنِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌ مُّبِينٌ﴾**

– „Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир“ [2:208]

2. Бу муборак оятдаги (**آلِسَلَمٍ**) сўзи душман билан келишиш маъносида бўлиши мумкин эмас. (**آلِسَلَمٍ**) сўзи икки хил маънода, Ислом ва душман билан келишиш маъноларида қўлланади. Яъни, бу сўзниң бир неча маънолари бор, бинобарин у муштаракомоним сўздир, усул тили билан айтганда муташобиҳдир. Маъноларининг қайси бири қўлланәётганини аниқлаш муҳкам оятлардаги шу ишга доир қариналарга қараб бўлади.

Агар (**آلِسَلَمٍ**) сўзи келишиш маъносида бўлса, оят душман билан тўла келишинглар, деган маънода бўлиб қолади.

**﴿وَلَا تَتَّبِعُوا حُطُوتَ الشَّيْطَنِ﴾**

(**Ва шайтоннинг изидан эргашманглар!**) деган гап бу бўйруқнинг қатъийлигига, яъни, вожиблигига, фарзлигига қаринадир.

Хуллас, бу гапдан душман билан тўла келишиш мусулмонларга фарзидир, деган маъно чиқиб қолади. Бу маъно мўминларга фарз қилинган уруш ҳақидаги оятларга зиддир. Уларда то диннинг ҳаммаси Аллоҳники бўлгунига қадар, то одамлар Исломга киргунларича ёки Ислом ҳукмларига бўйсунгандари ҳолда жизя бергунларича кофирлар билан жанг қилишга буюрилган.

﴿وَقَاتَلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَسَكُونَ الَّذِينُ كَانُوا مُهَاجِرِينَ﴾

– „*То (дунёда) бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин факат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар!*“ [8:39]

﴿قَاتَلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا تُحِرِّمُونَ مَا حَرَمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِيئُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّىٰ يُعْطُوا الْجِزِيَّةَ عَنْ يَدِهِمْ صَلِفُونَ﴾

– „*Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Унинг пайгамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни Ислом) динига эътиқод қилмайдиган ачли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаи) солиқни тўламагунларича, жанг қилингиз!*“ [9:29]

Ҳадисда мана бундай дейилган:

«الْجَهَادُ ماضٍ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ»

«**Жиҳод қиёмат кунига қадар кетаверади** (яъни, давом этаверади)». <sup>97</sup> Бу гапларда Аллоҳнинг калимасини олий қилиш ва кофирларни Ислом ҳукмларига бўйсундириш учун жанг қилиш давом этавериши ифодаланган. Шундан кўриниб турибдики, мазкур оятдаги (آلِسَلْمِ) сўзи душман билан келишиш эмас, Ислом маъносидадир. Чунки агар у душман билан келишиш маъносида бўлса, душман билан жанг қилиш ҳақидаги муҳкам оятларга зид келиб қолади. Муҳкам муташобиҳни маҳв этади. Шунга биноан, бу оятдаги (آلِسَلْمِ) сўзи Ислом маъносида. Яъни, бу ерда гап Исломга тўла, бутунича кириш ҳақида кетяпти.

(97) Бухорий: Жиҳод яхши билан ҳам, ёмон билан ҳам давом этади, боби: 3 / 1048. Абу Довуд: 2532. Байҳақий: 8 / 156.

3. Энди (*الْسِّلْمُ*) сўзининг Қуръонда душман билан келишиш маъносида ҳам келгани хусусида тўхталиб ўтайлик. Бу сўз бундай маънода икки жойда ворид бўлган. Улардан бири Анфол сурасида, иккинчиси Муҳаммад ﷺ сурасида. Уларни кўриб чиқадиган бўлсак, (*الْسِّلْمُ*) сўзининг нима учун душман билан келишиш маъносида қўллангани аён бўлади:

a)

**﴿وَإِنْ جَنَحُوا لِّلَّسْلَمِ فَاجْتَنَحْ هَا وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّهُ هُوَ الْسَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾**

— „Агар улар сулҳга майл қилсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг! Албатта, Унинг Ўзи эшигувчи, билгувчидир“ [8:61]

Бу оят шуни ифодалайдики, агар кофирлар келишишга мойил бўлсалар, уларнинг шу келишиш ҳақидаги таклифлари қабул қилиниб, бу ишда Аллоҳга таянилади. Аллоҳга таваккул қилиш ва таянишнинг келишиш ҳақидаги таклифни қабул қилишга атф қилиниб келаётгани (шу икки иборанинг уюшиб келаётгани) мусулмонлар бу таклифни ҳал қилувчи куч сифатида қабул қилишларини англатади. (Яъни, бу таклиф қабул қилинаётганда ғолиблиқ, устунлик мусулмонлар тарафида бўлишини англатади). Бу маъно ундан олдинги оятларда ҳам кўриниб турибди.

**﴿الَّذِينَ عَاهَدْتَ مِنْهُمْ ثُمَّ يَنْقُضُونَ عَهْدَهُمْ فِي كُلِّ مَرَّةٍ وَهُمْ لَا يَتَقْرُبُونَ﴾**  
**﴿فَإِمَّا تَشْفَقَهُمْ فِي الْحَرْبِ فَشَرِّدْ بِهِمْ مَنْ خَلَفُهُمْ لَعَلَّهُمْ يَذَّكَّرُونَ﴾** ﴿وَإِمَّا تَخَافَّ بِمِنْ قَوْمٍ خِيَانَةً فَأَنْبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَى سَوَاءٍ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْخَابِيْنَ﴾  
**﴿وَلَا تَحْسِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا سَبَقُوا إِلَيْهِمْ لَا يُعْجِزُونَ﴾** ﴿وَأَعْدِدُوا لَهُمْ مَا أَسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ﴾  
**﴿وَمِنْ رِبَاطِ الْحَيْلِ تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ وَءَاخْرِيْنَ مِنْ دُونِهِمْ لَا**  
**﴿تَعْلَمُونَهُمُ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ شَيْءٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ يُوَفَّ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا**  
**﴿تُظْلَمُونَ﴾**

— „Уларнинг орасида сиз билан аҳдолашиб, сўнгра (Аллоҳдан) кўрқмасдан ҳар сафар ўз аҳд-паймонларини бузаверадиган кимсалар бордир. Бас, агар уларни жсангда топсангиз, уларни

*ҳалок қилиши билан ортларидаги кимсаларни қўрқитиб қўйинг!*  
*Шояд эслатма олсалар. Агар (ўрталарингизда аҳд-паймон бўлган) бирон қавм тарафидан хиёнатни сезсангиз, уларга (қилган аҳд-паймонларини) баб-баробар қилиб ташланг (яъни, ўрталарингиздаги аҳд-паймон тугаганини ҳар икки тараф ҳам билсин). Албатта, Аллоҳ хиёнаткор кимсаларни севмас. Кофир бўлган кимсани ожиз қила олмайдилар.* (Албатта, улар Аллоҳдан қилимишларига яраша жазо олурлар)“.

[8:56:60]

Яъни, кофирлар билан шу қадар шиддатли жанг олиб борингларки, бошқаларнинг дилларига даҳшат, қўрқув тушиб, уларга етиб бормасинглардан олдин сизлар билан келишишга чопиб қолсинлар. Ошкор ёки яширин душманнинг дилига қўрқув солиш ўзига хос кучли тактикадир.

Душманга қарши мана шундай қақшатқич зарбалар берилганидан кейин унинг ўзи мағлуб бўлишдан қўрқиб, келишишга мойил бўлса, унинг келишиш ҳақидаги таклифи қабул қилинади. Чунки у амалий жиҳатдан таслим бўлиб, шавкати синиб бўлди.

б) Иккинчи оят Мұхаммад ﷺ сурасида келади:

﴿فَلَا تَهْنُوا وَتَدْعُوا إِلَى الْسَّلْمِ وَإِنْتُمُ الْأَعْلَوْنَ وَاللَّهُ مَعَكُمْ وَلَنْ يَرْكُدْ أَعْمَلَكُمْ﴾

– „Бас (эй мўминлар), сизлар (у кофирларга қарши жанг қилаётганингизда ҳаргиз) сусткашилик қилмангиз ва ўзларингиз устун-голиб бўлган ҳолларингизда (уларни) ярашга ҳам чақирмангиз! Аллоҳ сизлар билан биргадир ва У ҳаргиз қилган амалларингизни(нг савоб-мукофотини) камайтирмас“.

[47:35]

Бу ерда душман билан келишишга чақириш ҳаромлиги айтиляпти. Негаки, бу ишда хорлик, эгилиш бор. Негаки, мўминлар олийдирлар, Аллоҳ улар билан биргадир. Агар душман билан жанг қилишда келишмасдан, сабот билан турсалар, уларнинг савоблари ҳеч ҳам камайиб қолмайди.

Шундай қилиб, бу икки оятда яъни,

﴿وَإِنْ جَنَحُوا لِلسَّلْمِ﴾

– „Агар улар сулҳга майл қилсалар“.

[8:61]

Ва

﴿فَلَا تَهْنُوا وَتَدْعُوا إِلَى الْسَّلْمِ﴾

– „Бас (эй мўминлар), сизлар (у кофирларга қарши жанг қилаётганингизда ҳаргиз) сусткашилик қилмангиз ва (уларни) ярашга ҳам чақирмангиз“.

[47:35]

оатларыда душман билан келишиш қүйидаги ҳолатларда жоизлиги баён қилинган:

Бириңчидан: Агар мусулмонлар кучли ва голиб бўлса ва душман ўзининг заифлигини, мағлуб бўлишини билиб, келишиш ҳақида таклиф киритса.

Иккинчидан: Бу иш мусулмонлар учун иззат ва ғалаба, кофирлар учун эса хорлик ва мағлубият келтирса. Пайғамбар ﷺ шу нарсани Ҳудайбия сулҳида қисқача баён қилганлар:

а) Пайғамбар ﷺ умрага боришларидан олдин Хайбар яхудлари Пайғамбар ﷺга қарши уруш очиш учун Қурайш билан иттифоқ тузишга уринаётганларини билган эдилар. Бу сулҳ билан Қурайшни бундан четлатиш Пайғамбар ﷺ учун бир ютуқ, ғалаба эди.

Шунинг учун Пайғамбар ﷺнинг Мадинага қайтганларидан кейинги дастлабки ишларидан бири Хайбарга ғазот қилиб, уни маҳв этишлари бўлди. Ундан олдинроқ Ҳудайбия сулҳи билан Қурайшни Хайбарга қўшилишдан четлатиб қўйгандилар.

Пайғамбар ﷺ Ҳудайбиядан Мадинага қайтаётганларида йўлда у кишига мана бу оят нозил бўлди:

﴿إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُّبِينًا﴾

— „Дарҳақиқат Биз сизга очиқ-равишан фатҳ — ғалаба ато этдик“.  
[48:1]

Демак, Ҳудайбия сулҳи ва ундан кейинги Хайбар устидан қозонилган ғалаба Пайғамбар ﷺ учун очиқ голиблик бўлди. Бу сулҳда мусулмонлар учун жуда зўр азизлик, кофирлар учун эса ўта ёмон заифлик бор эди.

б) Араб қабилалари Қурайшдан қўрқиб, Мұҳаммад ﷺнинг динига кирмасдилар. Пайғамбар ﷺ шу сулҳ билан мана шу қўрқувга барҳам бердилар. Шунинг учун Ҳузоа ва бошқа кўпгина шахслару қабилалар Йисломни қабул қилишди. Шу билан мусулмонларнинг қуввати, диннинг иззати ортди.

в) Душман билан тузилган бу сулҳ — келишув вақтинча эди. Чунки Йисломда жиҳодни бекор қилиш ҳаром. Ҳаром бўлганда ҳам жуда катта жиноят. Юқорида айтиб ўтганларимиз — қуръоний ҳужжатлар шуни кўрсатиб турибди.

Шунингдек, бу вақтинчалик сулҳ муҳориб — жанг қилаётган кофирлар билан тузилганди. Улар ўзларининг ерларида ҳукмрон эдилар, мусулмонларнинг ерларини босиб олмагандилар. Шунинг учун бу сулҳда уларнинг босқинчиликларини эътироф этиш маъноси йўқ эди. Зоро, Ҳудайбия сулҳи Қурайш кофирлари

билин тузилганди. У пайтда улар ҳали мусулмонлар фатҳ этмаган бир диёрда яшардилар. Бугунги кундаги Фаластинданги яхудлар билан тузилаётган сулҳлар эса ундай эмас. Яхудлар мусулмонларнинг диёрларини босиб олиш ҳисобига давлатга айландилар. Шунинг учун улар билан сулҳ тузиш мумкин эмас. Чунки улар билан сулҳ тузиш уларнинг мусулмонлар диёрларини босиб олишларини тан олиш демакдир. Бу иш Анфол ва Мұхаммад ﷺ сураларида баён қилинган душман билан келишиш ҳақидаги оятларга ҳам, Ҳудайбия сулҳига ҳам зиддир.

Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар ﷺ суннатларида баён қилинган мана шу шартлар топилмаса, душман билан келишиш мутлақо жоиз бўлмайди.

Шу нарса диққатга сазоворки, Ҳудайбия сулҳи Қурайшни Хайбар яхудларидан четлатиш ва шу билан Пайғамбар ﷺ улар (Хайбар яхудлари) билан бемалол жанг қила олишлари учун тузилганди. Ҳозирги сарой олимлари, шайхлари шуни билиб туриб, Ҳудайбия сулҳини яхудлар билан келишишга, улар билан жанг қилишни тугатишга далил қилиб келтирадилар!!!

Мана шундан кўриниб турибдики, Қуръонда ворид бўлган душман билан келишиш маъносидаги (الْسَّلَمُ) фақат ва фақат Ислом ва мусулмонларнинг азизлиги, ғолиб бўлиши, куфр ва кофирларнинг эса мағлуб бўлиши учунгина тузилади ва айни пайтда у муваққат бўлиши шарт. Шу билан бирга мусулмонлар билан сулҳ тузаётган душман мусулмонлардан тортиб олган ерга ўз вужудини, давлатини қурмаган бўлиши керак. Токи, бу сулҳ уларнинг босқинчиликларини тан олиш бўлиб қолмасин. Анфол сурасидаги, Мұхаммад ﷺ сурасидаги оятлардан ҳамда Ҳудайбия сулҳи воқеасидан мана шундай маънолар (хулосалар) чиқади.

4. Шундан кейин Аллоҳ Таоло баён қиляптики, агар улар Исломга тўла, бутунича кирмасалар, олдинги шариатларидан Ислом тан олмаган нималарнидир олиб қоладиган бўлсалар, бу ишлари билан улар ўзларини ўзлари Аллоҳнинг ғазабига, азобига дучор қилган бўладилар. Айниқса, уларга Исломнинг ҳақ эканини, олдинги динларнинг ўзгартирилиб, бузилиб юборилганини кўрсатувчи очиқ ҳужжатлар баён қилиниб турганидан кейин ҳам шундай қилсалар, Аллоҳнинг ғазаби ва азобига учрашлари тайин.

﴿وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ﴾

– „Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди“.

[3:85]

Исломдан кейин Исломдан бошқа ҳеч бир шариат қабул қилинмагай.

﴿فَإِنْ زَلَّتُمْ﴾

(Агар тойилсангиз) Яъни, Исломга тўла, бутунича киришдан ўзларингни олиб қочдинглар. Тойилиш сўзи аслида йиқилиш маъносини англатади. Бу ерда мажозан шу маънода келяпти.

﴿فَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

(билингизки, албатта Аллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир) Яъни, Аллоҳ йўз ишига Фолибдир. Унинг сизлардан интиқом олишига ҳеч нарса тўсқинлик қила олмайди. У ҳар бир ишни ҳикмат билан қиласиган Зотдирки, сизларни азоблаши ҳам беҳикмат эмасдир, ҳақли тарзда юз берадиган ишдир. Оятнинг мантуқи мана шу. Унинг мағҳуми эса мана бундай: Агар сизлар Исломга тўла, бутунича киришдан бўйин товладиган бўлсангизлар, Аллоҳ сизларга жуда қаттиқ ва айни пайтда ҳақли жазо беради.

5.

﴿هَلْ يَنْظُرُونَ﴾

(Улар боқмайдилар) Нафий маъносидаги истифҳом. Яъни, кўрмайдилар.

﴿إِلَّا أَنْ يَأْتِيَهُمْ﴾

(магар уларга келадида) Яъни, магар уларга Аллоҳнинг уларни азоблаш ҳақидаги фармони келади. Бу ерда мажоз бил-измор – дилда сақлаш қоидаси ишлатиляпти. Аллоҳ Таолонинг мана бу оятлари ҳам шу қабилдандир:

﴿أَوْ يَأْتِيَ أَمْرٌ رِّبِّكَ﴾

– „Парвардигорингизнинг амри — азоби келишини...“ [16:33]

﴿فَجَاءَهَا بَأْسُنَا﴾

– „Уларга азобимиз келди“ [7:4]

Араблар, амир етиб борди, деб қўядилар. Аслида амир эмас, унинг элчиси ёки фармони етиб борган бўлади. Мана шу мажоз бил-измор – дилда сақлаш қоидаси бўлади.

Шу билан

﴿هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَهُمْ اللَّهُ فِي ظُلْلَى مِنَ الْغَمَامِ﴾

(Улар (хақ йўлни инкор этувчилар қиёмат кунидаги) боқмайдилар, магар уларга булутдан бўлган соябон остида Аллоҳ (ҳисоб-китоб учун) келади-да) деган гап Аллоҳнинг фармони булутлардан бўлган соялар билан бирга келганда, деган маънода бўлади. Бу ердаги (فِي) ҳарфи (مع) яъни, бирга маъносидадир. Масалан, араблар, аскарнинг ичида амир ҳам келди, дейишади. Бу гапдан амирнинг аскар билан бирга келгани тушунилади. (طلّ) сўзи зилла сўзининг кўплиги бўлиб, юқоридан тушиб турган соя маъносида.

Шундай қилиб, бу ердаги маъно мана бундай бўлади: Улар Исломга тўла, бутунича кирмаганлари туфайли Аллоҳнинг уларни азоблаш ҳақидаги буйруги булутлар ва фаришталар билан бирга келишидан бошқа нарсани кўрмайдилар. Бу гапда жуда қаттиқ, кучли ва етук таҳдид бор. Зеро, булут одатда азоб эмас, раҳмат бўлиб келади. Раҳмат бўлиб келдиган нарсанинг азоб бўлиб келиши уларга тайёрлаб қўйилган жазонинг нақадар буюклигини кўрсатади. Энди унга азоб фаришталарининг ҳам келишлари қўшилса, жазонинг қанчалар даҳшатлилиги аён бўлади.

6. Кейинги оятда олдинги оятдаги каби уларга ҳақли жазо, азоб борлигини таъкидловчи ваид бор. Олдинги оятда бу маъно мағҳум йўли билан очилган бўлса, бу оятда ўша маъно мантуқнинг ўзидан чиқиб турибди. Олдинги оятда уларнинг тойилишлари айтилиб, ортидан Аллоҳнинг Азиз ва Ҳаким Зот экани айтилганди. Шу билан Аллоҳнинг уларни жазолаши, жазолаганда ҳам жуда қаттиқ ва ҳақли жазолаши ишора қилиб ўтилганди. Хуллас,

﴿فَاعْمُوا أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

деган гапнинг мантуқи эмас, мағҳумидан шу маъно чиқарди. Кейинги оятда эса бу маъно мантуқнинг ўзидан чиқади.

﴿هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَهُمُ اللَّهُ فِي طَلْلٍ مِّنَ الْغَمَامِ وَالْمَأِكَةِ﴾

(Улар (хақ йўлни инкор этувчилар қиёмат кунидаги) боқмайдилар, магар уларга булутдан бўлган соябон остида Аллоҳ ва фаришталар (ҳисоб-китоб учун) келади-да) Исломга қисман кирилишнинг қабул қилинmasлиги ва Исломга тўла, бутунича кирмаган кишининг жазоланиши узил-кесил ҳал қилиниб бўлинган, энди ҳеч қачон ўзгартирилмайдиган бир ишдир.

﴿وَقُضِيَ الْأَمْرٌ وَإِلَى اللَّهِ تُرَجَّعُ الْأُمُورُ﴾

(Иш тамом бўлади. Ва барча ишлар ёлғиз Аллоҳга қайтариларажак)



﴿سَلَّمَ بَنَى إِسْرَائِيلَ كَمْ أَتَيْنَاهُمْ مِنْ ءَايَةٍ بَيِّنَةٍ وَمَنْ يُبَدِّلِ نِعْمَةَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُ فَإِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴾ زِينَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا وَسَخَرُونَ مِنَ الَّذِينَ أَمْنُوا وَالَّذِينَ أَتَقْوَا فَوَقَهُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَالَّهُ يَرَؤُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴾

- „211. Бану Исроилдан сўранг (эй Мұхаммад), уларга қанчалаб очиқ мұъжисалар бердик экан! Ким Аллоҳнинг неъмати келганидан сўнг, уни ўзгартирап экан, бас, албатта Аллоҳ жазоси қаттиқ зотдир. 212. Куфр йўлини тутган кимсалар учун бу ҳаёти дунё чиройли қилинди. Улар имон эгаларининг устларидан куладилар. Ҳолбуки, қиёмат кунида тақводор зотлар улардан баланддир. Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз ризқ беради“.

[2:211-212]

### Бу икки оятдан қуийидагилар тушунилади:

1. Аллоҳ Таоло ўтган оятларда Исломга тўла, бутунича киришнинг вожиблигини, унга қисман имон келтириш ёки унга ўзи тан олмаган бошқа нарсани қўшиш мумкин эмаслигини, шу шартлар бажарилгандагина Аллоҳ кишининг имонини қабул қилишини баён қилди. Айниқса, Исломни тўла қабул қилишга очиқ аломатлар ва қатъий ҳужжатлар келтирилганидан кейин бу иш янада қатъийлаши.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло мана шундай ҳужжатлар келтирилганидан кейин ҳам яна Исломга тўла, бутунича кирмаган киши учун жуда қаттиқ азоб борлигини баён қилди.

Шулардан сўнг Аллоҳ Таоло бу муборак оятда мана шундай оят-аломатлар келганидан кейин ҳам қандай қилиб инсоннинг Исломга тўла, бутунича кирмаслиги мумкин экан, деб ажабланиб берилган саволга жавоб беряпти.

Бу жавоб Бану Исроил воқеига бир назардир. Уларга Мусо ؏га имон келтириш вожиблигига далолат қилувчи қатъий ҳужжатлар келди. Мусо ؏га нозил қилинган китобда пайғамбаримиз Мұхаммад ؏нинг сифатлари, белгилари ва у кишига имон келтириш вожиблиги кўрсатилди. Шунга

қарамасдан, улар Мұхаммад ға куфр келтиришди. Ўзларининг китобларидағи ҳақиқатларни ўз хоҳиш-истакларига қараб, ўзгартириб, бузиб юбориши. Аслида бу очиқ ҳужжатлар уларни имону ҳидоятга ундейдиган бир неъмат эди. Лекин улар шундай неъматни ўзгартириб, бузиб куфр ва залолат сари олиб борувчи йўлга айлантириши. Ҳолбуки, улар Аллоҳнинг неъматини куфрга алмаштирган одамга бериладиган жазо жуда қаттиқ бўлишини яхши билишарди (فَإِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْمَقَابِ).

﴿سَلَّمٌ بْنَي إِسْرَائِيلَ﴾

**(Бану Исроилдан сўранг)** Бу сўроқ улардан шу нарсаларни сўраб билиб олиш эмас, уларнинг ҳаддан ошганлари, ояту аломатлар очиқ кўриниб турганидан кейин ҳам ҳақдан юз ўгирганлари учун уларни койишdir, сўкишdir. Масалан, фалончидан сўра-чи, мен унга қанча яхшиликлар қилган эканман, дейсиз. Бу билан ундан шу нарсани сўрамоқчи бўлмайсиз, балки уни койийсиз, сўкасиз.

﴿كَمْ ءَايَنَتْهُم مِّنْ ءَايَةٍ﴾

**(Уларга қанчалаб очиқ мўъжизалар бердик экан!)** Бу ердаги (كم) сўзи хабарийя бўлиб келяпти. (Қанча сўзи дарак гапга ҳам, сўроқ гапга ҳам келади. Дарак гапда келса, у хабарийя бўлади). Чунки уни ўзининг мумайязи (у аниқлаб келаётган сўз. Масалан, қанча кишилар, дейилганда кишилар сўзи қанча сўзининг мумайязи бўлади) билан бир мутааддий (ўтимли) феъл ажратиб туриби. (من) ҳарфи эса мумайяз билан мафъул чалкашиб кетмаслиги учун келтириляпти. Аллоҳ Таолонинг мана бу гаплари ҳам шу қабилдандир:

﴿كَمْ تَرَكُوا مِنْ جَنَّتٍ وَعُيُونٍ﴾

– „Улар қанчадан-қанча боғларни, чаималарни қолдириб (ўзлари гарқ бўлиб) кетдилар!“. [44:25]

﴿وَكَمْ أَهْلَكَنَا مِنْ قَرْيَةٍ﴾

– „Биз қанчадан-қанча қишлоқ-шаҳарни ҳалок қилдик“. [28:58] Агар (من) ҳарфи айтилмаса, ишлатилмаса, (ءَايَةٍ) сўзи (كم)нинг мумайязими ёки (ءَايَتَهُم)нинг мафъулими, билиб бўлмасди, чалкашиб кетарди.

2. Аллоҳ Таоло иккинчи оятда кофирларнинг очиқ ҳужжатларга эргашмасликларининг сабабини баён қилди. Бу сабаб дунё зийнати ва безаги билан овора бўлиб, оятлар хусусида тадаббур қилишга ва шу билан имонга келишга ошина олмаслиkdir.

Улар шу билангина кифояланишмади. Дунёга осилиб олмасдан, охиратга интиладиган мўминларга масхара кўзи билан қарашади, уларнинг камбағалликларидан кулишади.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло баён қиляптиki, анави дунёга маст бўлган кофирларнинг мазахига, таҳқирига дуч келаётган камбағал мўминлар қиёмат кунида Аллоҳнинг қошида улуғ мақомда – наим жаннатларида бўлурлар. Ўзларини катта олиб, уларнинг устидан кулиб юрган кофирлар эса жаҳаннамдан жой олишади. Нақадар мудҳиш оқибат! Мўминларнинг мақоми уларга нисбатан жуда юксакда. Чунки мўминлар олий жаннатлarda бўлурлар, улар эса жаҳаннам чоҳига ташланишади.

Энди шу дунёдаги ризқ ҳақида тўхталағидиган бўлсак, Аллоҳ уни Ўзи истаган одамга, мўминга ҳам, кофирга ҳам бераверади. Бу ишда Аллоҳ ҳеч кимга ҳисоб бермайди. Унинг остидаги ҳикматни Ўзи билади. Аллоҳ кофирларнинг ризқини кенг қилиб, арқонни узун ташлайди. Шу билан улар гуноҳни кўпайтираверишади. Мўминларни эса ризқини чеклаб бериш билан синайди. Шу орқали мўминларнинг савоби ортади:

﴿وَاللَّهُ يَرْزُقُ مَن يَشَاءُ بِغَيْرِ حَسَابٍ﴾

(Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз ризқ беради).

﴿رُزِّيْنَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا أَلْحَيْوَةُ الْدُّنْيَا﴾

(Куфр йўлинни тутган кимсалар учун бу ҳаёти дунё чиройли қилинди). Дунёнинг чиройли қилиб кўрсатилиши кофирлар учун ёқимли қилиб қўйилишидир. Улар ё Аллоҳ Таоло уларга ризқни кенг қилиб берганига алданадилар ёки дунёдан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, шаҳватлару лаззатларга тобора ботиб бориш ҳақидаги шайтоний васвасаларга учрашади.

Биринчи тоифадагиларга Аллоҳнинг Ўзи дунёни чиройли қилиб кўрсатади. Уларнинг арқонини узун ташлайди.

﴿وَلَا تَحْسِنَ إِلَّاَنَّمَا نُمْلِي لَهُمْ خَيْرٌ لَا تُنْسِبُهُمْ إِنَّمَا نُمْلِي لَهُمْ لِيَرْدَأُوا إِنَّمَا﴾

﴿وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ﴾

– „Куфр иўлини тутган кимсалар уларга берган муҳлатимизни зинҳор ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Балки Биз уларга фақат гуноҳларини зиёда қилишлари учунгина муҳлат берамиз. Улар учун хор қилгувчи азоб бордир“.  
[3:178]

Иккинчи тоифадагиларга эса юқорида айтиб ўтганимиздек, шайтон ўз васвасаси билан дунёни чиройли қилиб қўрсатади. Аллоҳ Таоло лаънати иблис ҳақида мана бундай дейди:

﴿لَا زَيْنَ لَهُمْ فِي الْأَرْضِ وَلَا غَوَّبُهُمْ﴾

– „Албатта уларга (Одам болаларига) ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли қўрсатиб қўюрман ва албатта уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман“.  
[15:39]

Рожих гап шуки, кофириларга дунёнинг чиройли қилиб қўрсатилиши уларга ризқни кенг қилиб бериш билан бўлади. Шу билан уларнинг арқони узун ташланади. Оятнинг охиридаги қарина билан бу иш ризққа алоқадордир

﴿وَاللَّهُ يَرْزُقُ مَن يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

(*Аллоҳ ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз ризқ беради*).

(*عَلَارِ إِيمَانُهُمْ وَسَخَرُونَ مِنَ الَّذِينَ لَا يَأْمُنُونَ*). Улар имон эгаларининг устларидан куладилар). Яъни, камбағалликлари, дунёдан юз ўғирганлари, охиратга интилганлари туфайли уларнинг устидан куладилар.

(*وَالَّذِينَ آتَوْا فَوْقَهُمْ يَوْمَ الْقِيَمةِ*). Ҳолбуки, қиёмат кунида тақводор зотлар улардан баланддир). Негаки, улар иллиййиндадирлар. Кофирилар эса асфаласофилиндадирлар.

Ким кимнинг устидан кулгани масхара қилгани ҳақида бир қанча ривоятлар бор. Улар Маккадаги куфрошилар бўлиб, камбағал мўминларнинг устларидан кулишган бўлишлари ҳам ёки Мадинадаги яҳудлар бўлиб, муҳожир ва бошқа камбағал мўминларни масхара қилишган бўлишлари ҳам мумкин. Афзалва гап шуки, бу ерда гап яҳудлар устида кетяпти. Чунки оятнинг мавзуси улар ҳақида эди. Лекин сабабнинг хусусийлигига эмас, маънонинг умунийлигига эътибор қиласиз. Бу ердаги лафз умумий бўлиб, шу сифатларга эга бўлган, шундай қилиқларни қилган ҳамма кофириларга тегишлидир.



﴿كَانَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً فَبَعَثَ اللَّهُ الْنَّبِيًّا مُّبَشِّرًا وَمُنذِرًا وَأَنْزَلَ مَعَهُمُ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِيَحُكُمَ بَيْنَ النَّاسِ فِيمَا اخْتَلَفُوا فِيهِ وَمَا اخْتَلَفَ فِيهِ إِلَّا الَّذِينَ أَوْتُوهُ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ بَغْيًا بَيْنَهُمْ فَهَدَى اللَّهُ الَّذِينَ ءامَنُوا لِمَا اخْتَلَفُوا فِيهِ مِنَ الْحَقِّ يَأْذِنُهُ اللَّهُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿١٧﴾ أَمْ حَسِبُتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثْلُ الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلِكُمْ مَسَّهُمُ الْبَأْسَاءُ وَالضَّرَاءُ وَرُلُزُوا حَقَّى يَقُولُ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ ءامَنُوا مَعَهُ مَتَى نَصَرَ اللَّهُ أَلَا إِنَّ نَصَرَ اللَّهُ قَرِيبٌ ﴿١٨﴾﴾

- „213. Одамлар бир миллат эдилар. Сүнг (ораларида келишимовчилеклар пайдо бўлгач), Аллоҳ (мўминларга) хушихабар элитгувчи ва (кофириларни жаҳаннам азобидан) кўрқитувчи пайгамбарларини юборди. Ва уларга қўшиб одамлар орасида чиққан тортшиувларга ҳакам бўлсин, деб ҳақ китобни (Таврот, Инжилни) нозил қилди. Энди очиқ оятлар келганидан кейин, фақат шу китоб берилган кимсалар ҳадларидан ошиб, талашиб-тортшиидилар. Сўнгра Аллоҳ Ўз изни билан мўминларни улар (китоб берилган кимсалар) ихтилоф қилган ҳақ йўлга йўллади. Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни тўғри йўлга ҳидоят қиласди. 214. Ёки (эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар ибрати сизларга келмай туриб жсаннатга киришини ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайгамбар ва имонли кишилар: «Ахир қаҷон Аллоҳнинг ёрдами келади?» дейишган эди. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: «Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир!».

Аллоҳ Таоло бу оятларда қүйидагиларни баён қиласы:

1. Аллоҳ Таоло Одам ини жаннатдан чиқарып, ерга туширганидан кейин дастлаб инсонлар Одам аврида ёлғиз Аллоҳни тан олардилар, Унга имон келтирардилар, шу билан битта уммат бўлардилар. Бу ерда уммат сўзи битта ақидадаги одамлар мажмуси маъносида.

Кейин эса ихтилоф қилишди. Мүмин ва коғирга ажралишди. Шу билан Аллоҳ уларга пайғамбарлар юборди. Ҳар бир пайғамбар ўз вақтидаги мўминларга Аллоҳнинг ризоси ва жаннат ҳақида хушхабар берса, коғирларни Аллоҳнинг газаби ва дўзахдан огоҳлантирас эди. Аллоҳ пайғамбарларга китоблар

нозил қиласы. У китобларда яхшилик ва ёмонликнинг қандай бўлиши баён қилинарди ва пайғамбарлар шу китобларга асосланиб, ўртадаги келишмовчиликларни, талашибортишишларни ҳал этардилар.

Лекин ўша умматлар ўз пайғамбарларига қарши чиқдилар. Энг ашаддий қарши чиққанлар уларнинг олимлари, руҳонийлари бўлишди. Улар Аллоҳ томонидан нозил қилинган китоблардаги гапларни ўзгартирилар, буздилар. Ҳолбуки, уларга ҳақ билан ботилни ажратиб берадиган очик, қатъий ҳужжатлар келган эди. Яъни, улар қасдан, атайин ҳақдан юз ўгириб, ботилга мойил бўлдилар. Улар ўзларининг ботил сари бораётганларини билардилар. Яъни, саркашликлари, манманликлари, золимликлари, тажовузкорликлари туфайли билиб туриб, залолат сари юрдилар. Аллоҳга сидқидилдан имон келтирган, Аллоҳнинг пайғамбарлари олиб келган ҳақиқатларни тасдиқлаган зотлар эса Аллоҳнинг фазлу карами ила илоҳий китоблардаги одамлар томонидан киритиб юборилган гаплардан боҳабар бўлардилар. Уларни Аллоҳнинг Ўзи ҳидоятга бошларди.

﴿وَاللَّهُ يَهْدِي مَن يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ﴾

(Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни тўғри йўлга ҳидоят қилади).

﴿كَانَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً فَبَعَثَ اللَّهُ أَلْيَسْنَ مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ﴾

(Одамлар бир миллат эдилар. Сўнг (ораларида келишмовчиликлар пайдо бўлгач), Аллоҳ (мўминларга) хушхабар элтгувчи ва (кофирларни жаҳаннам азобидан) қўрқитувчи пайғамбарларини юборди), бу ерда

﴿أُمَّةً وَاحِدَةً﴾

(бир миллат) деган гапдан кейин «шундан кейин ихтилоф қилдилар, яъни ҳар хил бўлиб кетдилар», деган бир гап ҳазиф қилинган, олиб ташланган. Чунки пайғамбарларнинг ҳам хушхабар етказувчи ва ҳам ёмон оқибатдан огоҳлантирувчи бўлиб юборилишлари уларнинг икки хил тоифадаги одамларга юборилганларини кўрсатади. Бу икки тоифадан бири хушхабарга лойиқ одамлар бўлса, иккинчиси ёмон оқибатдан огоҳлантирилишга лойиқ бўлган кимсалардир. Шундан кўриниб турибдики, дастлаб одамлар ҳақиқат устида бирлашган бир уммат бўлганлар. Кейин эса ҳар хил бўлиб кетганлар. Кимдир кофир бўлиб кетган, яна кимдир мўминлигига қолган. Аллоҳ Таоло пайғамбарлар ларни мўминларга хушхабар етказувчи

қилиб ва кофирларни ёмон оқибатдан огоҳлантирувчи қилиб юборган пайтида улар мана шу ахволда эдилар.

﴿وَأَنْزَلَ مَعَهُمْ أَلْكَتَبَ بِالْحَقِّ لِيَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ فِيمَا آخْتَلُفُوا فِيهِ﴾

(Ва уларга қўшиб одамлар орасида чиққан тортишувларга ҳакам бўлсин, деб ҳақ китобни (Таврот, Инжилни) нозил қилди). Бу гапдан пайғамбарлар Қўнинг ўз китобларида битилган ўз шариатлари бўлиб, шу шариатларига биноан, одамлар ўртасидаги ихтилофларни ҳал этганлар, деган маъно чиқади.

﴿لِكُلِّ جَعْلَنَا مِنْكُمْ شَرِيعَةً وَمِنْهَا حَاجَةٌ﴾

- „Сизлардан ҳар бир миллат (яъни дин) учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик“.  
[5:48]

﴿وَمَا آخْتَلَ فِيهِ إِلَّا الَّذِينَ أَوْتُوهُ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ بَعْيًا بِيَهُمْ﴾

(Энди очиқ оятлар келганидан кейин, фақат шу китоб берилган кимсалар ҳадларидан ошиб, талашиб-тортишдилар).

﴿الَّذِينَ أَوْتُوهُ﴾ Яъни, аҳли китобларнинг олимлари, руҳонийлари. Бунга қарина

﴿مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ﴾

деган гапдир. Аҳли китоб олимлари ва руҳонийлари ўзларига келган оят-аломатларни жуда яхши билардилар. Оят шунга далолат қиляптики, энг кўп ихтилоф қиласидиганлар, қарши чиқадиганлар ўша олимлар ва руҳонийлар эдилар. Улар билиб туриб ўзgartирдилар, буздилар, ҳақиқатни яширдилар.

﴿بَعْيًا بِيَهُمْ﴾ яъни, ҳеч бир ҳужжатлари бўлмагани ҳолда фақат манманликлари, саркашликлари, золимликларидан келиб чиқиб. (бѣیم) (بَعْيًا) сўзидан кейин иборасининг қўлланиши зулм уларнинг ичига, ораларига ўрнашиб олганини англатади. Гўё зулм ҳар доим улар билан бирга, қаерга борсалар, зулм ҳам ўша ерга боради, қаерда ўтирсалар, зулм ҳам уларнинг ораларида ўтиради.

2. Биринчи оят ҳатто пайғамбарлар уларнинг ораларида бўлиб турган пайтида ҳам ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш авж олганини англатади. Бугина эмас. Улар орасидаги аҳли илмлар кўпроқ ихтилоф қилишган, қарши чиқишган. Мўминлар жуда оз бўлишган. Ҳадисда шундай дейилади:

«يَأَيُّهُ الرَّحْمَنُ وَمَعَهُ الرَّجُلُ وَالَّتِيْ مَعَهُ الرَّجُلَانِ...»

**«Бир пайғамбар ўзи билан бирга бир кишини, яна бир пайғамбар ўзи билан бирга икки кишини олиб келади...»<sup>98</sup>**

Шундан билиб олсак бўладикки, ўша бузуқ жамиятларда мўминлар учун ўз йўлларидан ёриб бориш жуда машаққатли бўлган, катта-катта қурбонлар берилган. Бу нарса Пайғамбар **ﷺ**га тасаллидир. Чунки у киши ҳам ўз қавмидан ҳам, ўша даврдаги аҳли китоблар бўлган яхудлардан ҳам, насоролардан ҳам кўп азиятлар чекдилар. Улар Пайғамбар **ﷺ** олиб келган ҳаққа эргашиш ўрнига унга қарши чиқдилар, унинг йўлини тўсдилар, Пайғамбар **ﷺ**ни Маккадан қувиб чиқардилар, одамларни Аллоҳнинг ўйлидан қайтардилар, Мадинага боргандаридан кейин у зот билан уруш қилдилар, Хандақ жангидан кишига қарши одам тўпладилар.

### **﴿وَلَمَّا نَفَرَ الْقُلُوبُ إِلَيْهِ حَاجَرٌ﴾**

– „Юраклар бўғизларга тиқилиб қолган...“ [33:10]

Хуллас, Пайғамбар **ﷺ** ҳам олдинги пайғамбарлар йўлиққан балоларга йўлиқдилар.

Иккинчи оятда Аллоҳ Таоло баён қиляптики, шундай бўлиши Аллоҳ Таолонинг Ўз махлуқотлари борасидаги қонуниятидир. Зоро, жаннатнинг баҳоси жуда қимматдир. У қийинчиликлар, фожеалар, жуда катта мусибатлар билан бўладиган синовдир. Синов худди зилзиладек мудҳишdir. Шу қадар даҳшатлики, ҳатто пайғамбар ва унинг олдидаги мўминлар, Аллоҳнинг ёрдами қачон ўзи, деб юборадилар. Ана шунда Аллоҳнинг нусрати келади. Аллоҳнинг нусрати балоларга сабр қилиб, ҳақ устида барқарор, собит турувчилар учун яқиндир. Нусрат келганида мўминлар шу қадар хурсанд бўладиларки, ҳатто ҳеч қандай балога, мусибатга дуч келмагандек, ҳеч қандай мусибатни, балони кўрмагандек бўлиб кетадилар. Чунки улар жаннат неъматини ва ундан ҳам буюкроқ неъматни – Аллоҳнинг ризосини топадилар.

«يُؤْتَى يَوْمَ الْقِيَامَةَ بِأَشَدِ النَّاسِ بَلَاءً وَمُصِيَّةً فَيَدْخُلُ الْجَنَّةَ وَيُسَأَّلُ عَنِ الْمَصَابِ الَّتِي  
رَآهَا فِي الدُّنْيَا فَكَانَهَا لَمْ تَكُنْ فِي حَيَاتِهِ لَعْظَمٌ ذَلِكَ الْعَيْمٌ»

«Қиёмат кунида энг қаттиқ балога, мусибатга йўлиққан киши олиб келинади ва у жаннатга киради. Ундан дунёда кўрган мусибатлари ҳақида сўрайдилар. У ўша неъматнинг

(98) Бухорий: 5311. Аҳмад: 3 / 58. Тафсири Табарий: 2 / 8.

**буюклигидан ўзининг ҳаётида худди ҳеч нима бўлмагандек сезади».<sup>99</sup>**

(۲۰) бу ҳарф бу ерда мунқатиъ-боғланмаган бўлиб келяпти, янги гап бошланяпти. (Бу сўз араб тилида муттасил-боғланган ва мунқатиъ-боғланмаган бўлиб келади.) Негаки, олдинги оят

﴿كَانَ أَنَّاسٌ أُمَّةً وَاحِدَةً﴾

хабар яъни, дарак гап эди. Бу оят эса

﴿أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ﴾

**(Ёки жаннатга киришни ўйладингларми?)** истифҳом яъни, сўроқ гап бўляпти. Хитоб оқими ўзгаряпти. Бундай пайтда муттасил-боғланган (۲۰)дан кўра мунқатиъ-боғланмаган (۲۰)ни қўллаш муносиброқ бўлади. Қолаверса, муттасил-боғланган (۲۰) бир-бири билан боғланган икки содда гапдан тузилган битта мураккаб гап бўлишини, шу билан бирга гапнинг олдида сўроқ маъносини англатувчи ҳамза бўлишини тақозо қиласди. Масалан, сизнинг олдингизда Зайд борми ёки Амрми, дейсиз. Бу билан улардан қайси бири сизнинг олдингизда, демоқчи бўласиз. Агар унинг олдида Зайд бор бўлса, Зайд, деб жавоб беради, Амр бор бўлса, Амр, деб жавоб беради. Мунқатиъ-боғланмаган (۲۰) эса сўроқ гапдан кейин ҳам, дарак гапдан кейин ҳам қўлланаверади. Мана шу ерда ҳам у сўроқ гапдан кейин эмас, ўзидан кейинги гапга боғланмаган дарак гапдан кейин келяпти. Шунинг учун мунқатиъ-боғланмаган (۲۰)дир.

Мунқатиъ-боғланмаган (۲۰) сўроқ ва балки маъносини англатади. Бу ердаги маъно мана бундай бўляпти: Балки сизлар ... жаннатга кирамиз, деб ўйлаётгандирсизлар. Яъни, шу ўй инкор қилиньяпти, унинг ҳақиқатдан узоқлиги, Аллоҳ баён қилган ўша синов юз бермай туриб, жаннатга кириб бўлмаслиги айтиляпти.

﴿وَلَمَّا يَأْتِكُمْ﴾

**(Сизларга келмай туриб).** Бу ердаги (۲۱) сўзи лам маъносида. Лекин (۲۱) сўзида ўзидан кейин келаётган манфий феълнинг бўлиб қолишини кутиш, ундан хавотирланиш маънолари бор. Шу жиҳати билан у лам дан фарқ қиласди.

(99) Аҳмад: 3 / 253. Ибн Муборакнинг «Зўҳд» китоби: 220. Ибн Аби Шайба: 13 / 248.

﴿هَتَّىٰ يُقُولَ رَسُولُ وَالَّذِينَ إِمْنَوْا مَعْهُ﴾

(Ҳатто пайғамбар ва имонли кишилар дейишишган эдик). Бу ерда мاشақатнинг оғирлиги, даҳшатнинг кучлилиги кўрсатиляпти. Шу даражадаки, омма у ёқда турсин, Аллоҳдан ваҳи олиб туродиган пайғамбарлар ҳам, доим уларнинг ёнида юрадиган саҳобалари ҳам кўтаролмай қоладилар.

﴿مَتَّىٰ نَصَرُ اللَّهِ﴾

(Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?) Яъни, Аллоҳнинг нусрати қачон келади? Бу ерда шубҳаланиш ҳолати эмас, қийинчилик муддатининг чўзилиб кетгани ифодаланяпти.

﴿لَا إِنَّ نَصَرَ اللَّهُ قَرِيبٌ﴾

(Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир). Яъни, Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарига ваҳи юбориб, Аллоҳнинг нусрати яқиндир, деб жавоб беряпти.

Гапнинг бошида (إِنَّ) деган танбех ҳарфининг, огоҳлантирувчи ҳарфнинг ва (إِنَّ), деган таъкид ҳарфининг келиши бу ваъданинг яқинда амалга ошиши аниқ эканини англатади.

﴿مَتَّىٰ نَصَرُ اللَّهِ﴾

Яъни, Аллоҳнинг нусрати қачон келади? Гўё улар нусратнинг яқинлашишига жуда қаттиқ интиляптилар. Жавоб ҳам саволга мос тарзда нусратнинг яқинлигини кўрсатувчи таъкиду танбех билан бўляпти.

﴿لَا إِنَّ نَصَرَ اللَّهُ قَرِيبٌ﴾

✿ ✿ ✿

﴿يَسْأَلُونَكُمْ مَاذَا يُفْقِدُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ خَيْرٍ فَلِلَّهِ الْدَّيْنُ وَالْأَقْرَبُونَ وَالْيَتَمَّمُ﴾

﴿وَالْمَسِكِينُونَ وَابْنُ السَّبِيلِ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ﴾

– „Сиздан (эй Мұхаммад), нималарни эҳсон қилишини сўрайдилар. Айтинг: «Қандай яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндоши-уругга, етим-мискинларга ва йўловчи-мусофириларга қилингиз. Қандай яхшилик қилсангиз, ишубҳасиз Аллоҳ уни билгувчиидир»“.

[2:215]

Аллоҳ Таоло бу буюк сурани турли яхшиликларга бой қилди. У Зот бу сурада мўминлар, кофирлар ва мунофиқлар қандай бўлиши, яхудлар, уларнинг ўзларига нозил қилинган китобларни ўзгартириб, бузиб юборгандар, пайғамбарларига қарши чиқанлари, айримларининг ўз пайғамбарларини ўлдиргандар, ноҳақ талашиб-тортишишлари, Пайғамбар ﷺ ва мўминларга қарши фитна уюштиришлари ҳақида гапирди.

Эътиқод ва унга алоқадор айрим омиллар ҳақида гапирди. Токи, мўмин имони мустаҳкам, куфру кофирларнинг ҳийлаю найрангидан огоҳ кишига айлансин.

Байтуллоҳ, Иброҳим ва Исломил ﷺларнинг уни қурганлари, қибланинг у тарафга ўзгаргани хусусидаги гаплардан кейин, исломий ақидага асосланган ҳаж, рўза, жиҳод каби турли шаръий ҳукмлар ҳақида гапирди. Бу ҳукмлар исломий даъват билан, ҳақ билан ботил ўртасидаги ҳеч қачон олови ўчмайдиган уруш билан, одамларнинг ўз пайғамбарларига қарши чиқишлари билан, мўминнинг устига оғир балолар-синовлар келиши билан, Аллоҳнинг йўлида балоларга сабр қилиш зарурлиги билан, шундан кейин нусрат, ғалаба келиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Шунча яхши гаплар айтилди. Токи, мусулмон ўз имонида, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришида барқарор турсин, мухолифларнинг қаршилиги унинг иродасини бука олмасин.

«لَا تَرَالْ طَاغِيَّةُ مِنْ أُمَّتِي عَلَى الْحَقِّ ظَاهِرِينَ لَا يَضُرُّهُمْ مَنْ خَالَفَهُمْ حَتَّىٰ يَأْتِيَ أَمْرُ اللَّهِ»

«Умматимдан бир тоифаси мудом ҳақ устида голиб бўлиб бораверадилар. Мухолифлари уларга зарар қила олмайдилар. То Аллоҳнинг фармони келгуннига қадар улар шу ҳолатларида турадилар».<sup>100</sup>

Мана шу оқимда бир неча шаръий ҳукмлар баён қилинади. Аллоҳ Таоло олдинги оятларда исломий ақидани зикр қилганди. Энди бу муборак оядта мана бу савол-жавоб айтиляпти. Бундан кейин ҳам шу улуф сурада кўп савол-жавоблар зикр қилинади.

Ибн Аббосдан қилинган ривоятда Амр ибн Жамух رض Пайғамбар ﷺдан ўз молидан нафақа қилиш ҳақида сўраганди. У кўп мол-давлатга эга бўлган чол эди. У Пайғамбар ﷺга, эй Аллоҳнинг пайғамбари, молимиздан нималарни инфоқ қилишимиз керак, деди. Шунда мана шу оят нозил бўлиб, қўйидагиларни баён қилди:

(100) Бухорий: 2884. Муслим: 3544.

1. Оятдан кўриниб турибдики, савол инфоқ қилинадиган моллар ҳақида бўляпти. Лекин Аллоҳ Таоло сарф қилинадиган нарса ҳақидаги саволга умумий тарзда жавоб беряпти. (Сарф қилинувчи дейилганда сарф қилинадиган киши ҳам, сафр қилинадиган мол ҳам тушунилади).

﴿قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِّنْ خَيْرٍ﴾

(Айтинг: қандай яхшилик қилсангиз) яъни, ҳалол-пок йўл билан топилган мол... Кейин Аллоҳ Таоло энг биринчи навбатда кимларга сарфланишини баён қиляпти.

﴿فَلَلَوِ الدِّينُ وَالآقْرَبِينَ وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينَ وَآئِنَّ السَّبِيلَ﴾

(Ота-онага, қариндош-уругга, етим-мискинлар ва йўловчи-мусофириларга). Шундан билиб оламизки, нафақа, сарф ўз ўрнида, яъни, ҳақли бўлган киши учун қилингандагина ҳисобга ўтадиган мақбул сарф бўлади.

2. Оят фарз садақа (закот) ҳақида эмас, мандуб, нафл садақа ҳақида сўзлаяпти. Бунга қарина

﴿قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِّنْ خَيْرٍ﴾

деган гапдир. Аллоҳ Таоло сарфни сарф қилувчилар билан боғлаяпти. Бу ерда ҳалол, пок молни фалончи, пистончиларга сарфланглар, дейилмаяпти. Агар шундай дейилганда бу бўйруқнинг фарз бўлиб қолиши эҳтимоли ҳам туғиларди. Лекин бу ерда

﴿قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِّنْ خَيْرٍ فَلَلَوِ الدِّينُ﴾

(Айтинг: қандай яхшилик қилсангиз ота-онага қилингиз) дейиляпти. Яъни, агар сарфлайдиган бўлсангизлар, сарфинглар ҳалолдан бўлсин ҳамда ота-она, қариндош-уруг ва ҳоказоларга бўлсин.

Шундан сарфнинг сарф қилувчилар билан боғланиши англашилади. Сарф яъни, садақа Аллоҳга яқинлик ҳосил қилувчи амал бўлгани эътибори билан бу иш мандуб амал ҳисобланади.

Бу муборак оятнинг якуни ҳам фикримизни таъкидлайди.

﴿وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ﴾

(Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз Аллоҳ уни билгувчиидир). Бу ердаги (۱۰) шарт маъносидадир. Сарф сарф қилувчи билан боғланган. Шунинг учун у закот ҳақидаги оят билан насх

қилинган, деган гап түгри эмас. Бу оят мандуб садақа ҳақида, закотни баён қилувчи оят эса фарз садақа ҳақидадир.

3. Оят садақа қилишга энг лойиқ кишиларни баён қиляпты. Энг лойиги, ота-она, ундан қариндош-уроф ва ҳоказо.

«إِنَّ اللَّهَ يُوصِيكُمْ بِأُمَّهَاتِكُمْ ثُمَّ يُوصِيكُمْ بِآبَائِكُمْ ثُمَّ الْأَقْرَبَ فَالْأَقْرَبُ»

«Албатта Аллоҳ сизларга энг олдин онангларга, ундан кейин отангларга, ундан кейин яқин қариндошингларга, ундан кейин ўша яқин қариндошинглардан кейинги яқин қариндошингларга яхшилик қилишни буоради». (Демак, қариндош қанчалик яқин бўлса, ўшанча яхшилик қилинишга лойикроқ бўлади).<sup>101</sup>

«سُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَنْ أَبْرُ. قَالَ: أُمَّكَ وَأَبَاكَ وَأُخْتَكَ وَأَخَاكَ وَمَوْلَاكَ الَّذِي يَلِي، ذَاكَ حَقٌّ وَاجِبٌ وَرَحْمٌ مَوْصُولَةً»

«Пайғамбар ﷺга, кимга кўпроқ яхшилик қилай, деган савол берилди: У киши, онангга, отангга, опа-синглингга, ака-уянгга, қўйл остингдаги қулингга, шундай қилишинг уларнинг ҳаққидир, сенга вожибdir, қариндошчилик ришталарини боғлашдир», дедилар.<sup>102</sup>

«Бир киши Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб:

- Менинг бир динорим бўлса, уни қаерга сарфлай? - деб сўради.

- Уни ўзингга сарфла, - жавоб бердилар Пайғамбар ﷺ
- Икки динорим бўлса-чи?
- Уни оиласнгга сарфла.
- Уч динорим бўлса-чи?
- Уни хизматкорингга сарфла.
- Тўрт динорим бўлса-чи?
- Уни ота-онагга сарфла.
- Беш динорим бўлса-чи?
- Уни қариндошларингга сарфла.
- Олти динорим бўлса-чи?
- Уни Аллоҳ Таолонинг йўлига сарфла».<sup>103</sup> Яна ҳадисда келади:

(101) Ибн Можа: 3661. Аҳмад: 1/131, 132.

(102) Абу Довуд: 4474. Термизий: 2532. Дуррул Мансур: 2/611.

(103) Аҳмад: 3/369. Ибн Ҳибон: 828. Байҳақий: 7/466, 477.

«الصَّدَقَةُ عَلَى الْفَقِيرِ صَدَقَةٌ، وَهِيَ عَلَى الرَّحِيمِ صَلَةٌ وَصَدَقَةٌ»

«Фақирга қилингандык садақа фақат садақадир, қариндошга қилингандык садақа эса ҳам садақа ва ҳам қариндошчиликдир».<sup>104</sup> Ота-она ва қариндошлардан кейин муҳтожлар туралы. Уларнинг энг лойиги етимдир. Вояга етмасдан отасидан ажраган бола етим ҳисобланади. Етимдан кейин мискин ва фақир, ундан кейин йўлдаги мусофири туралди. Шундай қилиб нафақа, эҳсон энг олдин шу эҳсонга энг лойиқ одамга, ундан кейин мана шу энг лойиқ одамдан кейинги энг лойиқ одамга ва ҳоказо берилади. Аллоҳ Таоло заррача яхшиликтан ҳам ҳабата кетказмайди. Ҳар бир ҳалолдан топилиб, холис Худо учун ўз жойига сарфланган эҳсонни Аллоҳ чиройли қабул қиласи. Аллоҳ эҳсонлар қаерга сарфланаётганини билиб туради.

﴿وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ حَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ﴾

(Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз Аллоҳ уни билгувчидир).

\*\*\*

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كُرْهٌ لَكُمْ وَعَسَى أَن تَكْرُهُوا شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ وَعَسَى أَن تُحِبُّوا شَيْئًا وَهُوَ شُرٌّ لَكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴾ يَسْكُونَكُمْ عَنِ الْشَّهْرِ الْحَرَامِ قِتَالٌ فِيهِ قُلْ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ وَصَدُّ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَكُفْرٌ بِهِ وَالْمَسَاجِدِ الْحَرَامِ وَإِخْرَاجُ أَهْلِهِ مِنْهُ أَكْبَرُ عِنْدَ اللَّهِ وَالْفِتْنَةُ أَكْبَرُ مِنَ الْقَتْلِ وَلَا يَزَالُونَ يُقَاتِلُونَكُمْ حَتَّى يَرُدُّوكُمْ عَنْ دِينِكُمْ إِنْ أَسْتَطَعُو أَ وَمَنْ يَرْتَدِدْ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَيَمُتْ وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَئِكَ حَبْطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ وَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا حَلِيلُونَ ﴾ إِنَّ الَّذِينَ ءامَنُوا وَالَّذِينَ هَاجَرُوا وَجَاهُدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَئِكَ يَرْجُونَ رَحْمَتَ اللَّهِ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴾

(104) Насоий: 2535. Ибн Можа: 1834. Аҳмад: 4/17, 218.

— „216. Сизларга ёқмаса-да, жанг қилишингиз фарз қилинди. (Зотан) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз. 217. Сиздан «шаҳри ҳаром» — уруши ҳаром бўлган ойда жанг қилиши ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У ойда жанг қилиши катта гуноҳдир. Аллоҳнинг йўлидан тўсии, Унга шионмаслик ва Масжиудул Ҳаромдан (яъни Маккадан) тўсии ва ундан аҳларини кувиб чиқарши Аллоҳ наздида улугроқ гуноҳдир. Фитна (алдаш) ўлдиришидан-да каттароқ гуноҳдир. Улар (коғирлар) қўлларидан келса то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан уришаверадилар. Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундаи кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охиратда бехуда кетур. Улар дўзах эгаларидан ва унда абадий қолажасклар. 218. Имон келтирган, (ватанларидан) ҳижерат қилган, Аллоҳ йўлида курашган зотлар — ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Аллоҳ магфират ва раҳм-шафқат қилгувчиидир“.

[2:216-218]

Аллоҳ Таоло бу оятларда юқорида айтиб ўтилган ўша оқимга тегишли бир неча шаръий ҳукмларни баён қиласди:

1. Жиҳод фарзdir. Бу оядта шунга далолат бор. Ундан ташқари жиҳод мавзусидаги далиллар тўлиб-тошиб ётибди.

Бу ояддан қуйидаги маънолар англашилади:

а) **كُتْبَةِ عَلَيْكُمْ الْقَاتَلُونَ** (Бу мусулмонларга Аллоҳ Таоло томонидан жанг қилиш ҳақида берилган фармондир. Унда уришиш талаб қилингани.

б)

﴿وَهُوَ كُرَّهٌ لَّهُمْ﴾

**(Сизларга ёқмасада)** деган иборанинг қўлланаётгани бу ердаги талабнинг қатъийлигига, унинг фарзлигига қаринадир. Чунки ёқтирмаслик дегани шу ишда машаққат бор, деганидир. Машаққати бор ишни талаб қилиш эса, талабнинг қатъийлигига далилдир. Акс ҳолда машаққат ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати қолмасди. Зеро, агар талаб қатъий бўлмаса, мукаллаф уни бажармаслиги ҳам мумкин бўлади. Шунга кўра, агар бу ердаги талаб қатъий бўлмайдиган бўлса, машаққат ҳақида гапириш ортиқча бўлиб қолган бўларди.

Бир ишни талаб қилиш ёнига унинг мешаққати ҳақидаги гап ҳам қўшилибдими, демак, бу талаб қатъийдир, уни бажариш фарзdir. Бу нарса усул фанида шундай баён қилинган.

Кейин Аллоҳ Таоло инсон зотининг гоҳида ўзига оғир бўлган ишни ёмон кўришини, аслида эса шу иш ортидан унга улуғ-улуғ савоблар келишини, келгусидаги катта-катта муваффақиятларни ўйламасдан нақд, бўлиб турган воқедан таъсирланишини ва шундан келиб чиқиб, оқибати жуда ёмон бўладиган енгилликни ёқтиришини айтиб ўтади.

Маъно қўйидагича бўлади: Эҳтимол сизлар жиҳоддаги мاشаққатни ёмон кўрарсизлар, аслида эса у сизлар учун яхшилиқдир. Чунки у нусрат ва иззат йўлидир, Исломнинг бутун дунёга ёйилиши шу йўл билан бўлади. Бу йўл икки гўзал оқибатнинг бирига олиб боради. Ё ғалаба ёки шаҳидлик! Эҳтимол сизлар бемалолликни, уришмасликни ёқтирасизлар, аслида эса у сизлар учун ёмонлиқдир. Негаки, у хорлигу зорликка, душман қархисида оёқ ости бўлишга, душман томонидан топталишга олиб боради.

Агар кўнгил кўчасига юрадиган бўлсангизлар, адашасизлар. Агар Аллоҳнинг фарзига эргашадиган бўлсангизлар, ғолиб, музофар бўласизлар. Аллоҳ Таоло ғайб ишларини билгувчи Зотdir.

﴿وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

### (Аллоҳ билур, сизлар билмассиз).

2. Иккинчи оятда уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилиш жоизми, деган саволга жавоб бериляпти. Аллоҳ Таоло баён қиляпти, уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилиш катта гуноҳдир. Лекин ундан ҳам каттароқ гуноҳ бу мушрикларнинг қилаётган ишларидир. Улар Аллоҳга куфр келтирдилар, Аллоҳнинг йўлидан ва Масжидул Ҳаромдан одамларни тўсдилар. Шунингдек, Пайғамбар ﷺ ва мўминларни ундан чиқариб юбордилар, ҳайдадилар. Мўминларни динидан қайтариш учун мушрикларнинг куч сарфлаши уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилишдан кўра каттароқ гуноҳдир.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло баён қиляпти, кофирлар то мўминларни динидан қайтармагунларича улар билан жанг қилишни ташламайдилар. Агар қодир бўлсалар, албатта. Лекин улар Аллоҳнинг изни или бу ишга ҳеч қачон қодир бўлмайдилар.

Аллоҳ Таоло оятни динидан қайтиб, кофир ҳолида ўлиб кетадиган одамнинг қилган ишлари дунёю охиратда ҳабата кетишини, ўзи дўзах аҳлидан бўлиб, у ерда абадий қолишини айтиш билан якунлаяпти.

﴿يَسْكُلُونَكُمْ عَنِ الْشَّرِّ الْحَرَامِ قَاتِلٌ فِيهِ﴾

(Сиздан «شاҳри ҳаром» — уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар). Яъни, сиздан уруш ҳаром қилинган ойларда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. (فَيَهُ) ибораси уруш ҳаром қилинган ойдан бадали иштимолдир, яъни уруш ҳаром қилинган ойга алоқадор ишдир.

Бу саволни берганлар Қурайш кофирларидан бўлган вакиллар эди. Зуҳрий Урвадан ривоят қилишича, улар Пайғамбар ﷺ нинг олдиларига келишиб, уруш ҳаром қилинган ойда ҳам жанг қилиш мумкинми, деб сўрашган.<sup>105</sup> Бунга сабаб Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг гуруҳи содир этган бир иш бўлган. Гап шундаки, Пайғамбар ﷺ Абдуллоҳ ибн Жаҳшни бир гуруҳ билан Нахлага юборгандар. Улар кетаётганларида, ўша ерда туриб, бизга Қурайш ҳақида хабарлар етказиб турасан, дедилар. Ибн Исҳоқ, Байҳақий ва бошқаларнинг Зайд ибн Румондан, унинг Урва ибн Зубайр ﷺ дар қилган ривоятига кўра, Пайғамбар ﷺ уларни жанг қилишга буюрганлар.

«Пайғамбар ﷺ Абдуллоҳ ибн Жаҳшни саксон нафар муҳожирлар билан ражабда (уруш ҳаром қилинган ойда) юбордилар. Уларни жанг қилишга буюргадилар. Унга қаёққа кетаётганини айтмасдан бир мактуб бердилар ва **асҳобларинг** икки кун **юрганингдан кейин**, **мактубни очиб ўқи**, **кейин мен буюрган жойга бор**, дўстларингдан ҳеч кимни ўзинг билан **боришга мажбурлама**, дедилар. У икки кун юриб бўлганидан кейин мактубни очиб ўқиди. Унда шундай дейилганди: **То Нахлага етиб боргунингча юравер**. Кейин ўша ерга манзил қуриб, бизга ўзингга **етиб келган Қурайш ҳақидаги хабарларни етказиб тур**. Абдуллоҳ ибн Жаҳш Пайғамбар ﷺ нинг буйруғини бажарди. Нахлага тушган пайтларида уларнинг ёнидан Амр ибн Хазрамий бир неча одамлари билан ўтиб қолди. Улар билан бирга майиз ва савдо моллари олиб бораётган Қурайш карвони ҳам бор эди. Мусулмонлар уларнинг йўлини тўсишиб, Амр ибн Хазрамийни ўлдиришди ва икки одамини асир олишди. Бу воқеа ражаб ойининг охирида содир бўлганди. Карвон билан икки асирини Пайғамбар ﷺ нинг олдиларига олиб келганларида, у киши, **Аллоҳга қасамки, сизларни уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилишга буюргандим**, дедилар ва икки асиридан ҳам, карвондан ҳам ҳеч нарса олмасдан уларни тўхтатиб қўйдилар. Ана шунда бу ишни қилганлар нима қиласини билмасдан ўзларини тамом бўлдик, деб ўйлаб қолдилар. Мусулмон биродарлари ҳам уларни

(105) Тафсири Табарий: 2 / 247. Ибн Ҳишом: 2 / 252, 254. Дуррул Мансур: 2 / 602.

айблардилар. Бунинг устига Қурайш, Мұхаммад уруш ҳаром қилинган ойда ноҳақ қон түқди, молни талади, одамларни асир олди, ҳаром қилинган урушни ҳалол қылди, деган гапларни айтди. Ана шунда шу муборак оят нозил бўлди».

Зуҳрий Урвадан қилган ривоятда айтилишича, Қурайш коғирлари шу воқеадан хабардор бўлганларидан кейин уларнинг вакиллари Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келишиб, у кишидан, уруш ҳаром қилинган ойда ҳам жанг қилиш мумкинми, деб сўраганлар. Бу билан мусулмонларни айбламоқчи бўлганлар, пичинг қилганлар. Шунда мана шу муборак оят нозил бўлган.

Бу муборак оят нозил бўлганидан кейин Пайғамбар ﷺ карvonни ҳам, икки асир фидясини, товонини ҳам қабул қилганлар.

Ривоятларга кўра, карвон билан тўқнашув ва ўлдириш ражаб ойининг бошида содир бўлган. Гуруҳ жумодус-сонийда юборилган. Бу гап оятнинг нозил бўлиш сабабини ўзгартира олмайди. Чунки ҳар икки ҳолатда ҳам, ражаб ойининг бошида бўладими, охирида бўладими, воқеа уруш ҳаром қилинган ойда содир бўлган.

3. Бу муборак оятдан шу нарса англашиладики, уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилиш ҳаромдир ва жуда катта гуноҳдир.

﴿قُلْ قَاتَالُ فِيهِ كَبِيرٌ﴾

(У ойда жанг қилиш катта гуноҳдир, деб айтинг). Лекин Аллоҳ Таоло баён қиляптики, Қурайш коғирларининг қилган ишлари, Аллоҳга куфр келтиришлари, одамларни У Зотнинг йўлидан ва Масжидул Ҳаромдан тўсишлари, Пайғамбар ﷺ ва мўминларни ҳайдашлари, мушрикларнинг мусулмонларни динидан қайтариш учун қилган барча ҳаракатлари Аллоҳнинг наздида каттароқ гуноҳдир. Шунинг учун мушриклар мусулмонларнинг уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилганларини қоралашдан олдин Аллоҳ Таолонинг, Пайғамбар ﷺнинг ва мўминларнинг ҳақларига нисбатан ўзларининг қилган жиноятларига қарасинлар. Олдин ўзларига боқсинлар, кейин нофора қоқсинлар. Ана шунда ўзларининг қилган жиноятлари уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилишдан кўра анча кўпроқ, каттароқ гуноҳ эканини билиб оладилар.

﴿وَصَدَّ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَكُفَّرُ بِهِ وَأَلْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَإِخْرَاجُ أَهْلِهِ مِنْهُ أَكْبَرُ عِنْدَهُ﴾

﴿اللَّهُ وَالْفِتْنَةُ أَكْبَرُ مِنَ الْقَاتِلِ﴾

(Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга ишонмаслик ва Масжидул Ҳаромдан (яъни Маккадан) тўсиш ва ундан аҳлларини қувиб чиқариш Аллоҳ наздида улуғроқ гуноҳдир. Фитна (алдаш) ўлдиришдан-да каттароқ гуноҳдир).

Яъни, Қурайш кофирлари уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилинганига қарши ҳужжат келтирадилар, шу ишни қоралаб гапирадилар. Аммо ўзларининг қилган жиноятлари уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилишдан кўра неча баробар оғирроқ гуноҳ эканлиги ҳақида лом-мим демайдилар.

﴿وَالْمَسْجِدُ الْحَرَامُ﴾

ибораси (۴) даги замирга эмас,

﴿سَبِيلُ اللَّهِ﴾

иборасига атф қилингапти. Чунки мажрурга атф қилиниш учун жар қилувчи ҳарф такрорланиши лозим. Масалан, унинг ва Зайднинг ёнидан ўтдим, демоқчи бўлсангиз, унинг сўзига қўшилган жар қилувчи ҳарфни Зайд сўзига ҳам қўшишингиз шарт. Бу бир томондан. Иккинчи томондан оятнинг мазмуни ҳам

﴿سَبِيلُ اللَّهِ﴾

иборасига атф бўлиши кучлироқлигини кўрсатади. Шунда бу ердаги маъно Аллоҳнинг йўлидан ва Масжидул Ҳаромдан тўсиш бўлади. Шу маъно Аллоҳга ва Масжидул Ҳаромга куфр келтириш маъносидан кўра кучлироқ. Масжидул Ҳаромга куфр келтириш маъносидан кўра Масжидул Ҳаромдан тўсиш маъноси ҳақиқатга яқинроқ.

Шундай қилиб, бу оят уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилиш ҳаромлигига далилдир. Лекин уларнинг қилган ишлари, куфр келтиришлари, Аллоҳнинг йўлидан ва Масжидул Ҳаромдан тўсишлари, чиқараётган фитналари каттароқ ва мудҳишроқ гуноҳдир.

Пайғамбар ﷺ Ибн Хазрамий учун хун ҳақи – товоң олиб, уни меросхўрларига берганлар. Чунки унинг ўлдирилиши уруш ҳаром қилинган ойда юз берган. Уруш ҳаром қилинган ойларда жанг қилиш то бу ҳукм насҳ қилингунига қадар ҳаром бўлиб қолган. Бу ҳақда Худо хоҳласа, кейинроқ тўхталамиз.

4. Аллоҳ Таоло кофирларнинг мусулмонларга бўлган адоватлари нақадар қаттиқ эканини баён қиляпти. Улар то мусулмонларни динларидан қайтармагунларича уруш қилишда давом этаверадилар. Агар қўлларидан келса, албатта. Шундан

сүнг Аллоҳ ўз динидан қайтган ва шу ҳолида ўлган мусулмонларнинг оқибатини, уларнинг қилган амаллари ҳабата кетишини, гуноҳлари жуда катталигини, дўзахда абадий қолишларини баён қиляпти.

﴿حَتَّىٰ يُرْدُوكُمْ﴾

(то динингиздан қайтаргунларича). Бу ердаги то, ҳатто сўзи сабабни билдириб келяпти. Яъни, сизларни дининглардан қайтариш учун курашадилар.

﴿إِنْ أَسْتَطَعُوْا﴾

**(Кўлларидан келса).** Бу ерда шу ишга қодир бўлишлари эҳтимолдан узоқлиги ифодаланяпти. Масалан, сиз душманингизга унинг сиздан устун кела олмаслигига ишончингиз комил бўлгани ҳолда, агар енгсанг, мени йўқ қилиб юбор, дейсиз.

Бундан шу маъно келиб чиқадики, кофирлар ҳар қанча найранг ишлатмасинлар, ҳар қанча тил биритирмасинлар, ҳар қанча курашмасинлар, ҳеч қачон мусулмонларни динидан қайтара олмайдилар. Шу билан бирга бу ерда кофирларнинг мусулмонларга нисбатан адовати қанчалар катталиги ҳам кўрсатилган.

﴿وَمَنْ يَرْتَدِّ مِنْكُمْ عَنِ دِينِهِ فَيَمُتْ وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَئِكَ حَاطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الْأَرْضِ وَلَا خِرَةٌ وَأُولَئِكَ أَصْحَابُ الْنَّارِ هُمْ فِيهَا خَلِدُونَ﴾

(Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундаи кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охиратда беҳуда кетур. Улар дўзах эгалариdir ва унда абадий қолажаклар).

Бу оятда муртад бўлиб, кофир ҳолида ўлиб кетадиганларнинг аҳволи баён қилиняпти. Улар ҳақида икки иш юз беради:

а) Қилган амаллари ҳабата кетади. Муртад бўлишидан олдин қилган ҳамма амаллари ҳатто ҳаж қилган бўлса, шу қилган ҳажи ҳам ҳабата кетади.

б) У жаҳаннам ўтида абадий қолади. Чунки у кофир ҳолида ўлди.

Бу ерда Аллоҳ Таоло амалларнинг ҳабата кетишини муртад ҳолда ўлиш билан боғлаяпти, қайдлаяпти, дейилмайди. Чунки оят

﴿وَمَنْ يَرْتَدِّ مِنْكُمْ عَنِ دِينِهِ فَيَمُتْ وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَئِكَ حَاطَتْ أَعْمَالُهُمْ﴾

деган гапнинг ўзигина эмас. Агар шунинг ўзигина бўлганда амалнинг ҳабата бўлишига муртад ҳолда ўлиш олиб борган бўларди. Лекин оятда

﴿وَأُولَئِكَ أَصْحَابُ الْنَّارِ هُمْ فِيهَا حَلِيلُونَ﴾

деган гап ҳам бор. Яъни, оятда муртад бўлиб, шу муртадлигига ўлган киши учун икки натижа кўрсатилияпти. Улардан биро амалнинг ҳабата кетиши бўлса, иккинчиси жаҳаннам ўтида абадий қолишдир.

Лекин агар кимдир муртад бўлсаю аммо ҳали ўлмаган бўлса, бундай кимсанинг ҳолатини Аллоҳ Таоло бошқа оятларда баён қилган:

﴿وَمَن يَكُفُرْ بِإِلَيْهِنَّ فَقَدْ حَبَطَ عَمَلُهُ﴾

— „Кимки имонидан қайтса, унинг қилган амали бехуда кетиши аниқдир“. [5:5]

﴿لِئِنْ أَشْرَكَ لَيَحْبَطَ عَمْلُكَ﴾

— „Қасамки: агар муширик бўлсанг, албатта қилган амалинг бехуда кетур!“. [39:65]

Бу гаплардан шундай маъно келиб чиқадики, муртад бўлган кишининг амали ҳабата кетади. Агар у муртад бўлмасидан олдин ҳаж қилган бўлса, кейин яна Исломга қайтса, унга янгитдан ҳаж қилиш вожиб бўлади.

Агар муртад бўлса ва шу муртадлигига ўлса, унинг амали ҳабата кетади ва ўзи жаҳаннам ўтида абадий қолади.

5. Бу оятнинг насх қилинганлиги ҳақида ҳам, насх қилинмаганлиги ҳақида ҳам бир қанча ривоятлар ворид бўлган. Рожиҳ гап шуки, бу оят яъни

﴿سَعَلُوكَ عَنِ الْشَّهْرِ الْحَرَامِ قَتَالٌ فِيهِ قُلْ قَتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ﴾

(Сиздан «шаҳри Ҳаром» — уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У ойда жанг қилиш катта гуноҳдир) ояти Тавба сурасидаги оят билан насх қилинган.

Бу оят Мадинага эндиғина ҳижрат қилинган пайтларда Бадр жангидан олдин нозил бўлган. Шу билан уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилиш ҳаром бўлиб юрган. Фақат икки ҳолат бундан мустасно бўлган. Улар қўйидагилар:

а) Кофирларнинг ўzlари шу ойда уруш бошлаб қолсалар. Бунинг ҳукми

﴿الشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرْمَةُ قِصَاصٌ﴾

– „Уруши ҳаром қилинган ой уруши ҳаром қилинган ой мүқобилида бўлади. Хурматлар (бузилса, риоя қилинмаса) қасос (олинади)“.

[2:194]

оятида баён қилинган. Бу оятнинг мазмуни ҳақида юқорида айтиб ўтдик.

б) Жанг уруш ҳаром қилинган ойдан олдин бошланиб бўлган ва уруш ҳаром қилинган ой кирган пайтда ҳам давом этаётган, ҳали тугамаган бўлса. Бундай пайтда агар ҳарбий сиёсат жанг қилишни тақозо қилиб қолса, уни давом эттиравериш мумкин.

Бунга далил Макка фатҳи ва Хунайн жангидан кейин Пайғамбар ﷺning Тоифни қамал қилгандаридир. Ўшанда Сақиф Тоифга чекиниб, ўша ерда қўрғонланиб олганди. Қамал пайтида уруш ҳаром қилинган ой кириб қолди, қамал эса давом этаверди.

Буни юқоридаги

﴿الشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرْمَةُ قِصَاصٌ﴾

– „Уруши ҳаром қилинган ой уруши ҳаром қилинган ой мүқобилида бўлади. Хурматлар (бузилса, риоя қилинмаса) қасос (олинади)“.

[2:194]

деган оятнинг тафсирида айтиб ўтгандик.

Шу икки ҳолатдан бошқа пайтда уруш ҳаром қилинган ойда ёки Ҳарамда жанг бошлаш ҳаром эди. Бунга мана бу икки оят далилдир:

﴿وَلَا تُقْبِلُوهُمْ عِنْ الْسَّجْدَةِ حَتَّىٰ يُقَاتِلُوكُمْ فِيهِ﴾

– „Ўзлари уруши бошлигунча улар билан Масжидул Ҳаром олдида урушимангиз!“.

[2:191]

﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْشَّهْرِ الْحَرَامِ قِتَالٌ فِيهِ قُلْ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ﴾

(Сиздан «шахри Ҳаром» — уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У ойда жанг қилиш катта гуноҳдир).

Бу ҳукм то Пайғамбар ﷺга Тавба сураси нозил бўлгунига қадар давом этди. У нозил бўлганидан кейин эса модомики, ҳарбий сиёсат тақозо қиласар экан, Ҳарамда ҳам, уруш ҳаром қилинган ойда ҳам жанг қилиш жоиз бўлиб қолди.

Бунинг далили қўйидагича бўлади:

﴿بِرَاءَةٌ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ فَسِيَحُوا فِي الْأَرْضِ أَرْبَعَةُ أَشْهُرٍ وَأَعْلَمُوا أَنَّكُمْ غَيْرُ مُعَجِّزِي اللَّهِ وَأَنَّ اللَّهَ حُكْمُ الْكُفَّارِ﴾

– „(Эй мұмиллар, ушбу) Аллоҳ өзінгі пайғамбари томонидан сизлар (үзаро урушмаслик ҳақида) ахд-паймон қылған мушрик кимсаларга ора очықлык (эълонидир). (Эй мушриклар, уруши ҳаром қилинған) түрт ой ичида ерда сайру саёхат қилиб юраверинглар ва билингларки, сизлар Аллоҳни ожиз қилгуевчи эмассизлар – албаттa Аллоҳ қоғырларни расво қилғувицидир“.

[9:1-2]

Шу оятнинг тақозоси билан мушрикларга түрт ой мұхлат берилди. Шу түрт ой ичида улар билан жанг қилинмади. Яъни, улар шу түрт ой ичида тинч бўлдилар. Бу ишнинг шу түрт ой билан қайдланиши, боғланиши шу түрт ой чиқиб кетганидан кейин уларни ўлдириш жоиз, деган маънени англатади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِذَا آنَسَلَخَ الْأَشْهُرُ الْحَرُومُ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ﴾

– „Бас, қачон уруш ҳаром қилинған ойлар чиқса, мушрикларни топган жойингизда ўлдириңгиз“.

[9:5]

Бу ердаги уруш ҳаром қилинған ойлар ҳар йили келадиган уруш ҳаром қилинған ойлар эмас, улар учун белгиланған мұхлатнинг ўтишидир. Яъни, ўтган оятда айтилған түрт ойдир. Бунга далил шуки, уларга түрт ой мұхлат берилди. Йилда эса уруш ҳаром қилинған кетма-кет келадиган түрт ой йўқ. Шунинг учун бу ердаги түрт ойдан мурод уларга берилған мұхлатдир. У айрим ривоятлардаги шаввол, зулқаъда, зулҳижжа ва мұҳаррам бўладими ё зулқаъда, зулҳижжа ва мұҳаррам ойлари кетма-кет келади. Улардан биттаси яъни, раЖаб эса алоҳида ўзи якка келади. Демак, ўша машҳур йил ойлари кетма-кет келадиган ойлар эмас. Шунга кўра, бу ердаги маъно мана бундай бўлади: Белгиланған түрт ойлик мұхлат тугаганидан кейин мушрикларни қаерда топсанглар ўлдириңглар. Демак, шу мұхлат тугаганидан кейин улар билан ҳамма жойда ва ҳамма вақт уруш қилиш мумкин бўлади.

Биз ҳамма вақт ва ҳамма жойда, дедик. Ҳамма вақт дейишимизга боис бу ердаги қайдланишнинг, боғлиқликнинг замонга доирлигидир.

﴿أَرَيْعَةً أَمْ شَهْرٍ﴾

Муддат ўтиб, шу қайдланиш, боғлиқлик йўқ бўлганидан кейин улар билан ҳамма вақт жанг қилиш жоизга айланади.

Ҳамма жойда дейишимизга боис (حِيثُ) сўзининг маконни ифодалашидир. Бинобарин, муҳлат тугаганидан кейин мушриклар билан ҳамма жойда жанг қилинаверади.

(حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ) яъни, уларни қаерда топсанглар.

Энди

﴿وَلَا تُقْتِلُوهُمْ عِنْدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ حَتَّىٰ يُقْتَلُوكُمْ فِيهِ﴾

— „Ўзлари уруши бошлигунча улар билан *Масжидул Ҳаром олдида урушимангиз!*“ [2:191] деган оят Ҳарамга хосдир,

﴿يَسْكُونَكُمْ عَنِ الْشَّهْرِ الْحَرَامِ قِتَالٌ فِيهِ قُلْ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ﴾

(Сиздан «шаҳри ҳаром» — уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтиңг: «У ойда жанг қилиш катта гуноҳдир»).

деган оят уруш ҳаром қилинган ойга хосдир,

﴿فَإِذَا آنسَلَخَ الْأَشْهُرُ الْحُرُمُ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ﴾

— „*Бас, қачон уруши ҳаром қилинган ойлар чиқса, мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз*“ [9:5]

деган оят эса ҳамма замон ва ҳамма макон учун омдир, умумийдир ва ом, умумий маънодаги гап хосни, хусусий маънодаги гапни насх қила олмайди, деган гап ҳам бор.

Бу гап тўғри. Фақат бунинг учун омнинг далолати зонний, хоснинг далолати эса қатъий бўлиши керак. Бу ерда эса омнинг далолати ҳам қатъий бўляпти.

﴿حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ﴾

Яъни, топган жойингларда.

﴿فَإِذَا آنسَلَخَ الْأَشْهُرُ الْحُرُمُ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ﴾

Яъни, ўша тўрт ойлик муҳлат тугаганидан кейин. Уларни ҳамма пайт ўлдиринглар. Чунки урушни тақиқловчи муддатнинг

белгиланиши шу муддат ўтиши билан уруш қилиш жоизлигини англатади. Оятнинг мағхуми мана шу. Яъни, омнинг ҳам, хоснинг ҳам далолати қатъийдир ва бир-бирига зиддир. Хос олдин келгани, ом эса кейин келгани маълум бўлса, ҳали нозил бўлмаган омни хосляпти, деб бўлмайди-ку. Шунга кўра, бу ерда модомики, ом кейин келган ва у далолати қатъий экан, демак у олдин келган хосни насх қиласди. Мана шу насх тўғри ва рожихдир.

Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

«إِنَّ هَذَا الْبَلَدَ حَرَمَهُ اللَّهُ تَعَالَى يَوْمَ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ فَهُوَ حَرَامٌ بِحُرْمَةِ اللَّهِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَإِنَّهُ لَمْ يَحِلْ لِي أَحَدٌ قَبْلِي وَلَمْ يَحِلْ لِي إِلَّا سَاعَةً مِنْ نَهَارٍ، فَهُوَ حَرَامٌ بِحُرْمَةِ اللَّهِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ لَا يُعْصَدُ شَوْكُهُ وَلَا يُنْفَرُ صَيْدُهُ وَلَا تُنْتَقَطُ لَعْنَتُهُ إِلَّا مِنْ عَرَفَهَا لَا يُخْتَلِي خَلَاهُ. فَقَالَ الْعَبَّاسُ : إِلَّا الإِذْخُرُ فَإِنَّهُ لِقَيْنِهِمْ وَلِبَيْوَتِهِمْ. قَالَ : رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : إِلَّا الإِذْخُرُ»

«Бу шаҳар(да уруш қилиш)ни Аллоҳ осмонлару ерни яратган куниёқ ҳаром қилди. У(унда уруш қилиш) Аллоҳнинг ҳаром қилиши билан то қиёмат кунигача ҳаромдир. Унда уруш қилиш мендан олдин ҳам ҳеч кимга ҳалол қилинмаган. Менга ҳам фақат кундузидан бир соатгина ҳалол қилинди. У (Аллоҳнинг) ҳаром қилиши билан то қиёмат кунига қадар ҳаромдир. Унда тикон ҳам юлинмайди, ов ҳам қилинмайди, топилма (кимдир йўқотиб қўйган нарса) олинмайди. Магар ўша нарсани таниган, (кимнинг нарсаси эканини билган) одам олиши мумкин. **Унинг хилват жойи ҳалол қилинмайди.** Шунда Аббос: фақат изхирни – хушбўй қамишни юлиш мумкин бўлсин, чунки у уйлар учун ҳам, безак учун керак бўлади, деди. Пайғамбар ﷺ: (уни тасдиқлаб), **изхир бундан мустасно, дедилар**.<sup>106</sup>

Бу ҳадисни Пайғамбар ﷺ ҳижратнинг саккизинчи йили Макка фатҳ этилган кунда яъни, Тавба сурасидаги ўша оят нозил бўлишидан олдин айтганлар. Бу оят ҳижратнинг тўққизинчи йилида нозил бўлган. Шунинг учун бу ҳадис юқорида айтиб ўтганимиздек, муҳкам ва насх қилувчи бўлиб келган Тавба сурасидаги оятга амал қилишга таъсир ўтказа олмайди.

(106) Бухорий: 2951. Муслим: 2412.

Бундан ташқари бу ҳадис Макка фатҳ этилганидан кейин Ислом диёрига айланганини, ширк ва унинг салтанати барҳам топиб, шу эътибор билан Маккада уруш қилиш ҳаром қилинганини ҳам англатади. Бу худди Пайғамбар Ҳининг: «Шу фатҳдан кейин энди ҳижрат йўқ», деган гапларига ўхшайди.<sup>107</sup> Яъни, фатҳдан кейин Макка Ислом диёрига айланди, Мадина билан бир хил бўлиб қолди, энди Маккадан Мадинага ҳижрат қилиш тўхтади. Лекин агар Макканинг воқеи ўзгарса, Ислом диёри бўлмай қолса, хилофат Аллоҳнинг изни ила Маккадан бошқа жойда барпо этилса, худди аввалгидек яна қайтадан Маккадан Ислом диёрига ҳижрат қилиш дуруст бўлаверади.

Бу ерда ҳам худди шундай. Пайғамбар Ҳ Макка фатҳ бўлиб, аҳолиси мусулмонлар бўлиб, Ислом диёрига айланганидан кейин унда уруш қилиш ҳаром бўлганини айтяпти. Шу тавсифдаги Маккада уруш қилиш қиёматга қадар ҳаромдир. Лекин агар Макканинг воқеи ўзгарса, у Ислом диёри бўлмай қолса, аҳолиси мусулмонлар бўлмай қолса, у ҳолда унда уруш ҳаром қилингани ҳақидаги бу ҳадис унга тушмай қолади. Негаки, бу пайтда ҳадисни татбиқ этиш воқеи ўзгарган бўлади.

Оятда гап ўзи Ислом диёри бўлган, аҳолиси мусулмонлар бўлган Макка ҳақида, шундай Маккада уруш ҳаром қилингани ҳақида боряпти. Ҳарамда ва уруш ҳаром қилинган ойда мушриклар билан жанг қилиш мавзусига келсак, айтиб ўтилган оят билан ҳадис ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, Тавба сурасидаги оят Бақара сурасидаги оятни насх қилган.

6. Лекин Ҳарамда ва уруш ҳаром қилинган ойда мушриклар билан жанг қилишнинг шарти бор.

﴿فَإِذَا أَنْسَلَخَ الْأَشْهُرُ حَرُومٌ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدُّتُمُوهُمْ وَخُذُوهُمْ وَأَحْصُرُوهُمْ وَأَقْعُدُوا لَهُمْ كُلَّ مَرْصِدٍ فَإِنْ تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الْزَكُوْةَ فَحَلُّو سَبِيلَهُمْ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

– „Бас, қачон уруши ҳаром қилинган ойлар чиқса, мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз, (асир) олингиз, қамал қилингиз ва барча йўлларда уларни қузатиб турингиз! Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўкис адо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз!

(107) Бухорий: 2575. Муслим: 3468.

(Яъни улар билан урушишини бас қилингиз). **Албатта, Аллоҳ магфиратли, меҳрибондир“**. [9:5]

а) Яъни, агар уруш одамларни Исломга киритиш ва Аллоҳнинг сўзини олий қилиш мақсадида қилинсагина жоиздир. Чунки тавба сурасидаги

﴿فَإِنْ تَابُوا﴾

(Энди агар тавба қилсалар) деган гап куфрни тарк қилсалар деганидир,

﴿وَقَاتُمُوا الصَّلَوةَ وَأَتُؤْمِنُ أَلَزَكُوهُ﴾

(**Ва намозни тўқис адо қилишиб, закотни берсалар?**), деган гап эса Исломга кирсалар деганидир. Бу ерда қисмни бутун маъносида қўллаш қоидаси ишлатиляпти. Чунки қисм тоҳида бутунни англатади.

﴿فَخَلُوا سَبِيلَهُمْ﴾

(**Уларнинг йўлларини тўсмангиз!**). Яъни, жанг қилманглар. Бу ердаги шартнинг мағҳуми мухолафасига ҳам амал қилинади. Яъни, агар улар тавба қилмасалар, намозни адо этмасалар, закотни бермасалар, бир сўз билан айтганда кофирилкларида қолсалар, Исломга кирмасалар, олдиндан кофир бўлишлари ёки олдин мусулмон бўлиб, кейин диндан қайтган бўлишларидан қатъий назар, улар билан жанг қилинади.

Шунга биноан, Исломни ёйиш, Аллоҳнинг сўзини олий қилиш йўлидаги шаръий қоидаларга риоя қилинган ҳолда олиб борилган жанг йилнинг ҳамма ойларида жоиздир. Уруш ҳаром қилинган ойларда, ҳаром қилинмаган ойларда ҳам. Замон ҳақидаги гапимиз мана шу. Энди маконга келадиган бўлсак, худди шундай жанг ҳамма маконда ҳатто Ҳарамда ҳам жоиздир. Такрор айтамиз, агар мақсад Аллоҳнинг сўзини олий қилиш ва одамларни Исломга киритиш бўлса. Дейлик, Маккада ёки бошқа жойда муртадликлар кўпайиб, куфр ёйилган бўлса, ҳокимият кофириларнинг қўлига ўтган бўлса, бу ишни бартараф этиш учун, Маккани яна мусулмонлар қўлига қайтариш учун улар билан жанг қилинади. Ҳатто улар Ҳарамга беркиниб, қўргонланиб олган бўлсалар ҳам, ҳатто уруш ҳаром қилинган ойлар пайти бўлса ҳам улар билан жанг қилинаверади.

б) Шу нарсани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, агар Ҳарамга беркиниб, қўргонланиб олган кофирилар ва муртадлар ўзларини ҳимоя қила оладиган куч бўлганларидагина яъни,

уларга нисбатан уруш воқеи тўғри келган пайтдагина улар билан жанг қилинади. Лекин агар улар якка шахслар ёки ўзини ҳимоя қила олмайдиган жамоалар бўлсалар, уларга нисбатан уруш воқеи тўғри келмайди. Шунинг учун улар билан жанг қилинмайди. Улар жазога тортиладилар. То таслим бўлгунларига қадар халифа уларнинг гирибонидан олади. Ё таслим бўладилар ёки жон таслим қиласидар.

Мана шуларнинг барчаси Ҳарамда ёки уруш ҳаром қилинган ойда биринчи бўлиб уруш бошлаш ҳақидаги гаплардир. Лекин агар уларнинг ўzlари уруш бошласалар, ёки уруш бошқа ойда бошланиб, уруш ҳаром қилинган ой кириб қолган бўлса, бундай пайтда жанг қилинавериши ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик.

в) Шунга кўра, Ҳарамда ва уруш ҳаром қилинган ойда одамларни Исломга киритиш, душманнинг тажовузига барҳам бериш, муртадлар билан курашиш мақсадидагина жангни биринчи бўлиб бошлаш мумкин. Бу маъно мана бу оятдаги шартнинг мафҳумидан келиб чиқади.

﴿فَإِنْ تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَإِنْ تُؤْمِنُوا أَلْرَكَوْهَ فَخُلُوا سَبِيلُهُمْ﴾

– „Энди агар тавба қиласалар ва намозни тўқис адo қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз! (Яъни улар билан урушишини бас қилингиз)“ [9:5]

Ҳарамда ва уруш ҳаром қилинган ойда юқоридагилардан бошқалар билан жанг қилиш, масалан, мусулмонларнинг ўzlари билан жанг қилишлари, бир-бирларига хавф солишлари, зулм қилишлари Аллоҳнинг шариатида жуда катта жиноятдир, жуда катта гуноҳдир. Бундай гуноҳга нисбатан Исломда жуда қаттиқ жазо берилади. Бир гуноҳнинг бошқа жойда содир этилишидан кўра Ҳарамда ёки уруш ҳаром қилинган ойда содир этилиши уни янада оғирлаштириб юборади.

Ҳарам ва Масжидул Ҳаромнинг ҳурматини поймол этиш Аллоҳнинг динида жуда-жуда катта гуноҳдир.

﴿وَمَنْ يُرِدُ فِيهِ بِالْحَادِ بِظُلْمٍ نُذَقَهُ مِنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ﴾

– „Ba кимки у жойда зулм-зўравонлик билан йўлдан чиқмоқчи бўлса (буларнинг ҳар бирига) аламли азобдан томоғириб қўюрмиз“ [22:25]

﴿مِنْهَا أَرْبَعَةُ حِرْمَةٍ دَلِلَكَ الَّذِينُ الْقَيْمُ فَلَا تَظْلِمُوا فِيهِنَّ أَنْفُسَكُمْ﴾

— „Улардан түртүү уруши ҳаром қилингган (ойлар)дир. Мана шу ҳақ диндир (яңи, ҳақ ҳукмдир). Бас, бу ойларда (урушни ҳалол деб жанга кириб) ўзларингизга зулм қилмангиз!“ [9:36]

Бошқа жойда ҳаром бўлган нарса бу ерда янада каттароқ ҳаромдир.

Бошқа жойда жиноят ҳисобланган иш бу ерда янада каттароқ жиноятдир.

Бошқа жойда зулм ҳисобланган иш бу ерда янада каттароқ зулмдир.

7. Аллоҳ Таоло ўша уруш ҳаром қилингган ойда Абдуллоҳ ибн Жаҳш ва унинг гуруҳи қилган ишларни кечирди ва кофирларга қарши ҳужжат келтириб, уларнинг қилган ишлари, куфр келтиришлари, Аллоҳнинг йўлидан ва Масжидул Ҳаромдан тўсишлари, одамларни диндан қайтариш учун фитналар ўюстиришлари бу гуруҳ қилган ишга нисбатан бир неча баробар оғирроқ гуноҳлигини баён қилди.

Аллоҳ Таолонинг Абдуллоҳ ибн Жаҳш ва унинг гуруҳини кечирганига қўйидагилар далиллар:

а) Аллоҳ Таолонинг мана бу гапи:

﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَالَّذِينَ هَاجَرُوا وَجَهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَئِكَ يَرْجُونَ رَحْمَةَ اللَّهِ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

— „Имон келтирган, (ватанларидан) ҳижрат қилган, Аллоҳ йўлида курашган зотлар — ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Аллоҳ мағфират ва раҳм-шафқат қилгувчиdir“.

[2:218]

Бу оят улар ҳақида нозил бўлган. Оятда Аллоҳ уларни мақтаган, мўмин, муҳожир, Аллоҳнинг йўлидаги мужоҳид, қилган ишидан фақат Аллоҳнинг раҳматинигина умид қиласиган мухлис, деб тавсифлаган. Кейин эса оятни Ўзининг уларни кечириши ва Ўз раҳматига олиши билан якунлаган.

б) Пайғамбар ﷺ нинг улар олиб келган ўлжаларни ва икки асири қабул қилишлари. Пайғамбар ﷺ то мана шу муборак оят нозил бўлгунига қадар бу ишни тўхтатиб қўйгандилар. Чунки уларнинг уруш ҳаром қилингган ойда жанг қилганларидан рози бўлмагандилар.

Пайғамбар ﷺ нинг улар олиб келган ўлжаларни қабул қилишлари Аллоҳ Таолонинг уларни кечирганига ва қилган амалларини қабул қилганига далиллар.

Аллоҳ Таоло бу муборак оятни Ўзининг уларни кечирганини баён қилиш ва уларни мақташ билан якунлаяпти.

﴿أَوْلَئِكَ يَرْجُونَ رَحْمَةَ اللَّهِ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

— „Ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Аллоҳ магфират ва раҳм-шафқат қилгувчиidir“. [2:218]



## МУНДАРИЖА

<b>Биринчи пора, иккинчи қисм, тұртқынчи чорак.....</b>	<b>4</b>
﴿وإذ ابْتَلَى إِبْرَاهِيمَ.....عَهْدِي الظَّالِمِينَ﴾ (124) тафсири.....	7
﴿وَإِذْ جَعَلْنَا الْبَيْتَ.....وَالرُّكُعَ السَّاجِدُ﴾ (125) тафсири .....	9
﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمَ.....وَبَشَّسَ الْمَصِيرَ﴾ (126) тафсири .....	13
﴿وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمَ.....الْغَنِيَّ الْحَكِيمُ﴾ (127-129) тафсири .....	15
﴿وَمَنْ يَرْغَبُ.....عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾ (130-134) тафсири.....	19
Иброҳим дини ҳақида .....	21
﴿وَقَالُوا كُنُوا هُودًا.....وَنَحْنُ لَهُ عَابِدُونَ﴾ (135-138) тафсири.....	26
﴿فَلَمَّا أَخَجَوْنَا.....عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾ (139-141) тафсири.....	31
<b>Иккинчи пора, учинчи қисм .....</b>	<b>36</b>
<b>Иккинчи пора, учинчи қисм, биринчи чорак.....</b>	<b>37</b>
﴿سَيَقُولُ السَّفَهَاءُ.....إِنَّكَ إِذَا لَمْنَ الظَّالِمِينَ﴾ (142-145) тафсири .....	41
﴿الَّذِينَ آتَيْنَاهُمْ.....وَلَعِلَّكُمْ تَهْتَدُونَ﴾ (146-150) тафсири.....	54
﴿كَمَا أَرْسَلْنَا فِيهِمْ.....وَلَا تَكْفُرُونَ﴾ (151-152) тафсири .....	59
﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا.....وَأَوْلَئِكَ هُمُ الْمُهَتَّدُونَ﴾ (153-157) тафсири .....	61
Сабр ҳақида .....	64
<b>Иккинчи пора, учинчи қисм, иккинчи чорак .....</b>	<b>68</b>
﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ.....فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلَيْهِ﴾ (158) тафсири.....	71
﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ.....هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ﴾ (159-163) тафсири.....	76
﴿إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ.....لَقَوْمٌ يَعْقِلُونَ﴾ (164) тафсири .....	79
﴿وَمَنْ مِنَ النَّاسِ.....وَمَا هُمْ بِخَارِجِينَ مِنَ النَّارِ﴾ (165-167) тафсири .....	82
﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ.....إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾ (168-173) тафсири .....	87
﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ.....لَفِي شَقَاقٍ بَعِيدٍ﴾ (174-176) тафсири .....	93
<b>Иккинчи пора, учинчи қисм, учинчи чорак .....</b>	<b>98</b>
﴿لَيْسَ الْبَرُ.....وَأَوْلَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ﴾ (177) тафсири .....	101
﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ.....لَعِلَّكُمْ تَتَّقَوْنَ﴾ (178-179) тафсири .....	105

﴿كَتَبَ عَلَيْكُمْ.....اللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾ (180-182)	тафсири.....	111
﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا.....وَلِعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾ (183-185)	тафсири .....	117
﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عَبْدِي.....لَعَلَّهُمْ يَرْشَدُونَ﴾ (186)	тафсири.....	129
Дуо ҳақида .....		130
﴿أَحَلَ لَكُمْ لَيْلَةً.....لَعَلَّهُمْ يَسْتَقِنُونَ﴾ (187)	тафсири .....	136
﴿وَلَا تَأْكُلُوا.....وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾ (188)	тафсири .....	141
<b>Иккинчи пора, учинчи қисм, тўртингчи чорак .....</b>	<b>144</b>	
﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْأَهْلَةِ.....لَعَلَّكُمْ تَفْلِحُونَ﴾ (189)	тафсири.....	147
﴿وَقَاتَلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ.....إِلَّا عَلَى الظَّالِمِينَ﴾ (190-193)	тафсири .....	151
﴿الشَّهْرُ الْحَرَامُ.....إِنَّ اللَّهَ يَحِبُ الْخَسَنَيْنِ﴾ (194-195)	тафсири.....	165
﴿وَأَتَوْا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ.....أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ﴾ (196)	тафсири .....	169
﴿الْحَجَّ أَشْهُرٌ.....إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾ (197-199)	тафсири.....	180
﴿فَإِذَا قَضَيْتَمْ.....وَاللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ﴾ (200-202)	тафсири .....	189
<b>Иккинчи пора, биринчи қисм .....</b>	<b>192</b>	
<b>Иккинчи пора, тўртингчи қисм, биринчи чорак .....</b>	<b>193</b>	
﴿وَادْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ.....إِلَيْهِ تَخْشُونَ﴾ (203)	тафсири .....	196
﴿وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَعْجِبُكَ.....وَاللَّهُ رَؤُوفٌ بِالْعَبَادِ﴾ (204-207)	тафсири .....	201
﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا.....وَإِلَى اللَّهِ تَرْجِعُ الْأُمُورُ﴾ (208-210)	тафсири....	207
﴿سُلْ بْنِ إِسْرَائِيلَ.....بَغْيَ حِسَابِ﴾ (211-212)	тафсири .....	216
﴿كَانَ النَّاسُ أُمَّةً.....أَلَا إِنْ نَصَرَ اللَّهُ قَرِيبٌ﴾ (213-214)	тафсири .....	220
﴿يَسْأَلُونَكَ مَاذَا.....فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ﴾ (215)	тафсири .....	225
﴿كَتَبَ عَلَيْكُمْ.....وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾ (216-218)	тафсири .....	230



